



<https://interscience.uz/>

ISSN 2181-1709 (P)

ISSN 2181-1717 (E)

SJIF: 3,546 (2020)

2022/№ 7

ТАЪЛИМ ВА  
ИННОВАЦИОН  
ТАДҚИҚОТЛАР

ОБРАЗОВАНИЕ И  
ИННОВАЦИОННЫЕ  
ИССЛЕДОВАНИЯ

EDUCATION AND  
INNOVATIVE  
RESEARCH

**ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР  
ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH**



**№7, 2022  
июль**

<p>Муассис: Бухоро давлат университети Фан ва таълим МЧЖ</p> <p>Бош муҳаррир: Маъмуров Баҳодир Бахшуллаевич</p> <p>Жамоатчилик кенгаши раиси: Хамидов Обиджон Хафизович, Бухоро давлат университети ректори</p> <p>Таҳририят кенгаши раиси: Маҳмудов Мэлс Ҳасанович</p> <p>Масъул котиб: Акрамова Гулбахор Ренатовна</p> <p>Техник муҳаррир: Давронов Исмоил Эргашевич</p> <p>Таҳририят манзили: Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчаси, 16-уй</p> <p>Телефон: +998(90)744-00-22</p> <p>E-mail: eirjurnal2020@gmail.com</p> <p>Журналнинг электрон сайти: www.interscience.uz</p> <p>Журнал ОАК Раёсатининг 2021 йил 30 сентябрдаги 306/6-сон Қарори билан ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ФИЛОЛОГИЯ, ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган</p> <p>Босишга рухсат этилди: 22.06.2022 й. Қоғоз бичими 60x84 1/8. б/т.12,5. Буюртма рақами 12 «FAN VA TA'LIM» нашриётида чоп этилди. Бухоро шаҳар</p> <p>Журнал 28.07.2021 йилда 9305 рақами билан Ўзбекистон Омма- вий ахборот воситалари давлат рўйхатидан ўтган</p> <p>Журнал 2020 йилда ташкил топди ва 2 ойда 1 марта чоп этилди. 2021 йил ноябрь ойдан бошлаб хар ойда 1 марта ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилади</p> <p>«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-ме- тодик журналдан кўчириб босиш таҳририятнинг розилиги билан амалга оширилади</p> <p>Мақолада келтирилган фактларнинг тўғрилиги учун муаллиф масъулдир</p>	<p><b>07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ</b></p>	
	Хайитов Ш., Рашидов О. Бухорои Шариф Хўжалари шажараси – тарихчи олим талқинида	7
	Жумаева Ш. Ч. Мамлакатимизда чорвачилик соҳасида амалга оширилган дастлабки ислохотлар (Сурхондарё мисолида)	10
	Садуллаев Д. Б. Становление философских понятийных групп в историческом фокусе	14
	Toshtemirova S. A. Aholi ro`yxatlaridagi etnodemografik ma'lumotlarning tarixiy aspektlari	20
	Qodirova R. M. Turkistonda xalq maorifi tizimida milliy cheklanish va soveflashtirish jarayonlarining boshlanishi	26
	Rahmanova O. R. Abbosiy xalifalarining hukmronlik tarixi rus sharqshunoslari talqinida	32
	Ҳамидова С. З. Аёллар кийимларидаги анъанавийлик ва эволюцион жараёнлар (Жанубий Ўзбекистон аҳолиси мисолида)	40
	<b>10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>	
	Бакиров П. У., Бозоров П. Ф. Чеховские традиции в «Женской прозе»	46
	Бердикулова Г. И. Социоллингвистические аспекты обучения русскому языку местного населения туркестана (вторая половина XIX – начало XX века)	50
	Абдуллаева Р. Х. Своеобразие мировидения человека и окружающего его мира в пословицах русского и узбекского языков с точки зрения эстетики	55
	Habibova M. N. O'zbek mumtoz adabiyotida noma janri va uning janr sifatida shakllanishi	59
	Eshmuminov A. Tilshunoslikda meronimiya hodisasi tadqiqi	64
	Asqarova M.B. "Temurnoma" asarining leksik qatlami	68
	Sajdova Z. Kh. Basic features of phraseological units	72
	Nazarova N. A. Lexico-semantic features of anthroponyms	76
	Navruzova N. X. Konnotativ ma'noning badiiy asarlarda ifodalanishi	80
	Ruziyeva N. Z. Classification and functions of euphemisms	83
	Казакова Р. М. История создания и культурно- историческое значение текста «Бабур-наме». эпиграммы Бабура	87

Раджабова Г. А. Трансформация мотива кукольности в произведениях Н.С. Лескова 1880-90-е г (на примере мировой литературы)	91
Uşarova L. Vadiiy tafakkurning rivojlanishida aka-uka Grimmlar oʻrni va afsonaviy obrazlar talqini	95
Ўринова М. Н. Болалар фольклорининг янги тараққиёт босқичлари	101
Nurmatova Sh. A. Xitoy folklori tadqiqi masalalari	106
Акрамова С.Р. Жамол Камол шеърларида синестетик метафораларнинг ўзига хос қўлланиши	112
13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
Artikov M. B., Ajiyeva M. B., Umrbekova M. U. Kimyo fanini oʻrganishda talabalarning ijodiy faoliyatini shakllantirishning asosiy tarkibiy qismlari	116
Farmonova M. A. Oliy taʼlim muassasasi talabalari uchun botanika fanidan yaratilgan mobil ilovaning dasturiy imkoniyatlari	122
Toʻxtayeva F. Sh. Taʼlim jarayoniga kompetensiyaviy yondoshuvda pedagogning raqamli kompetentlikning ahamiyati.	131
Джалолова Д. Ф., Азимова М.Н. Олий таълим талабаларида тадқиқотчилик компетенциясини шакллантириш модели	135
Валиев А. А. Ватанпарвар ёшлар тарбиясида иймон-этикод туйғуларини шакллантириш	142
Hasanova G. Maktabgacha taʼlim tashkilotlarida noanʼanaviy faoliyatlar va anʼanaviy faoliyatlarning bir biridan farqi va ularning maktabgacha yoshdagi bolalar tarbiyasidagi ahamiyati	145
Байджанова И. А. Ота-она ва бола муносабатлари болаларнинг шахсиятини шакллантириш омиллари	148
Makhamadjanova N. The importance of school management digitalization	153
Муратова Н. Б. Педагогик йўналишдаги олий таълим муассасалари талабаларида ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш тамойиллари	158
Зияева М. Ф. Олий таълим тизимида педагогик неология асосида талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришнинг педагогик мазмуни	164
Кубаев А. С. Раҳбар коммуникатив фаолиятини такомиллаштириш йўллари	170
Дилова Н. Ф., Ражабова К. Ф. Халқаро баҳолаш дастурларидан фойдаланишда жаҳон таълими билан интеграциялаш- таълим сифатини ошириш омилли	174
Ashurova Z. M. Maktabgacha taʼlimda steam texnologiyasini qoʻllashning ahamiyati	179
Уснатдинова Ж. Ш. Болаларда ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини ривожлантиришда мактабгача катта ёш даврининг ўзига хос хусусиятлари	184
Odilova F. V. Maxsus tibbiy guruhlarda jismoniy tarbiya darslarini oʻtkazishning oʻziga xos jihatlari	188
Тўрабоева М. Р. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг шахсий-креатив компетенциясини ривожлантириш технологияси	193
Eldasheva G. V. Bilim - bu kashfiyot jarayoni: konstruktivizm taʼlimni qanday oʻzgartirdi	201
Ходжамбердиев М. С. Ўқувчиларга яхлит, тизимлаштирилган билимлар беришнинг баъзи масалалари	204
Melikuziev D. J. PISA assignments as a means of testing and evaluating students' knowledge	208
Орлова Т. А. современное состояние знание студентов педагогических вузов по решению астрономических задач	212
Mahmudova Ch. I. Geografik nomlarni tasniflash	219

Quzmanova G. B., Yermatova D. A. O'rinlashtirishlarga doir kombinatorika masalalarini tahlil qilish orqali yechish usullari	224
Axmadjonov D. B. Bag'rikenglik fenomeni ijtimoiy – madaniy muammo sifatida	228
Qoshanova N. M. Zamonauiy pedagogikaning “Tarbiya” fani uqituvchisiga kuyadigan kasbii talablari	234
Ilmurodova F. Sh. Ta'lim sifatiga ta'sir etuvchi omillar va uni samaradorligini oshirishga karatilgan innovatsion endashuvlar	241
Xurvalieva T. L., Teshabaeva Z. S. Ma'ktabgacha yoshdagi bolalarni atrof olam bilan tanishtirishda milliy va xorijiy tajribalar	248
Tilakova M. A., Eshmanova N. N. Ta'lim tizimi va mazmunini takomillashtirishda “Virtual ekskursiya” metodini qo'llanilishining ahamiyati	255
G'ulyamova X. Tilshunoslik sathlari orasidagi bog'liqlik ona tilini o'qitishning ilmiy asosi	260
Qarshieva D. E. Xorij pedagogik ta'limida “Maktab klasteri”	265
Karimova D. S. Zarдуштийликда бола тарбияси масаласи (қиёсий таҳлил)	272
Na'fasov A. K. Pedagogik ta'lim innovatsion klasteri -mamlakatimiz ta'lim sohasida zamonauiy endashuv sifatida	278
Tohibov N. N. Fanlararo integratsiya asosida bu'ljak uchuvchi-muhandislarнинг kasbii kompetentligini rivojlanitirish metodikasi	283
Murtazoyev A. N., Shodiyeva S. U. Ta'lim jarayonida elektron ta'lim resurslarini qo'llash muammolari	287
Umarova U. U. Masofaviy ta'limda talabalarнинг kasbii kompetensiyasini rivojlanitirish metodikasi haqida ba'zi mulohazalar	292
Kadirimbetova G. R. Fizika ta'lim yo'nalishi talabalarining axborot kommunikatsiya texnologiya kompetentligini rivojlanitirish	298
Azimov Yu. Uquvchilarда креатив фикрлашни шакллантириш ва ривожлантириш	302
19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Xaydarova X. P. Ongli fil'tirlash - ota-onalar virtual-pedagogik madaniyatini rivojlanitirishning zaruriyati sifatida	307
Mirzaev K. K. Креатив endashuv asosida maktabgacha eshдаги болалар тафаккурини ривожлантириш	311
Qosimova S. T. Autizm, Art-terapiya va natija	319
O'rinbaeva D. A. O'rta maxsus harbiy ta'lim muassasalarida yoshlarni harbiy sohaga qiziqitirishning vatanparvarlik omillari	323
Usmonov Sh. A. Talabalarдаги ақлий қобилиятларни етакчи сигналлар тизимига боғлиқлигини урганилиши	328
Raupova Sh. A. Eshtar psixik salomatligining айрим масалалари	334
Muratova D. Special competencies: research competency	338
Jumagulov G'. H. Iqtidorli o'quvchilarning intellektual qobiliyatlarini rivojlanitirishda geometrik bilimlarning o'rni	342
Abdunazarov A. O. Aqli zaif bolalarni ijtimoiy hayotga tayyorlash masalasi dolzarb psixologik-pedagogik muammo sifatida	345
Omonov B. M. Ijodkorlik harakat sifatida: beshta ijodiy sohaning topilmalari	351
Nurymbetova E. Dz. Особенности тревоги сотрудников ОВД	355



## ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР

### ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ

**Джурев Рисбой Хайдарович**, педагогика фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги  
**Шамсутдинов Рустамбек Темирович**, Андижон давлат университети профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори  
**Мажидов Ином Урушев**, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети.  
**Олимов Кахрамон Танзилевич**, педагогика фанлари доктори, профессор, А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети Тошкент филиали  
**Таджиходжаев Зокирхўжа Абдусатторович**, техника фанлари доктори, профессор  
**Мусурмонова Ойнисо**, педагогика фанлари доктори, профессор  
**Сафарова Роҳат Гайбуллоевна**, педагогика фанлари доктори, профессор, Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти.  
**Ибрагимов Холбой Ибрагимович**, педагогика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

### ТАХРИРИЯТ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ

**Артамонова Екатерина Иосифовна**, педагогика фанлари доктори, профессор, Москва давлат педагогика университети, Халқаро педагогика фанлари академиясининг президенти  
**Емельянова Ирина Евгеньевна**, педагогика фанлари доктори, профессор, Жанубий-урал давлат ижтимоий-педагогика университети, Россия  
**Кузьменко Галина Анатольевна**, педагогика фанлари доктори, профессор, Москва давлат педагогика университети, Жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик институти  
**Олимов Ширинбой Шарофович**, педагогика фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети  
**Сафаралиев Бозор Сафаралиевич**, педагогика фанлари доктори, профессор, Челябинск давлат академияси  
**Жўраев Хусниддин Олтинбоевич**, педагогика фанлари доктори, доцент, Бухоро давлат университети  
**Кулишов Владимир Васильевич**, педагогика фанлари доктори, профессор, Давлат иқтисодиёт ва технология университети проректори, Кривой Рог, Украина  
**Лазаренко Ирина Рудольфовна**, педагогика фанлари доктори, профессор, Алтай давлат педагогика университети ректори, Россия  
**Филиппова Оксана Геннадьевна**, педагогика фанлари доктори, профессор, Жанубий-урал давлат ижтимоий-педагогика университети, Россия  
**Христо Кючук**, педагогика фанлари доктори, Умумий тилишуносик ва психоллингвистика профессори, Берлин Эркин университети, Туркология институти, Халқаро психоллингвистика ва Социоллингвистика журнали асосчиси ва муҳаррири, Германия  
**Кумсков Михаил Иванович**, физика-математика фанлари доктори, профессор, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети  
**Тилавова Матлаб Мухаммадовна**, педагогика фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети  
**Дилова Наргиза Гайбуллоевна**, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети  
**Максименко Сергей Дмитриевич**, академик, психология фанлари доктори, профессор, Украина Миллий педагогика фанлари академиясининг академиги  
**Умаров Бахриддин Мингаевич**, психология фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат педагогика университети  
**Козлов Владимир Васильевич**, психология фанлари доктори, профессор, Халқаро психология фанлари академияси президенти, П.Г.Демидова номидаги Ярославль давлат университети, Россия  
**Жабборов Азим Мейликулович**, психология фанлари доктори, профессор, Қариш давлат университети  
**Бафев Мухиддин Мухаммадович**, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети  
**Падалка Олег Семенович**, педагогика фанлари доктори, профессор, М.П. Драгоманова номидаги педагогика миллий университети, Украина  
**Ражабов Дилиход Зарипович**, филология фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети  
**Маджидова Раъно Уришевна**, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
**Файзуллаев Мухаммад Бакаевич**, филология фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети  
**Жамилова Баширота Сатторовна**, филология фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети  
**Юсупова Хилола Уктамонова**, филология фанлари номзоди, доцент, Бухоро муҳандислик-технология институти  
**Рўзиева Моҳичехра Ғабубовна**, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети  
**Иноятов Сулаймон Иноятович**, тарих фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети  
**Ражабов Кахрамон Кенжаевич**, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти етакчи илмий ходими  
**Хазретали Турсун**, тарих фанлари доктори, профессор, Хожя Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети профессори  
**Мамедова Ирада**, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент, Озарбайжон Миллий академияси Тарих институти бўлим бошлиғи  
**Жумаев Рустам Ғаниевич**, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети  
**Тимур Хўжаюгли**, тилишунос ва адабиётшунос олим, Мичиган университети профессори (AKII)  
**Nurettin Naitoğlu** Doç. Dr., Zonguldak Bülent Ecevit Üniversitesi Fen-Edebiyat Fakültesi Tarih Bölümü (Turkiya)  
**Хайитов Шодмон Ахмадович**, тарих фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети  
**Муллоджанов Сайфулло Кучакович**, тарих фанлари доктори, профессор, Тожикистон миллий университети  
**Долгов Вадим Викторович**, тарих фанлари доктори, профессор, Удмурт давлат университети, Россия  
**Аршикова Хафиза Тўймуродовна**, биология фанлари доктори, доцент, Бухоро давлат университети  
**Наврузова Шакар Истамовна**, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат тиббиёт институти  
**Гушко Сергей Владимирович**, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Давлат иқтисодиёт ва технология университети проректори, Кривой Рог, Украина  
**Куралов Кобулжон Қулманович**, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази директори  
**Маманазаров Абдухаким Бозорович**, иқтисодиёт фанлари фан номзоди, доцент, Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиали  
**Соҳибов Акрам Рустамович**, педагогика фанлари номзоди, доцент, Қариш давлат университети  
**Умаров Бахшудло Жўраевич**, педагогика фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети  
**Ҳасанова Гулноз Қосимовна**, педагогика фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети

## ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

### ЧЛЕНЫ ОБЩЕСТВЕННОГО СОВЕТА

- Джусраев Рисбой Хайдарович**, доктор педагогических наук, академик АНРУз  
**Шамсутдинов Рустамбек Темирович**, профессор Андиганского государственного университета, заслуженный работник культуры Узбекистана, доктор исторических наук  
**Мажидов Ином Урушев**, доктор технических наук, профессор, Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека  
**Олимов Кахрамон Танзилович**, доктор педагогических наук, профессор. Ташкентский филиал Российского государственного педагогического университета имени А.И. Герцена  
**Таджиходжаев Зокирхужа Абдусатторович**, доктор технических наук, профессор  
**Мусурмонова Ойнисо**, доктор педагогических наук, профессор  
**Сафарова Рохат Гайбуллоевна**, доктор педагогических наук, профессор, Узбекский научно-исследовательский институт педагогических наук имени Т. Н. Кори-Ниязи  
**Ибрагимов Холбой Ибрагимович**, доктор педагогических наук, профессор, Узбекский государственный университет мировых языков

### РЕДАКЦИОННО-ИЗДАТЕЛЬСКИЙ СОВЕТ

- Артамонова Екатерина Иосифовна**, доктор педагогических наук, профессор, Московского государственного педагогического университета. Президент Международной академии педагогических наук  
**Емельянова Ирина Евгеньевна**, доктор педагогических наук, профессор, Южно-уральский государственный гуманитарно-педагогический университет. Россия  
**Кузьменко Галина Анатольевна**, доктор педагогических наук, профессор. Московский государственный педагогический университет, Институт физической культуры, спорта и здоровья  
**Олимов Ширинбой Шарофович**, доктор педагогических наук, профессор. Бухарский государственный университет  
**Сафаралиев Бозор Сафаралиевич**, доктор педагогических наук, профессор кафедры социально-культурной деятельности Челябинской государственной академии  
**Джусраев Хусниддин Олтинбоевич**, доктор педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет  
**Кулишов Владимир Васильевич**, доктор педагогических наук, профессор. Государственный университет экономики и технологий, Кривой Рог, Украина  
**Лазаренко Ирина Рудольфовна**, доктор педагогических наук, профессор. Ректор Алтайского государственного педагогического университета, Россия  
**Филиппова Оксана Геннадьевна**, доктор педагогических наук, профессор. Южно-уральский государственный гуманитарно-педагогический университет. Россия  
**Христо Кючуков**, доктор педагогических наук. Профессор общего языкознания и психолингвистики. Свободный университет Берлина, Институт тюркологии. Редактор Международного журнала психолингвистики и социолингвистики, Германия  
**Кумсков Михаил Иванович**, доктор физико-математических наук, профессор Московского государственного университета им. М.В. Ломоносова  
**Тилавова Матлаб Мухаммадовна**, кандидат педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет  
**Дилова Наргиза Гайбуллоевна**, PhD по педагогическим наукам, доцент. Бухарский государственный университет  
**Максименко Сергей Дмитриевич**, академик, доктор психологических наук, профессор. Академик Национальной академии педагогических наук Украины  
**Умаров Бахриддин Мингаевич**, доктор психологических наук, профессор. Ташкентский государственный педагогический университет  
**Козлов Владимир Васильевич**, доктор психологических наук, профессор. Ярославского государственного университета им. П.Г. Демидовой. Президент Международной академии психологических наук, Россия  
**Жаббаров Азим Мейликулович**, доктор психологических наук, профессор. Каршинский государственный университет  
**Бафев Мухиддин Мухаммадович**, PhD по психологическим наукам. Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами  
**Падалка Олег Семенович**, доктор педагогических наук, профессор, Национального педагогического университета имени М.П. Драгоманова, Украина  
**Ражабов Дилиод Зарипович**, доктор филологических наук, профессор. Бухарский государственный университет  
**Маджидова Раъно Уришевна**, доктор филол. наук, профессор, Узбекский государственный университет мировых языков.  
**Файзуллаев Мухаммад Бакаевич**, кандидат филологических наук, доцент. Бухарский государственный университет  
**Жамилова Башират Сатторовна**, кандидат филологических наук, доцент. Бухарский государственный университет  
**Юсупова Хилола Уктамовна**, кандидат филологических наук, доцент. Бухарский инженерно-технологический институт  
**Рузиева Мохичехра Якубовна**, PhD по филологическим наукам, доцент. Бухарский государственный университет  
**Иноятов Сулаймон Иноятович**, доктор исторических наук, профессор. Бухарский государственный университет  
**Ражабов Кахрамон Кенжаевич**, доктор исторических наук, профессор, Ведущий научный сотрудник института Истории Академии наук Узбекистана  
**Хазретали Турсун**, доктор исторических наук, профессор Международного казахско-турецкого университета имени Ходжи Ахмади Яссави  
**Мамедова Ирада**, PhD по историческим наукам, доцент, заведующий институтом истории Национальной Академии Азербайджана  
**Джусраев Рустам Ганиевич**, PhD по политологии, доцент. Бухарский государственный университет  
**Тимур Хужаугли**, лингвист и литературовед. Профессор Мичиганского университета (США)  
**Nurettin Natipoğlu**, Assoc. доктор, университет Зонгулдак Бюлент Эджевит, факультет искусств и наук, исторический факультет (Турция)  
**Хайитов Шодмон Ахмадович**, доктор исторических наук, профессор. Бухарский государственный университет  
**Муллоджанов Сайфулло Кучакович**, доктор исторических наук, профессор. Национальный университет Таджикистана  
**Долгов Вадим Викторович**, доктор исторических наук, профессор. Удмуртский Государственный Университет. Россия  
**Артикова Хафиза Туймуродовна**, доктор биологических наук, доцент. Бухарский государственный университет  
**Наврзובה Шакар Истамовна**, доктор медицинских наук, профессор, Бухарский государственный медицинский институт  
**Гушко Сергей Владимирович**, доктор экономических наук, профессор, проректор Государственного экономико-технологического университета, Кривой Рог, Украина  
**Куролов Кобулжон Кулманович**, доктор экономических наук, профессор. Центр переподготовки и переподготовки преподавателей при Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова  
**Маманазаров Абдурахим Бозорович**, кандидат экономических наук, доцент. Ташкентский филиал МГУ им. М.В. Ломоносова  
**Сохибов Акрам Рустамович**, кандидат педагогических наук, доцент. Каршинский государственный университет  
**Умаров Бахиудullo Джусраевич**, кандидат педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет  
**Хасанова Гулноз Касимовна**, кандидат педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет

**EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH****MEMBERS OF THE PUBLIC COUNCIL**

**Djuraev Risboy Haydarovich**, Doctor of Pedagogical Sciences, Academician of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

**Shamsutdinov Rustambek Temirovich**, Professor of Andijan State University, Honored Worker of Culture of Uzbekistan, Doctor of Historical Sciences

**Majidov Inom Urushevich**, Doctor of Technical Sciences, Professor. National University of Uzbekistan.

**Olimov Kahramon Tanzilovich**, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Tashkent branch of the Russian State Pedagogical University named after AI Gertsen

**Tadjikhodjaev Zokirkhoja Abdusattorovich**, Doctor of Technical Sciences, Professor

**Musurmonova Oyniso**, doctor of pedagogical sciences, professor

**Safarova Rohat Gaybulloevna**, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, Uzbek Scientific Research Institute of Pedagogical Sciences named after TN Qori-Niyazi.

**Ibragimov Kholboy Ibragimovich**, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, Uzbekistan University of World Languages

**MEMBERS OF EDITORIAL COUNCIL**

**Artamonova Ekaterina Iosifovna**, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, President of the Moscow State Pedagogical University, International Academy of Pedagogical Sciences

**Emelyanova Irina Evgeneevna**, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, South Ural State Humanitarian Pedagogical University, Russia

**Kuzmenko Galina Anatolevna**, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Moscow State Pedagogical University, Institute of Physical Culture, Sports and Health

**Olimov Shirinboy Sharofovich**, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Bukhara State University

**Safaraliev Bozor Safaralievich**, doctor of pedagogical sciences, professor. Chelyabinsk State Academy

**Juraev Husniddin Oltinboevich**, Doctor of Pedagogical Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

**Kulishov Vladimir Vasilevich**, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Vice-Rector of the State University of Economics and Technology, Krivoy Rog, Ukraine

**Lazarenko Irina Rudolfovna**, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Rector of Altai State Pedagogical University, Russia

**Filippova Oksana Gennadevna**, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. South Ural State Humanitarian Pedagogical University, Russia

**Christo Kyuchukov**, Doctor of Pedagogical Sciences. Professor of General Linguistics Psycholinguistics. Free University of Berlin, Institute of Turkology. Founder and editor of the International Journal of Psycholinguistics and Sociolinguistics, Germany

**Kumskov Mikhail Ivanovich**, Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor. M.V. Lomonosov Moscow State University

**Tilavova Matlab Muhammadovna**, Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

**Dilova Nargiza Gaybullaevna**, PhD in pedagogical sciences, associate professor. Bukhara State University

**Maksimenko Sergey Dmitrievich**, academician, doctor of psychological sciences, professor. Academician of the National Academy of Pedagogical Sciences of Ukraine

**Umarov Bakhriddin Mingbaevich**, Doctor of Psychological Sciences, Professor. Fergana State University

**Kozlov Vladimir Vasilevi**, Doctor of Psychological Sciences, Professor. President of the International Academy of Psychological Sciences, Yaroslavl State University named after PG Demidova, Russia

**Jabborov Azim Meylikulovich**, Doctor of Psychological Sciences, Professor. Karshi State University

**Bafaev Muhiddin Muhammadovich**, Doctor of Philosophy in Psychology PhD. Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

**Padalka Oleg Semenovich**, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, National Pedagogical University named after M.P. Dragomanova, Ukraine

**Rajabov Dilshod Zaripovich**, Doctor of Philology, Professor. Bukhara State University

**Madjidova Rano Urishевна**, Doctor of Philology Sci., Professor, Uzbek State University of World Languages, Tashkent, Uzbekistan

**Fayzullayev Muxammad Bakayevich**, Candidate of Philological Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

**Jamilova Bashorat Sattorovna**, Candidate of Philological Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

**Yusupova Hilola Uktamovna**, Candidate of Philological Sciences, Associate Professor. Bukhara Institute of Engineering and Technology

**Ruzieva Mohichehra Yakubovna**, PhD in Philology, Associate Professor. Bukhara State University

**Inoyatov Sulaymon Inoyatovich**, Doctor of Historical Sciences, Professor. Bukhara State University

**Rajabov Qahramon Kenjaevich**, Doctor of Historical Sciences, Professor, Leading Researcher at the Institute of History of the Academy of Sciences of Uzbekistan

**Hazretili Tursun**, Doctor of Historical Sciences, Professor of the International Kazakh-Turkish University named after Khoja Ahmad Yassavi

**Mamedova Irada**, Doctor of Philosophy PhD, ex. History, Associate Professor, Head of the Institute of History of the National Academy of Azerbaijan

**Jumaev Rustam Ganievich**, Doctor of Philosophy (PhD) in Political Science, Associate Professor. Bukhara State University

**Timur Khuzhaugli**, linguist and literary critic. Professor at the University of Michigan (USA)

**Nurettin Hatunoğlu Assoc. Dr.**, Zonguldak Bulent Ecevit University, Faculty of Arts and Sciences, Department of History (Turkey)

**Khayitov Shodmon Akhmadovich**, Doctor of Historical Sciences, Professor. Bukhara State University

**Mullojanov Sayfullo Kuchakovich**, Doctor of Historical Sciences, Professor. National University of Tajikistan

**Dolgov Vadim Viktorovich**, Doctor of Historical Sciences, Professor. Udmurt State University. Russia

**Artikova Hafiza Tuymurodovna**, Doctor of Biological Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

**Navruzova Shakar Istamovna**, Doctor of Medical Sciences, Professor. Bukhara State Medical Institute

**Gushko Sergey Vladimirovich**, Doctor of Economics, Professor, Vice-Rector of the State University of Economics and Technology, Krivoy Rog, Ukraine

**Kurolov Kobuljon Kulmanovich**, Doctor of Economics, Professor. Director of the center for retraining and retraining of teachers at the tashkent state technical university named after Islam Karimov

**Mamanazarov Abdulkhakim Bozorovich**, Candidate of Economic Sciences, Associate Professor. Tashkent branch of Lomonosov Moscow State University M.V. Lomonosov

**Sohibov Akram Rustamovich**, candidate of pedagogical sciences, associate professor. Karshi State University

**Umarov Bakhshullo Djuraevich**, candidate of pedagogical sciences, associate professor. Bukhara State University

**Hasanova Gulnoz Kasimovna**, Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

**БУХОРОИ ШАРИФ ХЎЖАЛАРИ ШАЖАРАСИ – ТАРИХЧИ ОЛИМ ТАЛҚИНИДА**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.001>

*Шодмон Хайитов, Бухоро давлат ниверситети, тарих фанлари доктори, профессор*



*Рашидов Ойбек, Бухоро давлат университетини Жаҳон тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент*

Мустақиллик йилларида Ватан тарихини теран ва ҳақиқий талқин этиш, ёш авлодга аждодларимиз ким эканлигини англаштиришдек, хайрли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Совет ҳокимияти йилларида амалда таъқиқлаб қўйилган шажарашунослик борасида ҳам ибратли илмий изланишлар олиб борилаётганлиги ҳам эътиборга лойиқ. 2022 йилда Дурдона нашриётида отахон тарихчи, йирик хонадоннинг аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор С.И.Иноятовнинг шажара тарихига бағишланган салмоқли монографияси нашр этилди. [1] Мазкур тадқиқот узоқ йиллар давомида олим олиб борган илмий изланишлар, суҳбат ва мулоқотлар, фотолавларни тўплаш, тўпланган манба ва материалларни тизимга келтириш асосида заҳматли меҳнат ҳосиласи саналади. Зукко ва синчков олим монографияни яратишда давр талабини чуқур англаб, оиланинг XVIII – XXI асрлар давомидаги шажарасини йирик бир чинор дарахтининг шоҳлари ва япроқлари сингари асослаб берган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишининг ижроси сифатида олим масалага ўта масъулият билан ёндашган. Ушбу фармойишнинг ижросини таъминлаш йўлидаги ушбу хайрли қадам аждодлар меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга хизмат қилади.

Муаллиф ушбу монографияни яратар экан ўз олдидаги мақсади ҳақида “Аждодлар ва ўтган авлодларнинг руҳини шод қилиш ва ота-боболаримизнинг орзуси ва васияти бўлган муҳим ишга қўл уриб, Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Файзулла Хўжаев аждодлари ва авлодлари шажарасини баҳоли-қудрат ёритишга киришдик” деб таъкидлайди.

Мазкур монография китоб яратишнинг анъанавийлик хусусиятидан бир қадар ўзгача бўлиб, унинг муқоваси ичидаги Бухорои шарифда савдо ва тижорат соҳасида таниқли бўлган Кароматуллохўжадан бошланган Қосимхўжа ва Пўлатхўжаларнинг шажараларига тегишли инсонлар исми-шарифлари тизимли ҳолда, кетма-кетликда жадвалда берилган. Бухоро қорақўлтерисининг улгуржи савдоси билан машғул бўлган бу хонадон XVIII – XIX асрларда нафақат Туркистон минтақасида, балки узоқ ва яқин хорижда ҳам яхши танилган эди. Қосимхўжанинг фарзандлари Гаффорхўжа, Латифхўжа ва Убайдуллохўжалар Россия давлатининг Санк-Петербурги, Москва, Нижний Новгород, Олмониянинг Лейпциги, Эроннинг Техрон, Табризи, Туркиянинг Истанбули, Анқара, Измир шаҳарларидаги ўнлаб ярмакаларида ўз моллари билан мунтазам иштирок этиб, қорақўлтериси сотадиган хусусий



савдо расталарига эга бўлганлар.

Устоз Сулаймон Иноятовнинг монографиясини varaқлар экансиз, олим ханузгача илмий жамоатчиликка мавҳум бўлаётган манбаларни Россия Федерацияси ва Ўзбекистондаги қатор архивларда излаб тоганлиги, оғзаки тарих (орал истории) маълумотларига таянганлиги, қимматли тарихий ҳужжатлар, даврий матбуот материаллари, кўп сонли фотосуратлар тўплаганлиги кабилардан воқиф бўласиз.

Олим фарзандлик ва ягона шажарага мансублик масъулиятини чуқур ҳис қилиб, амакиси Файзулла Хўжаевнинг қабрини излаб топиш мақсадида Россия Федерацияси ҳукумат органларига бир неча хатлар ва илтимосномалар юборди. Унинг бу борадаги уринишлари натижасиз кетаётган эди. Ниҳоят, узок изланишлар ўзининг самарасини берди. Россия Федерацияси президенти В.Путиннинг топшириғи билан 2018 йил бошида “Махсус Коммунарка” тарихий хотира майдони ташкил этилган. Бухоро давлат университетининг бир гуруҳ олимлари – Сулаймон Иноятов, Баҳодир Маъмуров, Обиджон Жумаевлар 2018 йил декабрь ойида Москва шаҳридан 50 км узокликда жойлашган катағон қурбонлари дафн этилган ёдгорликка бориб уни зиёрат қиладилар. Дарвоза ичкарасида қора мрамрдан тикланган тахтада “Памятник жертвам репрессии 1937–1941 г.г.” (“1937–1941 йиллар катағон қурбонларига ёдгорлик”) деган ёзув уйиб ёзилганди. Унинг орқасида эса 64 та тахта (доска) ўрнатилиб, 80–100 нафар катағон қурбонларининг номи ва отилган санаси кирилл алифбосида битилган. Шулар орасида Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов ва бошқа юзлаб катағон этилган ҳамюртларимизни номлари аниқланди. Монография саҳифаларида бу ҳақда батафсил маълумотлар келтирилганлиги муҳимдир.

Шунингдек, монографияда Файзулла Хўжаевнинг волидаси Райҳон Саидмурод қизи, укаси Ибодулла Хўжаев, синглиси Робия Убайдулла қизи, рафиқаси Малика Муҳаммаджон қизи, ягона киз фарзанди Вилоят Хўжаевларнинг ҳаёт йўллари ва тақдирлари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Хўжаевлар оиласи бошига тушган сургун азоблари, таъқиблар, Вилоят Хўжаевнинг турмуши ва унинг фарзандлари, неваралари ҳақида ҳамда фотолавҳалар монографиянинг янги маълумотларини ташкил этади.

Бухорои шариф хўжаларининг Файзулла Хўжа шажарасига туташадиган иккинчи тармоғи сифатида Пўлатхўжа Кароматуллохўжа ўғлининг шажараси ҳам келтирилган. Замонасининг илғор зиёлиси ва тижоратчиси бўлган Пўлатхўжа Бухорода жадид мактабини очишда ташаббус кўрсатганлиги ҳамда унинг фарзандлари Усмон Хўжа ва Отаулла Хўжаларни Туркияга ўқишга юборилгани монографияда келтирилган. Пўлатхўжанинг ҳовлисида Амир Абдулахадхон талаби билан жадид мактаби очилган. Бундан ташқари Пўлатхўжанинг Бухородаги ҳовлиси ҳақида, унинг фарзанди Усмон Хўжанинг ҳаёти ва Туркияда муҳожирликдаги фаолияти билан боғлиқ янги маълумотлар тақдим қилинганлиги монографиянинг илмийлигини кучайтирган. Усмон Хўжанинг 1947 йилда Туркияда туғилган ва бугунги кунда АҚШнинг Мичиган университетида профессор лавозимида фаолият юритаётган ўғли Темур Хўжа ҳозирда Туркистоннинг чигал ва мураккаб XIX аср охири – XX аср бошлари тарихини очиб беришда ибратли ишларни амалга оширмоқда. У ўз тадқиқотларини олиб боришда Ўзбекистонлик олимлар ва амакиваччаси профессор С.И.Иноятов билан қавм-қариндошлик ва илмий ҳамкорлик ришталарини боғлаган.

Пўлатхўжанинг иккинчи фарзанди Отаулла Хўжанинг сиёсий майдондаги фаолияти ҳақида муаллиф монографияда тўхталар экан, 1937 йилги Сталин катағонлари ушбу инсонни четлаб ўтмаганлигини қайд этади. Отаулла Хўжаевнинг ёлғиз фарзанди Иноятхўжа большевикларнинг таъқибидан



омон қолган. Иноятхўжа Атауллаев Супияхон ая билан турмуш қуриб, олти нафар ўғилни тарбиялаб вояга етказганлар. Шу оиланинг тўртинчи фарзанди Бухоронинг забардаст тарихчи олими Сулаймон Иноятов ҳисобланадилар. Иноятовлар хонадони бугун республикамизда қатор олимлар, шифокорлар, санаткорлар, маданият ходимлари, педагоглар етиштириб берган Ўзбекистонда танилган хонадондир. Ушбу оила вакиллари ҳукуратимиз томонидан қатор давлат мукофотлари билан тақдирланганлар. Профессор С.И.Иноятов эл ва Ватан олдидаги хизматлари учун “Дўстлик ордени, мустақиллик йиллари медаллари, Меҳнат фахрийси” каби кўкрак нишонлари билан мукофотланганлигининг ўзиёқ ибрат намунасидир.

Ҳозирги даврда мазкур монография сингари илмий-оммабоп тавсифдаги тадқиқотларни халқий кутмоқда. Устоз Сулаймон Иноятов шажарашуносликка оид монография яратиб, ўз аждодлари руҳини шод этди ҳамда авлодларга муносиб фарзандлик бурчини бажарди. Олим монографияси Бухорои шариф хўжалари ҳаёти ва фаолиятидаги барча деталарни қамраб олган, деган даъводдан йироқмиз. Усмон Хўжа ва Атоулло Хўжаларнинг падари бузруквори Пўлатхўжа умргузуронлик қилган йилларга аниқлик киритиш керак. С.И.Иноятов бобокалони Атоулла Хўжанинг Бухородан ташқари Қарши шаҳрида ҳукурат аъзоси сифатида олиб борган фаолияти, унинг ХХСР ва ТАССР ҳукурати аъзолари билан ҳам муносабатлари масалалари очик қолмоқда. Хуллас, профессор, оқсоқол тарихчи С.И.Иноятовга мустаҳкам соғлик, илмий-ижодларига баракот тилаган ҳолда, ушбу китобни иккинчи нашрини чоп этириш кунлари насиб қилишини яратгандан сўраб қоламиз.

#### Адабиётлар

1. Иноятов С. Бухорои шариф хўжалари: Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Файзулла Хўжаев аждодлари ва авлодлари шажараси. – Бухоро: “Дурдона”, 2022. –179 б.

## МАМЛАКАТИМИЗДА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ДАСТЛАБКИ ИСЛОҲОТЛАР (СУРХОНДАРЁ МИСОЛИДА)

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.002>

Жумаева Шоҳида Чориевна,

Термиз давлат университети Фуқаролик жамияти кафедраси  
катта ўқитувчиси

*Аннотация.* Ушбу мақолада Сурхондарё воҳасида аграр соҳа тармоқларидан бири бўлган чорвачилик соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилганлиги баён этилган. Шунингдек, мақолада қишлоқларда аграр соҳада фермер ва шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириши бўйича ҳуқуқий асосларнинг яратилиши ҳамда ушбу соҳада амалга оширилган айрим чора-тадбирлар ўз ифодасини топган.

*Калит сўзлар:* аграр соҳа, чорвачилик, фермер хўжалиги, ҳиссадорлик жамияти, иқтисодий ислоҳотлар, хусусийлаштириши.

## ПЕРВИЧНЫЕ РЕФОРМЫ, ПРОВЕДЁННЫЕ В ОБЛАСТИ ЖИВОТНОВОДСТВА В НАШЕЙ СТРАНЕ (НА ПРИМЕРЕ СУРХАНДАРЬИ)

Джумаева Шоҳида Чориевна,

старший преподаватель кафедры Гражданского общества  
Термезского государственного университета

*Аннотация.* В данной статье описаны комплексные реформы в животноводческой отрасли, одной из отраслей аграрного сельского хозяйства Сурхандарьинской области. Также в статье отражено создание нормативно-правовой базы для развития фермерских и личных приусадебных участков в аграрном сектора на селе, а также некоторые меры, проведённые в этой сфере.

*Ключевые слова:* аграрное отрасль, животноводство, фермерское хозяйство, акционерное общество, экономические реформы, приватизация.

## PRIMARY REFORMS CARRIED OUT IN THE FIELD OF ANIMAL HUSBANDRY IN OUR COUNTRY (BY THE EXAMPLE OF SURKHANDARYA)

Jumaeva Shohida Chorievna

Senior Lecturer, Department of Civil Society, Termez State University

*Abstract.* This article describes comprehensive reforms in the livestock industry, one of the branches of agricultural agriculture in the Surkhandarya region. The article also reflects the creation of a regulatory framework for the development of farm and personal household plots in the agricultural sector in the countryside, as well as some measures taken in this area.

*Key words:* agricultural sector, animal husbandry, farming, joint-stock company, economic reforms, privatization.

*Кириш.* Республикамиз иқтисодиётини муҳим соҳаларидан бири чорвачилик ҳисобланади. Мамлакатимизда соҳасини комплекс ривожлантиришга катта эътибор берилди. Бу борада самарали ишлар амалга оширилди. Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини иқтисодий барқарор ривожлантириш, чорвачилик тармоғининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида моддий ресурс ва маблағлар ажратилди.

Шунингдек, соҳа ходимларининг мулкка бўлган муносабати ўзгарди. Аграр соҳа ходимларини ҳақиқий мулк эгасига айлантириш, қишлоқларни ривожлантириш ва соҳа йўналишидаги малакали кадрлар билим даражасини янада ошириш мақсад қилиб белгиланди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига имтиёзли кредитлар ажратилиб, фермерлар имкониятлари кенгайтирилди. Бу ҳолат эса фермер хўжаликларининг ривожланиш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилди. Қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи яхшиланди.

Тадқиқот методологияси. Мақолада умумий қабул қилинган усуллар-тарихий таҳлил, қиёсий таққослаш, хронологик кетма-кетлик тамойиллари асосида Сурхондарё вилоятида чорвачилик соҳасида амалга оширилган ислохотларнинг хусусиятлари баён этилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мақола учун бирламчи маълумотларни Сурхондарё вилоят архивининг 1096-фонд 290, 296, 465, 1476, 2293, 2660, 2158 - ишларидан иборат ҳужжатлар ташкил этади. “Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти рақамларда (1991-2002 йиллар)” статистик тўплами ва “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг мустақиллик йилларидаги (1990-2011 йиллар) асосий тенденцияси ва кўрсаткичлари” статистик тўплам материалларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида кенг қамровли ислохотлар натижасида Сурхондарё воҳасида аграр соҳа тармоқларидан чорвачилик тизимида самарали ишлар амалга оширилди. Воҳада чорвачилик йўналишларида янгича қарашлар йўлга қўйилди. Шунингдек, замонавий чорвачиликнинг тараққий этишига имкон яратилди. Республикаимизда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши босқичма-босқич ислох этилди. Жумладан, «Ер тўғрисида»ги, «Кооперация тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, 1991 йил 21 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ПФ-295-сонли «Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда шу каби бир қанча ҳукумат қарорлари асосида қишлоқда аграр соҳа мутахассисларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, тадбиркорлик, фермер ва шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш бўйича ҳуқуқий асослар яратилди. Натижада Шунингдек, халқимизни гўшт маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш мақсадида шахсий ва хусусий чорва хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиш, чорва учун ем-хашак маҳсулотларини ўз вақтида етказиб беришга катта эътибор қаратилди Шунингдек, халқимизни гўшт маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш мақсадида шахсий ва хусусий чорва хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиш, чорва учун ем-хашак маҳсулотларини ўз вақтида етказиб беришга катта эътибор қаратилди. Республикаимизда 1992-1994 йилларда аграр хўжаликларга тегишли 98 мингдан ортиқ иншоотлар хусусийлаштирилди [1, Б.30].

Очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари сони уч ярим мингдан ошиб кетди. 1992 йилдан бошлаб 1995 йил бошларигача қишлоқ туманларидаги 1137 давлат хўжалиги (совхоз) бошқа мулк шаклига, яъни 530 та жамоа хўжалигига, 350 кооперативга, 100 дан ортиқ ижара, шунингдек, бошқа мулк шаклларида айлантилди [2]. Шунингдек қишлоқ хўжалик ходимлари, мутахассислар ва ишчи-хизматчиларига мулкдан фойдаланишда тенг ҳуқуқли субъект сифатида қатнашиш ҳуқуқини берди. Бундан мақсад – аграр соҳа ходимларини ҳақиқий мулк эгасига айлантириш, қишлоқларни ривожлантириш ва соҳа йўналишидаги малакали кадрлар билим даражасини янада ошириш мақсад

қилиб белгиланди. Шу жиҳатдан вилоятда қишлоқ хўжалиги ва уларнинг барча тармоқларини ривожлантириш ва барқарорлаштириш, иқтисодий ислохотларни ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 мартдаги 137-сон “Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан вилоятда хусусийлаштириш масаласига катта эътибор берилди. Натижада вилоятда жамоа тасарруфидаги 70 та қорамолчилик фермалари хусусийлаштирилиб, ўз шакилларини ўзгартириб, хиссадорлик жамиятига айлантирилди [3]. Ушбу хиссадорлик жамияти ҳисобида 28534 бош қорамол, шу жумладан 10640 бош сизир мавжуд бўлиб, давлатга 1994 йили 1953 тонна гўшт, 13060 тонна сут етказиб берилган [4]. Ушбу йилда уларнинг ихтиёрида 6955 га ер майдони мавжуд бўлган [5]. Дарҳақиқат, вилоят қишлоқ хўжалигида давлатга қарашли бўлмаган сектор 1994 йилда бутун маҳсулотни 95 фоизини, 1995 йилда фоизини ишлаб чиқарди [6, Б.64].

Хусусийлаштирилган фермаларда моллар бош сонини ошириш ва маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга жиддий эътибор берилди. Масалан, Музработ туманида “Дехқон-Обод” хиссадорлик жамиятида дастлаб 52 бош қорамол мавжуд бўлган бўлса, кейинчалик қорамоллар бош сони 105 бошга етган, ҳамда ушбу ферма жамоаси йилига 8 тонна сут ишлаб чиқарган [7]. Чорвачиликка эътибор йилдан-йилга яхшиланиб, аҳолининг чорва маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжи бўйича ишлаб чиқариш режа асосида амалга оширилди. Натижада қишлоқ хўжалигида чорва моллар бош сонлари қорамол етказиб бериш вилоят бўйича 1991 йил 131638 бош, 1993 йил 127423 бош, 1995 йил 420337 бош, 1997 йил 432582 бош, 2000 йил 446406 бош, 2002 йил 458834 бош қорамоллар парвариш қилинди. Вилоят туманлари билан солиштирадиган бўлсак, Шеробод туманида 1991 йил 3961 бош, 1993 йил 3279 бош, 1995 йил 6361 бош, 1997 йил 3753 бош, 2000 йил 8504 бош, 2002 йил 9338 бош қорамоллар парваришланди [8, Б.90].

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ялпи ҳажмда асосан деҳқон хўжаликларида қорамоллар сонининг ошиши ҳисобидан чорва маҳсулотларининг улуши 1990 йилдаги 36,6 фоиздан 2011 йилда 40,1 фоизга етди [9, Б.128]. Шу билан бирга иқтисодий мураккаб шароитда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим масала бўлиб турган бир пайтда вилоятдаги айрим корхона ва ташкилотларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетганига гувоҳ бўламиз. Масалан, 1994 йилда Термиз сут заводи, Термиз гўшт комбинатлари, Шўрчи ун маҳсулотлари комбинати, вилоят нон маҳсулотлари акционерлик жамияти, Сурхондарё ва Узун балиқчилик комбинатлари озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1993 йилга нисбатан камайтириб юборилган. Натижада 1994 йил давомида 23 млн. 894 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари аҳолига кам етказиб берилган [10].

Республикамизда аграр соҳадаги олиб борилган ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг ўзгартирилиши, хусусий ва шахсий чорвачилик корхоналарининг ташкил этилиши ва уларга давлат томонидан имтиёзлар ва инвестициялар ажратилиши соҳанинг ривожланишига ҳамда аҳолининг чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондиришга эришилди. Натижада, чорва - фермерлар томонидан 1995 йилга келиб, давлатга 73,4 минг тонна мол ва паранда гўшти (тирик вазнда), 307,5 тонна сут, 68,2 миллион дона тухум, 1511,8 тонна жун, 1023,0 минг жун топширилиб, қорамоллар сони 44,3 минг бошга, қўй ва эчкилар сони 906,3 минг бошга, парандалар сони 692,0 мингга етказилди [11, Б.337-338]. Шунингдек, хиссадорлик жамиятларига айлантирилган фермерлар томонидан ушбу йилда 1553 тонна гўшт, 13060 тонна сут, 1600 минг дона тухум ишлаб чиқарилиб, сут ишлаб чиқариш 117 фоизга, тухум ишлаб чиқариш 128 фоизга ўсишига эришилиб,

вилоятда 1036 та мустақил, 399 та хўжалик ичида, жами 1435 та дехқон (фермер) хўжаликлари фаолият кўрсатди, ҳамда ушбу хўжаликларга 21937 гектар ер майдони ажратилди [12].

Вилоятда чорва моллари бош сонлари ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чорвачилик соҳасини ривожлантириш, ҳамда чорвачиликда асосий ҳисобланган ем-хашак базасини мустаҳкамлаш борасида амалий ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1996 йилда вилоят жамоа хўжаликларидаги чорва молларининг дағал ва ширали озуқага бўлган талаби 64 фоизга таъминланди. Чорвачиликдаги аҳволни яхшилаш, озуқа етиштиришни кўпайтириш мақсадида сувли майдонларга экиладиган озуқа экинлари майдони кўпайтирилди. Чорва молларини етарли миқдорда озуқа билан таъминлаш юзасидан чоралар белгиланиб, тадбирлар ишлаб чиқилиб, 1997 йилда 253 минг тонна дағал хашак, 140 минг тонна ширали озуқа, 500 минг тонна кўк ўт тайёрлаш белгилаб олинди [13]. Вилоятдаги чорвачилик фермаларини қишлоғга тайёрлаш борасидаги олиб борилган ишлар натижасида 1998 йил сентябрь ҳолатига кўра, 160493 тонна дағал озуқа, 58467 тонна сенаж, 58610 тонна силос, жами 81700 тонна озуқа бирлиги ёки ҳар бир шартли молга 11 центр озуқа бирлиги тайёрланиб, фермалардаги 96 озуқа ошхоналари, 174 та озуқа цехлари, 182 та озуқа майдалагич агрегатлари таъмирланди [14]. Натижада, чорва молларини қишлоқдан талофатсиз олиб чиқиш учун барча шарт-шароитлар яратилиб, чорвачилик тармоқлари самарадорлиги ошиши таъминланди.

Хулоса. Таҳлиллардан маълумки, вилоят қишлоқ хўжалигида олиб борилган ислохотлар натижасида чорва маҳсулдорлиги ортди, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳам янги имкониятлар яратилди. Аграр секторда хусусий мулкчилик муносабатлари шаклланиб, аҳолининг мулкка эгаллик қилиш хиссиёти пайдо бўлиб, фуқароларнинг хусусий мулкдан олган даромадлари эвазига уларнинг турмуш шароитлари яхшиланиб, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги субъектларнинг имкониятлари кенгайиб, хусусий мулкка эгаллик қилиш, уни тасарруф этиш ва бошқариш имкониятлари яратилди.

#### АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ

1. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиваришни ташкил этиш. – Тошкент: Истиклол, 2004.
2. Ботирова Ҳ.Э. Ўзбекистонда аграр соҳа мутахассисларини тайёрлаш жараёни тенденциялари (1991-2015 йиллар жанубий ҳудудлар мисолида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Термиз, 2021.
3. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 465-иш, 103- варақ.
4. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 296-иш, 3- варақ.
5. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 296-иш, 22 - варақ.
6. Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995.
7. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 296-иш, 23-24 варақлар.
8. Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти рақамларда (1991-2002 йиллар). Статистик тўплам.
9. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг мустақиллик йилларидаги (1990-2011 йиллар) асосий тенденцияси ва кўрсаткичлари ҳамда 2012-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. - Тошкент: Ўзбекистон, 2013.
10. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 296-иш, 20- варақ.
11. Турсунов С., Қобилов Э. ва бошқ. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2001.
12. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 290-иш, 60- варақ.
13. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 294-иш, 193- варақ.
14. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 295-иш, 57- варақ.

## СТАНОВЛЕНИЕ ФИЛОСОФСКИХ ПОНЯТИЙНЫХ ГРУПП В ИСТОРИЧЕСКОМ ФОКУСЕ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.003>

Садуллаев Денис Бахтиёрович,

Бухарский государственный медицинский институт, Бухара

*Аннотация:* Данная статья нацелена на детерминацию формирования понятийных философских групп и терминов в разрезе различных периодов исторического развития цивилизаций. В данном исследовании также проведен этимологический анализ различных философских понятий и вытекающих из них терминов с указанием конкретных цифр и лингвистических вычислений.

*Ключевые слова:* понятия, термин, лексика, понятийные группы, этимология

## FALSAFIY TUSHUNCHA GURUHLARINING TARIXIY MEHZATDA SHAKLLANISHI

Denis Baxtiyorovich Sadullaev,

Buxoro davlat tibbiyot instituti, Buxoro shaxar

*Annotatsiya:* Ushbu maqola sivilizatsiyalar tarixiy rivojlanishining turli davrlari kontekstida konseptual falsafiy guruhlar va atamalarning shakllanishini aniqlashga qaratilgan. Ushbu tadqiqotda, shuningdek, turli falsafiy tushunchalar va ulardan kelib chiqadigan atamalarning aniq raqamlar va lingvistik hisob-kitoblarni ko'rsatgan holda etimologik tahlili amalga oshirildi.

*Kalit so'zlar:* tushunchalar, termin, lug'at, konseptual guruhlar, etimologiya

## FORMATION OF PHILOSOPHICAL CONCEPT GROUPS IN HISTORICAL FOCUS

Denis Bakhtiyorovich Sadullaev,

Bukhara State Medical Institute, Bukhara

*Annotation:* This article is aimed at determining the formation of conceptual philosophical groups and terms in the context of different periods of the historical development of civilizations. This study also carried out an etymological analysis of various philosophical concepts and terms arising from them, indicating specific numbers and linguistic calculations.

*Key words:* concepts, term, vocabulary, conceptual groups, etymology

Введение. Известно, что язык состоит не из отдельных слов, а представляет собой сложную систему, в которой слова связаны грамматическими и лексико-семантическими отношениями, без чего немислимы связная речь, коммуникация между людьми, познание и преобразование объективной действительности, что составляет, в свою очередь, непременное условие существования человеческого общества.

Свое место в ряду воззрений, высказывавшихся в 30-50-е годы XX века на природу лексико-семантических связей, заняла теория «семантического поля» Юоста Трира, согласно которой при употреблении любого слова в сознании говорящего и слушающего всплывает ощущение другого слова или других слов, в семантическом отношении «соседних» с данным словом. Это соседство слов вызывается сходством или противоположностью как их значений, так и стоящих за ними понятий. По принципу сходства или противоположности все понятия, заключенные в языке, разбиваются на более или менее замкнутые группы, круги или «блоки». Круг понятий и наличный в нем механизм

соотношений и изменений был вызван «семантическим полем», обладающим своим «знаковым или лексическим полем».

Основная часть

С учетом вышесказанного, переходим к характеристике тематических понятийных групп (ТГ).

1. Реальное и потенциальное бытие. ТГ, обозначающая универсальную, определяющую категорию человеческого познания, свидетельствующая о степени мировосприятия людей определенной социальной системы, включает 26 слов.

Становление этой группы начинается в древнеанглийский период с фиксацией двух важнейших лексических единиц: *body* - ... - тело; *world* - 832 - мир. Период наиболее интенсивного пополнения наблюдается в XII-XV вв., когда в целом оформляется основной круг понятий данной ТГ (16 л.е.): *matter* -1125- вещество; *being* -1325- существо, бытие; *existence* -1384- существование; *abyss* -1398- бездна (хаос); *galaxy* - 1398- мир, вселенная; *subsistence* -1432- существование; *chaos* - 1140- хаос; *accident* - ... - акцидент; *substance* -... - вещество; *real* -1448- реальное; *immovable* -1449- неподвижное; *meaning* -14..- смысл; *mechanic* -14..- механическое. В XVI веке *fact* -1539- факт; *motionless* -1569- неподвижность; *accidence* - 1509 - акцидент; *potency* -1539- потенция [1, 16]. XVII век (4 слова): *substratum* -1631- субстрат; *still* -1626- неподвижность; *mechanics* -1649- механическое; *indivisible* -1641- неделимое [2, 44].

Данная понятийная сфера в основном пополнялась словами латинской и греческой этимологии. Значительна роль французского языка как посредника (9 слов из 26); исконный слой - (3 слова).

Понятие бытия неразрывно связано с представлением о пространстве и времени.

С этой точки зрения ТГ характеризуется определенной смысловой связью слов и распадается на 3 ЛСГ по общности понятий:

а) выражающие бесконечность мироздания - *galaxy*, *world*; б) представление об ее устройстве - *chaos*, *abyss*; в) формы ее существования - *existence*, *subsistence*, *being*, *matter*, *indivisible* [3, 125].

2. Пространство и время. ТГ, единицы которой служат в качестве важнейших терминов философской науки, отражают основополагающие формы человеческого опыта, насчитывают 37 слов [5]. Первая фиксация относится к IX в. (2 слова): *end* - 825 - конец; *time* -893- время; XIII в.(1 слово): *point* -1225-момент, мгновение;

XIV в. (14 слов): *air* - 1300- воздух; *interval* -1300- прерывность; *inanition* -13..- пустота; *immortality* -1340- бессмертность; *eternity* -1374- вечность; *future* -1374- будущее; *infinity* -1374- бесконечность; *distribution* -1383- распространение; *duration* -1384- длительность; *priority* -1387- предшествование; *discontinuance* -1398- прекращение, перерыв; *ether* -1398- эфир; XV в.(9 слов): *extension* -1400- протяженность; *antecedent* -НООпредшествующее (что-то); *dimension* -1413- протяжение, объем; *period* -1413- период; *prorogation* - 1432-начало; *perpetuity* -1450- вечность; *inception* -1483- начало (чего-либо); *duration* -1494- длительность; *instance* -1494- мгновение; XVI в.(9 слов): *antecedence* -1535- предшествование; *antecedency* -1598- предшествование; *com-comittance* -1535- сопутствование; *discontinuity* -15..- разрыв непрерывности; *perennity* -1597- вечность; *precedency* -1599- предшествование; *suspension* -1528- временное прекращение; *vacuity* -1541- пустота; *vacuum* -1550- вакуум.

С точки зрения происхождения данная лексика группируется следующим образом: 1) из латыни (30 л.е.), из которых 14 (*inanition*, *extension*, *inter-val*,



inception, moment, antecedence, antecedency, concomittance, discontinuity, perennity, precedency, suspension, vacuity, vacuum) - прямые заимствования, а остальные 16 слов проникли через язык-посредник французский. 3 лексические единицы греческого происхождения (air, period, ether): первые два слова проникли через латынь и французский, а последнее - через латынь непосредственно; вклад французского языка - *durance*; одно слово англо-французского происхождения - *discontinuance*; исконный слой - 2 л.е. (end, time).

Именно в XV веке лексический круг, охватывающий по своей семантике основополагающие понятия ТГ, наиболее полно представляет суть категорий пространства и времени [7, 417], что связано с более поздним возникновением абстрактного понимания времени этих категорий, поскольку они появляются на базе конкретных представлений. По общности понятий, передаваемой словами, представляется возможным произвести их более подробное логическое деление на ЛСГ, передающие: 1) наиболее общие понятия данной сферы (time, eternity, perpetuity); 2) определенные ограниченные отрезки времени (instance, moment, period, point), связанные с: а) предшествованием (antecedency, priority); б) началом (inception, proragation); в) продолжением (conformation, duration).

Этимология группы слов *moment, instance, period, concomittance* указывает на наличие закономерной связи движения и времени и возникших на базе сравнения с движением («предшествование», «начало», «продолжение»), вскрывает наличие ассоциации времени с поступательным движением. Интересно в этой связи отметить: если в начальный период формирования понятий данной ТГ закономерным был переход от пространственных значений к временным (аналогично ходу развития представления о пространстве и времени), то на современном этапе наблюдается обратное, т.е. превращение временных понятий в пространственные, в измерительные единицы протяжения [4, 27].

3. Свобода и необходимость. Важнейшие с точки зрения философских категорий слова этой ТГ, изучению которых уделяется значительное внимание в истории культуры и философии, насчитывает 13 лексических единиц. Эта группа слов связана с раскрытием сущности и значения философских категорий «свобода и необходимость», играющей важную роль в формировании мировоззрения нации, начиная с древнеанглийского периода: IX в.: *freedom* - ... - свобода; *lot* -....- судьба, рок; *need*-825- потребность, необходимость; *will* -....- воля. Все слова исконного происхождения. XII в.: *liberty* -1116- свобода; XIII в.: *duty* -1274- долг, обязанность; XIV в.: *passion* -1300- намерение, страсть; *desire* -1303- желание; *subject* -1300- субъект; XV в.: *intension* -1400-намерение [9].

С точки зрения этимологии 9 слов - романского происхождения; вклад латинского языка - 7 слов, из которых 3 - прямые заимствования (*fate; object, passion*), 4 слова проникли через язык-посредник французский (*intention; liberty; necessity; subject*); *desire* - прямое французское заимствование, а *duty* -долг - англо-французского происхождения [6, 628].

В пределах ТГ выделяется ЛСГ слов, выражающих: а) основные понятия философских категорий: *liberty, freedom, duty, necessity*; б) психологическое, эмоциональное отношение человека к происходящему: *intention, passion, desire*; в) судьбу, рок: *fate, lot*; г) объект-субъект: *object, subject*.

Начиная с XVI века отмечается тенденция к расширению семантической производности лексических единиц, уже прочно вошедших в лексико-семантическую систему английского языка в предшествующие века, например, *lot, fate, destiny, chance, divinity* составляют ЛСГ, где последнее

становится своеобразной персонификацией, философской абстракцией выражаемых этими словами понятий [8, 95].

4. Сущность и явление. Данная ТГ, лексический состав которой отражает своим семантическим объемом всеобщие необходимые стороны всех объектов и процессов в мире и во взаимоотношениях которых обнаруживается диалектика единства и многообразия, насчитывает 17 лексических единиц, 3 из которых зарегистрированы еще в древнеанглийский период: *kernel* -...- суть, сущность; *marrow* -700- суть, сущность; *pith* -868- суть, сущность; XIII в.: *sign* -1225- знак; XIV в.(4 слова): *substance* -1300- сущность, суть; *condition* -1315- условие; XV в.(5 слов): *emblem* -1430- символ; *quintessence* -1430- квинтэссенция; *manifestation* -1432- проявление; *symbol* -1450- знак; *propriety* -1456- сущность; XVI в.(4 слова): *ens* -15...- суть; *entity* -15...- сущность; *quiddity* -15...- сущность, суть; *esse* -15...- суть.

Хронологически XIV-XV вв. - это наиболее активные периоды проникновения иноязычной лексики данной ТГ в состав английского языка (11 из 17-и слов) [10]. Большинство слов ТГ заимствованы из классической латыни, 6 из них - прямые заимствования, остальные проникли через французский язык-посредник: *condition*, *distinction*, *division*, *essence*, *substance*, *propriety*, *quintessence*.

Привлекает внимание ЛСГ, выражающая основное понятие «сущность», важное для всякой философской системы: *ens*, *esse*, *essence*, *kernel*, *marrow*, *pith*, *substance*, *quiddity*. Отдельную ЛСГ составляют слова, связанные с символикой и рассмотрением гносеологических функций которых занимает важное место в философии: *emblem*, *sign*, *symbol*, *attribute*. Выделяется также ЛСГ, характеризующая необходимый момент всякого единства, особенность любой вещи, явления, процесса (*distinction*), разделение (*division*), проявление (*manifestation*) и состояние (*condition*).

5. Необходимость и случайность. ТГ, словарный состав которой отражает понятия двух видов объективных связей материального мира, оформляется с XIII века и насчитывает 14 слов. XIII в.: *chance* -1294- удача; XIV в.(6 слов): *fortune* -1300- везение, случайность; *hap* -1340- судьба, случай; *predestination* -1340- судьба; *accident* -1374- случайность; *necessity* -1374- необходимость; *occasion* -1382- случай; XV в.(4 слова): *destiny* -1440- судьба; *casualty* -1423- несчастный случай; *pertinence* -1432 - уместность; *fatality* -1440- фатальность; XVI в.(3 слова): *contingency* -1561- случайность; *pertinency* -1598- уместность; *relevancy* -1561- уместность.

Наиболее активный период пополнения ТГ - XIV-XV вв.(10 из 14 слов), в основном лексика романского происхождения (9 латинизмов, из которых 3 - прямые, а 6 - проникли через французский); одно слово (*pertinence*) - прямое французское заимствование, и одно слово - *hap* - скандинавское. Здесь можно выделить ЛСГ, связанную с: а) верой философов в предопределенность человеческого существования и - так или иначе - связанные с носителями судьбы, удачи, фатальность: *casualty*, *destiny*, *fatality*, *occasion*; б) понятием «случайность»: *accident*, *hap*, *casualty*, *occasion*.

6. Метод. ТГ слов, по семантике своей связанная с понятиями путей познания и разъяснения явлений жизни на основе единства материи и сознания, насчитывает 58 слов различной этимологии. Данная ТГ распадается на две ЛСГ - «метод исследования» и «метод познания». ЛСГ «метод исследования» - 28 лексических единиц, формирование ее фиксируется с XIII в.: *insight* -1200- интуиция; *balance* -1275- равновесие (причин, мнений); XIV в.(11 слов): *foresight* -1300- предвидение; *proposition* -1340- пропозиция; *solution* -1375- решение; *presentation* -1380- преподнесение; *principle* -1380- принцип; *conclusion* -1382- вывод; *explanation* -1382- объяснение; *inquisition*

-1382- исследование; observation -1382наблюдение; consummation - 1398-логическое завершение до конца; argument -1382- аргумент; XV в. (6 слов): search -1400- исследование; sophistication -1400-софистикация; apposition -1440диспут (открытый); representation -1477- утверждение; argumentation -1491- обоснование; intuition -1497- интуиция; XVI век (8 слов): anticipation -1548- антиципация; elucidation -1570- выяснение; exproation -1543-исследование; prediction -1561- предвидение, предсказание; presension -15.-представление; expectation -1538- ожидание; expectancy -1598- ожидание.

Наибольшее число поступлений из латыни (24 слова), в том числе прямых заимствований - 12 (вторая половина XIV в.- первая половина XV века и XVI век); 12 слов проникли через французский как язык-посредник: balance, argument, conclusion, consummation, argumentation, inquisition, presentation, principle, representation, solution, proposition; 1 слово (search) - прямо проникло из французского языка.

#### Заключение

Особо интенсивное развитие наук в XV-XVII вв. позволило накопить новые наблюдения и доставило средство для экспериментирования (в области физики - Дж.Гильберт, математике - Т.Гарриет, Д.Нэпер; медицины -У.Гарвей и др.), что и отразилось и на лексике этой эпохи. Открытия авторов эпохи «способствовали не только углублению познания мира природы и природных законов, но и методологической подготовке того коренного переворота в истории естествознания, каким явилось математическое и экспериментальное естествознание нового времени. Вместе с тем, трудно переоценить значение научных открытий во всех областях знания... для развития философской мысли своего времени».

Изученный корпус слов показывает силу и разносторонний характер влияния заимствований, охватывающих основные сферы философской науки того времени, на словарный состав английского языка. Проведенный анализ и тематическая классификация свидетельствуют о традиционной восприимчивости английского национального литературного языка как средства пополнения и одного из основных источников формирования абстрактной лексики. Заимствования эти также отражают широту амплитуды влияния классических языков на формирование терминологии английской философии и - шире - гуманитарных наук.

Многочисленность латинизмов в сфере этики непосредственно характеризует специфические черты нового гуманистического мировоззрения интеллигенции, возросшая социальная формализация которой обозначилась в XVI веке.

Формирование английской философской терминологии отражает высокую степень развития гуманитарных дисциплин в Англии периода формирования и становления нации. Периоды интенсивного роста английской философской терминологии (1540-60; с 1580 г.) были тесно и неразрывно связаны со становлением письменного английского литературного языка.

#### Литература:

Jones R.F. The Triumph of the English Language. Oxford, 1953. P.16;

Линский С.С. Неологизмы в словарном составе англ. языка XVI в. Способы их введения и популяризации писателями и лексикографами: Дис... канд. филол.наук. Владивосток,1959 с. 27;

Sadullaev, Denis Bakhtiyorovich Terminology as a separate scientific field and its actual position in modern linguistics // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Year : 2020, Volume : 10, Issue : 11, First page : ( 1964) Last page : ( 1973), Print ISSN : 0000-0000. Online ISSN : 2249-7137. Article DOI : 10.5958/2249-7137.2020.01486.X



Sadullaev Denis Bakhtiyorovich Linguistic combinatory processes “assimilation” and “borrowing” as a basis for the development of modern english terminology // Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). Year : 2020, Volume : 9, Issue : 11, First page : ( 33) Last page : ( 38), Online ISSN : 2278-4853. Article DOI : 10.5958/2278-4853.2020.00297.9

Bakhtiyorovich, S. D. (2021). TERM: DEFINITION OF THE CONCEPT AND ITS ESSENTIAL FEATURES. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES, 2(6), 12-18. Retrieved from <http://cajotas.centralasianstudies.org/index.php/CAJOTAS/article/view/181>

Бахтиерович, С. Д. (2021). Терминологические единицы сквозь призму комбинаторно-компонентного и функционально-синтаксического анализа. Central asian journal of theoretical & applied sciences, 2(6), 23-29. Retrieved from <http://cajotas.centralasianstudies.org/index.php/CAJOTAS/article/view/183>

Sadullaev, D. B. (2021). Renaissance And Renaissance Philosophical Texts Through The Prism Of Historical Approach. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(05), 364-371. <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume03Issue05-67>

Садуллаев Д. Б. Philosophical understanding of terms and concepts by an author as an object of linguistic investigations // Молодой ученый. – 2020. – №. 22. – С. 312.

Denis Bakhtiyorovich Sadullaev. (2021). The lexicon of english philosophy in the plane of the philosophy of the language. current research journal of pedagogics, 2(11), 41–46. <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-02-11-10>

Denis Bakhtiyorovich Sadullaev. (2021). Philosophical terms and concepts an their functional uniqueness through the prism of lexical analysis of the renaissance. current research journal of philological sciences (2767-3758), 2(11), 22–28. <https://doi.org/10.37547/philological-crjps-02-11-07>

Denis Bakhtiyorovich Sadullaev. (2021). Features of the formation and becoming of philosophical concepts in english language as a reflection of cardinal changes in social development. current research journal of pedagogics, 2(12), 171–178. <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-02-12-34>

Bakhtiyorovich, S. D. (2021). The Influence of Philosophy, Philology and Linguistics upon Terminological Investigations. CentralAsian Journal Of Theoretical & Applied Sciences, 2(6), 68-74. Retrieved from <https://cajotas.centralasianstudies.org/index.php/CAJOTAS/article/view/195>

Kurbanov I. H. Журнал Молодой ученый №24(314). Features of the development of pedagogical innovation in the system of professional education within the manifestation of an innovative culture Ст.413 <https://moluch.ru/archive/314/>

## АХОЛИ РО'УХАТЛАРИДАГИ ЕТНОДЕМОГРАФИК МА'ЛУМОТЛАРНИНГ ТАРИХИЙ АСПЕКТЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.004>

*Toshtemirova Saodat Abdurashidovna,  
Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),  
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti Boshlang'ich ta'lim  
metodikasi kafedrasida dotsenti.*

*Аннотация. Мақоллада О'zbekistonda 1897-1989 yillarda o'tkazilgan aholi ro'yhatlaridagi etnik va demografik o'zgarishlar, migratsiya jarayonlarining ta'siri va yillar davomida millatlar sonining ortib borishi bo'yicha statistik ma'lumotlar taqdim etilgan. Bu muammoning o'rganilganlik darajasi va o'tkazilgan aholi ro'yhatlari asosidagi etnodemografik ma'lumotlar manba sifatida tahlil qilingan, tarixni ob'yektiv yoritishda aholi ro'yhatlaridagi etnodemografik ma'lumotlarning tarixiy aspektlari ko'rsatilgan hamda aholi ro'yhatlarining ilmiy-tarixiy manba sifatidagi ahamiyati ochib berilgan.*

*Калит so'zlar: ijtimoiy guruhlar, etnik guruhlar, demografiya, etnodemografiya, tarixiy aspekt, manba, millatlar xolislik, xalq, qadriyat, urf-odat, aholi ro'yxati, statistik ma'lumotlar, milliy tarkib, demografik xususiyatlar, aholi dinamikasi*

## ИСТОРИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЭТНОДЕМОГРАФИЧЕСКОЙ ИНФОРМАЦИИ В ПЕРЕПИСЯХ

*Toshtemirova Saodat Abdurashidovna,  
доктор философии в педагогических науках (PhD),  
доцент кафедры Методики начального образования Чирчикского  
государственного педагогического института Ташкентской области.*

*Аннотация. В статье приведены статистические данные об этнодемографических изменениях в переписи населения Узбекистана 1897-1989 гг., влиянии миграционных процессов и росте национальностей по годам. В качестве источника проанализированы этнодемографические данные по уровню изученности проблемы и проведенные списки населения, в объективном освещении истории представлены исторические аспекты этно-демографических данных переписей населения, раскрыто значение переписей населения как научно-исторического источника.*

*Ключевые слова: социальные группы, этносы, демография, этнодемография, исторический аспект, источник, этнос, народ, ценности, обычаи, перепись, статистика, национальный состав, демографические характеристики, динамика населения.*

## HISTORICAL ASPECTS OF ETHNODEMOGRAPHIC INFORMATION IN CENSUS

*Toshtemirova Saodat Abdurashidovna,  
Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences (PhD),  
Associate Professor of Methods of Early Education Chirchik State  
Pedagogical Institute of Tashkent region.*

*Abstract. The article presents statistical data on ethno-demographic changes in the population census of Uzbekistan in 1897-1989, the impact of migration processes and the growth of nationalities over the years. Ethno-demographic data on the level of knowledge of the problem and conducted lists of the population are analyzed as a source, historical aspects of ethno-demographic data of population censuses are presented in an objective coverage of history, the significance of*

*population censuses as a scientific and historical source is revealed.*

*Keywords: social groups, ethnic groups, demography, ethnodemography, historical aspect, source, ethnicity, people, values, customs, census, statistics, national composition, demographic characteristics, population dynamics*

Kirish. Dunyodagi davlatlarning siyosiy tarixi va ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi unda istiqomat qilayotgan xalqlarning o'zaro munosabatlari, demografik xususiyatlari bilan bog'liq. O'zbekiston dunyodagi ko'p millatli davlatlar qatoridan o'rin olgan. Ko'p millatli mamlakatimizda xalqlar, millatlar tinch-totuvligini ta'minlash O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasida ham belgilab berilgan. O'zbekistonda tug'ilgan, uning zaminida yashab mehnat qilayotgan har bir fuqaro millati, irqi, diniy e'tiqodidan qat'iy nazar O'zbekiston Respublikasi fuqarolarini tashkil etadi[1]. Shuningdek, Respublikada yashovchi har bir xalqni o'z urf-odatlarini, qadriyatlarini san'atlari bor va ularga O'zbekistonda alohida e'tibor beriladi, hurmat ko'rsatiladi[2]. Xalqlarni demografik jihatlari, ya'ni, soni, yosh-jinsiy tarkibi, oilanikoh munosabatlari, tug'ilish, o'lim, ajrim, migratsiya kabi jarayonlarini muntazam o'rganib borish Respublikada barcha xalqlar bir bo'lib, barqaror rivojlanib borishida dolzarb ahamiyatga ega.

Etnodemografiya o'z tadqiqotlarida asosan etnik statistika, aholi ro'yxatlari ma'lumotlari, maxsus etnodemografik, madaniy-maishiy tadqiqot natijalaridan foydalaniladi. Shuningdek etnodemografik tadqiqotlar etnik guruhlarining turli jihatlari o'rganuvchi qator ijtimoiy va tabiiy fanlar (geografiya, psixologiya, sotsiologiya, demografiya, antropologiya, ekologiya, meditsina va x.k) tadqiqotlariga ham asoslanadi, chunki, etnik guruhlar juda ko'p fanlarning tadqiqot ob'yektidir[3]. Etnodemografik tadqiqotlarda aholi soni va tarkibini (yosh-jinsiy, nikoh, oilaviy) o'rganish alohida ahamiyatga egadir[4]. Dastlabki aholi ro'yxati hozirgi O'zbekiston hududini hamma aholisini qamrab olmagan. Mazkur aholi ro'yxatida O'zbekistonda o'zbek, tojik, rus, qozoq, qirg'iz va qoraqalpoq millatlari, ularning hududiy tarqalishi, ma'lumotlilik va jinsiy tarkibi haqida ma'lumotlar keltirilgan[5]. 1926 yilda O'zbekistonda o'tkazilgan aholi ro'yxatida 65 ta millat yashaganligi haqida, 1939, 1959, 1970, 1979 va 1989 yilda o'tkazilgan aholi ro'yxatlarida esa millatlar soni ko'payib 120 dan oshganligi haqida ma'lumotlar mavjud.

O'zbekiston aholisining milliy tarkibi va ularning demografik jarayonlari haqida eng aniq ma'lumotlar aholi ro'yxatlari o'tkazish yo'li bilan to'planadi. O'zbekistonda ana shunday aholi ro'yxatlari 1897, 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 va 1989 yillarda o'tkazilgan.

Adabiyotlar tahlili. Etnodemografik tadqiqotlar alohida fan yo'nalishi sifatida XX asrdan boshlab mavjud bo'lib, XX asrning birinchi yarmida rossiyalik aholishunos M.V.Ptux 1897 yil aholi ro'yxati asosida Yevropada yashagan 11 xalqning o'lim jarayonini o'rgangan[6]. V.I. Kozlov etnik demografiya bo'yicha tadqiqot olib borib xalqlarning etnodemografiyasini o'rgangan[7]. Dunyo aholisining milliy tarkibi, ular soni dinamikasidagi o'zgarishlar va demografik jarayonlari xususiyatlarini o'rganish bo'yicha S.I.Bruk juda ahamiyatli etnodemografik asarlar yaratgan[8].

O'zbekistonda ham tarixchi va aholishunos olimlar tomonidan o'lkada yashayotgan o'zbek, tojik, qirg'iz kabi mahalliy millatlar, rus, ukrain, tatar, koreys kabi ko'p sonli millatlarning demografik xususiyatlarini o'rganish bo'yicha qator tadqiqotlar olib borilgan. Bularga M.Karaxanov[9], V.Gentshke, R.Murtazaeva, O.Ata-Mirzaev, M.Bo'rievlar olib borgan tadqiqotlar [10] misol bo'la oladi. Mazkur tadqiqotlarda asosan, O'zbekiston aholisining milliy tarkibi, etnik guruhlar soni, oilaning shakllanishi, tarkibi va demografik faoliyatlari o'rganilgan.

Tadqiqot metodologiyasi. Taqdim etilayotgan maqolada O'zbekistonning etnodemografik xususiyatlari tarixi aholi ro'yxatlarida ifodalanishi o'rganilgan,

o'lka aholisining milliy tarkibidagi o'zgarishlar 1897-1989 yillar uchun tahlil etilgan. Bundan ko'zlanayotgan asosiy maqsad O'zbekistonda o'tkazilgan aholi ro'yxatlaridagi etnodemografik ma'lumotlarni xalqlar demografik tarixini o'rganishda asosiy manba sifatida tahlil etishdir. Bu maqsadni bajarish uchun quyidagi tadqiqot usullari belgilandi: etnodemografik ma'lumotlar va ularni o'rganish bo'yicha olib borilgan tadqiqotlarni tahlil etish; aholi ro'yxatlari va ularni etnodemografik ma'lumotlarni o'rganishdagi ahamiyatini aniqlash; O'zbekistonda o'tkazilgan aholi ro'yxatlari va ularda aholining milliy tarkibi, soni, oila, nikox, ijtimoiy guruhlar shakllanishining etnik xususiyatlarini o'rganish hamda tarixiy taqqoslash, mantiqiy, demografik va statistik kabi usullardan foydalanildi.

Natijalar va munozara. Dunyo yoki uning alohida davlatlarida aholi soni dinamikasi tarixiy rivojlanish xususiyatlariga, ijtimoiy-iqtisodiy sharoitiga, demografik vaziyatiga va siyosiy holatiga bog'liq. Shuningdek, har bir davlat, har bir xalqning aholi dinamikasi o'ziga xos harakterga ega bo'lib, bu o'ziga xoslik xalqning rivojlanishi, tarixi, urf-odatlarini, qadriyatlarini, dini ta'sirida shakllanadi.

O'zbekiston hududida aholi soni haqidagi muntazam statistik ma'lumotlar 1897 yilda o'tkazilgan aholi ro'yxatidan boshlab mavjud bo'lib, 1897 yilda O'zbekiston aholisi 3948,0 mingni, 1920 yili 4470,0 mingni, 1926 yili 4621,0 mingni, 1939 yili 6721,0 mingni, 1959 yili 8119,0 mingni, 1970 yili 11799,0 mingni, 1979 yili 15373,0 mingni va 1989 yilda o'tkazilgan aholi ro'yxatida esa 19880,0 ming kishini tashkil etgan. Aholi ro'yxatlari ma'lumotlari ko'rsatishicha, O'zbekistonda aholi soni muntazam ko'payib kelgan. Aholi sonining ko'payishi demografik manbalarda qayd etilishicha, aholining tabiiy o'sishi hamda migratsiya hisobiga sodir bo'lgan.

XX asrning oxirgi choragiga qadar O'zbekistonda migratsiya ijobiy harakterga ega bo'lgan, ya'ni, ko'chib keluvchilar salmog'i ko'chib ketuvchilar salmog'idan ko'ra ko'proq bo'lgan. Bunday holat O'zbekiston aholisining milliy tarkibiga ham o'ziga xos ta'sir ko'rsatdi. 1897 yilda o'tkazilgan aholi ro'yxati davrida O'zbekiston hududida (Buxoro va Xorazmdan tashqari) asosan 6 ta millat vakillari istiqomat etgan. Bular o'zbeklar – 2352, 4 ming, tojiklar - 1515, 5 ming, ruslar – 44,6 ming, qozoqlar – 153, 6 ming, qirg'izlar – 80, 6 ming hamda qoraqalpoqlar – 93, 2 ming kishidan iborat bo'lgan[11]. 1926 yilgi aholi ro'yxatlarida esa, O'zbekiston aholisining milliy tarkibi kengaydi. XX asr boshidagi siyosiy voqealar, Respublikaga ko'plab ruslar va boshqa Yevropa millatlarining kelishi hamda aholini statistik hisobga olish sifatining yaxshilanishi milliy tarkib ko'rsatkichlariga ta'sir etdi. O'zbekistonda yashovchi millatlar soni 65 dan oshdi. Son jihatidan birinchi o'rinda o'zbeklar (3 475 340 kishi), ikkinchi o'rinda tojiklar (967 728 kishi), uchinchi o'rinda ruslar (246 521 kishi), to'rtinchi o'rinda qozoqlar (106 980 kishi), ulardan keyingi o'rinlarda qirg'izlar, qoraqalpoqlar, ukrainlar, tatarlar, yahudiylar, uyg'ur kabi millatlar turadi.

1939 yilda o'tkazilgan aholi ro'yxati ma'lumotlariga asosan O'zbekistonda mavjud millatlar soni 97 tadan oshdi. 1926-1939 yillarda Respublika aholisining milliy tarkibida katta o'zgarishlar sodir bo'ldi. Bu o'zgarishlarga asosan ma'muriy bo'linishlarsababli bo'lib, 1929 yilda Xo'jakent okrugini Tojikistonga berish masalasi ko'rildi va Xo'jakent O'zbekiston tarkibidan chiqdi. 1932 yilda Qoraqalpog'iston Avtonom Respublika bo'lib, 1936 yilda O'zbekiston Respublikasi tarkibiga kirdi. 1939 yilda qoraqalpoqlar soni 181 420 kishini tashkil etar edi. Undan

9 888 kishi shaharda, 171 532 kishi qishloqlarda istiqomat qilgan. 1926-1939 yillarda O'zbekistonda yashayotgan ruslar soni ham ortib borgan[12]. Shuningdek 1959 yilda Respublikada yashab to'rgan millatlar soni 113 taga, 1970 va 1979 yillarda 120 taga hamda 1989 yilda 125 tadan ortdi[13].

O'lkamizning asosiy millati bo'lmish o'zbeklar soni 1989 yilda mamlakatimizda 16 697 762 kishini tashkil qilib, shundan 14 142 475 kishi yoki butun SSJI dagi o'zbeklarning 84,7 foizi O'zbekistonda (Tojikistonda – 7,2%, Qirg'izistonda – 3,3%,

Qozog'istonda – 2,0%, Turkmanistonda – 1,9%, RSFSR da – 0,8% va Ukrainada – 0,1%) istiqomat qilgan[14]. 1959-1989 yillarda o'zbeklar soni deyarli 3 barobarga oshgan va mamlakatimiz aholisining 71,4 foizini tashkil qildi. Bu, asosan, tabiiy o'sishning yuqoriligidir. Umuman, o'zbek, qoraqalpoq, tojik, qozoq, turkman va qirg'iz kabi mahalliy millatlarda tabiiy o'sish yuqori bo'lib kelgan va keyingi 30 yilda ularning o'rtacha yillik ko'payishi 3,15 foizni tashkil etdi.

1989 yilda mamlakatda ruslar son va salmog'i jihatdan ikkinchi o'rinda to'rgan. Ularning umumiy soni 1959 yili 1 092 462 va 1989 yil 1 653 478 kishini tashkil qildi. O'zbekistonda yashovchi ruslarning son jihatidan o'sish dinamikasiga nazar tashlasak, eng tez sur'atda ko'payish 1959-1970 yillarga to'g'ri keladi va o'rtacha yillik o'sish 3,5 foizga yaqin bo'lgan. Buning sababi 1966 yilgi Toshkent zilzilasidan so'ng shaharning qayta qurilishi, jamiyatda yangi sanoat markazlari bunyod etilishi, shu munosabat bilan O'zbekistonga ko'plab rus va boshqa yevropalik millatlar jalb qilinganligidir. O'zbekistonda ruslarning o'sish sur'ati 1970-1979 yillarda har yili o'rtacha 1,3 foiz, 1979-1989 yillarda esa 0,9 foizni tashkil etdi. 1959-1989 yillarda ruslarning soni umuman ortgan bo'lsa-da, ammo ularning jumhuriyat aholisi tarkibidagi salmog'i kamaydi. Buning asosiy sababi, avvalo rus oilalarida birinchidan tug'ilishning kamayib borishi bo'lsa, ikkinchidan, shu yillar ichida mahalliy millatlarning tug'ilish hisobiga tez ko'payishidir.

O'zbekistonda yashab kelayotgan tatar va qrim tatarlari soni ham salmoqli bo'lib, aholi ro'yxati ma'lumotlariga ko'ra, 1959-1989 yillarda tatarlar soni jumhuriyatimizda 398 275 kishidan 467 829 kishiga, qrim tatarlari soni esa 46 753 dan 188 772 kishiga ko'paydi. Shu davrda tatarlarning o'rtacha yillik ko'payishi 0,5 foizni, qrim tatarlarining o'rtacha yillik ko'payishi 4,7 foizni tashkil qildi. Qrim tatarlarining bunday tez sur'at bilan ko'payishi, asosan, ulardagi tug'ilish darajasining nisbatan yuqoriligi hamda keyingi aholi ro'yxati davrida ular sonining ancha aniq ko'rsatilganligidan deb aytish mumkin. Hozirgi paytda ko'plab qrim tatarlarining o'z vatanlariga qaytayotganligini ta'kidlash lozim.

O'lkamizda istiqomat qiluvchi ukrain va boshqa millatlar soni ham 1979-1989 yillarda anchagina o'sdi: ular har yili o'rtacha 3,4 foizdan ko'paydi. 1989 yili ukrainlar 153 197 kishiga, boshqirdlar esa 34 771 kishiga yetdi. Jumhuriyatimizdagi koreys, arman, nemis, uyg'urlar esa so'nggi 30 yilda bir tekis, yiliga o'rtacha 1-2 foizdan ko'payib keldi. 1989 yili koreyslar 183 140, armanlar 50 537, nemislar 39 809 va uyg'urlar 35 762 kishini tashkil qildi.

Turk va forslar haqidagi ma'lumotlar ilk bor 1970 yilgi aholi ro'yxatida qayd qilingan bo'lib, ularning yillik o'sishi ancha yuqori. Masalan, 1979 – 1989 yillarda turklar 2,2 barobarga ko'paygan va 106 302 kishini tashkil etgan. Forslar esa bu davrda 23,7 foizga ko'payib, 24 779 kishini tashkil qildi.

O'zbekistonda ozarbayjon, yunon va yahudiy millatlari vakillari ham istiqomat qiladi. Lekin 1979 – 1989 yillarda ularning bir qismi vatanlariga ko'chib ketishi tufayli, ozarbayjonlar 59 779 nafardan 44 410 kishiga yoki 15,7 foizga, yunonlar 14 025 nafardan 10 453 kishiga yoki 15,5 foizga va yahudiylar 73 920 nafardan 65 493 kishiga yoki 11,4 foizga kamaydi. O'rta Osiyo yahudiylarining soni 1959 yilda 21 324 kishi va 1989 yilda esa 28 369 kishini tashkil qilgan. Ularning tabiiy o'sishi boshqa yahudiylarga qaraganda ancha yuqori bo'lgan.

O'zbekistonda ruslar asosan shaharlarda, sanoat markazlarida yashagan. Masalan, olib borilgan aholi ro'yxatlariga ko'ra, jami ruslarning 42,4 foizi Toshkent shahrida, 19 foizi Toshkent viloyatida, 8,1 foizi Buxoro viloyatida, 6,9 foizi Samarqand shahrida, 7,5 foizi Farg'ona viloyatida va 16,1 foizi qolgan viloyatlardagi shaharlarda istiqomat qilishgan. Qrim tatarlari, yahudiy, ozarbayjon va armanlar kabi nisbatan kam sonli millatlarning aksariyati Toshkent shahri va Toshkent, Samarqand, Buxoro, Andijon va Farg'ona viloyatlaridagi shaharlarda joylashgan edi.



XX asrning ikkinchi yarmidan etnodemografiya sohasidagi amalga oshirilgan ilmiy-tadqiqot ishlari asta-sekin katta ahamiyat kasb etib bordi. Ayniqsa etnik guruhlarda aholining tabiiy usish jarayonlari xalqlarning urf - odatlari, madaniyat va qadriyatlarini ham ta'sir etishi tadqiqotlar orqali ifodalab berildi. Etnodemografiyada etnik guruhlarning demografik jarayonlari tarixiy aspektda o'rganiladi. Etnik guruhlarni o'rganish dunyodagi har bir ko'p millatli davlatlarning ijtimoiy – iqtisodiy rivojlanish dasturlarini ishlab chiqishda, shu bilan birga unda yashayotgan barcha ko'p millatli xalqlarning urf-odatlarini qadriyatlarini o'rganishda ilmiy asos bo'lib xizmat qiladi.

Aholini to'liq ro'yxatdan o'tkazish orqali ma'lum xududdagi aholi soni, dinamikasi, etnik jarayonlari haqida aniq ma'lumot to'planadi. Dastlabki aholi ro'yxatlarida mavjud millatlarning xududiy tarqalishi, ma'lumotliligi va jinsiy tarkibi haqida ma'lumotlar keltirilgan. Davlatlarning rivojlanishida jamiyatning o'rni o'ziga xosdir, zero har bir davlatni ma'lum bir millat tashkil etadi. Aholi tarkibida millatlarni ro'yxatga olish va ularda etnodemografik jarayonlarni o'rganish orqali o'sha jamiyatdagi mavjud ijtimoiy- iqtisodiy muhitni, aholi soni tarkibini, ijtimoiy tarkibini, demografik jarayonlarni, ma'lumotlilik, mehnatga yaroqlilik darajasini jinsiy tarkibi va hokazo ma'lumotlarni olishimiz mumkinligi hozirgi dissertatsiya tadqiqotidan ma'lum bo'ldi. Aholi ro'yxatlaridagi etnodemografik ma'lumot (son dinamikasi yosh-jinsiy tarkibi, tug'ilish o'lim, migratsiya, nikoh, oilaviy holati va hokazo) larning hammasi bevosita bir biriga bog'lik bo'lib, bir jarayondagi o'zgarish albatta ikkinchi bir jarayonning ham o'zgarishiga olib keladi, ular bir-biriga ta'sir qiladi. Masalan, tug'ilishning kamayishi barcha jarayonga bir xilda ta'sir qiladi. Yosh tarkibidagi bolalar soniga nisbatan qariyalar sonining ko'payishiga, nikohda turish tarkibining susayishiga, tug'ilishga nisbatan o'lim jarayonlarining ko'payishiga olib keladi. Demak, aholi takror barpo bo'lishidagi etnodemografik ma'lumotlarni aniq bilib olishda aholi ro'yxatlari katta xizmat qiladi.

Xulosa va takliflar. Ushbu tadqiqotning natijasi o'larok shu narsa ma'lumki, O'zbekistonda o'tkazilgan har bir aholi ro'yxatlarining bir biridan farqli jihatlari mavjud, dastlab o'tkazilgan aholi ro'yxatlari o'z dasturiga ega bo'lsada, ular kam ma'lumotlarni o'z ichiga olgan, dasturning oddiyligi sabab ularni o'tkazish ancha vaqt talab qilgan. Keyinchalik aholi ro'yxatga olish dasturlari ilmiy asoslarda ishlab chiqilgach, aholi ro'yxatlaridagi ma'lumotlar aniqlashdi va kengayib bordi. Bu ro'yxatlarda endi aholining demografik jarayonlari, ularning iqtisodiy faoliyati, ma'lumotlilik darajasi etnik holati va boshqa ma'lumotlar keltirila boshlandi[15].

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, Respublikamizda aholi soni dinamikasi muntazam ko'payib borgan, bunga albatta birinchi navbatda tabiiy o'sish va migratsiya katta ta'sir qilgan. Ko'chib keluvchilar salmog'ining ko'payishi, ayniqsa bu xol o'lkamizning chor Rossiyasi qaramligi davrda yanada avj olishi o'z o'rnida O'zbekiston aholisining soniga, milliy tarkibiga o'z ta'sirini o'tkazgan. O'tkazilgan aholi ro'yxatlariga ma'muriy bo'linish holati, urushlar, tabiiy ofatlar ham o'z ta'sir etmay qolmaydi. Masalan ma'lum bir xududning davlat tarkibidan chiqish yoki aksincha qo'shilishi o'sha aholi ro'yxatlarining o'zgarishiga olib keladi.

Respublikamizda bu holatni 1926-1939 yillarda O'zbekiston tarkibidan Xo'jakent okrugining chiqishi, Qoraqalpog'iston Avtonom Respublikasining qo'shilishi misolida ko'rishimiz mumkin. Hozirgi tadqiqotdagi etnodemografik ma'lumotlardan aholining jinsiy tarkibi bo'yicha to'plangan ma'lumotlar ham alohida ahamiyatga ega ekanligini ko'rish mumkin. Aholi tarkibidagi ayollar va erkaklar miqdoriy ko'rsatkichining mutanosibliigi bevosita o'sha hududda nikohga kiruvchilarning, oilalarning, bolalar salmog'ining ko'payishiga olib keladi. Lekin dunyodagi barcha davlatlar aholisining jinsiy tarkibi o'ziga xos va bu har bir

davlatning tarixiy taraqqiyotiga, turmush tarziga bog‘liqdir.

Shunday qilib, aholi ro‘yxatlarida keltirilgan etnodemografik ma’lumotlar aholi soni, yosh-jinsiy tarkibi, tug‘ilish, o‘lim, nikoh va ajralish, oila hamda aholi migratsiyasi ko‘rsatkichlarining etnik guruhlar bo‘yicha ifodalanishi Respublikada yashovchi har bir xalqning demografik tarixini o‘rganishda, istiqbolini aniqlashda, demografik bashoratlar ishlab chiqishda muhim ilmiy tarixiy manba sifatida xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi.

Toshtemirova, Saodat Abdurashidovna (2021) “ETHNO-DEMOGRAPHIC DATA IN THE POPULATION CENSUSES CONDUCTED IN UZBEKISTAN AS A SCIENTIFIC HISTORICAL SOURCE” / Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal: Vol. 2021: Iss. 06 , Article 27.

Буриева М.Р. Демография асослари. – Т.: 2001.

Буриева. М.Р. Демография асослари. Т.: 2001. 33-34-бетлар.

ЦГА РУЗ., Ф. 1619, оп. 11. Д5. Л2

Птух М. Смертность 11 народностей Европейской России в конце XIX в., -К.: 1928.

Козлов В.И. Этническая демография. М.:1977

Брук С.И. Население мира. М.:1981

Караханов М.К. Некапиталистическая путь развития и проблемы народанаселения. – Т.: 1983.

Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Ташкент. 1998.

ЦГА РУЗ Ф. 1619, оп 11.95. Л.2.

Всесоюзная перепись населения 1939 года. ЦГА РФ, Ф.1, оп. 3, д.620. л.73, 78, 79, 80, 81.

Итоги всесоюзной переписи населения 1959 года. Узбекская ССР. – М.: 1962. Стр. 138-143.

Итоги всесоюзной переписи населения 1989 года. Национальный состав населения Узбекской ССР. – Ташкент, 1990, стр. 51-68.

Saodat Abdurashidovna Toshtemirova, (2021). Ethnodemographic Information As A Source In Population Censuses (On The Example Of Uzbekistan) / The American Journal of Applied Sciences, 3(04), 256-263.

**TURKISTONDA XALQ MAORIFI TIZIMIDA MILLIY CHEKLANISH VA SOVETLASHTIRISH JARAYONLARINING BOSHLANISHI**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.005>

*Qodirova Ra'no Mamirjonovna,*

*Farg'ona davlat universiteti, Jahon tarixi kafedrası o'qituvchisi*

1917 yilga kelib Turkistonda mahalliy aholi uchun uch xil maktab mavjud edi: (mahalliy) musulmon aholisi: 1) konfessional - eski uslubdagi maktab va madrasalar (madrasalar); 2) yangi usul (jadid) va eski uslubdagi maktablar o'rtasida oraliq pozitsiyani egallagan maktablar va dunyoviy ta'lim muassasalari; 3) dunyoviy - rus tilidagi maktablar. Turkiston ASSRning 1918-yil 14-maydagi dekreti bilan Turkistondagi maorif soxasini tubdan sotsialistik asosda islox qilish boshlandi. RSFSR va Turkiston bolshevik sovet ma'murlarining mahalliy ta'lim tizimiga munosabati asosan dinga nisbatan siyosat va RSFSR XKS ning 1918-yil 23-yanvardagi cherkovni davlatdan ajratish haqidagi Dekreti bilan belgilandi. 1918-yil 20-noyabrda TASSR da ham shunday dekret qabul qilindi. Ushbu maqolada shu dekretning natijalari va Turkistondagi ta'lim sohasidagi islohotlar haqida yoritib berilgan.

*Kalit so'zlar: Turkiston ASSR, TASSR MIQ, Maorif xalq komissarligi, harbiy kommunizm, Butun o'zbek sezdi, Buxoro va Xorazm Sovet Respublikalari*

**THE BEGINNING OF THE PROCESS OF NATIONAL LIMITATION AND SOVIETISM IN THE PUBLIC EDUCATION SYSTEM IN TURKESTAN**

*Kadirova Rano Mamirjonovna,*

*Teacher of the Department of World History at Fergana State University*

**ABSTRACT.** By 1917, there were three types of schools for the local population in Turkestan: (local) Muslim population: 1) confessional - old-style schools and madrasas (madrasas); 2) schools and secular educational institutions that occupy an intermediate position between the new method (jadid) and the old-style schools; 3) secular - schools in the Russian language. By the decree of the Turkestan ASSR (Autonomous Soviet Socialist Republic) of May 14, 1918, a radical socialist reform of the education system in Turkestan began. The attitude of the RSFSR (Russian Soviet Federative Socialist Republic) and Turkestan Bolshevik Soviet officials to the local education system was largely determined by the policy towards religion and the CPC (Council of People's Commissars) of RSFSR Decree of January 23, 1918, on the separation of the church from the state. On November 20, 1918, a similar decree was adopted in TASSR. This article describes the results of this decree and the reforms in the field of education in Turkestan.

**KEYWORDS:** Turkestan ASSR, CEC (Central Executive Committee) Of TASSR, People's Commissariat Of Education, Military Communism, All-Uzbek Congress, Bukhara And Khorezm Soviet Republics.

**НАЧАЛО ПРОЦЕССА СОВЕТИЗАЦИИ И НАЦИОНАЛЬНОГО ОГРАНИЧЕНИЯ ТУРКЕСТАНА В СИСТЕМЕ НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

*Кадирова Раъно Мамиржоновна,*

*преподаватель кафедры Всемирной истории, Ферганского государственного университета*

К 1917 году в Туркестане было три разных школы для местного населения: 1) конфессиональный - школы старого стиля и медресе (медресе); 2) школы,

которые занимают промежуточную позицию между новым методом и старыми школами и светскими учебными заведениями; 3) Светские - школы на русском языке. В соответствии с указом Туркестан АССР 14 мая 1918 года область образования в Туркестане начала реформироваться на радикальной социалистической основе. Отношение и советских администраторов Туркестан к местной системе образования было определено главным образом религиозным, и 20 ноября 1918 года договор был принят в договоре. Эта статья, результаты этого постановления и освещенные в области образования в Туркестане.

*Ключевые слова:* Туркестан АССР, ТАССР - это масштаб движения, военный коммунизм, военный коммунизм, все Узбек Эتلарган, Советские республики Бухара и Хорезма

1. Dolzarbligi: Tadqiqot mavzusining dolzarbligi bir necha o'n yilliklar davomida sovet ijtimoiy-siyosiy rivojlanishining poydevori qo'yilgan tanqidiy 1920-30-yillarda sovet fuqarolarining yangi avlodini ta'lim va tarbiyalash tarixiga ilmiy va jamoatchilik qiziqishining ortishidadir. oldinda. Sovet ta'lim modeli inqilobdan keyingi birinchi yillarda hokimiyat tomonidan butun sobiq ta'lim tizimini qayta tashkil etish bo'yicha amalga oshirilgan keng ko'lamli eksperimentga muvofiq shakllana boshladi. Ommani g'oyaviy-siyosiy tarbiyalashda yosh avlod bilan ishlash alohida o'rin tutdi, yoshlarning sotsialistik dunyoqarashini shakllantirish, ularni «marksizmning inqilobiy nazariyasi» bilan tanishtirish 1920-30-yillarda boshlandi. ta'lim sohasidagi davlat siyosatining asoslari. Jamoat ongini yangi g'oyalar va qadriyatlarga yo'naltirish rus maktabi asoslarini inqilobiy yangilashni oldindan belgilab qo'ydi va ta'lim mazmuni marksistik metodologiya talablariga moslashtirildi.

### 2. Metodlar va o'rganilganlik darajasi

O'rganilayotgan muammo yuzasidan birinchilardan bo'lib partiya yetakchilari va mafkurachilari, xalq ta'limi organlari rahbarlari – V.I. Lenin, A.V. Lunacharskiy va uning o'rinbosarlari - N.K. Krupskaya va M.N. Pokrovskiy. VA DA. Lenin va boshqa partiya rahbarlari xalq ta'limi sohasidagi o'zgarishlarga g'oyaviy va qisman dasturiy va uslubiy talablarni ishlab chiqdilar<sup>4</sup>. Maktab tizimini isloh qilishning butun murakkab jarayonining g'oyaviy-siyosiy yo'nalishi Xalq Maorif Komissarligi va uning rahbarlari, birinchi navbatda, A.V. Lunacharskiy va N.K. Krupskaya. Aynan ular Yagona mehnat maktabi (YMM) g'oyasining asosiy ishlab chiquvchilari va targ'ibotchilari bo'lib, 1918 yil kuzida xalq komissari tashkil etilganligi to'g'risida bayonot bergan edi. A.V. Lunacharskiy ham birinchilardan bo'lib maktab tarix ta'limi tizimini qayta qurish masalasida Xalq Maorif Komissarligi pozitsiyasini shakllantirdi<sup>6</sup>. M.N. Pokrovskiy, asosan, yangi maktabning mazmuni va o'qitish usullarini rivojlantirish bilan shug'ullangan. 1920-yillarning o'rtalariga kelib u professional tarixchi sifatida tarixiy va ijtimoiy-siyosiy ta'lim masalalari bo'yicha asosiy va eng nufuzli mutaxassisga aylandi.

### 3. Tadqiqot natijalari:

20-yillarning o'rtalari – ikkinchi yarmi maktab muammolariga, xususan, maktab tarixiy va ijtimoiy-siyosiy ta'lim muammolariga bag'ishlangan ko'plab asarlar paydo bo'lishi bilan ajralib turdi. “Ta'lim” tushunchasi o'rniga “ijtimoiy-siyosiy ta'lim” tushunchasi ko'proq qo'llanila boshlagan bu davrda ushbu asarlarning aksariyati ongni siyosiy lashtirish va mafkuralashtirish vositasi sifatida tarix va ijtimoiy-siyosiy fanlarga muhim o'rin ajratdi. bolalar va o'smirlar. Mualliflar orasida maktab tarixining to'laqonli kursini saqlab qolish tarafdorlari ham, “Zamonaviylik” bo'limining o'ziga xos ustuvorligi bilan maktab ijtimoiy fanlari kursini yanada takomillashtirish tarafdorlari ham alohida ajralib turishdi.

20-yillarning o'rtalaridan boshlab maktabning “ijtimoiy-siyosiy ta'lim”

bo'yicha olib borgan ishlari natijalari haqida ko'p yozildi. Mualliflar - metodistlar yangi mavzular va yangi ish usullarining pedagogik ta'siri natijalarini bolalar va o'smirlarning bayonotlari va harakatlariga ko'ra baholash mumkinligini ta'kidladilar. Ushbu masalalar bo'yicha boy materiallar butun Rossiya va mintaqaviy pedologik tadqiqotlar tomonidan taqdim etilgan bo'lib, natijalari 1920-yillarning o'rtalarida - ikkinchi yarmida nashr etilgan. 1920-yillarning o'rtalarida nashr etilgan asarlar mualliflari va muharrirlari maktabda tarix va ijtimoiy fanlarni o'qitish sovet o'quvchilarining ideallarini shakllantirishga "deyarli ta'sir ko'rsatmaydi" degan xulosaga kelishdi va qoida tariqasida, ularning «Ijtimoiy fanlar g'oyalari hatto asosiy masalalarda ham juda noto'g'ri, ba'zan butunlay noto'g'ri». Biroq, 1920-1930 yillar oxirida Birinchi Pedologik Kongress «zamonaviy maktab o'quvchisi tobora ko'proq sovet maktab o'quvchisiga aylanib bormoqda» degan xulosaga keldi. Aytish mumkinki, pedologlarning xulosalari 1920-yillarda maktab siyosatida, xususan, ijtimoiy-siyosiy fanlarga nisbatan o'zgarishlarning sabablaridan biri bo'ldi.

Chor hukumatining ruslashtirish va mahalliy diniy ta'lim tizimiga nisbatan zo'ravonlik siyosatiga qaramay, an'anaviy diniy maktablar o'z faoliyatini davom etdi, milliy ta'limning yangi istiqbolli tamoyili vujudga keldi. 1905-yilgi inqilobining ta'siri va, ayniqsa, chor hukumatining ag'darib tashlanishi bilan maorif tizimida demokratlash tamoyili o'rin ola boshladi.

1917-yildagi Oktabr to'ntarishidan so'ng hukumat tepasiga kelgan bolsheviklar maorif tizimidagi ilgarigi boshqaruv tizimini tugatish va xalq ta'limining sovet modelini yaratish maqsadida 1917-yil noyabr oyida Turkiston o'lkasi Maorif xalq komissarligini tashkil etdilar [2: i-28, v-51].

Turkiston ASSRning 1918-yil 14-maydagi dekreti bilan Turkistondagi maorif soxasini tubdan sotsialistik asosda islox qilish boshlandi [2: f-34., r-1, i-30]. Unda hammaga mos keladigan sovet maktabini tashkil etish zarurligi haqida uqtirilgandi.

XIV asr oxiri va XV asrning birinchi yarmidan nomachilik janrida yaratilgan asarlarda o'z davrining hayoti, insonlarning orzu-intilishlari o'z ifodasini topgan bo'lib, ularda vatanparvarlik, adolat va tenglik, muhabbat va sadoqat tarannum etilgan. Xorazmiyning "Muhabbatnoma" asari oshiqning ma'shuqaga yo'llagan ga'zal shaklidagi o'nta ishqiy maktubidan iborat. Keyinchalik Xorazmiyning "Muhabbatnoma" si ta'sirida yaratilgan Xo'jandiyning "Latofatnoma", Said Ahmadning "Taashshuqnoma", Yusuf Amiriyning "Dahnoma" asarlarida ham noma janri an'alariga rioya qilingan, ularning barchasi bir xil vaznda ya'ni hazaji musaddasi mahzuf vaznida, masnaviy shaklida yozilgan, barchasi ham o'nta nomadan ("Muhabbatnoma" bundan mustasno) iborat. "Muhabbatnoma", "Latofatnoma", "Taashshuqnoma" asarlarida nomalar oshiq tilidan safoga, ma'shuqaga yetkazishini iltimos qilib yozilgan bo'sa, «Dahnoma» dagi nomalar ham oshiq, ham ma'shuqa nomidan yo'llangan.

Adabiyotlar tahlili va metodologiya. Xorazmiyning «Muhabbatnoma» asari juda ko'p sharqshunos olimlarning e'tiborini o'ziga qaratadi. Jumladan, A.M.Samoylovich, M.F.Ko'prulizoda, A.M.Sherbak kabi xorijiy tadqiqotchilar bu borada qiziqarli ilmiy izlanishlar olib borishdi. Sharq, xususan, o'zbek mumtoz adabiyotida turli munosabatlar bilan yozilgan noma (maktub, xat)lar mavjud. Ular mavzu-tematikasiga ko'ra birbiridan o'zaro farqlanadi. Masalan, adabiyot tarixida "noma" deb ataluvchi tarix, memuar, sayohat yoki janglar ta'rifi haqidagi asarlar yaratilgan ("Zafarnoma", "Boburnoma", "Shayboniynoma" singari). Lekin ularda "noma" atamasi o'zgacharoq vazifani bajaradi. Masalan, "Zafarnoma" – zafarli jangovar harakatlar haqidagi asar, "Shohnoma" – shohlar tarixi haqidagi badiiy asar, "Sayohatnoma" - turli sayohatlar va sarguzashtlar tafsiloti haqidagi asar, "pandnoma" – nasihato'g'itlar to'plami va hokazo. Aslida, "noma" oshiqning ma'shuqaga yo'llangan maktublari tarzida yozilganligi tufayli ana shunday nom bilan atalgan" [1]. Shu bilan birga noma mumtoz adabiyotda sezilarli mavqega ega bo'lmish liro-epik janr hamdir. Tadqiqotimiz manbai bo'lgan "Muhabbatnoma", "Latofatnoma", "Dahnoma", "Taashshuqnoma" singari asarlar ana shu janr namunalari. Adabiyotshunos O.Jo'raboyevning fikricha, "Mumtoz adabiyot tarixida yana bir she'r turi borki, uni mug'anniynoma (mug'anniy - kuychi, bastakor, xonanda ma'nolarida) deb ataladi." [2]

"Noma" atamasiga "Navoiy asarlari lug'ati" da quyidagicha ta'rif berilgan: "Noma" - xat, maktub; risola; Nomai iqbol - mehribonchilik xati; xursandchilik xati; Noma sabt etmak - xat yozmoq; Nomai ahmol amallar (tiriklikda qilingan yaxshi, yomon – gunoh, savob ishlar) yozuvi." [3]

Muhokama va natija. Noma xat ma'nosini ifodalaydi. Adabiy tizim sifatida noma maktub tarzida yozilgan badiiy asardir. O'zbek va fors-tojik adabiyotida noma asosan she'riy shaklda yaratilgan. O'zbek mumtoz adabiyotida bu janrning ilk namunasi shoir Xorazmiyning «Muhabbatnoma» asaridir. «Muhabbatnoma» liro-epik asar bo'lib, turli she'riy janrlami - noma, masnaviy, g'a'zal, qit'a va madhiyani o'z ichiga olgan. Biroq undagi yetakchi janr - nomadir. Noma masnaviy usulida qofiyalanadi. Misol:

Soching bir torina ming hur yetmas, - a  
Yuzungning nurina ming nur yetmas. - a  
Agar bersa suyurg 'ab haq taolo, - b  
Kerakmas sensizin Jirdavsi a'lo. – b [4]

Noma mustaqil asar bo'lishi bilan birga biror asar to'qim asidan o'rin olishi, uning tarkibiga kirishi ham mumkin. Mustaqil nomalar bu janrda yo yetakchi bo'ladi, yoki asar boshdan - oyoq shu janrdangina iborat bo'ladi. Masalan, Xorazmiyning «Muhabbatnoma»si, Alisher Navoiyning Said Xasan Ardasheriga she'riy maktubi - «Masnaviy»si, Muqimiyning «Sayohatnoma»si. Misol:

Salomekim ko'rtgul jonona aysa,

Yorur ko 'zlar savodidin bitisa.  
Salomimni tegur ul dilsitong 'a,  
Rahmsiz bevafo joni jahong 'a.  
Salomimni tegur ul xushliqog 'a,

Qamug' boshdin - oyoq obi baqog 'a.[5] («Muhabbatnoma» 2-nomadan).

Muhokama. Biror asar to'qimasidagi nomalar katta asarlarda uchraydi. Bunday nomalar o'sha asarlar qahramonlari nomidan bir-birlariga yozilgan bo'ladi. Ularda ham qahramonning ruhiy kechinmalari, orzu-intilishlari ifodalanadi. Bunday nomalarning xususiyati shundan iboratki, ular qaysi asar to'qimasida bo'lsa-da, o'sha asar vazni va qofiyalanishi usulida bitiladi. Bunday nomalarning eng go'zal namunalarini Navoiyning «Farhod va Shirin», «Layli va Majnun» dostonlarida uchratamiz. Keyingi davrlarga kelib nomalarning xili ko'paydi. Jumladan, Muqimiy, Furqat, Zavqiy, Tajalliy kabi shoirlar tomonidan yozilgan sayohatnomalar noma janrining yangi turi sifatida yuzaga chiqadi. Bu nomalarning formal-poetik jihatlari ham «Muhabbatnoma» yoki Navoiy dostonlaridagi nomalardan farq qiladi.

Jumladan, Muqimiy «Sayohatnoma»si murabba' janri shaklida yozilgan bo'lib, a-a-a-b, v-v-v-b ... usulida qofiyalangan, unda aruzning rajazi musammani solim bahri istifoda etilgan. Misol:

Faryodkim, garduni d m – a  
Aylar yurak-bag 'rimni xun, - a  
Ko 'rdiki, bir ahli funun, - a  
Charx anga kajraftar ekan. - b  
Qolmay shaharda toqatim, - v  
Qishloq chiqardim odatim, - v  
Ilohi yayov, bo 'Isun otim, - v  
Gar sayr ham darkor ekan ... - b .[6]

Liro-epik noma ma'lum syujet xususiyatlariga ega bo'lgan asardir. Masalan, «Muhabbatnoma»da lirik qahramon kechinmalari tadrijiy ravishda tasvirlansa, «Sayohatnoma»da lirik qahramonning ko'rganlari bayon qilinadi. Misol:

Ayo zebo sanam shohi qaboyil,  
Taoilloh zihi shakl-u shamoyil.  
Shakar eming qachon so 'z qilsa og 'oz,  
Qilur jon to 'tisi tanlarda pardoz.  
Shakarmu emingizyo qand, yo jon,  
Uyolur la'lingizdan obi hayvon.[7] («Muhabbatnoma». 7-nomadan).

Misol:

Ko 'rdim chuqur «Chimyon» erur,  
Er ostida zindan erur.  
Dushmanlari mehmon erur,  
Bog'i uning tutzor ekan. («Sayohatnoma»).

Lirik noma aksariyat hollarda shoirlar tomonidan do'stlariga, ustozlariga, ma'shuqa yoki oshiq nomiga yoziladi. Bunday nomalarning eng go'zal namunasi Alisher Navoiy yaratgan. Bunday nomalarda shoiming shaxsi lirik qahramon shaxsi bilan uyg'unlashib ketadi. Kechinmalar tasviri hayotiy va aniq holatda bo'ladi. Misol:

... Azaldin ishq ekan bo'Isa sirishtim,  
Qazodin dardu mehnat samavishtim.  
Bu ishda kimda tig'i ta'n uroyin,  
O 'zumni yoqsa kimni yozg'urayin?[8]  
(«Farhod va Shirin». Farhodning Shiringa maktubidan).

Soqiynoma sharq mumtoz adabiyotidagi she'riy shakllardan biridir. Soqiynoma ham she'riyatning tarje'band, tarkibband turlari kabi bir necha banddan iborat bo'ladi. Har bir band masnaviy shaklida qofiyalanadi. «Soqiynoma» soqiyya

murojaat bilan boshlanadi. Shuning uchun ham u «Soqiynoma» deb ataladi. Soqiynoma o'zbek adabiyotiga fors-tojik adabiyoti orqali yetib kelgan.

Xulosa va takliflar. Maktub-nomalar alohida janr sifatida ham shakllandi. O'zbek nomachiligining eng taraqqiy etgan davri XIV – XV asrlarga to'g'ri keladi. Bu davrda Xorazmiyning “Muhabbatnoma”si, Xo'jandiyning “Latofatnoma”si, Yusuf Amiriyning “Dahnoma” va Sayyid Ahmadning “Taashshuqnoma” kabi asarlari yuzaga keldi. Bu asarlarning muqoyasali tahlili o'zbek nomachiligining tarixi, shakllanish jarayoni, o'ziga xos janr xususiyatlari haqida fikr yuritish imkonini beradi.

XIV asr o'rtalari va XV asrning birinchi yarmida o'zbek adabiyotida alohida mustaqil ishq-muhabbat mavzuidagi janr sifatida shakllangan va rivojlangan noma o'z taraqqiyot kurtaklarini qadimgi og'zaki va yozma adabiyotdan boshlagan. Bu o'rinda qadimgi lirik qo'shiqlardagi vasf-noma izlaridan boshlab “Alpomish” dostonigacha, yozma adabiyotda esa “Qutadg'u bilig” asarigacha eslash joiz bo'ladi. Shu ma'noda Zarafshon vodiysida olib borilgan arxeologik qazilmalar vaqtida ayol kishining qabr toshiga o'yib ishlangan yozuvlardagi vasf motivlarini eslash bu masalaning ildizlarini yanada qadimiy davrlarga olib boradi. Alisher Navoiy o'zining “Farhod va Shirin” dostonini yozar ekan, undagi Farhodning Shiringa, Shirinning Farhodga yozgan maktub-nomalarini yaratishda, Mehinbonu saroyidagi 10 ta olim, shoiralarni tavsif etishda boshqa manbalar qatorida Xorazmiyning “Muhabbatnoma”, Yusuf Amiriyning “Dahnoma” asarlaridan ham ilhomlangani tabiiy. Bu esa nomalar o'zbek epik poeziyasi taraqqiyotida muhim bir bosqich bo'lganligi, epik poeziya taraqqiyotiga sezilarli hissa bo'lib qo'shilganini ko'rsatadi.

Xat, eng avvalo, insonlar o'rtasidagi aloqa vositasi ekanligi ma'lum. Ijodkorlar xat vositasida adabiyotga inson qalbidagi turli kechinmalarning rangin ko'rinishlarini ifodalash uchun murojaat etadilar.

Adabiyot tarixida xatlarning paydo bo'lishi antik davrlarga borib taqaladi. O'zbek adabiyotining ilk taraqqiyot bosqichlarida ham xatdan foydalanilganligi turli manbalar asosida yetib kelgan. Keyinchalik badiiy adabiyotda xat shaklidan foydalanganlar. Nomalarning paydo bo'lishi bunga misol. Xat ijodkorlarning ko'nglidagi gaplarni haqqoniy ifodalashning samarali bir usuliga aylandi

#### ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Ўзбекистон нашриёти, 2014. Б. 138
2. Жўрабойев О. Мумтоз адабиётда муғаннийнома. Т.: 2016. Б. 3
3. Навоий асарлари луғати. Т.: 1972. Б. 466
4. Xorazmiy. Muhabbatnoma. Muborak maktublar to'lami. T.: 1987
5. Alisher Navoiyning Farhod va shirin dostoni.
6. Alisher Navoiyning ijodiy merosi va uning jahonshumul ahamiyati. T.: “Fan” 2001.
7. Alisher Navoiy. Nazm-ul javohir. Asarlar. 15-jild. 1968.
8. Alisher Navoiy. Munshaot. Asarlar. 13-jild. T.: 1968.
9. Jo'raboyev O. Mumtoz adabiyotda mug'anniyoma. T.: 2016.
10. Jamolova M. O'zbek adabiyotida noma janri. T.: 1992
11. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL AND APPLIED SCIENCES Volume: 02 Issue: 05 | May 2021 ISSN: 2660-5317 ИДЕИ ОБ ИДЕАЛЬНОМ ЧЕЛОВЕКЕ, ЯЗЫКЕ, ПРОЦВЕТАНИИ В ЭВОЛЮЦИИ ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДОВ УЗБЕКСКИХ ДЖАДИДОВ НАЧАЛА XX ВЕКА.

Нематова Зебо Турсунбаевна, Хакимова Муhabбат Алимовна, стр.219-224

12. Khayrullayeva Kamola Ravshanovna, Hakimova Muhabbat Alimovna, and Ne'matova Zebo Tursunbayevna. “THE EXEMPLARY LIFE OF BABUR MIRZA IN THE INTERPRETATION OF STEPHEN MEREDITH”. JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, vol. 7, no. 06, June 2021, pp. 295-00, doi:10.17605/OSF.IO/YX2G5.



13. Davlatova M.H. An Integrative history of Aspectual meanings.-JournalNX-A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, Volume 6, ISSUE 4, Apr.-2020.-P.17-22

14. The Problem of “A Strong Personality” in Shakespeare’ Dramas: Richard III and Macbeth. TN Zayniddinova, Middle European Scientific Bulletin, 2022

15. Habibova, M. N. (2021). JORJINA HOUELLNING “QUEEN OF THE DESERT” BIOGRAFIK ASARIDA GERTRUDA BELL TIMSOLI TASVIRI. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(2), 770-778. <https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00260>

16. Habibova, M. N. (2021). The theme feminism in the epistolary novels in modern times. ISJ Theoretical & Applied Science, 11 (103), 1101-1105. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-11-103-124> <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2021.11.103.124>

17. Manzila Nuriddinova Habibova. (2022). THE HISTORY OF THE RUSSIAN EPISTOLARY NOVEL IN EIGHTEENTH CENTURY. EURASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES, PHILOSOPHY AND CULTURE, 2(3), 135–139. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6378797>

18. Manzila Nuriddinova Habibova. (2022). EVALUATIVE OBSERVATION ON D.H. LAWRENCE’S EPISTOLARY ACHIEVEMENT. EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH, 2(4), 489–494. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6516999>



**TILSHUNOSLIKDA MERONIMIYA HODISASI TADQIQI**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.012>

*Eshmuminov Asqar,*

*Termiz davlat universiteti dotsenti, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)*

**ИЗУЧЕНИЕ МЕРОНИМИЧЕСКИХ ЯВЛЕНИЙ В ЛИНГВИСТИКЕ**

*Эшмуминов Аскар,*

*доцент Термезского государственного университета, Доктор философии (PhD) в области филологии*

**THE STUDY OF THE MERONYMIC PHENOMENA IN LINGUISTICS**

*Eshmuminov Askar,*

*Associate Professor of Termez State University Doctor of Philosophy (PhD) in Philology*

*Annotatsiya: Ushbu maqolada tilshunoslikda meronimiya hodisasining tadqiqi va partonimiya hodisasi bilan aynan bir-xil ekanligi asoslangan. Tilshunos olimlarning meronimiya bo'yicha tadqiqotlariga sharhlar berilgan.*

*Annotation: This article is based on the fact that the study of the phenomenon of meronymy in linguistics and the phenomenon of partonymy are exactly the same. Linguists have commented on their research on meronymy.*

*Annotation: This article is based on the study of the phenomenon of meronymy in linguistics and that it is exactly the same as the phenomenon of partonymy. Linguists have commented on their research on meronymy.*

*Kalit so'zlar: Meronim, partonim, xolonim, qism-butun munosabati, patronomik lug'aviy ma'no, system leksikologiya*

*Ключевые слова: мероним, партоним, холоним, отношение часть-целое, патронимное лексическое значение, системная лексикология.*

*Keywords: Meronym, partonim, holonim, part-whole relationship, patronomic lexical meaning, system lexicology*

Kirish. Meronim (qadimgi yunoncha *mīros* – “qism” va *ōnomo* – “ism”) boshqasining ajralmas qismi bo'lgan tushunchadir. Meronim boshqa ma'noda partonim deb ham ataladi (lot. *pars*, r. *P.* – *partis* – “qism”). Xolonim (qadimgi yunon. birinchisining tarkibiy qismi sifatida). Meronimiya (partonimiya) atamasi o'zbek tilshunosligida ham, Yevropa tilshunosligida ham yangi yo'nalish termini sanalib, ilmiy adabiyotlarda ilk marta Sistem leksikologiya tezislarida uchraydi.[1] O'zbek tilshunosligida meronimiya atamasi partonimiya nomi ostida XX asrning 90-yillarida Buxoro tilshunoslik maktabi vakillari tomonidan fanga olib kirilgan.[2]

Partonimik lug'aviy ma'no guruhidagi so'zlar butunnom va bo'laknom kabi ikki turga ajratiladi: daraxt – butunnom, ildiz, tana, shox, barg – bo'laknom. “Odam” partonimik lug'aviy ma'no guruhida bosh, tana, qo'l, oyoq kabi 4 bo'lak o'zaro ma'lum tartibda va qonun-qoida asosida birlashib, bir sistemani – “odam” nisbiy butunligini tashkil etgan. Partonimik lug'aviy ma'no guruhlaridagi so'zlarni qiyosiy o'rganish lug'aviy birliklarning ma'nosini yanada chuqurroq ochishga yordam beradi.[3]

Ma'lumki, leksemaning ma'nosida borliqdagi voqea-hodisalarning inson ongidagi in'ikosi ifodalanadi, demak, ma'nolar tizimidagi butun-bo'lak munosabati negizida ham, aslida, borliqdagi butun-bo'lak munosabatlarini tilda ifodalash zarurati yotadi.[4] Meronimiya va xolonimiya semantik munosabatlar sifatida bir-biriga qarama-qarshidir. Masalan, *dvigatel*, *g'ildirak* va *kapot* atamaları avtomobil

atamasiga nisbatan meronimdir. O‘z navbatida, avtomobil atamasi dvigatel, g‘ildirak va kapot atamalariga nisbatan xolonimdir.[5]

Adabiyotlar sharhi va tadqiqot metodologiyasi. Tilshunoslikda meronimiya termini dastlab rus olimi M.V.Nikitin tomonidan bo‘lak ma‘nosini ifodalash uchun fanga kiritilgan.[6] O‘zbek tilshunosligida meronimiya termini tilshunos olimlar B.Qilichev [7] va A.Sobirovlar [8] tomonidan birinchilardan bo‘lib qo‘llanganlar ushbu hodisaga H.Ne‘matov, R.Rasulovlar [9] ham munosabat bildirishgan. Professor A.Sobirov meronimiya hodisasini quyidagicha tushuntiradi: “Uy” butun nomi poydevor, devor, pol, tom, eshik, deraza bo‘laknomlaridan iborat. Ular ichidan “tom”ni ajratib olib, unga aloqador so‘zlar asosida maydoncha hosil qiladigan bo‘lsak, to‘sin, shifer, shift, tarnov, cherdakka nisbatan “tom” butun nom bo‘lib qoladi. [10]

Tilshunosligimizda meronimiya hodisasi partonimiya nomi ostida o‘rganilib kelinmoqda. Semantika yo‘nalishi bo‘yicha taniqli olim M.V.Nikitinning so‘zlariga ko‘ra, meronimik munosabatlar lug‘atlarni semantik tartiblashda muhim omil, shuning uchun u ajralmas iyerarxik tuzilma sifatida namoyon bo‘ladi. Olimning meronimiya hodisasiga bergan tavsifi ushbu fikrga misol bo‘la oladi: “Shubhasiz, butun-bo‘lak munosabatlari butun dunyoni pastdan yuqoriga, mikrodan makrokosmosga, elementar zarralardan galaktikalarga qadar qamrab oladi. Ular har xil daraja murakkabligidagi narsalarni qismlar-butun, elementlar tizimning turli bosqichli iyerarxiyaga keltirgan holda o‘z ichiga oladi. Bu munosabatlar umumiy va global hisoblanadi”[11]. Meronimiya hodisasini tadqiq qilib shunday xulosaga kelish mumkinki, butun borliq: narsa, predmet, buyum butunlik ekan, albatta, tarkibiy qismlarga, bo‘laklarga bo‘linadi. Tilshunos olim B.Qilichev ta‘kidlaganidek, hatto hozirgi fan uchun bo‘linmas bo‘lgan elektron ham cheksiz bo‘linuvchi deb faraz qilinadi. Tarkibiy murakkablik, bo‘laklarga bo‘linuvchanlik borliq ashyolarining umumiy qurilish qonuniyati ekan, bu qonuniyat ong orqali lisonda o‘z aksini topishi shart va zarur.[12] Yuqoridagi fikrdan kelib chiqib shunday xulosaga kelish mumkinki, har qanday butunlik o‘z bo‘laklariga ega, bo‘laklar esa kichik bo‘lakchalarga ega.

Tahlil va natijalar muhokamasi. Butun-bo‘lak (meronimiya-partonimiya) munosabatlari tilda o‘z aksini topgan, ammo tilshunoslikda nazariy jihatdan farqlanmagan. Shunga qaramay, amaliyotda, lug‘atchilikda, so‘z ma‘nolarini izohlashda tilshunoslar bu masalaga ko‘p murojaat qilganlar.[13] Xususan, professor B.Mengliyev partonimik (meronimik) munosabatga quyidagicha ta‘rif bergan: partonimik munosabat – butunning qismga, qismning butunga aloqadorlik munosabati.[14]

Munosabat tushunchasi ham keng qamrovli bo‘lib bir nechta holatlarni ifodalab keladi. Masalan:

MUNOSABAT [a. –تَبَسُّبْ munosiblik, muvofiqlik; joizlik; qarindoshlik; aloqadorlik]. تَبَسُّبْ م

1. Kishilar, tashkilotlar, davlatlar o‘rtasidagi bordi-keldi. Oldi-berdi muomalalari; tirikchilik, moddiy va ma‘naviy hayot bilan bog‘liq bo‘lgan aloqa. 2. Kishining voqelikka, voqelikdagi narsalarga, hodisalarga qarashi, yondashish prinsipi. 3. Muayyan tizimdagi elementlarning joylashish xarakteri va ularning o‘zaro bog‘liqligini ifodalovchi falsafiy tushuncha. 4. Biror ish, harakat, gap kabilarga daxli bo‘lgan narsa, tegishli asos; bois, daxl. Bu ishga sizning gapingizning hech qanday munosabati yo‘q.[15] Yuqoridagi ta‘riflardan uchinchisi biz tahlil qilayotgan masalaning mohiyatini o‘zida aks ettiradi.

Meronimiya (Partonimiya) til birliklari o‘rtasidagi butun va qism munosabatidir. Butun qismlarning birligidan tashkil topadi. Qism esa butunning tarkibiy qismi, tashkil etuvchi elementidir. Obyektiv olam yaxlit butunlik (sistema) tabiatiga ega bo‘lib, u bosqichma-bosqich qismlarga ajraladi. Butun olam

galaktikadan to elementar zarrachalargacha butun-qism munosabatida bo'ladi. Olamning aksi bo'lgan tilda ham butun-qism munosabatlari muhim ahamiyat kasb etadi, tilning qismlardan iborat pog'onali tuzilishga ega butunlik ekanligini ko'rsatadi: matn — gap, gap — so'z birikmasi, so'z birikmasi — so'z, so'z — morfema, morfema — fonema. Butun - qism munosabatlari giponimik munosabat bilan birga leksik sistemaning yaxlitligini ta'minlaydi. Obyektiv olamdagi har bir narsa qismlardan iboratligi ma'lum. Shundan kelib chiqib, partonimiya munosabati ularning nomi bo'lgan ot leksemalarda ko'plab uchraydi. Masalan, odam, bosh, bo'yin, tana, oyoq, qo'l leksemalari meronimik munosabat hosil qiladi. Odam butunlik, bosh, bo'yin, tana, oyoq, qo'l — qism. Giponimiya va partonimiya obyektiv olamning asosiy xususiyatlarini aks ettiruvchi kategoriyalar bo'lsa-da, tilda meronimik munosabatga nisbatan giponimik munosabat yaqqolroq ko'rinadi. Chunonchi, til egasiga choynakning qorni, burni, qopqoq, va ushlagichdan iboratligi (partonimiya: butun — choynak, qism — qorin, burun, qopqoq, ushlagich) emas, uning oshxona buyumi ekanligi (giponimiya: giperonim — oshxona buyumlari, giponim — choynak) muhimdir. Leksemani ta'riflash va tasniflash ham giponimiya asosida bajariladi. Choynak — choy tayyorlash maqsadida suvni qaynatish va damlash uchun ishlatiladigan oshxona buyumi. U «oshxona buyumlari» leksik-semantik guruhining elementidir. Lekin ayrim leksemalarning shakllanishida meronimik munosabat ham muhim ahamiyat kasb etishi mumkin. «Bunga vaqt o'lchovi otlari leksik-semantik guruhini misol qilib ko'rsatish mumkin: sekund, minut, soat, hafta, oy, fasl, yil, asr. Mazkur guruh meronimik munosabatning darajalanishi asosida voqe bo'lgan. Ushbu guruhni kichik mikrosistema deb olsak, u yana to'qqizta kichikroq mikrosistemalardan iborat: «sekund-minut», «minut-soat», «soat-sutka», «sutka-hafta», «hafta-oy», «oy-fasl», «oy-yil», «fasl-yil», «yil-asr». Ushbu to'qqiz mikrosistema meronimik munosabat asosida shakllangan. Masalan, «sekund-minut» mikrosistemasida sekund qism, minut butun, «minut-soat» mikrosistemasida minut qism, soat butun. Minut leksemasiga shunday ta'rif berish mumkin: 60 sekunddan iborat vaqt o'lchovi. Soat — 60 minutdan iborat vaqt o'lchovi. Vaqt o'lchovi otlarida meronimik munosabat, ya'ni tashkil etuvchilik leksemaning semantik strukturasi ham yaqqol ko'rinadi.

Xulosa va takliflar. Boshqacha aytganda, leksema ma'nosining strukturasi meronimik munosabat asosida shakllangan. Ya'ni, asr yildan (asr — butun, yil — qism), yil fasldan (yil — butun, fasl — qism), fasl oydan (fasl — butun, oy — qism) tashkil topgan va shu asnodda shakllangan. Bu kabi misollarni fauna dunyosida ham kuzatishimiz mumkin. Ushbu guruhni kichik mikrosistema deb olsak, u yana yettita kichikroq mikrosistemalardan iborat: «hujayra-to'qima», «to'qima-organ», «organ-organizm», «organizm-tur», «tur-turkum», «turkum-oila», «oila-sinf» Ushbu yetti mikrosistema meronimik munosabat asosida shakllangan. Masalan, «hujayra-to'qima» mikrosistemasida hujayra qism, to'qima butun, «to'qima-organ» mikrosistemasida to'qima qism, organ butun. «To'qima» leksemasiga shunday ta'rif berish mumkin: kelib chiqishi, tuzilishi va funksiyasiga ko'ra o'xshash hujayralar sistemasi. Organ - bu organizmning boshqa funksional birliklaridan ajralib turadigan organizm ichidagi funksional birlik. Ushbu tahlillar meronimiya hodisasini chuqurroq tushunishga yordam beradi.

#### References

1. Бегматов Э., Нематов Х., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси. //Ўзбек тили ва адабиёти. 1989. 6-сон. – Б. 35-40.
2. Нематов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т.:Ўқитувчи. 1995. -127 б.; Қиличев Б.Э. Партонимик қатор ва кўп маънолик. Ўзбек тили доимий анжумани учинчи йиғинининг тезислари. –Т.: Ўқитувчи, 1995. -138 б.
3. Қиличев Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. – Бухоро, 1999.



– Б. 77.

4. Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Дарслик. – Тошкент: Талкин, 2005. – Б. 187.

5. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Мероним\\_и\\_холоним](https://ru.wikipedia.org/wiki/Мероним_и_холоним).

6. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент: Маънавият, 2004. –б-142.

7. Қиличев Б. Ўзбек тилида партонимия. Филол.фан.номз...дисс. автореферати. – Тошкент, 1997.

8. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент: Маънавият, 2004. –154 б.

9. Х.Нематов, Р.Расулов. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –128 б.

10. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент: Маънавият, 2004. –154 б.

11. Никитин М.В. Курс лингвистической семантики. Учебное пособие для студентов, аспирантов и

преподавателей лингвистических дисциплин в школах, лицеях, колледжах и вузах. СПб.: Научный центр

проблем диалога, 1996. – С. 442.

12. Qilichev B. Leksikada so'zlararo butun-bo'lak munosabati. Monografiya. Toshkent. 2019. – B. 22.

13. Mengliyev B. Hozirgi o'zbek tili. Darslik. Toshkent. Tafakkur bo'stoni. 2018. – B. 64

14. Mengliyev B. Hozirgi o'zbek tili. Darslik. Toshkent. Tafakkur bo'stoni. 2018. – B. 56

15. Mengliyev B. Hozirgi o'zbek tili. Darslik. Toshkent. Tafakkur bo'stoni. 2018. – B. 56

**“TEMURNOMA” ASARINING LEKSIK QATLAMI**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.013>

*Asqarova Manzura Baxtiyor qizi,  
ORCID: 0000-0001-5880-5758*

*Namangan davlat universiteti, o‘zbek tili va adabiyoti kafedrasida tayanch  
doktoranti*

*Annotatsiya: Maqolada o‘zbek tilining leksik qatlami, leksemalarning zamonaviylik va tarixiylik jihatiga ko‘ra turlari, o‘z qatlam va o‘zlashma qatlam nominativ birliklari Salohiddin Toshkandiyning “Temurnoma” asari asosida tahlil qilingan.*

*Kalit so‘zlar: Leksik qatlam, nominativlik, o‘z qatlam, o‘zlashma qatlam, “Temurnoma”, tarixiy so‘z (istorizm)lar va hok.*

**LEXICAL LAYER OF TEMURNOMA**

*Askarova Manzura Bakhtiyor qizi,  
Namangan State University, Basic doctoral student of the department  
of Uzbek language and literature*

*Annotation: The article analyzes the lexical layer of the Uzbek language, the types of lexemes in terms of modernity and history, the nominative units of their own layer and the layer of assimilation on the basis of Salohiddin Tashkendi’s «Temurnoma».*

*Keywords: Lexical layer, nominative, own layer, assimilation layer, «Temurnoma», historical words (historicism), archaic words (archaisms) and so on.*

**ЛЕКСИЧЕСКИЙ СЛОЙ TEMURNOMA**

*Аскарова Манзура Бахтиёр кызы,  
Наманганский государственный университет, Базовый докторант  
кафедры узбекского языка и литературы*

*Аннотация: В статье анализируется лексический пласт узбекского языка, типы лексем с точки зрения современности и истории, номинативные единицы собственного слоя и слоя ассимиляции на основе «Темурнома» Салохиддина Ташкенди.*

*Ключевые слова: лексический пласт, номинативный, собственный пласт, ассимиляционный пласт, «темурнома», исторические слова (историзмы), архаичные слова (архаизмы) и др.*

*Kirish: Amir Temur o‘zbek davlatchiligi tarixida siyosat va ma’naviyat uyg‘unligiga erishgan noyob shaxslardan biri hisoblanadi. Bunday uyg‘unlikni moziyda sanoqli saltanat sultonlarida kuzatish mumkin. Sohibqironning tug‘ilishidan to qazosiga qadar yuksak mahorat bilan yozilgan muallifi aniq “Temurnoma” [4]lardan biri Salohiddin Toshkandiyning “Temurnoma”[3] asari qimmatli manbaa sifatida tarix sahifalariga muhrlangan.*

*Ma’lumki, tildagi o‘zgarishlar to‘satdan bo‘ladigan “portlash” yo‘li bilan emas, balki asta-sekin eskining to‘la borishi, mukammallashuvi yo‘li bilan yuz beradi. Bunda, shubhasiz, ba’zi bir eski so‘zlar va formalar arxaiklashib boradi va iste’ moldan chiqadi. Lekin, umuman olganda til hodisalari vaqt va tarix sinovlariga juda katta bardoshli bo‘ladi. Faqat juda katta ijtimoiy hodisalar yuz bergandagina tilda ham katta o‘zgarishlar sodir bo‘lishi, hatto eski adabiy til yangisi bilan almashishi mumkin.[5] Ya’ni tilning taraqqiy etishi, leksikaning boyib borishi jamiyat bilan uzviy aloqadadir. Jamiyat taraqqiy etgan sari jamiyat a’zolarining tili ham, tafakkuri ham shunga xos ravishda taraqqiy qilib boradi va o‘zgaradi.*

Demak, tilning leksikasidagi o'zgarishlar qaysidir so'zlarning eskirib iste'moldan chiqishi, qaysidir so'zlarning til leksikasiga yangi kelib qo'shilishi hodisalarini ham jamiyatning rivoji bilan bog'lash mumkin. O'zbek milliy tilining shakllanishi ham o'zbek millatining shakllanishi jarayoni bilan bog'liqdir.[5] Tilning taraqqiyot jarayonida uning barcha sohalarida ma'lum o'zgarishlar yuz beradi. Bunday o'zgarish, ayniqsa, uning leksikasi uchun xarakterlidir. Bunda, birinchidan tildagi ayrim so'zlarning eskirishi, iste'moldan chiqib ketishi kuzatilsa, ikkinchidan, tilda yangi so'zlarning paydo bo'lishi kuzatiladi. Bu ikkala hodisa ham ma'lum obyektiv sabablar asosida ro'y beradi. Hozirgi adabiy til nuqtayi nazaridan eskirgan so'zlarning jami eski qatlam (eski leksika) yangi so'zlarning jami yangi qatlam (yangi leksika) deb yuritiladi.[5]

Bu ikki qatlamdan tashqari, lug'at tarkibida adabiy til uchun odatdagi, eskilik yoki yangilik bo'yog'iga ega bo'lmagan so'zlar qatlami ham bor. Bu qatlam zamonaviy qatlam yoki neytral qatlam deyiladi.

Adabiyotlar tahlili: O'zbek tilining leksikasini asosan zamonaviy qatlamga oid so'zlar tashkil etadi. Zamonaviy leksika ko'p hollarda umumiste'moldagi faol leksika to'g'risida emas, balki iste'molda kam bo'ladigan nafaol leksika ya'ni eski leksika haqida so'z yuritmoqchimiz. Bizga ma'lumki, o'zbek adabiy tili bugungi kundagi shaklga kelguncha, uzoq tarixiy davrni bosib o'tgan. Bu uzoq tarixiy jarayon mobaynida o'zbek tilida juda ko'p tarixiy, badiiy, ilmiy asarlar yaratilgan. Jumladan, "Qutadg'u bilig", "Hibbat-ul haqoyiq", "Devoni lug'atit turk" asarlari, Navoiy yaratgan asarlar va XV asardan keyin yaratilgan Bobur, M. Solih, Turdi, Nodira, Uvaysiy, Furqat, Muqimiy kabi ijodkorlar asarlari, Z. Xolmanova «Boburnoma» leksikasini, B. Abdushukurov «Qissasi Rabg'uziy» asarining leksik xususiyatlarini, S. Ibodov esa "Qutadg'u bilig" asarining semantikasini o'rganish jarayonida o'zbek tilining leksik qatlamini tubdan tahlil qilishga muayyan hissa qo'shganlar. Bu asarlar faqat badiiy adabiyotning yetuk namunalari bo'lib qolmay, balki o'zbek tilining taraqqiyoti uchun muhim asos bo'lgan asarlardir. Ularning tili leksikasida hozirgi o'zbek adabiy tili uchun eski leksikaga aylangan so'zlar birmuncha. Amma biz eski leksikaga boy, tili ilmiy jihatdan ma'lum darajada tadqiq etilgan yuqoridagi asarlar xususida emas, balki bugungi kunda tarixning noyob durdonasiga aylangan "Temurnoma" asari xususida so'z yuritmoqchimiz. Asarining tili bir qarashda ancha murakkabdek tuyiladi. Bu hol dastlabki boblarda, ayniqsa, sezilib turadi. Umuman olganda asarning tili oddiy va ravon.[3] Bu asarning o'qish, tushunish, anglab yetish murakkab bo'lmasda unda faqat tarix uchun xos bo'lgan, o'tmish davr holatini yoritish uchun xizmat qilgan, bugungi kun tili uchun eski leksika qatlamiga mansub so'zlar ham anchagina. Bu haqida quyida beriladigan misollar tahlilida ko'rish mumkin.

Eski qatlamga oid so'zlar asosiy farqli xususiyatiga ko'ra ikki turga bo'linadi:  
tarixiy so'zlar yoki istorizmlar;  
arxaik so'zlar yoki arxaizmlar.

Tadqiqot metodlari: Salohiddin Toshkandiyning "Temurnoma" asarining leksik qatlamini semantik-stilistik, tavsiflash, qiyoslash, antroposentrik nazariya tahlil usullaridan foydalangan holda asarda uchraydigan istorizmlar o'rganildi. Avvalo, istorizmlar va ularning "Temurnoma" asaridagi namunalari haqida fikr yuritimiz. Istorizmlar tarixga oid (hozirgi kunda yo'q) narsa-hodisalarni bildiruvchi so'zlardir. Ma'lum davrlarda bor bo'lgan ayrim narsa-hodisalar jamiyat taraqqiyotining keyingi bosqichlarida yo'q bo'lishi, o'tmish hodisasiga aylanishi mumkin. Shu bilan bog'liq holda bunday narsa-hodisalarning atamasi bo'lgan so'zlar ham tarixiylik kasb etadi, ya'ni tarixiy so'zga aylanadi. Misollar: sovut, omoch, qozi, charx, amir, bek, qul, cho'ri, hokim, baqqol, xon, vazir, kanizak kabi.

Tahlil va natijalar: Istorizmlar bildiradigan narsa-hodisalar tarixiyliigi sababli ularning ko'pchiligi hozirgi davr kishisi uchun notanish bo'ladi. Istorizmlar o'tmish

voqealarini tasvirlovchi asarlarda qoʻllaniladi.[5]Shu fikrdan kelib chiqib aytish mumkinki, “Temurnoma” asari ham istorizmlar tahlili uchun muhim manba boʻla oladi.

Ammo Dilshod xotun saltanat, taxtida oʻzi oʻlturib eri birla oʻgʻli aning farmonida erdilar. (“Temurnoma”dan 50-bet). Ushbu gapdagi saltanat va taxt soʻzlari istorizm hisoblanadi. Chunki bugungi kun uchun saltanat va taxt oʻtmishga oid narsalardir. Yoki quyidagi misolga eʼtibor bersak: Boyonqulixon yurtga jarchi qoʻyub har kim ushbu sifatdagi bolani saqlasa boshi oʻlumda, moli talonda. (“Temurnoma”dan 32-bet). Jarchi bugungi kun uchun tarixga aylangan tushunchani ifodalovchi soʻzdir. Shuning uchun bu soʻz ham istorizm hisoblanadi.Koʻb-koʻb moli va qirq quli bor edi. (“Temurnoma”dan 43-bet). Bu gapdagi qul soʻzi ham oʻzbek tili leksikasining eski leksika qatlamiga mansub.“Temurnoma”dab u kabi soʻzlarning juda koʻp ishlatilganini guvohi boʻlishimiz mumkin. Ularni oʻrganish jarayonida eʼtiborni yana bir muhim xususiyatga qaratish lozim. Yaʼni asardagi istorizmlarni asosan shaxs va narsa-buyumni ifodalagan soʻzlar tashkil etadi. Bu fikrni misollar bilan isbotlaymiz:Xon amir qildikim, hukomolar masjidida jomeʼga kelsunlar. (“Temurnoma”dan 52-bet). Ushbu holatda xon va amir soʻzlarining tarixga oid shaxs va narsaning nomini ataganligini koʻrishimiz mumkin. Avval amir Choku boʻz otgʻa minub qarasin dubulgʻasin ustigʻa qoʻyib 10 ming yigit birla barlosdin chiqib yarogʻlarin taqinib oʻta berdi. Ushbu gapdagi amir, dubulgʻa, yaroq soʻzlari ham istorizm boʻlib, amir soʻzi shaxsni bildirsa, dubulgʻa va yaroq soʻzlari narsa-buyumni ifodalaydi.

Istorizmlarning muhim ahamiyati shundaki, ular bizga tarixni oʻrganishimiz va tasavvur etishimizda katta yordam beradi. Biz har bir tarixiy soʻzni oʻqir ekanmiz, tafakkurimizda u bilan bogʻliq tasavvurlar va shu asosda bilish vujudga keladi. Chunonchi, Mani sallam bila jigʻamni tushirding, goʻyo oʻzimni tushirding, deb jallodgʻa buyurib qoʻlini kesdi. (“Temurnoma”dan 79-bet). Ushbu gapdagi jigʻa soʻzi oʻtmishda sallaga oʻrnatilgan, shohlik begisi boʻlgan narsa-buyum haqida tasavvur uygʻotsa, jallod soʻzi gunohkor hisoblangan kishilarni jazolovchi shaxs sifatida koʻz oldimizda namoyon boʻladi. Ammo Amir Temur zindonda qolib, Baroqxonni yodiga kelmay, esidan chiqib ketdi. (“Temurnoma”dan 80-bet). Bu oʻrinda zindon soʻzi istorizm va u qadimda aybdor sanalgan shaxslarni jazolovchi joy nomini beradi. Aytish mumkinki, oʻtmishni bilish va ibrat eta olishda shaxs va narsa-buyumning tarixiy nomi muhim ahamiyat kasb etadi: Amirni sovuti Dunboy yaroq qilichi zarbidan ushaldi. Andin keyin sulton Muzaffarxon amirlik mansabigʻa oʻlturdi. Andin keyin Ubaydullaxon aning oʻgʻli saltanat taxtigʻa oʻltirib, toʻqqiz yildan soʻng oʻz mulozimlari shahid qildilar. (“Temurnoma”dan 39-40-betlar). El va ulus fuqarolar barchasi tinchlikda boʻldilar. (“Temurnoma”dan 37-bet). Ul zotni Rahim otliq shahodat darajasigʻa yetkurdy. (“Temurnoma”dan 55-bet). Amir Temur gʻayrati kelib quduq uzra bordi. Zanjirni ushlab tortib yolgʻiz oʻzi qovgʻada suv olib odamlargʻa berdi. (“Temurnoma”dan 54-bet). Ushbu gapdagi qovgʻa soʻzi quduqdan suv olinadigan charm idish maʼnosini bildiradi. Uch shayx oʻz amirzodasiga tavajjih qilib, taʼrif qilurlar. (“Temurnoma”dan 59-bet). Alqissa, Taragʻay Bahodir nokli Qorayur nuyondin edi. (“Temurnoma”dan 43-bet). Odamlar eshitib boʻldilarki, ul qiz shayxga nazr boʻlgandir. (“Temurnoma”dan 46-bet). Ammo Amir Temurgʻa Sohibqiron laqabini Sayfiddin Shayx ul aʼlam qoʻygʻonlar. (“Temurnoma”dan 47-bet). Yuqoridagi misollarni kuzatib aytish mumkinki, oʻzbek tili leksikasida, xususan “Temurnoma” asari leksikasida mavjud istorizmlar soni anchagina. Jumladan, ularda qoʻllangan sovut, sulton, amir, saltanat, taxt, mulozim, ulus, otaliq, qovgʻa, amirzoda, qul, nuyon, nazir, aʼlam kabi soʻzlar bu fikrimizga dalil boʻla oladi. Garchi istorizmlar nafaol yaʼni kam qoʻllanadigan soʻzlar boʻlsada, biroq, ularsiz tarixiy asarlarni yaratib boʻlmaydi. Shundan kelib chiqib, istorizmlarni oʻzbek tili leksikasidagi muhim oʻrnini belgilash mumkin.

Istorizmlarga xos yana bir xususiyatni ta'kidlab o'tish lozimki, ularning ba'zilar zamon o'zgarishi bilan (tirilishi) mumkin: Shayx ul a'lam tamoyish muridlariga ruhsat berdilar. ("Temurnoma" dan 44-bet).

Ammo xonaqoh eshigi berk bo'lsa, zinhor ochmag'il, bulog' yoqasida o'lturgil, nima sukut qil. Andin so'ng so'filardan biri sani olding'a, oyog' ilgida o'rog'liq bir nimarsa keltirur. ("Temurnoma" dan 66-bet). Alqissa shayxni qo'ymasdan hokim qoshig'a kelturdilar. ("Temurnoma" dan 112-bet). Ushbu gaplardagi murid, xonaqoh, so'fi, hokim so'zlari ma'lum davr mobaynida tilda istorizm sifatida tahlil etildi. Bugungi kunda tuzum va zamon o'zgarishi natijasida ular tilning faol leksikasidan o'rin olib, istorizmlik xususiyatini yo'qotdi. Yuqorida til jamiyat taraqqiyoti bilan bog'liq ravishda rivojlanishi haqidagi fikrni qayd qilgan edi. Demak, istorizmlarning faol leksikaga aylanish jarayoni ham bevosita jamiyatdagi o'zgarishlar bilan bog'liq holda amalgam oshadi.

Ba'zi so'zlar til taraqqiyoti jarayonida turli xil narsa-buyum, hodisalarni ifodalaydigan bo'lishi yangi ma'no yoki ma'nolar kasb etishi mumkin. Bu so'zlardan birortasi tarixiy fakt bo'lishi mumkin. Demak, bunday so'zning biror ma'nosi istorizm bo'lib, qolgan ma'nosi (yoki ma'nolari) da u zamonaviy so'z hisoblanadi.[2] Masalan, boy so'zining quyidagi gaplarda ifodalangan ma'nosiga qaraymiz.

Naqsh-u pallada darvozadan katta qora sigir shataloq otib, orqasida bir kishini surib kirdi. Boy cho'chib o'zini chetga oldi.

...tiyin yig'ish bilan qachon boy bo'ladi kishi, deb o'zi tashlab ketdi.

Birinchi gapda boy so'zi istorizm bo'lib, ikkinchi gapda zamonaviy so'z hisoblanadi. "Temurnoma" da qo'llangan ayrim istorizmlar ham shunday xususiyatga ega. Masalan, Malik Xusaynni qullaridan biri onga hokim erdi, sakkizinch kunida fath etdilar. ("Temurnoma" dan 138-bet). Gapdagi malik so'zi istorizm sifatida qo'llangan. Biroq, bugungi kunda bu so'z zamonaviy qatlamga oid so'zlar tarkibida ham uchraydi. Ular, asosan, kishi nomlaridir. Masalan. Abdumalik, Tohir Malik, Murod Malik va boshqalar. Bu ismlar tarkibidagi malik so'zi istorizmdagi hukmron ma'nosidan ancha uzoq.

Xulosa: Demak, "Temurnoma" asaridagi istorizmlar o'tmish narsa-hodisalarining atamasidir. Bu istorizmlarning bugungi kunda til leksikasida sinonimlari mavjud emas. Asardagi ayrim so'zlar ifodalagan narsa hodisalar hozirgi hayotdan yo'qolganligi sababli bugungi kun leksikasida istorizm sifatida tadqiq etiladi. Bu so'zlar o'tmishga oidligi tufayli hozirgi istorizm deb ataladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

Абдурахмонов Ф., Рустамов Х. Она тили дарслиги 10-11 синфлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.

Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1992.

Салоҳиддин Тошкандий., Темурнома. – Тошкент: Чўлпон, 1990.

5398/1 рақамли تىمورنامە ("Темурнома") асрлар қўлёзма

Шоабдурахмонов Ш., ва бошқалар Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1980.

Johnson, Kent (2008). «An Overview of Lexical Semantics» (PDF). *Philosophy Compass*: 119–134.

Pustejovsky, J. (2005) *Lexical Semantics: Overview in Encyclopedia of Language and Linguistics*, second edition, Volumes 1-14

Pustejovsky, James (1995). *The Generative Lexicon*. MIT Press. ISBN 9780262661409.

Chomsky, Noam (1957). *Syntactic Structures*. Mouton de Gruyter.

Sportiche, Dominique; Koopman, Hilda; Stabler, Edward (2014). *An Introduction to Syntactic Analysis and Theory*. WILEY Blackwell.

Scalise, Sergio; Guevara, Emiliano (1985). «The Lexicalist Approach to Word-



**BASIC FEATURES OF PHRASEOLOGICAL UNITS**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.014>

Saidova Zulfizar Khudoyberdiyeva,

Teacher of English Linguistics Department, Bukhara State University

*Abstract: This article discusses important features of phraseological units like (firm and steady nature/lasting nature/strength), reproducibility, (honest and good human quality/wholeness or completeness) of meaning, ripping apart of its composition (separate structure).*

*Key words: phraseological units, separate structure, reproducibility, idiomaticity, polysemy, deactualization of word components.*

**ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Saidova Zulfizar Khudoyberdiyeva,

Buxoro davlat universiteti Ingliz tilshunosligi kafedrasida o'qituvchisi

*Annotatsiya: Ushbu maqolada frazeologik birliklarning muhim xususiyatlari (qat'iy va barqaror), takrorlanuvchanlik, (halol va yaxshi insoniy sifat/yaxlitlik yoki to'liqlik) ma'nosi, tarkibini chertib ko'rsatuvchi (alohida tuzilma) kabilar muhokama qilinadi.*

*Tayanch so'zlar: frazeologik birliklar, alohida tuzilish, takroriylik, idiomatiklik, polisemiya, so'z komponentlarining deaktualizatsiyasi.*

**ОСНОВНЫЕ ПРИЗНАКИ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ**

Саидова Зулфизар Худойбердиевна,

Преподаватель кафедры английского языкознания Бухарского государственного университета

*Аннотация: В статье рассматриваются важные признаки фразеологизмов, такие как (твердый и устойчивый характер/продолжительный характер/сила), воспроизводимость, (честность и добродетельное качество/целостность или полнота) значения, расчлененность его состава (отдельная структура).*

*Ключевые слова: фразеологизмы, обособленная структура, воспроизводимость, идиоматичность, полисемия, деактуализация компонентов слова.*

**Introduction:** Phraseology has a number of essential features: stability, reproducibility, integrity of meaning, dismemberment of its composition (separate structure). Stability and reproducibility are related but not identical concepts. Reproducibility is the regular repetition of language units of varying degrees of reproducibility. Proverbs and sayings are reproduced: The word is not a sparrow, it will fly out - you won't catch it; Boring day until evening, if there is nothing to do; winged sayings: Happy chapels are watching; composite terms and names: белый медведь - polar bear, серная кислота-sulfuric acid, ядерный реактор- nuclear reactor; actually phraseological units: to take in tow, собаку съел -ate the dog, etc.

Stability is a measure, a degree of semantic unity and indecomposability of components. Stability serves as a form of manifestation of idiomaticity. So, phraseological units with a holistic unmotivated meaning like hell in the middle of nowhere - 'very far away' are characterized by greater stability than phraseological units with a holistic motivated meaning like there is nowhere у чёрта на куличках — 'очень далеко' -to spit - 'so many people that there is no free space at all' [1].

**Literature review:** Currently, there is a significant number of research works,

the object of study of which were the processes of phraseology. The comparative analysis of phraseological units and ways of their formation is devoted to the works of V.V Vinogradov, I.O.Galperin, A.V.Kunin, N.M.Shanskiy, A.Blyum, A.Hojiyev, L.Xolmurodova, A.A.Haydarovs' scientific works reflect on phraseological units and their functional and methodological features.

**Methodology:** A holistic meaning is such a general (single) meaning of a phraseological unit that is difficult or impossible to derive from the meaning of the constituent parts. The integrity of the meaning of a phraseological unit is achieved by complete or partial rethinking, de-actualization and components, as a result of which they, as a rule, diverge in meaning from the corresponding words of free use. Therefore, the phraseological unit is explained by means of such verbal material, which the interpreted phraseological phrase does not possess. It is impossible, for example, to interpret the phraseology *sniff gunpowder* - 'fight, participate in battle' or *go too far* - 'go to extremes' through the words *sniff, gunpowder, go too far, stick* [2].

Semantic integrity is most fully manifested in phraseological units that have arisen as a result of a metaphorical rethinking of free phrases of the same lexical composition: *beat hands, take a bull by the horns, lump together, stew in its own juice, twirl its tail, windmill, etc.* In the composition, for example, the phraseological unit *take the bull by the horns*, the word *bull* is not 'a male cow and some other breeds of cattle', but something not contained in the semantic structure of this word.

**Results and analyses :** In the language system, phraseological units interact with a word and a phrase, but there is a significant difference between them. As part of a free phrase, words are used in their usual meanings, and as part of a phraseological unit coinciding with a free phrase, the components are rethought, since the entire phraseological unit is semantically realized.

**Compare: :** It seemed to me that in a few minutes the storm should completely shake this pine tree and uproot it (Mor.)- Ср.: Мне пока-залось, что буря должна через несколько минут совершенно раскатать эту сосну и вырвать с корнем (Mor.); We will uproot the legacy of the vile old regime (S.-Ts.)- Наследие гнусного старого режима мы вырвем с корнем (С.-Ц.)

In the first sentence, there is a free phrase, in which the word *vomit* realizes the meaning of 'with a jerk, a sharp movement to remove, extract', and the polysemantic word *root* is used in the meaning of 'the underground part of the plant, which serves to strengthen it in the soil and absorb water and nutrients from it'. In the second sentence, the phraseology is semantically realized to *uproot* - 'destroy without a trace, eradicate', and not its individual components, the proper meaning of which is difficult to determine. Being qualitatively different units of the language, a phraseological unit and a word included in a free phrase of an equivalent composition are often used in different verbal environments. So, the verb to *snatch* is used as a predicate with a subject with the meaning of an inanimate object (storm), and a phraseological unit is used with a subject with the meaning of a person (we)[3].

Phraseology differ not only from free, but also from many stable and syntactically indivisible phrases: *socialist competition, labor successes; three students, two watermelons, etc.* Such phrases are not idiomatic, since they are not able to express something more than what is contained in the totality of their constituent parts. The reproducibility inherent in phrases such as *labor successes* does not generate semantic integrity and, as a result, does not cause deactualization of word components [4].

The semantics of a phraseological unit largely depends on its structural organization. Some phraseological units are formed according to the phrase scheme: *puzzle, neither fish nor meat, grated kalach*, while others are sentences: *hands itch*

(for someone), the sky seemed like a sheepskin (to whom). Phraseology of the first group have the greatest functional and semantic similarity with the word.

Unlike words, phraseological units have a separate structure. The meaning of a phraseological unit is created by the semantic interaction of all components, while the lexical meaning is generated by the semantic interaction of morphemes.

Phraseology formed according to the model of a non-predicative phrase can be single-valued and polysemantic, can enter into synonymous and antonymic relations, be combined into thematic series on the basis of semantic commonality, etc[5].

The vast majority of phraseological units are unambiguous. The development of polysemy is hindered by the fact that phraseological units are often formed as a result of a metaphorical rethinking of free phrases of the same lexical composition. As a result of repeated metaphorization of the same free phrase, such polysemantic phraseological units appear that have only metaphorical meanings. For example, the phraseologism to wag its tail means: 1) 'cunning, cunning': You, brother, I'm sorry! I am a taiga man, direct, I can't cheat, I don't know how to wag my tail (Yu. Sh.); 2) 'to hesitate in choosing a solution, to evade a direct answer': Speak up! Don't wag your tail... a lot of money! (S.-SH.); 3) (before someone) 'flattery, servility to achieve someone. location ': Because of their personal, one might say, family calculations, wag their tail in front of the factory owner ... (M.-S).

Polysemy is most typical for verbal and adverbial constructions, as the most common, to a lesser extent - nominal: adjectival, etc.

Separate phraseological units are able to combine opposite meanings. For example, the verb turnover turns in the head can mean: 1) 'always in the mind, worries the mind':

A chaotic dream was spinning in my head, which was interrupted several times at night by awakenings (F.); 2) 'I can't remember at all': It seems that it's so easy to remember, it keeps spinning in my head, painfully close, but I don't know what exactly. Never grab

(Garsh.). Like words, phraseological units enter into antonymic and homonymous relations. Phraseological antonymy is usually based on the semantic opposition of the components that make up single-structural phrases: brew porridge - disentangle porridge, light on the leg - heavy on the leg, not from a timid dozen - not from a brave dozen, with a light heart - with a heavy heart, with open eyes - with closed eyes, etc. In rare cases, antonymic relations cover phraseological units that differ in lexical composition and structure; cf. : to live like a cat with a dog - 'in constant enmity' and to live soul to soul - 'in complete harmony, very friendly'.

Discussion: Among the phraseological homonyms, there are turns that coincide in sound with a free phrase and do not match. The first group includes turns to stretch out into a thread 1 - 'Lose weight' and stretch out into a thread \* - 'show diligence', behind the back 'secretly, covertly' and behind the back 2 - 'in the past', etc. These phraseological units retain their internal form, i.e. the image that is the basis of the name. Phraseological homonymy arises here as a result of the collapse of polysemy. The second group includes phraseological units with a lost internal form such as good mat r - 'very loudly' and good mat 2 - 'very quickly'. The corresponding homonyms usually appear as a result of a random sound match.

The most striking semantic feature of phraseological units is their ability to enter into synonymous connections and relationships with each other: a shot bird, a shot sparrow, a grated kalach - 'an experienced, experienced person'; to lead by the nose, to rub glasses, to fool one's head, to circle one's finger - 'to act dishonestly, to deceive someone.

As for phraseological units formed according to the structural scheme of the sentence, they hardly acquire the functional properties of the word and therefore are not able to develop polysemy and synonymy so actively. In addition, there are relatively few of these turns in the language: eyes climb on the forehead (for someone), hands drop (for someone), etc. Phraseology also have the combination properties of a word: they have a relatively free,

constructively limited, valence-limited meaning, etc [6].

Наше исследование показывает, что «Дневник» не является полным. Он начинается внезапно в году 899Н/1494С, когда Бабур стал царем Ферганы. Он начинается с описания границ и делений своего царства, краткого рассказа о своем отце, включая психологический анализ его характера, повествование о его войнах, рассказ о его семье, включая дам, и блестящие зарисовки амиров его двора. Географический метод Бабура почти напоминает нам комментарии Юлия Цезаря. Нет сомнений, что мемуары в том виде, в котором их написал Бабур, начинались так, как мы их имеем. В них тщательно изложены исторические события, приведшие к его собственной истории жизни. Во многих местах упоминаются более поздние события, в том числе те, которые произошли после завоевания им Индии. Можно сделать вывод, что эта часть была тщательно написана в Индии к концу жизни Бабура.

Описание Индии, данное Бабуром, является полным и точным. В географическом плане оно охватывает большой район от Кабула и Кашмира до Бенгалии и берегов Великого океана.

Эпиграммы показали, что Бабур был очень проницательным знатоком характера. Его мемуары полны обрисовки характеров самых разных людей, мужчин и женщин, и включают даже некролог о любимом ястребе. Любовь Бабура к природе - особая черта его Дневника.

Из более поздней истории потомков Бабура в Индии, а также из записей, оставленных императорскими дамами, такими как Гуль бадан Бегам, мы знаем, какую важную роль играли женщины в империи Великих Моголов.

Выводы и предложения. Значение творчества Бабура не ограничивается узкими национальными рамками. Выдающийся современный индийский писатель Мулк Радж Ананд трибуны Ташкентской конференции писателей стран Азии Африки говорил, что «великий Бабур» писал свои мемуары («Бабур-наме») поэтической прозой, что они, как и Узбекистане, очень высоко ценятся Индии, являются нашим общим достоянием, что каждый раз, когда он приезжает в Москву, заходит в Восточный музей и с интересом просматривает хранящиеся в нем это чудесное произведение рукописи миниатюрами...

Список использованной литературы

1. А.Н.Самойлович, рец. С.И.Поляков. Записки Бабера (Бабэр-намэ,
2. А.И.Лазарев. Сравнительная хрестоматия турецкого языка османлы и Азербайджана., М., 1889.
3. A.R.Williams. An Empire builder of the XVI th century. London, 1918.
4. В.Островский. Самарканд и его окрестности султана бабера, ТВ, 1895, № 71-72.
5. В.Д.Смирнов. Очерк истории турецкой литературы. «Всеобщая история литературы», т.IV, Спб., 1892.
6. В.В.Радлов. Образы народной литературы тюркских племен, Спб., 1872.
7. Н.И.Ильминский, Казань, 1857). Перевод с джагатайского (узбекского); Ежегодник Ферганской области, т.III., 1907, Новый Маргелан, стр. 113-176, ЗВОРАО, т.XVII, 1907, стр. 74-83.
8. Н.Ф.Петровский. очерки Кокандского ханства, «Вестник Европы», Спб., 1875, стр.93
9. Н.И.Пантусов. Фергана по «Запискам» Султана Бабура, ЗИРГО по отделению этнографии, т.VI, 1880, отд.I, стр.151-199 (отд.ОТТИСК:1884,49 стр.)
10. The Self Revelation of Babar, by A.Yusuf Ali, London,1926, vol.III, part 2 См. А.С.Бевридж. р.XV-XVI.
11. См. П.Савельев. О жизни и трудах О.И.Сенковского, в кн. Собрание сочинений О.И.Сенковского, т.I., Спб.,1858, стр.XLIII.
12. Н.Ф.Петровский. очерки Кокандского ханства, «Вестник Европы», Спб., 1875, стр.93
13. Н.И.Пантусов. Фергана по «Запискам» Султана Бабура, ЗИРГО по отделению этнографии, т.VI, 1880, отд.I, стр.151-199 (отд.ОТТИСК:1884,49 стр.) См. там же
- 14.Перевод из книги «Бабурнаме», СКСО, вып.IV, Самарканд, 1896, стр.30-37.
15. Р.М.Калдекотт. Бобур ҳаёти (Хиндистон на ператори) Лондон, 1845. Турецкая хрестоматия. Казань., 1857.
- 16.Записки Бабура. Перевод с джагатайского (узбекского) С.И.Полякова. Ежегодник Ферганской области, т.III., 1914, Новый Маргелан, стр. 113-176. Лейн-Пуул. Бабур. Оксфорд. 1899.



**ТРАНСФОРМАЦИЯ МОТИВА КУКОЛЬНОСТИ В  
ПРОИЗВЕДЕНИЯХ Н.С. ЛЕСКОВА 1880-90-Е Г  
(НА ПРИМЕРЕ МИРОВОЙ ЛИТЕРАТУРЫ)**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.020>

*Раджабова Гульноза Арифжановна,  
преподаватель, Самаркандский государственный университет.*

*Аннотация. В статье рассказывается о трансформации кукольного мотива в произведениях Лескова, одного из шедевров русской литературы 1880-1890-х годов, и трактовках этой темы на примере мировой литературы. Художественно-сравнительный анализ процессов в произведениях. Выводы из данной статьи могут быть использованы при преподавании уроков мирового литературоведения.*

*Ключевые слова: кукольный театр, классика, Лесков, Шубинский, Троицкий, Лесков.*

**TRANSFORMATION OF THE PUPPET MOTIF IN THE WORKS  
OF N.S. LESKOV IN THE 1880S-90S  
(ON THE EXAMPLE OF WORLD LITERATURE)**

*Radjabova Gulnoza Arifzhanovna,  
lecturer, Samarkand State University.*

*Abstract. In the article, Leskov, one of the masterpieces of Russian literature in 1880-1890 years, talks about the transformation of the puppet motive and the interpretation of this topic on the example of world literature. The processes in the works are analyzed artistic-comparative. The conclusions from this article can be used in teaching the lessons of world literature.*

*Key words: puppet theater, classics, Leskov, Shubinsky, Troitsky, Leskov.*

**1880-90-ЙИЛЛАРДА Н.С.ЛЕСКОВ АСАРЛАРИДА ҚЎГИРЧОҚ  
МОТИВИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ (ЖАҲОН АДАБИЁТИ  
МИСОЛИДА)**

*Раджабова Гулноза Арифжановна,  
Самарқанд давлат университети ўқитувчиси.*

*Аннотация. Мақолада 1880-1890 йилларда рус адабиётининг дурдоналаридан бири бўлмиш Н.С.Лесков асарларида қўғирчоқ мотиви трансформацияси ва ушбу мавзунинг жаҳон адабиёти мисолидаги талқинлари ҳақида сўз боради. Асарлардаги жараёнлар бадиий-қийсий таҳлил қилинган. Ушбу мақоладан олинган хулосаларни жаҳон адабиётишунослиги дарсларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.*

*Калит сўзлар: қўғирчоқ театри, классика, Лесков, Шубинский, Троицкий, Лесков.*

*Введение. В 1880 годы учеными наблюдаются новые тенденции в творчестве Николая Семеновича Лескова, которые связаны с изменением мировоззренческих позиций самого автора. Его литературное творчество приобретает некий скептицизм и критицизм в отношении общественного строя и политической ситуации в стране. Такого мнения придерживаются такие исследователи как: В.Ю.Троицкий (Троицкий В. Ю. Лесков-художник.М., 1974), И.В.Столярова (Столярова И. В. В поисках идеала), М. Н. Нагорная (Нагорная М. Н. Выражение авторской позиции в повестях Н. С. Лескова 80-х годов) и др. Сам же Лесков в письме к С.Н. Шубинскому 1883 года писал:*

«Нет ни умов, ни характеров и ни тени достоинства... С чем же идти в жизнь этому стаду, и вдобавок еще самомнящему стаду?» [письмо Лескова к С.Н. Шубинскому от 23 июля 1883 г.]. Однако критические настроения писателя лишь усиливают его рвение к действию и борьбе с утверждающимися в современном ему обществе разложением духовной культуры и распадом моральных принципов. В своей работе И.В. Столярова пишет: «Позиция писателя активна: он желает действительно противостоять той атмосфере буржуазного хищничества, «оподления душ», «обезличенья», которую видит вокруг себя, укрепить своих современников «в постоянстве верности добрым идеям», побудить их стойко сопротивляться разлагающему влиянию окружающей среды» [7, ст 90]. Главный критерий творческой направленности автора это изображение правдивой неискаженной духовной нравственности. Лесков стремится изобразить всю Россию со всеми ее недостатками и достоинствами, изобразить в своем творчестве все слои населения и их жизненные принципы, так сам писатель в отношении себя говорил: «Я смело, даже, может быть дерзко думаю, что я знаю русского человека в самую его глубь, и не ставлю себе этого ни в какую заслугу. Я не изучал народ по разговорам с петербургскими извозчиками, а я вырос в народе..., так мне не пристойно ни поднимать народ на ходули, ни класть его себе под ноги. Я с народом был свой человек... Я стоял между мужиком и связанными минане горозгами». [1, ст 22]. Народ и его духовное состояние становится главной темой творчества Лескова, важно заметить, что «народ» в понимании художника это не только крестьяне и низший слой населения, но также интеллигентные массы общества и городские обыватели: «смешно же говорить о своей любви к народу, считая народом только вятского или пермского крестьянина, и оставаться равнодушным к тысячам семей бедных тружеников, задыхающихся в сырых подвалах» [1, ст 9], утверждал Лесков. С изменениями настроений в творческом пространстве писателя деформируется и направленность мотивных структур, в частности и мотива кукольности.

Литературный обзор. Появление в 1893 году рассказа «Загон» полностью обусловлено радикальными настроениями Лескова. Данное произведение представляет собой острую сатиру на правительство николаевской эпохи. В короткий жанр повествования автор вмещает широкую картину российской действительности, глупость представителей власти, темноту взглядов народа, нежелание и тех и других улучшения и просветления устройства жизни и государства. Своим сатирическим пафосом рассказ напоминает нам Щедринское повествование о городе «Глупове». Россия Лесковым изображается в виде «загона», жители которого не желают и боятся посмотреть дальше своих четырех стен, не говоря уже о том, чтобы принять помощь от этого чуждого зарубежья. В художественную канву жестокой сатиры местами перетекающей в фарс лаконично вписывается мотив кукольности. Народная масса жителей загона представляется всего лишь куклами, сознание которых полностью находится в руках правительственных органов. Жители слепо доверяются каждой выдумке властей, не имея способности принятия собственного решения. Они безропотно верят в правоту и пользу всего, что одобряется высшими чинами. Примером может служить эпизод о пользе сажи. Когда по городу пускается брошюра о том, что сажа из курной избы, от которой на самом деле слепнут и «наживают удушье», является полезной и пригодной в домашнем обиходе, люди не только доверяются сказанному, но и поддерживают эти пустые идеи и даже занимаются их распространением: «загон был доволен: осатанелые и утратившие стыд и смысл люди стали расписывать, как лечится сажею» [2, ст 222]. Таким образом, перед нами выстраивается картина, где люди выступают в роли марионеток безропотно выполняющих любые прихоти властей, они

уже не способны на самостоятельную мыслящую деятельность и могут лишь жить по правилам своих кукловодов. Однако не только народ становится предметом сатиры Лескова. Практически каждый персонаж, появляющийся на страницах рассказа, являет собой карикатурную фигуру. Особое звучание мотив кукольности получает в бездумном чиновничестве. Так, в первой главе «загона» повествуется история о том, как англичанин Шкот пытался научить крестьян пахать землю новыми европейскими инструментами, что явно упростит и сделает работу земледельцев продуктивнее. Однако, несмотря на всю пользу, что приносил Шкот в имении Петровского, из-за одной язвительной шутки простого крестьянина, дошедшей до Петербурга и императора, Петровский желает выслать англичанина обратно. Так как боится неодобрения царя: «Когда император по какому-то случаю спросил: «А у тебя все еще англичанин управляет?», то Петровский подумал, что дело опять дойдет до «остроумного ответа», и на всякий случай предпочел сказать, что англичанин у него более уже не управляет» [3, ст 218]. Таким образом, граф в одну секунду готов распрощаться с единственным человеком действительно, улучшающим жизнь в его имении. Поведение графа в этой ситуации оказывается не лучше кукольного народа, слепо доверяющемуся своему поводырю, ведь мы точно понимаем, что стоит императору изменить свое решение, как его тут же поменяет и Петровский, готовый идти на любые уступки в угоду правителю. Такой же бездумный кукольный характер чиновничества И.В. Стоярова выделяет и в романе Лескова «Чертовы куклы», говоря о том, что в этом произведении автор вслед за Гофманом активно развивает тему «человека-куклы»: «предельно обезличенного и легко управляемого, как некий игровой автомат, чужой волей» [6, ст 175].

Методика исследования. Вышедший в 1890 году роман был задуман писателем еще в 70-е годы. Увиденное Лесковым пошлое и бездарное поклонение чиновников своему министру Д.А. Толстому и вынужденное общение с этими людьми приносит внутренний дискомфорт и раздражение писателю, что получает отклик в форме романа, по словам самого Лескова схожего с его произведением «Смех и горе». Давая характеристику герцога, главный герой «чертовых кукол» говорит следующее: «Его стала любить моя душа за его искренние порывы, свидетельствующие о несомненном благородстве его природы, испорченной более всего раболепной и льстивой средой» [4, ст 354].

Анализ и результаты. Также Фебусисом описывается случай, когда только от одного недоброго взгляда герцога в его сторону вся свита, сопровождающая их, отвернулась от художника, вельможи даже не хотели ехать рядом с ним, но стоило только герцогу взять героя под руку и произнести оправдательную речь, как поведение этих низкопоклонных персонажей резко меняется: «это произвело на всех действие магическое, а когда герцог добавил, что он уверен, что кто любит его, тот будет любить и меня, то усилиям показать мне любовь не стало предела: все лица на меня просияли, и все сердца, казалось, хотели выпрыгнуть ко мне на тарелку» [4, ст 355]. Заметим, что давая оценку поведению среды герцога, Фебусис говорит, что все делается у них так «примитивно и просто». То есть окружения герцога это «примитивные» куклы, беспрекословно подчиняющиеся воли герцога. Однако мотив кукольности в данном произведении можно выявить и в более волнующей теме Лескова, как художника – проблеме расточительства собственного таланта художником и предназначения искусства в целом. Так по ходу действия в романе одаренный большим талантом художник Фебусис превращается в марионетку герцога и подчиняет свое искусство и дар служению воли и нравам правителя. Вначале произведения талант художника был признан всеми, а его картины высоко

оценены и при первой встрече с герцогом он говорит про себя следующее: «— Да, я нерабская копия» [5, ст 327]. Но сближаясь с правителем и переезжая вслед за ним в чудесную страну, нравы художника изменяются, в своих письмах: «он стремился быть более красивым, чем натуральным и искренним» [4, ст 345]. Вскоре, оказавшись под полным контролем герцога, Фебусис осознает свое положение, но предпринять что-то и как-то исправить это он не может: «Обо всем надо спрашивать у герцога (...) Фебусис скоро понял, что шнурок, на котором он ходит, довольно короток» [4, ст 370]. Не только воля художника подчиняется герцогу, но и его талант, ведь теперь он может писать картины только по заказам правителя и подчиняясь его взглядам на цели искусства: «Программы допускались только старые, совсем неотвечающие новым живым стремлениям, обозначавшимся уже в других европейских школах» [4, ст 370]. Продавая свой талант ради выгодного положения в обществе и обеспеченной жизни, Фебусис и вовсе утрачивает его. Как ни старался художник и сколько бы сил не прикладывал его новые картины уже не вызывают былых похвал и признаются весьма примитивными.

Заклчение. То есть происходит обезличивание художника, из талантливой незаурядной личности он превращается в такую же куклу, как и все подчиненные герцога, лишаясь своей индивидуальности и следуя его вкусам. Так мы видим, что все королевство герцога представляет собой армию живых марионеток, поведение которых полностью зависит от «расположения желудка» правителя, а великий художник самостоятельно обрекает себя на роль дворцовой игрушки, которая к концу произведения лишается как человечности (рассудка), так и таланта.

Список использованных источников

1. Горелов А. А. Н. С. Лесков и народная культура. — Л.: Наука, 1988. — 294 с.
2. Гроссман Л. Н. Н. С. Лесков. Жизни. Творчество. Поэтика. — М.: ОГИЗ, 1945. — 319 с.
3. Лесков Н. С. Собрание сочинений в 11 томах. Том 3. — М.: Издательство «Художественная литература», 1957. — 584 с.
4. Фрейденберг О. М. Поэтика сюжета и жанра / Подгот. текста и общ. ред. Н. В. Брагинской. — М.: Лабиринт, 1997. — 448 с.
5. Лесков Н. С. Собрание сочинений в 6 томах. Том 6. — М.: Издательство «Правда», 1973. — 688 с.
6. Мелетинский Е. М. Семантическая организация мифологического повествования и проблема создания семиотического указателя мотивов и сюжетов // Учен. зап. Тартуского гос. ун-та, 1983. — Вып. 635. — 267 с.
7. Столярова И. В. В поисках идеала: Творчество Н. С. Лескова. — Л.: ЛГУ, 1978. — 231 с.
8. Столярова И. В. Н. С. Лесков // История русской литературы: В 4 т. / АН СССР. Ин-т рус. лит. (Пушкин. Дом). — Л.: Наука. Ленингр. отд-ние, 1980—1983. Т. 3. Расцвет реализма: История русской литературы. — 1982. — 896 с.



**BADIIY TAFAKKURNING RIVOJLANISHIDA AKA-UKA GRIMMLAR O'RNI VA AFSONAVIY OBRAZLAR TALQINI**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.021>

Usarova Laylo,

Samarqand davlat chet tillar instituti dotsenti v.b Filologiya fanlari falsafa doktori

Amonova Dilafruz,

Samarqand davlat chet tillar instituti, qo'shma ta'lim dasturlari fakulteti o'qituvchisi

*Annotatsiya. Maqolada adabiyot va hayot o'rtasidagi bog'liqlik masalalari, romantizm tarixi, romantizm vakillarining badiiy ko'rsatkichlari, yangi janrlarni kashf etishi va rivojlanishi, romantizm davrida olmon xalq qo'shiq va ertak to'plamlarini nashr etilganligini hamda aka-uka Grimmlarning o'lmas ijodi va ularning ertakchilik janriga qo'shgan hissasi haqida so'z yuritiladi. Aka-uka Grimmlar yaratgan boy meros va uning hozirgi kundagi jahonshumul ahamiyati haqida fikr bildirilib, ular yaratgan ertaklar syujetidagi talqinlar asoslab berilgan.*

*Kalit sozlar: Romantizm, xalq qoshiqlari, folklor, obraz, syujet, tasviriy ifoda, ertak motivlari, Vatan, ijodiy niyat, ertak talqini, afsonaviy obraz, ertak terapiyasi.*

**THE ROLE OF THE GRIMM BROTHERS IN THE DEVELOPMENT OF ARTISTIC THINKING AND THE INTERPRETATION OF MYTHICAL IMAGES**

Usarova Laylo,

Associate Professor of Samarkand State Institute of Foreign Languages. PhD

Amonova Dilafruz,

Samarkand State Institute of Foreign Languages, Lecturer, Faculty of Joint Education Programs

*Abstract. The article deals with the relationship between literature and life, the history of Romanticism, the artistic performances of Romanticists, the discovery and development of new genres, the publication of collections of German folk songs and fairy tales during the Romantic period, and the immortal work of the Brothers Grimm and their his contribution to the genre of fairy tales. The rich heritage created by Brothers Grimm and it's significance in today's world are discussed as well as the interpretations in the plot of fairy tales created by them are viewed.*

*Key words: Romanticism, folk songs, folklore, image, plot, figurative expression, fairy tale motifs, Homeland, creative intention, fairy tale interpretation, mythical image, fairy tale therapy.*

**МЕСТО И РОЛЬ БРАТЬЕВ ГРИММ В РАЗВВИТИИ ХУДОЖЕСТВЕННОГО МЫШЛЕНИЯ И ИНТЕРПРЕТАЦИЯ МИФИЧЕСКИХ ОБРАЗОВ**

Усарова Лайло, д

оцент Самаркандского государственного института иностранных языков. кандидат наук

Амонона Дилафруз,

Самаркандский государственный институт иностранных языков, преподаватель факультета совместных образовательных программ

*Аннотация. В статье рассматриваются взаимосвязь литературы и жизни, история романтизма, художественные достижения представителей романтизма, открытие им новых жанров и их развитие, издание сборников немецких народных песен и сказок эпохи романтизма, бессмертное творчество Братьев Гримм и их вклад в жанр сказки.*



*Обсуждается богатое наследие, созданное братьями Гримм, и его значение в современной мировой литературе, анализируются трактовки сюжетов созданных ими сказок.*

*Ключевые слова: романтизм, народные песни, фольклор, образ, сюжет, образное выражение, сказочные мотивы, Родина, творческий замысел, сказочная интерпретация, мифический образ, сказкотерапия.*

Kirish. Adabiyot va hayot o'rtasidagi bog'liqlik masalasi hozirgi vaqtda dolzarb masalalardan biri bo'lib qolmoqda. Adabiyotni ko'zguga qiyoslagan Stendal metaforasini bugun qabul qilish qiyin. Biroq yozuvchi ijodini uning atrofidagi murakkab hayot negzida, ba'zan esa kutilmagan tarzda belgilaganligini ham inkor etib bo'lmaydi. Romantizm tarixi adabiy yo'nalish sifatida buning ajoyib tasdig'idir. Romantizm davri insoniyat tarixidagi eng qiziqarli va voqealarga boy davrlardan biridir. Ma'rifatparvarlik ratsionalizmiga, XVIII asrda ilgari surilgan aql-idrok talablariga qarshi chiqib, inson qalbining tabiiy harakatlarini, she'riyatni hayot bilan ulug'ladilar, hamda hayotni she'riyat cho'qqilariga ko'tardilar.

Bu deyarli barcha romantizm san'ati asarlariga xos xususiyat – ikkilik, ya'ni kundalik voqelik olami bilan ishqiy she'riyat olamining qarama-qarshiligini nazarda tutadi. Romantika san'ati bilan bog'liq holda; sintetik, universallik va uyg'unlik toifalarida fikr yuritishgan.

Ammo romantizm vakillari o'zlarining ideallari va voqelik o'rtasida bunday tubsizlik borligini anglab etgach, she'riyatni ertakka aylantirish orzusida yashashga, dunyoviy odamlarga bo'lgan muhabbatni unutishdi, ularning haqiqatdan umidsizliklari yanada kuchaydi. Mutanosiblik yuzaga keldi. Klassizm qoidalarini inkor etib, romantika janrlari aralashmasini talab qildi, uni go'zallik va xunuklik, fojia va yorqinlik aralashgan tabiatning haqiqiy hayotiga mos kelishi bilan asoslab berdi.

Romantizm ekzotikaga moyillik bilan xarakterlanadi, ayni shu narsa xalq og'zaki ijodiga qiziqish kuchayganining bosh omili bo'ldi. Zero, klassitsizm davri sig'ingan antik etalonlardan, ma'rifatchilik topingan aql kultidan bezgan romantizm vakillari xalq og'zaki ijodida chinakam ekzotika, bitmas-tuganmas xazinani ko'rdilar. Shuning uchun xalq og'zaki ijodi namunalarini to'plash va nashr qilish, ularni atroflicha tadqiq etish ishlari avj oldi. [9:36 b]

Romantizm Yevropa va Amerika adabiyoti tarixida butun bir davrni tashkil etdi. Romantizm vakillarining badiiy ko'rsatkichlari, yangi janrlarni kashf etishi va rivojlanishi, inson shaxsiyati taqdiriga jiddiy e'tibor berish, insoniy ehtirolarni tahlil qilish mahorati, ular o'z qahramonlarining xatti-harakatlarida tinimsiz ochib bergan ezgulik va yomonlik dialektikasi; ularning barchasi nafaqat adabiyot tarixiga tegishli, balki asosiy oqimlarni ham oz ichiga olishi bilan xarakterlanadi. [2, 526 b]

XIX asrning dastlabki yigirmanchi yillarida deyarli barcha mamlakatlar, jumladan, Fransiya va Germaniya o'z milliy tarixi, qadimiyligi, xalq urf-odatlarini, qo'shiqlari, ertaklari, marosimlari haqida yangi kashfiyotlar yaratdilar. Bunga misol sifatida aynan romantizm davrida xalq qo'shiqlari va ertaklari to'plamlari nashr etilganligini ko'rish mumkin. Ko'plab yozuvchi va shoirlar yer yuzidagi tabiatning go'zalligi va qayg'uiga duchor bo'lgan odamlarning his-tuyg'ularining achchiqligi bilan birga yashaydigan folklor ertaklari tamoyillariga amal qilishgan. Ertaklar bolalar va o'smirlar taassurotlarining bir qismiga aylanadi. Ertak orqali dunyoning barcha xalqlari farzandlari o'zlari uchun birinchi navbatda tabiiy-axloqiy ahamiyatini anglab yetdilar.

Ertakning muhim xususiyatlaridan biri uning hamisha xalq hayoti, kurashi, tarixi, ruhiy olami, dunyoqarashi, urf-odatlarini bilan chambarchas bog'lanishi, insonlarga axloqiy va ma'naviy yo'ldosh bo'lib kelishidir. Ertaklar insonning ma'naviy va jismoniy kuchiga ishonch ruhi bilan sug'orilgan bo'lib, ijobiy kuchlar

tabiat va ijtimoiy hayotda o'ziga dushman bo'lgan kuchlarga qarshi kurashda doimo g'olib chiqadi. Xalq ertaklarida uni yaratuvchilarning dunyoqarashi, axloq normalari va boshqa ijtimoiy muhim masalalar odilona hal etiladi. Ertaklar sodda va tushunarli bo'lgani uchun har qanday kitobxonga tez yetib boradi. Ular orqai ham insonning ijtimoiy axloq normalari shakllanadi. [3, 35]

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Xalq ertaklariga alohida qiziqish XIX asrning boshlarida, adabiyotda romantizm yo'nalish hukmronlik qilgan paytdan boshlab kirib kelgan. Bunda nemis olimlari – aka-uka Grimmlar, ayniqsa, jonbozlik ko'rsatdilar: 1812-yilda ular to'plagan ertaklarning ilk jildi chop etildi; folklorshunoslik sohasidagi tadqiqotlari asosida «Nemis mifologiyasi» (1835) asari yaratilib, unda Muallifning nazariy qarashlari tugal shakllantirildi. Aka-ukalar adabiyotning paydo bo'lishini nemis romantizm falsafasidagi xalq ruhi tushunchasi bilan bog'laydilar: g'oyibdan ilhomlantiriluvchi xalq ruhi avval miflarni yaratadi, keyin esa miflardan epos, ertak, lirik qo'shiq va boshqa janrlar tug'iladi; ilohiy ilhom tufayli yaralgani uchun ham folklor – xalq ruhining anglanmagan ijod mahsuli, uning shaxssizligi ham shu bilan bog'liqdir. [4. 39 bet]

Aka-uka Grimmlar (Yakob Grimm, 1785-1863 va Vilgelm Grimm, 1786-1859) - «XIX asrning eng yirik german filologlari» va nemis xalq madaniyati tadqiqotchilarining ko'plab ishlarini o'rganadi. Ertak bizning oldimizda metafora va o'ziga xos badiiy ifoda vositalari bilan to'yingan parallel voqelik, giperbolizatsiyalangan reallik shakli sifatida namoyon bo'ladi. Ertak - bu «yolg'on», lekin o'ziga xos namunaviy ahamiyatli jihatlarini o'z ichiga oladi va nafaqat yosh bolalar uchun, balki butun xalq uchun foydali «dars» sifatida yuzaga keldi.

Aka-uka Grimmlar o'zlarining dunyoga mashhur «Bolalar va oilaviy ertaklar» to'plamini (1812) tuzishda aynan shu mualliflik tamoyilini boshqargan va bu tamoyil keyingi barcha folklorshunoslik va individual janrning eng yorqin vakillari uchun muallifning ertagi sifatida asos bo'lib xizmat qilgan. Har bir ertak janrining fantastika va hikoya shakllari o'zining bir qancha xususiyatlari bilan ajralib turadi. Ertaklar kelib chiqishiga ko'ra janr xususiyatiga xos bo'lgan qahramonlarning alohida turlari va mustaqil syujetlar doirasi bilan ajralib turadi. O'z taraqqiyotida ham folklor, ham adabiy ertaklar (yozuvchilarning qayta hikoya qilishlari, mashhur xalq ertaklarini qayta ishlash) va alohida muallif ertaklari (H. Andersen, O. Uayld, L. Kerroll va b.) yuzaga keladi. Tez orada yaratilgan bunday ertaklar hayotning butun muammolarini faqat bolalar ucun emas, balki borliqning falsafiy tushunchalarini o'z ichiga ola boshladilar. Ular yordamida mualliflar nafaqat hayotning maftunkor, go'zal va ulug'vor tomonlarini, balki estetik jihatdan insonning qorong'u tomonlari mavjudligini ham tushunishlari mumkin edi. Shu munosabat bilan, aka-uka Grimmlarning ertaklari davr ijod pog'onasining yuqori o'rinlaridan joy oldi.

Tadqiqot metodologiyasi. Biografik ma'lumotlarga ko'ra, Grimmlar «Des Knaben Wunderhorn» (1805) «Bolaning sehrli shoxi» nemis qo'shiqlari to'plamini nashr etilgandan so'ng, maqsadli va uslubiy ravishda ertaklar kitobini yaratishga kirishdilar. Yakob 1806 yildan, Vilgelm esa 1807 yildan boshlab sharhlar va kichik maqolalarni chop qila boshladi: aka-uka tez-tez birga ishlar edilar, chunki ular birgalikda umumiy mavzu va g'oyalarga ega edilar. 1807 yilda Yakob «Ueber das Nibelungenlied» maqolasida ularning keyingi faoliyati uchun juda muhim va asosiy g'oyani ifodalagan: «Inson o'z vatanidan hayotda unga hamroh bo'lgan qo'riqchi farishtani oladi; bu ertak, doston va hikoyatlarning bitmas-tuganmas xazinasini» va har qanday mifologik asar (u ertak, afsona yoki doston bo'lsin) shunchaki fantastika emas, balki «Xalq e'tiqodlari yig'indisi» dir deb ta'kidlaydi.

Aka-uka Grimmlar 1812 yilda o'zlarining ertaklar to'plamini nashr etishdi («Bolalar va oilaviy ertaklar» - hozirda ushbu nashr «Aka-uka Grimmlarning ertaklari» nomi bilan tanilgan) va so'zboshida o'zlarining qizg'in muhabbatlarini izhor qilishgan. Ijodkorlik va mualliflik huquqining qator tamoyillari: ertaklar

xalqning eng qadimiy she'riyati, ma'naviy hayotining ifodasidir; nemis ertaklarida pragerman mifologiyasi va qabilaning asl xarakterini aksi etgan boy materiallar mavjud; Bu eng muhim tarixiy va she'riy hujjatdir va nashriyot ularni o'zgartirishga, kesishga, bezashga haqli emasdir. (Bizningcha, bu tamoyilni hali ham shartli deb atash mumkin, chunki Grimmlarning qayta hikoyalari folklorning birlamchi manbalarini syujet va kompozitsiya jihatidan takrorlagan va ularning majoziy materiallaridan foydalanishgan, lekin ko'pincha ular shakl va yakuniy qismini bolalar idrokiga, axloqiga yaqinroq tarzda o'zgartirishgan). Shunday bo'lsa-da, bosh muallifning fikrini aka-ukalar nashrga yozgan so'zboshida: «O'tmishdagi nemis she'riyatining boyligiga nazar tashlar ekanmiz, jonli tarzda nemis milliy va madaniy tarixiga xos bo'lgan, faqat xalq qo'shiqlari va bu sodda oilaviy ertaklari saqlanib qolgan» Hikoyalardagi pechka, oshxona o'chog'i yonidagi joylar, chodir zinapoyalari, hali unutilmagan bayramlar, o'zlarining sukunati bilan nom qozongan o'tloqlar va o'rmonlar, lekin, birinchi navbatda, sokin xayolot - bu ularni saqlanib imkon bergan va bir davrdan ikkinchisiga o'tkazishga asos bo'lgan. [1: 9, b].

Tahlil va natijalar. Muallif hikoyalarning yana bir ahamiyatli jihati shundaki, ularning ertaklari psixologiya (xususan, psixoanaliz va Karl Yungning analitik psixologiyasi), psixoterapiya (Grimm ertak qahramonlarining ko'plab tasvirlari ertak terapiyasida o'zlarining ramziy semantik timsolini olgan) jihatlariga ta'sir qiluvchi turli xil ma'lumotlar yig'indisini o'z ichiga olganligi bilan ahamiyat kasb etadi. Hattoki, psixiatriya («Aqlli Eliza sindromi») aka-ukalarning mashhur ertaki qahramoniga o'xshashlik bilan tanilgan - bu odamning o'z kelajagi haqida ma'yus ranglarda ko'rinadigan obsesif tashvish holati) ni ham o'z ichiga oladi, chunki u mifologiya bilan chambarchas bog'liq va mualliflarning afsona haqidagi «Xalqlar e'tiqodlari yig'indisi» pozitsiyasi bilan ijobiy uyg'unlashgan. Mifologik arxetip tushunchasi juda ko'p qirrali: Karl Yung arxetipni «Ob'ekt tomonidan amalga oshirilgan aqliy energiyaning konsentrlangan ifodasi» deb ta'riflagan [7.31.b], va keyingi adabiyotlarda bu atama murojaat qilish uchun ishlatila boshlandi. «Eng keng tarqalgan fundamental va universal mifologik motivlar, har qanday badiiy, shu jumladan mifologik tuzilmalar asosidagi tasvirlarning asl sxemalari» [9,17 b] shu nuqtai nazardan qaralganda, Grimmning ertaklari haqiqatan ham nafaqat nemis madaniyati uchun klassikaga aylangan eng xilma-xil arxetiplarga boy, bu nafaqat nemis madaniyati uchun, balki umumiy badiiy madaniyat uchun ham klassikaga aylangan – arxetipdan «Qorong'u soya» va «Jodugar ona» («Oppog'oy» yoki «Gans va Gretel» dagi o'gay onasi obrazi) namunali nasroniy arxetipiga hamdard bo'lishni biladigan, muhtojlarga rahmdil va saxovatli, hatto o'zgalar farovonligi evaziga, o'zi ham oziq-ovqat va kiyimsiz qolgan (Yulduzli Talers qahramoni) obrazlar haqida fikr yuritadilar.

Bundan tashqari, aka-ukalarning ertaklari sotsiologiya va shaxslararo munosabatlar sohasiga ham to'xtalib, sotsiologlar nuqtai nazaridan o'quvchiga gender munosabatlarining ko'p qirraliligini namoyish etadi («Oppog'oy», «Qizil qalpoqcha», «Baliqchi va uning xotini haqida»). Gender tenglik nuqtai nazaridan, britaniyalik psixolog professor Salli Goddard Blythening bolalar ertaklariga bag'ishlangan «Tabiiy bolalik dahosi» kitobida xotin-qizlarning tenglik g'oyasi, jamiyatdagi oz o'rni haqidagi g'oyalarini to'g'ri shakllantirish uchun yaratilgan ertaklari muhim ahamiyatga ega. Mana shunday mavzudagi ertaklar «uchta ertak» deb nomlangan va ularning barchasi aka-uka Grimmilar to'plamiga kiritilgan - bular «Zolushka», «Oppog'oy» va «Rapunzel» lardir. Bundan tashqari, aka-ukalarning ertaklari nasroniy ilohiyoti, dini va falsafasi vakillari tomonidan talqin qilinadi. Masalan, nemis psixoanalitiki Evgeniy Drevermann «Metelitsa xonim» va «Yulduzli ertaklar» ni azob-uqubatlarning ma'nosi haqidagi ko'plab falsafiy va diniy savollarga javob beradigan va xayoliy tartibsizlik va afsonaviy obrazlarning adolatsizligini tushuntiradigan hikoyalar sifatida izohlaydi. Aka-

uka Grimm ertaklarining bunday shartli klassik talqinlaridan tashqari, mifologik simbolizm sohasida yanada nozik talqinlar ham mavjud. Bir qator tadqiqotchilar nuqtai nazaridan, aka-ukalarning eng mashhur ertaklarini syujet asoslari chuqur ramziylikka to'la. Masalan, 7 raqamiga alohida e'tibor beriladi. Britaniyalik shoir Robert Greyvsning ta'kidlashicha, «Oppog'oy» da gnomlar va tog' cho'qqilari orasida mavjud bo'lgan bu raqam ertakni aka-ukalarning quyidagi «Yetti qarg'a», «Bo'ri va yetti bola» ertaklari bilan ham bog'laydi. Mittilar sonining xronologik ma'noga ega ekanligi haqidagi tushuncha, masalan, mittilarni hafta kunlarining nomlari bilan nomlashda ham, bir qator nazariy ishlarda ham, kinoda (xususan, Karolin Tompsonning taniqli ssenariy asarlarida) ham o'z aksini topgan.

Aka-ukalarning ertak syujetlari turli xil talqinlarga duchor bo'lgan. Bunday talqinlarni yozgan mualliflarning ahmoqona tasavvurlaridan dalolat beradi - ko'pincha ular hatto muayyan siyosiy mafkuralari vakillari edi. Masalan, Gitler Germaniyasidagi natsistlar Zolushkaga «sof irq» qahramoni, o'gay onaga chet ellik, shahzodaga esa buzilmagan irqiy instinktga ega bo'lgan natsistlar qahramoni sifatida qarashgan. «Izohlangan klassik ertaklar» asarida Mariya Tatarning ta'kidlashicha, Xans va Greteldagi jodugarning pechda o'limi ko'plab tarjimonlar tomonidan «Uchinchi Reyx dahshatlari» ning alomati sifatida o'qilgan. Jodugar ko'pincha «stereotipik yahudiy xususiyatlari bilan, ayniqsa XX asr tasvirida» ko'ringanligi sababli, uning o'limi sahnasi «bundan ham dahshatli» bo'ladi.

Rostini aytganda, shuni ta'kidlash kerakki, Bunday talqinlar ko'pincha tadqiqotning «orzuli fikrlash» dan voz kechish istagi va ko'plab kutilmagan pastki matnlarni topishga urinishlar bilan emas, balki ertak mazmuni bilan ham bog'liq edi. Ba'zi hollarda, bu vahimoli obrazlar haqiqatan ham tayyor bo'lmagan bolalarning ongini hayratga tushirishi mumkin edi. Qizig'i shundaki, ertaklarning birinchi nashrlari qattiq tanqid qilindi, chunki «Bolalar va oila ertaklari» nomiga qaramay Ushbu hikoyalar akademik ma'lumotlar qo'shimchalari (nashrga sof ilmiy ahamiyatga ega bo'lgan va bolalar adabiyoti qonunlariga mos kelmaydigan) sabablarga ko'ra bolalar o'qishi uchun yaroqsiz deb topildi. Shu sababli, keyingi qayta ko'rib chiqilgan nashrlarda, bolalarga to'g'ri kelmaydigan qismlar ham olib tashlandi (masalan, «Rapunzel» ertagida qahramon jodugar onasidan so'ragan sahna kesilgan. Rapunzelning ko'ylagi torayib qorni kattalasha boshlagani. Aynan manashu savol orqali qizning shahzoda bilan yashirin uchrashuvlari tufayli homiladorligini oshkor qilib qo'yilganligi).

Ammo aka-uka Grimmlar xalq ertaklarini tahrir qilishda ko'pgina shafqatsiz va tabiiy syujetlarida axloq normalarini hech qachon unutishmagan, chunki ko'pincha xalq ertaklari janri orasida shafqatsizlik, daxshatli va vahimoli voqealiklar saqlanib qolgan edi. Masalan, Charlz Perroning qalamiga mansub «Qizil qalpoqcha» ertagini olib qaraydigan bo'lsak, ertakning asl nusxasida bolalar va o'smirlar uchun axloqiy jihatdan to'g'ri kelmaydigan, shavqatsiz voqealiklar kiritilgan edi. Xulosa qismida adib ertak qahramonining o'limi bilan yakun yasaydi, chunki hikoya syujetida «Qizil qalpoqcha» axloqsizlik qurboni sifatida tasvirlanadi. Aka-uka Grimmlar esa bu hikoyadagi har qanday axloqsiz motivlarni olib tashlashadi va qahramonni tirik qoldiradilar. Ammo u ota-onasining talabiga bo'sunmaganligi uchun dahshatli xavf-xatarlarga duch kelgan o'zboshimcha va sodda qizaloq obrazida tasvirlanadi. Hikoya nihoyasida ertak qahramonining «Endi men hech qachon o'rmondagi katta yo'ldan qochib ketmayman va onamning buyrug'iga sozsiz itoat etaman» [1: 309. b]. degan so'zlari quloqsiz bolalarga nisbatan ogohlantirish sifatida kiritiladi.

Aka-uka Grimmlar ertaklarining ta'siri juda katta bo'lib, yuqorida aytib o'tilgan bir qator qiyinchiliklarga qaramay, keyingi nashrda yosh kitobxonlar uchun tahrirlangan (50 ta ertak, rassom ukasi Lyudvig Emil Grimm tomonidan tasvirlangan) ajoyib ertaklari bolalar tomoshabinlarining mehrini qozondi. Aka-uka Grimmlarning ijodi boshqa folklor ixlosmandlariga ta'sir qilib, ularni

ertak to'plashga ilhomlantirish bilan bir qatorda vatanparvarlik va milliy ruhni shakllantirishga xizmat qiladi.

Mashhur anglo-amerika shoiri V.X. Auden Aka-uka Grimmlar ijodini G'arb madaniyatining ustunlaridan biri deb ataydi. Hozirgi kunda ushbu ertaklarning ta'siri nainki olmon, balki jahon adabiyoti va madaniyatga ham qanchalik kuchli bo'lganini ushbu maqolada keltirilgan misollardan bilib olish mumkin.

Aka-uka Grimmlarning ertaklari asl (folklor) shaklidagi funktsiyalarning davomiygi va qahramonlar shaxsiy xususiyatlaridagi umumiy va ixchamligi jihatdan adabiy yutuq deb atash mumkin. Aka-ukalarning sharofati bilan ertaklarning birlamchi folklor manbalarini qayta hikoyalashi natijasida «bolalarga to'g'ri kelmaydigan» hayot muammolarini, va borliqning falsafiy tushunchalarini, ular yordamida mualliflar nafaqat hayotning jozibali go'zal va ulug'vor tomonlarini, balki hayotning qorong'u va salbiy jihatlarini ham asoslab berdi.

Xulosa. Aka-uka Grimmlarning ajoyib asarlari chuqur dunyo motivlari, arxeotipik tasvirlar va ma'nolar bilan boyitilgan beqiyos xazinalar «Sandig'idir». Ularning ertaklari psixologiya, sotsiologiya, tarix, dinshunoslik, mifologiya va falsafa kabi fanlarga ham taalluqli bo'lgan turli xil tarixiy ma'lumotlarni umumlashtirishda va eng mashhur ertaklardagi tasvirlar (Oppog'oy, Hans va Gretel, Rapunzel va xokozo) rasm, musiqa, haykaltaroshlik, kinomatografiya, adabiyot va ommaviy madaniyat kabi hayotning turli yo'nalishlarida asosiy manba sifatida xizmat qilib kelmoqda.

#### Adabiyotlar ro'yxati

1. Гримм Я., Гримм В. Сказки: Эленбергская рукопись 1810 года с комментариями. / Перевод с нем., вступление и комментарии А. Науменко. - М.: Книга, 1988. - 444 с.
2. Герстнер Г. Братья Гримм // Из серии: Жизнь замечательных людей. - М.: Молодая гвардия, 1980. - 272 с.
3. Кирпичников А.И. Гриммы // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона: В 86 томах (82 т. и 4 доп.). - СПб., 1890-1907. - Т. IXа, с. 732-734.
4. Mamasoli Jumaboyev. Bolalar adabiyoti va folklor. Darslik, Ozbekiston yozuvchilar uyushmasi, Adabiyot jamg'armasi nashriyoti. 2006
5. Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. Серия: Исследования по фольклору и мифологии Востока. - М.: Наука, 1976. - 407 с.
6. Nemis adabiyoti tarixi. - М: Oliy maktab, 1975. - 526 b
7. Овчинникова Л.В. Русская литературная сказка XX века. История, классификация, поэтика. - М., 2003. - 312 с.
8. Robert Ranke-Graves: Die weie Gottin - Sprache des Mythos, Reinbek bei Hamburg, 2002. - p. 474.
9. Ulug'bek Hamdamov, Abdug'ofur Qosimov. Jahon adabiyoti, T; 2017
10. Ярошенко Л.В. Мифологическая критика и психоанализ. Миф и архетип. - Гродно, 2002. - С. 10 - 17.

**БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОРИНИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ  
БОСҚИЧЛАРИ  
НОВЫЕ ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ДЕТСКОГО ФОЛЬКЛОРА  
NEW STAGES OF DEVELOPMENT OF CHILDREN'S FOLKLORE**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.022>

Ўринова Мафтуна Нўмон қизи,  
ЎзРФА таянч докторанти

---

*Urinova Maftuna Numon qizi,  
Basic doctoral student of the Academy of Sciences of the Republic of  
Uzbekistan*

---

Уринова Мафтуна Нумон кизи,  
Базовый докторант Академии наук Республики Узбекистан  
<https://orcid.org/orcid/0000-0002-9729-2462>

*Аннотация:* Ўзбек фольклоришунослигида алоҳида йўналиш сифатида шаклланган болалар фольклори ўзининг узоқ тараққиёт босқичига эга. Дастлабки изланишлар рус ориенталистлари томонидан олиб борилган бўлса, кейинчалик муҳим йирик тадқиқотлар Ф. Жаҳонгиров, Ш. Галиев, Н. Курбонова, О. Сафаровлар томонидан амалга оширилди. Болалар фольклорининг назарий асослари, генезиси, жанрий таркиби йигирманчи асрнинг 60-70 йилларида илмий асосини топди. Жумладан, етук фольклоришунос олим О. Сафаров болалар фольклорининг генезиси, жанрий табиатини назарий асослаб, унинг 24 хил жанрдан иборатлигини кўрсатиб берди. Айтиши мумкинки, истиқлолга эришилгандан сўнг маънавият, миллий қадрият ҳамда урф-одатларга қараши янги аҳамият касб этди. Бу даврда болалар поэтик ижоди ўрганилишининг янги тараққиёт босқичи бошланди. Мазкур мақолада ушбу фикрлар ҳақида сўз боради. Жумладан, Н. Сафарова, Ҳ. Рўзметов, Ш. Тургунов, С. Авезов, Н. Адизовалар яратган тадқиқотлар болалар фольклори ўрганилишининг янги тараққиёт босқичи сифатида эътироф этилган. Санаб ўтилган ишлар тарихий-типологик, антропологик, ареал-локал, интеграцион, этнофольклористик, этнолингвистик каби назарий йўналишларни қамраб олган.

*Калит сўзлар:* болалар фольклори, тамойил, генезис, жанр, ареал-локал, типология, этнофольклористика, этнолингвистика.

*Аннотация:* Детский фольклор, сформировавшийся как отдельная ветвь узбекского фольклора, имеет свой длительный этап развития. Если первые исследования были проведены русскими востоковедами, то впоследствии важные крупные исследования провели Г. Джахонгиров, Ш. Галиев, Н. Курбонова, О. Сафаров. Теоретические основы, генезис, жанровая структура детского фольклора нашли научную основу в 60-70-х годах XX века. В частности, зрелый ученый-фольклорист О. Сафаров теоретически обосновал генезис детского фольклора, жанровую природу и показал, что он состоит из 24 различных жанров. Можно сказать, что после обретения независимости взгляд на духовность, национальные ценности и традиции приобрел новое значение. В этот период начался новый этап развития изучения детского поэтического творчества. В этой статье обсуждаются эти идеи. В том числе исследования Н. Сафаровой, Ҳ. Розметова, Ш. Тургунова, С. Авезова, Н. Адизовой, признано новым этапом в развитии детского фольклора. Перечисленные работы охватывают такие теоретические направления, как историко-типологическое, антропологическое, ареально-локальное, интеграционное, этнофольклористическое, этнолингвистическое.

*Ключевые слова: детский фольклор, принцип, генезис, жанр, ареал, типология, этнофольклор, этнолингвистика.*

*Annotation: Children's folklore, formed as a separate branch of Uzbek folklore, has a long stage of development. While the first researches were carried out by Russian orientalists, later important major researches G. Jahongirov, Sh. Galiev, N. Qurbonova, O. Performed by Safarovs. The theoretical foundations, genesis, genre structure of children's folklore found a scientific basis in the 60-70s of the twentieth century. In particular, the mature folklorist scholar O. Safarov theoretically substantiated the genesis of children's folklore, the nature of the genre, and showed that it consists of 24 different genres. It can be said that after gaining independence, the view of spirituality, national values and traditions has acquired a new significance. During this period, a new stage of development of the study of children's poetic creativity began. This article discusses these ideas. Including, N. Safarova, H. Ro'zmetov, Sh. Turgunov, S. Avezov, N. The research created by Adizova is recognized as a new stage in the development of children's folklore. The listed works cover such theoretical directions as historical-typological, anthropological, areal-local, integration, ethno-folkloristic, ethnolinguistic.*

*Keywords: children's folklore, principle, genesis, genre, area-local, typology, ethno-folklore, ethnolinguistics.*

Кириш. Болалар фольклорини янги тамойиллар асосида ўрганиш ва тадқиқ этиш мустақилликдан кейинги даврда анча жадаллашди. Бу даврга келиб болалар фольклорининг генезиси, унинг объекти ва предмети, ўзига хос жанрлари илмий асосини топиб улгурган эди. Шу боис болалар поэтик ижодининг янги тараққиёт босқичи шакллана бошлади. Болалар фольклорининг алоҳида тармоқлари, ҳар бир жанрининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда маълум ҳудуд доирасидаги локал жиҳатлари тадқиқ этилди. Ана шундай ишларнинг айримларини таҳлилга тортаман.

Маълумки, болалар фольклорининг асосини ўйин ва кўшиқлар ташкил этади. Чунки бу жанрлар болаларнинг ўз ижодкорлиги ва ижрочилиги асосида юзага келган. Ўйин ва кўшиқларнинг ҳам ҳажман, ҳам мазмунан етук даражада тўпланганлиги уларни алоҳида тадқиқ этиш учун замин яратди. Бухоролик фольклоршунос олима Нигора Охунжонова Сафарова 2005 йилда “Ўзбек болалар ўйин фольклорининг жанрий табиати, генезиси, ва бадиий хусусиятлари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Н.Сафарова ўзбек болалар ўйин фольклорининг ўзига хос хусусиятлари ва тарихий асосларини аниқлади. Болалар ўйинларининг янги таснифини яратди. Ўзбек болалар фольклорида ўйинлар таснифи Ғ.Жаҳонгиров, О.Сафаров, Ш.Галиев томонидан амалга оширилган эди. Н.Сафарова эса ўйинларни оғзаки бадиий ижод намунаси сифатида қараб, уларни образлар талқини, ғоявий мазмуни ва композицияси, мақсади ҳамда эстетик вазибалари жиҳатидан шартли равишда уч турга мансублигини исботлаб берди:

- а) қаҳрамонлик руҳидаги ўйинлар;
- б) ҳайвонлар ҳақидаги ўйинлар;
- в) маиший ўйинлар.

Қаҳрамонлик руҳидаги ўйинларда синов мотиви бўлиши, уларнинг ўзига хос композицияси мавжудлиги, боланинг жисмоний куч-қудрати ҳамда ақл кучини синаши (“Ким чаққон”, “Мерган”); ҳайвонлар ҳақидаги ўйинлар эса мажоз асосига қурилганлиги боис улардаги образларда, воқеа-ҳодисалар тасвирида, зиддият мазмунида синфий муносабатлар ифода топганлиги (“Бўри келди”, “Эпчил қуён”); катталар ва болаларнинг турмуш тарзига, маросим ва урф-одатларга, маълум касб-хунарга, турмуш предметларига оид



маълумотларни ўзида рамзий ифода этувчи маиший ўйинлар (“Олмача дўм-дўм”, “Сандукчаю қутича”)нинг алоҳида таҳлил қилингани эътирофга лойиқ. Шунингдек, олима халқимизнинг қадимий этикодлари, урф-одат ва маросимларининг болалар ўйин фольклори шаклланиши ва тараққий этишида туганган ўрнини кўрсатиб берди. Илмий изланишлари натижасида “Ўзбек болалар ўйин фольклори табиати”(2008), монографияси, “Болалар адабиёти ва фольклор” услубий қўлланмаси (хам., 2015) нашр этилди. Олиманинг турли илмий журнал ва тўпламларда “Ўзбек болалар ўйин фольклорини тўплаш ва ўрганишнинг айрим долзарб муаммолари”, “Ўйинчоқларнинг келиб чиқиш асослари ва этнопедагогик моҳияти”, “Мифологик образлар тасвирига асосланган ўйинлар”, “Болалар маиший ўйинларининг табиати”, “Оқ шоли ва кўк шоли” ўйини генезиси ҳақида”, “Халқ ўйинлари ва уларнинг бошланғич таълимдаги ўрни”, “Ўзбек болалар ўйин фольклори ҳақида”, “Қизлар ўйнайдиган кўғирчоқ ўйинларининг ўзига хос хусусиятлари”, “Болаларни баркамол авлод этиб тарбиялашда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш”, “Топишмоқ ва латифа жанри хусусиятлари, уларни ўрганишнинг назарий ва методологик асослари”, “Болалар нутқида сўкма сўзлар” каби болалар фольклорига оид мақолалари чоп этилди.

Мустақиллик йилларида ўзбек болалар фольклорининг локал хусусиятларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Хоразм воҳаси болалар поэтик фольклорининг тадқиқотчиси Рўзметов Ҳамид Қаландарович 2006 йилда “Хоразм болалар фольклори (локал хусусиятлари, таснифи ва бадиияти)” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ҳ.Рўзметов Хоразм болалар поэтик фольклорининг жанрий таркиби, бадиияти ва типологик хусусиятларини ўрганиш борасида изчил иш олиб борган олимлардан бўлиб, у ўз тадқиқотида болалар кўшиқларининг худудий-локал хусусиятларини кенг ёритиб берган. Шунингдек, уларни туркий халқлар болалар фольклори контекстида қиёсий-типологик таҳлилга тортган. Хоразм болалар кўшиқларининг жанрий таркибини аниқлаб, тасниф қилган, болаларни эркаловчи Хоразм кўшиқларининг поэтик табиатини таҳлил қилган. У бешик кўшиқлари, аллалар, айтим-олқишлар, суйиш кўшиқлари: эркаламалар, овутмачоқлар, қизиқмачоқлар, болалар тақвими поэзиясининг “ё рамазон” айтимлари, болаларнинг балоғат кўшиқлари, яъни тегишмачоқларни тўплаб тадқиқ этган. Болалар ўйин фольклорига оид материалларни тўплаб таҳлилга тортиш асносида ҳаракатли ва маънавий ўйинларнинг поэтик моҳиятини очиб берган.

Фарғона водийси болалар фольклори тадқиқотчиси Шерали Долихонович Турғунов эса 2019 йилда “Наманган болалар фольклорининг жанрлар таркиби ва локал хусусиятлари” мавзусида филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертациясини ҳимоя қилди. Ш.Турғунов фольклорга бўлган муҳаббати боис Наманган вилояти, қолаверса, бутун Фарғона водийси бўйлаб бир неча марта экспедиция уюштирди. Натижада водий халқи бой, туганмас оғзаки ижодининг гўзал намуналари ёзиб олинди. Айниқса, ўзбек фольклоршунослиги хазинасида ўзининг беғубор қиёфаси, ширин тили, бетакрор поэтик жозибаси билан ажралиб турувчи болалар фольклорига қизиқиши ўзгача бўлди. Шу боис илмий сафарларда болалар фольклори намуналари ҳисобланган ўйин, санама, кўшиқ, топишмоқ, тез айтиш, чандиш, тегишмачоқ, алла, эркалама, овутмачоқ, гулдур-гуп, ҳавзак, болалар эртақлари, болалар латифалари сиңғари жанрларига доир материалларни тўплашда алоҳида ғайрат қилди. Ўзининг ўзбек болалар фольклори жанрларининг табиати, поэтик хусусиятларини таҳлил этишга оид илмий мақолаларида Фарғона водийси болалар мавсумий ўйинлари ва улар билан боғлиқ айтимларнинг жанр хоссаларини ёритиб берди. Шунингдек,



болалар фольклори жанрларининг ҳозирги ҳолати ва жонли ижро шаклин ўрганиш жараёнида замонга мослаб янгидан ижод қилинган болалар фольклорининг бир қатор жанрини аниқлаб, болалар фольклори соҳасида илк марта постфольклор ҳодисаси ҳақида илмий қарашларни баён қилди.

1. Farmonova M. A. TA'LIM UMUNDORLIGINI OSHIRISHDA MOBIL ILOVALARNING O'RNI //Academic research in educational sciences. – 2021. – T. 2. – №. 3.

2.Хакимов Х. Н. ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ //Academic research in educational sciences. – 2021. – T. 2. – №. 4. – С. 479-483.

3. Асланов К. П., Хакимов Х. Н., Акрамова Г. М. МЕСТО ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБУЧЕНИИ СТУДЕНТОВ //Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. – 2015. – №. 9. – С. 38-39

4. Arslonov Q. P., Hakimov X. N. Peculiar especially sport holidays in the life of the young generations //Europaische Fachhochschule. – 2014. – №. 3. – С. 50-51.



## TA'LIM JARAYONIGA KOMPETENSIYAVIY YONDOSHUVDA PEDAGOGNING RAQAMLI KOMPETENTLIKNING AHAMIYATI

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.027>

To'xtayeva Fazilat Shavkat qizi,

*Pedagogika innovatsiyalar, kasb-hunar ta'limi boshqaruvi hamda pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish institutning tayanch doktoranti*

*Annatsiya: Ushbu maqolada bo'lajak professional ta'lim o'qituvchilarining raqamli texnologiyalardan foydalanishga oid bilim, ko'nikma, malakalarni shakillantirish muammolari rivojlangan mamlakatlarning raqamli kompetensiyani shakillantirish dasturlari tahlili, raqamli savodxonlik va raqamlik kompetentlik atamaları ularning bo'lajak professional ta'lim o'qituvchilarining professional faoliyatidagi o'rni o'rganilgan.*

*Kalit so'zlar: Raqamli texnologiyalar, raqamli savodxonlik, kompetentsiya, raqamli kompetentlik, axboriy savodxonlik, kompyuter savodxonligi, media savodxonlik.*

## ЗНАЧЕНИЕ ЦИФРОВОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПЕДАГОГА В КОМПЕТЕНТНОМ ПОДХОДЕ К ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМУ ПРОЦЕССУ

Тухтаева Фазилат Шавкат қизи,

*Является базовым докторантом института Педагогических инноваций, управления профессиональным образованием и переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров.*

*Аннотация: В данной статье рассматриваются проблемы формирования у будущих педагогов профессионального образования знаний, умений, навыков по использованию цифровых технологий анализ программ стимулирования цифровой компетентности развитых стран. Термины цифровая грамотность и цифровая компетентность изучены их роль в профессиональной деятельности будущих учителей профессионального образования.*

*Ключевые слова: цифровые технологии, цифровая грамотность, компетентность, цифровая компетентность, информационная грамотность, компьютерная грамотность, медиаграмотность.*

## THE IMPORTANCE OF DIGITAL COMPETENCE OF A TEACHER IN THE COMPETENCE APPROACH TO THE EDUCATIONAL PROCESS

Tukhtayeva Fazilat,

*Base doctoral student of the Institute of Pedagogical Innovations, Management of Vocational Education and retraining and advanced training of teaching staff.*

*Abstract: This article discusses the problems of formation of knowledge, skills, and skills in the use of digital technologies among future teachers of professional education, analysis of programs to stimulate digital competence in developed countries. The terms of digital literacy and digital competence their role in the professional activities of future teachers of vocational education.*

*Keywords: Keywords: digital technology, digital literacy, competence, digital competence, information literacy, computer literacy, media literacy.*

Jahonda ta'lim sohasidagi rivojlanish tendensiyalariga mos ravishda ta'lim standartlarini kompetensiyaviy talablar asosida takomillashtirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Shu o'rinda takidlash joizki Yuneskonning "Ta'lim- 2030" Inchxon deklaratsiyasida dunyo bo'yicha ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish barcha uchun hayot davomida sifatli

ta'lim olish imkoniyatini yaratishga e'tbor qaratilgan. Yurtimizda ham barcha sohalarda bo'lgani kabi ta'lim sohasiga alohida e'tbor qaratilmoqda. Har qanday ta'lim jarayoni o'zaro bir-birini taqozo etuvchi o'qitish-o'qish faolyatini ko'zda tutadi. Bunday murakkab jarayonni samarali tashkil etish har bir o'qituvchidan kasbiy kompetentlikka ega bo'lishni talab etiladi.

Kompetensiyaga asoslangan yondoshuvni ilk bora fanga amerikalik tadqiqotchi N. Chomskiy kiritgan bo'lib N. Chomskiy 1965 da Massachusetts universitetida til nazariyasiga nisbatan «kompetensiya» atamasini taklif qildi. Bunda u “kompetensiya yoki tilni bilish va foydalana olish yoki tilni haqiqatda ishlata olish tushunchalari o'rtasidagi farqni asosini anglash” nazaryasini ilgari suradi va kompetentlikga asoslangan yondoshuv “Competence Based education” ta'limiga asos solidi.

Kompetentlikga asoslangan faolyat asoschilaridan biri Djon Flangin uchuvchilarni ishga qabul qilishda nafaqat na'zariy bilim shu bilan birga aniq vaziyatlarda hodim qanday qaror qabul qilishi xulq – atvor reaksiyalari muhurligini takidlaydi.

Devid Makklelland «aqlni emas, balki kompetentlikni tekshirish» (1973) tadqiqotida diplom va mavzu bo'yicha bilim emas, balki kasbiy vazifalarni bajarish uchun kompetentlikni shakllantirishning ahamiyati haqida gapiradi.

Kasbiy kompetensiya hozirgi kunda ta'lim tizimiga raqamli texnologiyalarning kirib kelishi innovatsion o'zgarishlar bilan ajralib turishi sababli alohida ahamiyatga ega. Hozirgi sharoitda o'qituvchi muvaffaqiyatli va talabga javob berish uchun har qanday o'zgarishlarga tayyor bo'lishi, yangi sharoitlarga tez va samarali moslasha olishi, professional bo'lish istagini ko'rsatishi, bilim va ko'nikmalarini doimiy ravishda yangilab turishi, o'zini rivojlantirishga intilishi professional kompetentlikka ega bo'lishi talab etiladi.

Biroq, ijtimoiy amaliyot shuni ko'rsatadiki, bu xususiyatlar barcha o'qituvchilar tomonidan shakllanmaydi. Aksincha, ularning katta qismi tez o'zgaruvchan ijtimoiy, iqtisodiy va kasbiy sharoitlarga moslashishda katta qiyinchiliklarga duch keladilar, so'ngra kasbiy malakaning yetishmasligi shaxsning jiddiy ijtimoiy-psixologik muammolarini keltirib chiqaradi, jumladan ichki norozilikdan ijtimoiy qarama-qarshilik kabi holatlarga olib keladi.

Kompetentlik tushunchasi lug'aviy ma'nosi turli tillarda quyidagicha izohlangan: Competent (fransuz tilida) vakolatli, Competent (lotin tilida) qobilyatli, Competent (ingliz tilida) qobilyatli.

“Kompetensiya” va “Kompetentlik” so'zlari doimo yonma - yon yursada ma'no jihatdan tubdan farq qiladi. Ushbu tushunchalarni mohiyatini o'rganish maqsadida quyidagi lug'atlarga e'tbor qaratdik:

“O'zbekiston milliy ensiklopediyasi” da kompetensiya quyidagicha talqin etilgan: kompetensiya – u yoki bu sohadagi bilimlar, tajriba [1].

Kompetensiya - bu ishda yoki boshqa holatlarda ishlash mezonlari asosida samarali yoki eng yaxshi natijalarga ega bo'lgan shaxsning asosiy sifati.

S.I.Ojegov bu tushunchalarni rus tili izohli lug'atida quyidagicha izzohlaydi: “kompetensiya -1 biror kishi juda yaxshi bilgan yoki xabardor bo'lgan masalalar doirasi yoki biron kishini vazifalar va huquqlar doirasi” [2]

“Kompetentlik – biror soha bo'yicha har tamonlama chuquqr bilimga ega bo'lgan va shuning uchun ham fikri salmoqli, ishonchli bo'lgan kishining sifati” ilmiy ishlarni tahlili shuni ko'rsatdiki kompetensiyalar asosiy quyidagi turlari mavjud tayanch va maxsus kompetensiya. Tayanch professional kompetensiya maxsus kompetensiyaga nisbatan asosiy hisoblanadi va u professional ta'lim muassasasining ta'lim jarayonida shakllantirish uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Strukturaviy ravishda tayanch kompetensiya ikkita kichik guruhga bo'linadi: kalit va umumiy kasbiy.

Kalit kompetensiya Yevropa Ittifoqi kengashi tomonidan quyidagicha ta'riflangan “kalit kompetensiya – bu barcha shaxslarning shaxsiy kamolot va rivojlanishi, ish bilan ta'minlanishi, ijtimoiy integratsiyasi, barqaror turmush tarzi, tinch jamiyatda muvaffaqiyatli hayot kechirishi, sog'lom hayotni boshqarish va faol fuqarolik uchun zarur bo'lgan qobiliyatlar bo'lib ular butun umr davomida ta'lim nuqtai nazaridan, ya'ni rasmiy norasmiy va informal ta'lim berish jarayonlari erta bolalikdan boshlanib butun hayoti davomida, hamda, barcha sharoitlarda, jumladan, oila, maktab, ish joyi, mahallalardagi ta'lim orqali rivojlantiriladi.”

Kalit kompetensiya (ingiliz key competence) - hayotning har qanday sohasida nima

zarurligini ko'rsatadi va shaxsning o'z - o'zini anglashi, umumiy ijtimoiy tegishligi, fuqarolik faolligi va mehnat raqobatbardoshligini qo'llab-quvvatlaydi.

Bundan kelib chiqadiki kalit kompetensiya insonning hayoti davomida ta'lim muassasalarida, ijtimoiylashuv sharoitida oilada ish faoliyatida turli vaziyatlarda rivojlanib boradi. Kalit kompetensiyalar deb 8 ta kompetensiya ajratilib ko'rsatiladi.

Savodxonlik kompetensiyasi – ona tilini mukammal bilish bilim olishning asosi hisoblanadi;

Tillarni bilish – bir necha tilda muloqat qila olish hayot davomida ta'lim olishning asosiy kompetensiyalaridan biri bo'lib qoladi. Bir necha tilda so'zlasha olish ish faoliyatida turli imkoniyatlar eshigini ochadi;

Fan, texnologik, muhandislik va matematika kompetensiyasi – STEAM o'qitishni joriy etishga e'tibor juda kattaligi bilan ifodalanadi ;

Raqamli kompetensiya – raqamli 4.0 postindustrial davrga o'tishda bu kompetensiya muhim sanaladi ;

Shaxsiy, ijtimoiy va o'quv kompetensiyasi;

Fuqarolik kompetensiyasi;

Tadbirkorlik kompetensiyasi;

Madaniy xabardorlik va uni ifoda etish kompetensiyasi;

Har bir keltirib o'tilgan kalit kompetensiyalar bir xil darajadagi muhimlikka ega. Ular bilim, ko'nikma va munosabatlarning kombinatsiyasi sifatida konsepsiya qilingan va har bir kalit kompetensiyalarning ta'rifi buning uchun tegishli bo'lgan bilim, ko'nikma va munosabatlarni o'rnatadi. Ushbu yondashuv o'quv natijalarini aniqlash va ularni o'quv jarayoni va o'quv dasturlarida amalga oshirishni qo'llab-quvvatlaydi. [3]

To'rtinchi sanoat revolyutsiyasi va 4.0 industriya texnologiyalari bilan bog'liq bo'lgan texnologik o'zgarishlar ya'ni ommaviy robotlashtirish, qo'shimcha va virtual boqiylik texnologiyalari platformalari hamda 3 D printerlar, suniy intellekt, internet buyumlar bu jarayonni yanada jadallashtiradi. Yuqorida aytib o'tilgan 4.0 industriya atamasi 2011 yil Gannover yarmorkasida iste'molga uning ma'nosi qiymat hosil qilish global zanjirini ko'rsatishdan iborat. "Aqilli zavodlar", "aqilli texnologiyalar", va "aqilli robotlar" kabi texnologiyalarni jahon bo'ylab tarqalishini amalga oshirgan holda, to'rtinchi sano'at revolyutsiyasi global darajada virtual va fizikaviy tizimlarni bir-biriga o'zaro ta'sirini amalga oshiradi.[4]

Har bir yangi texnologiya yangi yondoshuvni talab qiladi. Raqamli 4.0 industriyada faoliyat olib borish uchun raqamli kompetentlikka ega bo'lgan mutaxassislariga talab ortib boradi. Raqamli savodxonlik, raqamli kompetentlikka ega soha mutahasislarini tarbiyalash ta'lim muassasalarida faoliyat olib borayotgan pedagog shaxsiga yuklanadi.

Raqamli savodxonlik ilk marotaba fanda 1997 – yil Pol Glistor tomonidan kiritilgan bo'lib, uning fikricha raqamli savodxonlik o'z ichiga axborotni qabul qilish, saqlash va yuborishga oid malakalarni nazarda tutadi. Ammo, texnologiyalar rivojlanishi natijasida raqamli savodxonli nafaqat axborot ustida amallar bajara olish, balki, hozirgi zamon tendensiyalariga teng ravishda malaka darajalari kengayibyangi texnologiyalar paydo bo'layotgan vaqtda, turli raqamli texnologiyalar bilan ishlay olish qobiliyati, axborotni qabul qilish, saqlash, qayta ishlash, anglash, umumlashtirish va olingan axborotni baholay olish, uzata olish kabi turli amallarni bajara olish bir so'z bilan aytganda insonlarning ijtimoiy jarayonda qatnashishi uchun zarur ko'nikmalarga ega bo'lishini ko'zda tutadi.

Hozirgi kunda raqamli savodxonlik XXI asr asosiy ko'nikmalaridan biri bo'lib nafaqat bir insonni balki butun jamiyatni bu bilan butun bir davlat fuqorolarini raqamli savodxonlik ko'nikmasini oshirish muhim sanaladi. Individning raqamli savodxonlik darajasi uning rivojlanib borayotgan texnologiyalar asrida sharoitga moslasha olishi, katta axborotlar Ichida o'zi uchun zarurini topa olishi, yuborishi va zamonaviy raqamli multimedia imkoniyatlaridan foydalana olishi bilan belgilansa, butun bir davlatning raqamli savodxonlik darajasi har bir fuqoroning axboriy savodxonlik darajasi bilan aniqlanadi. Bu esa o'z vaqtida xalqning madaniyatlilik darajasini belgilab, raqamli iqtisodiyotga o'tish vaqtida davlatni innovatsion rivojlanish darajasini oldinga olib chiqa olishi imkoniyatlarini beradi.

Rivojlanayotgan davlatlar o'z e'tborini axolining raqamli savodxonligi va uning davlatning rivojlanishidagi ro'liga qaratmoqda. Jumladan Amerika "21 asr ko'nikmalarini qo'llab quvvatlash" tashkilotlarining takidlashicha raqamli savodxonlik eng muhim

rivojlantirilishi dolzarb bo'lgan ko'nikmalardan biri sanaladi. Rivojlangan davlatlar raqamli savodxonlikni shakillantirish va rivojlantirish uchun davlat darajasida dasturlar ishlab chiqishgan. Amerika Qo'shma shtatlarida axolining raqamli savodxonligini oshirish va raqamli texnologiyalardan foydalanish kompetentligini rivojlantirish uchun davlat dasturi joriy qilinib unga mos ravishda infrotuzilma shakillantirishni moliyalashtirgan. Amerikada raqamli savodxonlikni joriy qilish modelida ekspert institutlarga ham alohida vazifalar yuklatilgan.

Yaponiya modeli esa Amerikadan farqli ravishda nazariy bilim bilan cheklanmagan holda amaliyotga yo'naltirilgan natijaviylikni nazarda tutdi.

Yevropada ham Amerika kabi raqamli savodxonlikni rivojlantirish uchun dastur joriy qilinib unda asosan axolini raqamli savodxonligini oshirish masalasi 3 darajaga ajratilgan. Bunda hayot davomida tahsil olish prinsipi asosida davlat, ta'lim muossasalari, jamiyatda ta'lim olish nazarda tutilgan. Davlat dastur ishlab chiquvchi ta'lim muossasalari o'z navbatida raqamli savodxonlikga oid mavzularni alohida fan doirasida emas balki boshqa kurslarning tarkibiga kiritganlar. Bu modeldagi jamiyatning ro'li kutubxona asotssatsiyasiga yuklatilgan ya'ni kitobxonlikni keng joriy qilish orqali raqamli savodxonlikni oshiradilar.

Hozirgi kunda yurtimizda o'qish, yozishga oid savodxonlik darajasi "Word population review" sahifasining ma'lumotlariga qaraganda eng yuqori 99.99% ni ko'rsatib to'p 10 talikni birinchiligida bu savodxonlik darajasi turli bilim ko'nikma va malakalarni egallashlari uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Raqamli savodxonlik darajasi esa rivojlangan mamlakatlarga nisbatan past va raqamli savodxonlikni rivojlantirish bizning oldimizda turgan vazifa sanaladi.

Borthwick va Hansenlar "pedagogik ta'limda raqamli imkoniyatlarni rivojlantirishga qaratilgan an'anaviy yondashuvlar o'quvchilarning "raqamli savodxonligini" ilgari surishga qaratilgan" deydi o'z ishlarida [5]. Raqamli savodxonlik - kompyuterlar yordamida turli xil formatlarda taqdim etilgan ma'lumotlarni tushunish va ulardan keng ko'lamda foydalanish qobiliyati.[6]

Raqamlik kompetentlik so'ziga ta'rif keltirsak raqamli kompetentlik bu – bilim olish, ishlash va jamiyatda ishtirok etish uchun raqamli texnologiyalardan ishonchli, tanqidiy va mas'uliyatli foydalanish va ular bilan o'zaro ta'sir qilishni o'z ichiga oladi. U axborot va katta ma'lumotlar bilan ishlash savodxonligi, aloqa va hamkorlik, media savodxonligi, raqamli tarkibni yaratish (jumladan dasturlash), xavfsizlik (raqamli farovonlik va kiberxavfsizlik bilan bog'liq kompetensiyalar), intellektual mulk bilan bog'liq savollar, muammolarni hal qilish va tanqidiy fikrlashni o'z ichiga oladi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki pedagog bu jamiyatni tarbiyalovchi unda zamon talabiga mos bo'lgan barcha ko'nikmalar mujassam bo'lishi kerak. Bo'lajak o'qituvchilarda raqamli jamiyatda faoliyat olib borishi va o'z sohasiga oid bilimlarni mustaqil egallashi, o'sib kelayotgan "Z", "alpha" avlodni zamonaviy texnologiyalardan va ta'lim metodlaridan foydalangan holda o'qita olishi uchun ularda ta'limga kompetensiyaviy yondoshuv bo'lishi ushbu yondoshuv talabi bo'lgan raqamli kompetentlikka ega bo'lishlari zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Pedagogik ensklapediya II;184 b
2. С. И. Ожегов «Словарь русского языка» — нормативный толковый словарь общепотребительной лексики.
3. European Commission/EACEA/Eurydice 2012, Developing Key Competences at School in Europe: Challenges and opportunities in Europe, p. 19
4. Ayupov R.H., To'xtayeva F.Sh. Raqamli iqtisod va 4.0 industriyaning korporativ boshqaruvdagi ro'li "Amaliy matematika va information texnologiyalarning dolzarb muammolari" Xalqarao anjuman tezislari to'plami Toshkent, 2019. 186-187 b
5. Borthwick, A., & Hansen, R. (2017). Digital literacy in teacher education. Are teacher educators competent? Journal of Digital Learning in Teacher Education, 33(2), 46-48.
6. Теоретические подходы к определению понятия цифровой грамотности. Шариков Александр Вячеславович: Всероссийская научно-практическая конференция «Интернет и социокультурные трансформации». Москва, 21–22 апреля 2015г.[Электронный ресурс]



**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАЛАБАЛАРИДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК  
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МОДЕЛИ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.028>

*Джалолова Дилафруз Фаттоховна,  
Бухоро муҳандислик-технология институти доценти*

---

*Азимова Мадина Нарзуллаевна,  
Бухоро муҳандислик-технология институти стажёр-ўқитувчиси*

---

*Аннотация: ушбу мақолада олий таълим талабаларида тадқиқотчилик компетенциясини шакллантириш модели, компотентлари таҳлили, фаолиятли ёндашув, шахсга йўналтирилган ёндашув, тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантириш методикаси, кейс-стади таркибига кирувчи методлар, фикрий эксперимент, ўқитувчи фаолияти, методларни таққослаш таҳлили, тадқиқотчилик компетенциясининг даражалари тўғрисида маълумотлар келтирилган.*

*Калит сўзлар: технология, визуал, модел, компетенция, интегратив, компонент, фаолият, мотивация, эксперимент, продуктив, репродуктив, эмпирик.*

**МОДЕЛЬ ФОРМИРОВАНИЯ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ  
КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ**

*Джалолова Дилафруз Фаттоховна,  
доцент Бухарского инженерно-технологического института*

---

*Азимова Мадина Нарзуллаевна,  
Стажёр-учитель Бухарского инженерно-технологического института*

---

*Аннотация: в данной статье представлена информация о модели формирования исследовательской компетентности у студентов высших учебных заведений, компетентностном анализе, деятельностном подходе, лично-ориентированном подходе, методах формирования исследовательских компетенций, кейс-методах, интеллектуальном эксперименте, деятельности преподавателя, сравнительном анализе. методов, уровней исследовательской компетентности.*

*Ключевые слова: технология, визуальная, модель, компетентность, интегративный, компонент, деятельность, мотивация, эксперимент, продуктивный, репродуктивный, эмпирический.*

**MODEL OF FORMATION OF RESEARCH COMPETENCE OF HIGHER  
EDUCATION STUDENTS**

*Djalolova Dilafruz Fattoxovna,  
Associate Professor of Bukhara Engineering Institute of Technology*

---

*Азимова Мадина Нарзуллаевна,  
Intern-teacher of the Bukhara Engineering Institute of Technology*

---

*Annotation: this article provides information about the model of formation of research competence among students of higher educational institutions, competence analysis, activity approach, student-centered approach, methods for the formation of research competencies, case methods, intellectual experiment, teacher's activities, comparative analysis. methods, levels of research competence.*

*Key words: technology, visual, model, competence, integrative, component, activity, motivation, experiment, productive, reproductive, empirical.*

*Кириш. Жаҳон миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий ўзгаришлар бўлажак мутахассис кадрларни тайёрлаш тизимини компетентлик ёндашуви асосида ташкил этиш ва бошқаришни тақозо этмоқда. Ҳозирги кунда АҚШ, Англия, Германия, Хитой, Япония каби ривожланган мамлакатлар таълим стандартларида таълим олувчиларнинг глобал кўникмаларини ("global skills")*



шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун амалдаги касбий таълимнинг мазмуни, ўқитиш технологиялари ва ўзлаштириш натижаларини баҳолаш тизимларини компетенциявий ёндашув асосида модернизациялаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро педагогик тажрибаларга кўра, янги педагогик лойиҳаларни амалга ошириш ва инновация ютуқларини амалиётга кенг татбиқ этиш ҳамда таълим сифати даражасини янги босқичга кўтаришда бўлажак мутахассис-ларни тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш муҳим ўрин тутди. Жумладан, ўқитишнинг янги парадигмаларини ишлаб чиқиш ҳамда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларининг дидактик имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали талабаларда тадқиқотчилик компетенцияларни шакллантиришда катта аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, олий таълим муассасаларида касб таълими тизимининг халқаро стандартлари асосида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш муаммоларини бартараф этишда ўқитишнинг ноанъанавий ва инновацион усулларида комплекс фойдаланиш орқали талабаларда тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантириш ва баҳолаш методикаларини меҳнат бозори талабларига мувофиқ такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Мамлакатимизда олий таълим сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли ислохотлар олиб борилиши натижасида бўлажак мутахассисларни тайёрлашни инновацион ёндашувлар асосида янада жадаллаштириш долзарблигича қолмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш” вазифаси белгиланган. Бу борада талабаларни тайёрлашнинг ижтимоий буюртмачилар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, такомиллаштириш ҳамда ўқув жараёнига педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини татбиқ этиш имкониятлари кенгайтириш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун, тадқиқотчи-изланувчан педагогларнинг тадқиқотчиликка тайёргарлик даражасини компетентли ёндашув асосида шакллантириш методикаси ва объектив баҳолашни ишлаб чиқиш талабаларни умумкасбий ва мутахассислик компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Бир қатор тадқиқотларда таъкидланишича барча моделлар қуйидаги аниқ умумий чизгиларга эга: моделлаштириладиган предмет тизимли ва тузилмали нуқтаи назардан қараш; ўрганилаётган объектга мос шажарани тасвирлаш; тадқиқот олиб бориш учун қулай бўлган элементлар ва компонентлар, даражалар мажмуасининг мавжудлиги.


Модел қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак: қўллашнинг соддалиги, оддийлик, баённинг аниқлиги, ифодалилиги билан энг муҳим характеристикаларни қамраб олиш. Кўришиб турибдики, педагогик моделлар максимал даражада дидактик объектларни қамраб олиши ва ўқитишнинг шароитлари, мазмуни, методлари, шакллари тасвирлаш имконини беради.

Тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантириш жараёни моделини лойиҳалаштиришда унинг интегратив характерига асосланиб қуйидаги тузилмавий компонентлари аниқланди: мақсадли, касбий компетентлик характеристикалари, назарий-методологик, мазмунли-технологик, натижавий-баҳолаш [1].

Мақсадли компонент талабаларга жамиятнинг ижтимоий буюртмаси ҳамда малака талабларида ўз аксини топган талаблар билан шартлашилган.

Ушбу компонент тизимнинг бошқа компонентларга нисбатан тизим ташкил этувчи ҳисобланади. Ижтимоий буюртма замонвий таълим муассасаларининг компетентли ўқитувчига талабини ўзида акс эттиришини эътиборга олиб, тадқиқот мақсади этиб талабаларда тадқиқотчилик компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш этиб белгиланди.

Тадқиқот методологияси. Назарий-методологик компонент моделнинг ишларини таъминловчи ёндашувлар, дидактик шарт шароитлар ва дидактик тамойилларни ўз ичига олади. Моделни лойиҳалашнинг методологик асоси сифатида тизимли, компонентли, фаолиятли, шахсга йўналтирилган ва контекстли ёндашувлар иштирок этади.



Тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантириш жараёни модел

Тизимли ёндашув бир томондан тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантириш жараёнини ўз мақсади ва тузилмасига эга бўлган мураккаб тизим сифатида қарашга, бошқа томондан эса моделнинг барча компонентларининг ўзаро таъсирлашуви, тадқиқотчилик компетенцияси-нинг барча компонентларини бир бутунликда шакллантириш имконини беради.

Компетентли ёндашув эса талабаларда шаклланган тадқиқотчилик компетенциясини уларнинг касбий тайёргарлигининг натижаси сифатида қараш, тадқиқотчилик компетенцияси мазмуни ва тузилмасини аниқлаш, шаклланганлик мезон ва қўрсаткичларини аниқлаш ва тавсифлаш имконини беради.

Фаолиятли ёндашув эса талабаларда тадқиқотчилик компетенцияларни шакллантириш жараёни хусусиятларини ўрганиш ва ушбу моделдаги мазмунли компонентларни эгаллашни фаоллаштирувчи ва рағбатлантирувчи ўқитишнинг метод, восита ва ташкилий шакллари таллашга имкон беради.

Шахсга йўналтирилган ёндашув эса талабаларнинг индивидуал хусусиятларини максимал даражада эътиборга олиш ва уни шахс сифатида ривожлантиришга имкон беради. Контекстли ёндашув талабаларни касбий йўналтириб ўқитиш жараёнини кучайтиришга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарорида “ўқув машғулотларини талабаларни инновацион фикрлашга йўналтирадиган ўқитиш технологиялари ва интерфаол услубларни жорий этиш асосида ташкил этиш, асосий

эътиборни талабаларнинг мустақил таълим олиши билан боғлиқ механизмларни амалга оширишга қаратиш” вазифаси белгилаб қўйилган. Бу эса, талабаларнинг изланувчанликка ва яратувчанликка йўналтиришнинг амалдаги механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Таҳлил ва натижалар таҳлили. Олиб борилган изланишлар натижасида “Устоз-шоғирд” тизимига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув-услубий қўлланмалар ва электрон таълим ресурслари билан талабаларнинг тадқиқотчилик компетенциясини шакллантириш методикасининг дидактик таъминоти бойитилади. Бунда талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари (мотивация, йўналтириш, жалб этиш ва тажрибаларни бойитиш) кенгайтирилади. Мазмунли-технологик компонент талабаларда тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантириш жараёни мазмунини аниқлайди ҳамда мақсад ва натижа компонентларини бирлаштирувчи бўлиб иштирок этади, талабаларда тадқиқотчилик компетенцияларни шакллантириш жараёнини ташкил этиш ва методик таъминлашнинг ўзига хослигини акс эттиради. Бу борада меҳнат бозори талаблари асосида талабаларнинг тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантириш методикасининг такомиллаштириш мақсадида тадқиқот вазифаларидан келиб чиқиб, “scientific discussion”, “analyse actual problem”, “case study” ва “innovative project” каби яратувчанликка қаратилган интерфаол ўқитиш методлари ва муаммоли-изланишли кейслар банки ишлаб чиқилди [2].

Адабиётлар таҳлили. Адабиётларнинг таҳлили ва бизнинг тадқиқотимиз кейс-метод ўқув жараёнини ва дискуссияни ташкил этишнинг махсус амалий методи деб тасдиқлаш имконини беради. Кейс методини ўзида бошқа билиш методларини интеграциялаган мураккаб тизим деб тасвирлаш мумкин. Унга кейс-методда ўз функцияларини бажарадиган моделлаштириш, тизимли таҳлил, муаммоли метод, фикрий эксперимент, изоҳлаш методлари, таснифлаш, ўйин методлари киради.

т/р, №	Метод	Кейс-методдаги роли
1	Моделлаштириш	Вазият моделини куриш
2	Тизимли таҳлил	Вазиятни тизимли тасвирлаш ва таҳлил қилиш
3	Фикрий эксперимент	Вазият ҳақида билимларни уларни фикран қайта ишлаш йўли билан олиш усули
4	Изоҳлаш	Вазиятнинг изоҳини тайёрлаш
5	Муаммоли метод	Вазият асосида ётган муаммони тасвирлаш
6	Таснифлаш методи	Вазият хусусиятлари, томонлари, вазиятни ташкил этувчиларнинг тартибланган рўйхатини яратиш
7	Ўйин методлари	Вазият иштирокчилари хулқий вариантларини тасвирлаш
8	“Аклий хужум”	Вазиятга нисбатан ғояларни генерация қилиш
9	Дискуссия	Муаммо юзасидан ва уларни ечиш йўллари бўйича қарашларнинг алмаштиниши

Фикрий эксперимент кейс-методнинг муҳим атрибути ҳисобланади. Фикрий эксперимент деганда одатда, реал объектлар билан эмас, балки бу объектларнинг фикрий конструкциялари билан иш кўрадиган экспериментнинг махсус тури тушунилади.

У вазиятни аниқловчи омиллар ҳақида фаразни, муаммоларнинг муҳим ёки иккинчи даражали жиҳатларини, таклиф қилинаётган ечимларнинг самарадорлиги ҳақидаги фаразларни текшириб кўришга имкон беради. Фикрий экспериментнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти шундан иборатки, у сабаб-оқибат боғланишларни, яширин динамикани ва бошқалар кўра олишга ўргатади. Фикрий экспериментни қўллашда “тасаввур қилиб кўринг ...” ибораси умуман алмаштириб бўлмайдиган ибора ҳисобланади.

Изоҳлаш методи вазиятни характерловчи фактлар тизимини шакллантиришни назарда туттади. Бунда кейсадаги вазиятнинг изоҳи шундан иборатки, у энг муҳими, унчалик муҳим бўлмаганини ниқоблайдиган вазиятни бадиий-публицистик изоҳига ўхшаш вазиятдан иборат бўлади. Шунинг учун талаба муҳимни номуҳимдан ажратишга имкон беради, ўзига хос бошқотирмани ишлаб чиқишга мажбур. Бунда у кейсини ўқиш чиққандан сўнг тизимли изоҳ бериши, унда келтирилган фактлар, баҳолар, таклифлар ва бошқаларга ўз таърифини шакллантириши керак.

Ўқитувчи фаолиятининг асосий мазмуни бир неча таълимий, тарбиявий, ташкилий ва тадқиқотчилик функцияларини бажаришни ўз ичига олади. Улар бирликда қабул қилинади, агар реал ОТМ лар фаолиятида бу функциялар кўпинча алоҳида амалга оширилса, кейсларни ўрганиш жараёнида уларнинг органик

бирлиги кузатилади. Кейс-методни қўлловчи ўқитувчининг ишининг ўзига хослиги шундан иборатки, у нафақат ўз қобилиятларини максимал амалга оширади, балки уларни ривожлантиради, яъни методик компетенциянинг ташкилий функциясини фаолаштиради.

Энди мутахассислар тайёрлаш тизимидаги турли фанлардан ташкил этилаётган ўқув-тарбия машғулотида мини ва қисқа кейслардан фойдаланиш намуналаридан келтирамиз.

Вазият. Мафтуна исмли қиз бола 6 ёшда. У 3 ёшидан хореографик тўгаракка, 5 ёшидан эса вокал ва театр студиясига қатнайди. Тез-тез сахнада чиқиш қилади, турли танловларда қатнашади. Навбатдаги чиқиш олдида ўйин вақтида Мафтуна ўзининг тенгқурларига: “Мен сизлардан яхшироқ биламан, мен сахнага кўп маротаба чиққанман, сизлар эса, чиқмагансизлар. Шунинг учун, мен тулки ролини ўйнаман” деб, раҳбарлик қилишга ҳаракат қилмоқда. Тенгқур қизлар унга бўйсунитишдан бош тортишга ҳаракат қилмоқдалар ва тарбиячи олдига ёрдам сўраб бормоқдалар.

Кейсга савол - вазифа:

Сизнинг ҳаракатларингиз қандай бўлади?

1-вариант. Мафтунага ўзининг дугоналарига ўзларини намоён қилишларига ёрдам бериш учун ушбу ўйинда режиссёр ролини таклиф этиш. Уларнинг чиқишлари ҳам мақтовга лойиқлигини кўрсатиш.

2-вариант. Мафтуна билан бадий асар қаҳрамонлари хулқларининг салбий томонлари (мақтаниш, дўстларининг хафалиги ва ҳоказо)ни таҳлил қилишга йўналтирилган суҳбат ўтказиш, бошқа қизлар унинг дугоналари эканлигини, уларда ҳам шу ролни ўйнашга хоҳишлари борлигини тушунтириш. Тулки ролида навбат билан ўйнашни таклиф этиш.

3-вариант. Болаларга тортишмасликни таклиф этиш, балки ролни тақсимлашни қуръа ташлаш йўли билан амалга ошириш. Шунда тўғри бўлар.

4-вариант. Тулки – бош роль учун танлов ташкил қилиш, мустақил ҳакамларни (ушбу ўйинда қатнашмайдиган ўғил болалардан) танлаш.

5-вариант. Ушбу муаммони ҳал этиш учун болаларга мурожаат қилиш.

Вазият. Икки ёш она кўчада болалар боғчасига қатнайдиган ўз қизларининг хулқ-атворлари ҳақида бир-бирлари билан ўртоқлашмоқда:

“Менинг қизим жуда фаол, мустақил ўсаяптими, демак ундан сўраш керак, деб ўйлайман”, иккинчи она: “Менинг қизим ҳали ҳам бола. Катта бўлгандан кейин ҳамма нарсани ўзи секин-аста қилишга ўрганайди”.

Кейсга савол-вазифа:

Ҳар икки онанинг ўз қизлари тарбиясига ёндашувини таққосланг.

Изоҳ. Ушбу муаммони ҳал этиш учун тарбиянинг турли усулларини таҳлил қилиш ва боланинг фаоллиги ҳамда унинг мустақил бўлишининг аҳамияти ҳақида хулоса қилиш зарур.

Ҳар иккала она ҳам ноҳақ. Биринчи она вазиятида, фаол болаларга кўп даражада мустақилликка мўлжал олаётгани ва бундай болалардан катталардан каби сўраш керак деб, фикр қилмоқда. Мактабгача ёшдаги болалар болалигича қолади, улардаги ҳис-туйғунинг эркин ривожланиши тенгдошлариникидек эканлиги маълум. Ошириб юборилган талаблар болалар томонидан ҳар доим ҳам бажарилавермайди. Биринчи ўринда шахсий қизиқиш қолади. Боланинг ривожланишини фаоллик ва қизиқувчанлик олдинга томон ҳаракатлантиради. Оналарнинг бундай гаплари ўз болалари билан турлича усулда мулоқот қилишларини кўрсатади. Бир ҳолатда, қиз ҳис-туйғулик, илиқликни сезмаслиги мумкин, бунинг оқибатида уни “қулфланганлик” ёки бефарқлик, балки, қандайдир кўполлик томонга ҳаракатланишига олиб келади. Бошқа ҳолатда эса болада мустақиллик, масъулиятлик ривожланмайди [3].

Кўриб чиқилган методларни таққослаш бўйича таҳлил, шунингдек кейслар асосида ўқитиш амалиёти, уларни олий таълим муассасалари талабалари тадқиқотчилик компетенциясини шакллантириш учун турли фанларни ўқитиш жараёнида қўлланиши мумкин деган хулоса чиқариш имконини беради. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, санаб ўтилган шакл ва методлар талабаларнинг тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантиришга қодир эмас, фақат уларнинг оптимал бирлашиши муваффақиятни таъминлаш мумкин.

Нативий-баҳоликомпонентэсаталабалардатадқиқотчиликкомпетенцияларини

шакллантириш жараёнининг самарадорлиги ҳақида фикр юритишга имкон беради. Талабаларда шаклланидиган тадқиқотчилик компетенцияси баҳолаш мезонлари мотивацион, когнитив, технологик ва ижодий-изланувчанлик компонентлардан иборат эканлиги кўрсатиб берилган.

Тадқиқотчилик компетенцияси компотентлари уни шаклланганлик мезони сифатида юзага чиқади. Уни биз ниманидир баҳолаш, аниқлаш ёки таснифлаш белгиси сифатида тушунамиз. Мезонлар асосий кўрсаткичлар йиғиндисидан иборат.

Талабаларда тадқиқотчилик компетенциялари шаклланишининг қуйидаги учта даражаси ажратилди: продуктив, репродуктив, эмпирик.

1. Продуктив даража (барқарор, тадқиқотчилик фаолиятининг фаол тавсифи); тадқиқотчилик компетенциясини касбий аҳамиятини тушуниш-нинг мавжудлиги; тадқиқотчилик фаолияти соҳасида билимларни эгаллашнинг анланганлигини юқори даражаси; шахсий тажрибани чуқур англаш асосида бу билимларни анланган фаол-таъсирли қўллаш, яъни, бажарилаётган барча тадқиқотчилик кўникмалари ҳақида тўлақонли оғзаки ҳисобот бера олиш қобилияти; мустақил, ўз ташаббуси билан, четдан ёрдам олмасдан тадқиқотчилик кўникмаларини амалга ошириш, тадқиқотчилик характеридаги ўқув-касбий топшириқларни муваффақиятли бажариш тизими мавжудлиги билан тавсифланади.

2. Репродуктив даража (вазиятли, фаолиятнинг репродуктив характери); тадқиқотчилик компетенциянинг аҳамиятини қисман тушуниш билан; тадқиқотчилик фаолияти соҳасидаги асосий билимлар; бу билимларни қисман анланган ҳолда фаол-таъсирли қўллаш, четдан унчалик катта бўлмаган, вазиятли қўллаб-қувватлаш шароитида тадқиқотчилик кўникмаларини муваффақиятли мустақил амалга ошириш билан тавсифланади.

3. Эмпирик даража (лавҳали, фаолиятнинг пассив характери); тадқиқотчилик компетенциясини касбий аҳамиятини тушунмаслиги; тадқиқотчилик фаолияти соҳасига оид лавҳали билим; шахсий тажрибага таянган тадқиқотчилик фаолияти метод ва усуллари интуитив танлаш, у бунда етарлича чуқур анланмаган бўлади, яъни, талабалар амалга ошираётган тадқиқотчилик кўникмалари ҳақида оғзаки ҳисобот беришга қодир эмаслиги; қоида бўйича тадқиқотчилик характеридаги ўқув-касбий топшириқларни бажара олмайди; тадқиқотчилик кўникмаларини мустақил намоён бўлишида қийинчиликлар мавжудлиги, шунингдек мустақил намоён бўлишида ёрдамга ёки четдан бериладиган кўрсатмаларга доимий эҳтиёжни мавжудлиги; таниш вазиятлар шароитида тадқиқотчилик кўникмасининг намоён бўлиши билан тавсифланади.

Талабаларда тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантириш модели қуйидаги талабларга жавоб беради:

- талабаларни тадқиқотчилик компетенциясини шакллантиришга қаратилган модели ўрганилаётган мажмуавий жараённинг ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқликда бўлган барча элементларининг бирлиги ҳамда талабаларни тадқиқотчилик компетенциясига тайёрлаш жараёнини таъминлайди.

- талабаларни тадқиқотчилик компетенциясини шакллантиришга қаратилган модели очик ва ривожланаётган тизим ҳисобланади. Модел унинг ҳақида яъни ахборотларнинг тўпланиши бўйича амалиёт эҳтиёжи ўзгариши, замонавий талабларга жавоб берувчи мутахассисига замонавий ижтимоий талабнома шаклланишида тузилмаси ва шахсий параметрларининг эгилувчан ўзгаришини таъминлайди;

- талабаларда тадқиқотчилик компетенциясини шакллантиришга қаратилган моделининг мослиги деганда, ўрганилаётган объектнинг унинг акс эттиришига, яъни моделига мослиги даражаси тушунилади. Бундай объект сифатида олий таълим муассасаларида тайёрлаётган мутахассис иштирок этади. Бу талабларни амалга оширишда илмий-амалий вазифаларни ҳал қилишга мажмуавий ёндашув тамойилини қўллаш зарур. Ҳақиқатда ҳам яхлит объект тизимли ва адекват тасвирланиши мумкин шу вақтда, қачонки унинг аниқ намоён бўлиши, ўзаро боғлиқлиги ҳамда алоқаларини аниқлаш, ўрганишнинг имкони топилса;

- моделининг эгилувчанлиги ва динамиклиги, у ёки бу илмий йўналишда истикболда юз бериш мумкин бўлган ўзгаришларни ҳисобга олиш имконини беради. Бу тадқиқотчилик компетенциясига тайёрлаш жараёнининг талабаларни фаолияти соҳасидаги ўзгаришларга ўз вақтида реакция беришида акс этиши керак;

- моделнинг кенгаювчанлиги, яъни унинг объект ва ўқув жараёни ҳақидаги янги ахборот билан тўлдириш, мавжуд элементларни моделни ўзгариш қисми фаолиятини бузмаган ҳолда мослаш ёки ўзгартириш. Бу ишлаб чиқилган моделнинг “блокли” тузилишга эга бўлганлиги учун ҳам мумкин бўлади [4].

Хулоса. Юқорида қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда шуни хулосалаш мумкинки, биз яратган талабаларнинг тадқиқотчилик компетенциясини шакллантириш модели яхлит очик, динамик ташкил этилган бўлиб, талабаларни тадқиқотчилик компетенциясига тайёрлаш жараёнини мақсадга йўналтириш, қўйилган мақсаднинг охириги натижага мос бўлишини аниқлаш имконини беради.

Тадқиқотчилик компетенцияларининг шаклланиш мезон ва кўрсаткичларининг мавжудлиги, талабалар уларни шаклланишининг қайси даражасида эканликларини аниқлаш, тажриба-синовнинг таъкидловчи ва шакллантирувчи босқичларини ташкил этишга киришишга имконини беради. Бу кейс турини, унинг тузилмаси ва мазмунини, шунингдек, талабаларда тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантиришда уларни қўллаш технологияси аниқлангандан кейин мумкин бўлади.

#### Адабиётлар

Djalolova D.F., Saidova X.X. Promotion of practical trainings for the development of the creative abilities of students in special subjects using foreign methods of foreign education method. *European journal of Research and Reflection in Educational Sciences*. Vol.8, No.11, 2020. ISSN 2056-5852. P 73-79. [www.idpublications.org](http://www.idpublications.org)

Джалолова Д.Ф., Нематова Л.Х., Худойбердиева С.Н. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантиришда интерфаол ўқитиш методлари имкониятлари. *Хоразм Маънун Академияси ахборотномаси. Илмий журнал. №71(68). Хоразм Маънун академияси, 2020 й. 292-297 б.* <http://mamun.uz/uz/page/56>

Djalolova D.F., Saidova Kh.Kh. Creative direction of the educational and recognition process at the university. *EPRA International journal of Research Development (IJRD)*. Monthly, Peer Reviewed (Refereed) Indexed International journal. Vol.5. Issue 10. October 2020. P 363-365. [www.eprajournals.com](http://www.eprajournals.com).

Djalolova D.F., Jalolov F.F. Organization of experimental work to develop independent and creative abilities of students in general professional disciplines. *Initial technical journal of the Namangan Engineering Technological Institute* ISSN 2181-8622. Vol 5-Issue (3) 2020. 215-223 б. [www.nammti.uz/](http://www.nammti.uz/)

**ВАТАНПАРВАР ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ИЙМОН-ЭЪТИҚОД  
ТУЙҒУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.029>

Валиев Абдурафик Абдуганиевич,

Бухоро давлат университетининг Педагогика инстиути Ҳарбий таълим  
факултети Услубий тайёргарлик цикли ўқитувчиси подполковник

*Аннотация:* Бугунги глобаллашув жараёнлари шиддатли кечаётган даврда ёшларни турли хил бузғунчи, бегона ёт гоялар, турли оқимлар ҳамда миллий қадриятларимизга зид бўлган оммавий маданият таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиши долзарб масала ҳисобланади. Мақолада бугунги кунда ёшлар тарбиясида иймон-эътиқод туйғуларини шакллантиришнинг тутган ўрни ва аҳамияти ёритиб берилган.

*Калит сўзлари:* Ватанпарварлик, баркамол авлод, қадрият, таълим-тарбия, ўзбек халқи, зиёратгоҳ, анъана.

**FORMING A SENSE OF FAITH IN EDUCATION OF PATRIOTIC YOUTH**

Valiev Abdurafik Abduganievich,

Pedagogical Institute of Bukhara State University, Faculty of Military Education  
Lecturer

*Abstract:* In this globalisation period, it is essential to prevent youths from being influenced by alien and instigator ideas, and mass culture, which are discrepant our traditional values. The article gives information about Islam in upbringing youths and roles offered pilgrimages.

*Keywords:* patriotism, new generation, values, education, Uzbek nation, pilgrimage, tradition.

**ФОРМИРОВАНИЕ ЧУВСТВА ВЕРЫ В ВОСПИТАНИИ  
ПАТРИОТИЧЕСКОЙ МОЛОДЕЖИ**

Валиев Абдурафик Абдуганиевич,

Педагогический институт Бухарского государственного университета,  
факультет военного образования Преподаватель

*Аннотация:* В условиях стремительной глобализации важно не допустить, чтобы молодежь подвергалась воздействию различных деструктивных, чуждых идей, течений и популярной культуры, противоречащих нашим национальным ценностям. В статье освещается роль и значение формирования веры в воспитании молодежи сегодня. чувства

*Ключевые слова:* патриотизм, гармонично развитое поколение, достоинство, воспитание, узбекский народ, святыня, традиция.

Юртимиз келажаги, эртанги кунда халқимизнинг тинч-фаровон ҳаёти ҳар томонлама бугунги кун ёшларига боғлиқ. Бу эса ўз навбатида уларга берилаётган таълим-тарбияга натижасидир. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Давлатимиз томонидан ёшларга берилаётган эътибор, уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик доираси йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Зеро, бугунги кунда ёшларимиз томонидан эришилаётган улкан ютуқлар замирида истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб ёшлар тарбияси, таълими, умуман кадрлар тайёрлаш тизимида амалга оширилган ислохотлар мужассам.

Ҳозирги кун ёшлар билан боғлиқ масалалар нафақат Ўзбекистон, балки бутун ҳамжамият олдидаги муҳим муаммолардан бири бўлиб турганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида ёшлар тарбияси масаласини бутун дунё эътиборига олиб



чиқди: “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олиш. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз”. Давлатимиз раҳбари томонидан БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш таклифи киритилди. Барчамизга маълумки, 2018 йил 12 декабр куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида Ўзбекистон Республикаси томонидан ишлаб чиқилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” тўғрисидаги резолюция бир овоздан қабул қилинди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” деб номланган алоҳида банд (4.5 банд)да акс эттирилгандан кейин, 2017 йилда Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси қўйилди. Мазкур дастур доирасида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касбхўналарни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Маълумки, ҳар бир давлат ўзининг маданиятини ривожлантириш, иқтисодиёти яхшилаш учун ташқи мамлакатлар билан алоқа муносабатларини ўрнатиши ва ҳудудлар дахлсизлиги ва чегаралар хавфсизлини таъминлаш керак. Шунда халқнинг моддий фаровонлиги ўсади ва ҳар бир давлатнинг ўзаро муносабатлари эркин бўлмоғи, фуқаролари тинч ва осойишта фаолият юритмоғи лозим. Билмак давлат мустақиллиги мукамал ҳисобланмайди.

Энг аввало халқнинг, фуқароларнинг фаровон ҳаётини, тинчлик-осойишталик ҳамда барқарор хотиржамлигини, ҳузур-ҳаловатини таъминлашда ва ҳимоялашда ватанпарварлик тарбияси шакллантириш лозим. Ватан, эл-юртга бўлган муҳаббат, иймон-эътиқод туйғуларини сингдириб бориш билан таълим-тарбиянинг аҳамияти бениҳоя каттадир.

Умуман олганда, мустақиллик ғояси ва туйғусини миллатнинг эътиқод ва иймонга айланмоғи зарур. Қолаверса ҳар бир ўзбек мустақиллик моҳиятини-юқорида санаб ўтилган ва шу каби принцип ва вазифаларни чуқур англамоғи керак. Шунингдек, ушбу вазифаларни амалга ошириш ишига ҳар бир киши ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши талаб қилинади.

Иймоннинг ўзи нима? Иймон-бу тил билан иқрор қилмоқ ва дил билан тасдиқламоқдир. Эътиқод нима? Эътиқод кенг маънода инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва ҳалол хизмат қилмоқликдир.

Демак, мустақиллик ғояси, моҳиятини ва мафкурасини тарғиб қилишда ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Исломи дини арбоблари тажрибаларида ўринли фойдаланиш мумкин.

Ватанпарварлик тарбияси жараёнида тарбиячи бевосита иймон-эътиқод моҳиятини талқин этган ҳолда, ўрнатилган бўлган воқеа ва ҳодисаларни сўзлаб бериш, ҳикоя қилиш ёхуд рамзий ва тимсолий тил билан гапириш ўринли. Шу жумладан, халқ оғзаки ижоди ва бадиий намуналардан фойдаланиш, ҳаёт ва турмуш тажрибаларини қиёслаб сабоқ бериш ижобий натижаларни беради.

Иймон бут, эътиқотди мустаҳкам, иродали ва юксак маънавиятли инсонларни ҳеч бир куч ёхуд миллат ўзига руҳан қарам қила олмайди. Чунки руҳият ҳар бир миллатнинг ички ботиний қудрати ва кучидир. Иймон-эътиқоднинг асосий хусусияти ва имконияти шундаки уни кўз билан кўриб қулоқ билан эшитиб бўлмайди. Худди ана шу кўринмас ва эшитилмайдиган омиллар инсонни доимо огоҳликка ва серғакликка



ундаб туради. Айтиш жоизки, руҳияти, иймон-эътиқоди бақувват миллат албатта, ҳар қандай шароитда ҳам ўзлигини йўқотмайди ва тараққиёт йўлидан бориш учун курашади.

Ҳар бир ёшнинг маънавияти, иймон-эътиқоди ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида фикр билдирганда, унинг шаклланиш омилларини ҳақида мулоҳазалар юритилади. Ваҳоланки, ҳар бир шахс камолати, миллат абадийлигини таъминлайдиган муҳим манба унинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тараққиёти етакчи омил ҳисобланади. Шу маънода асосан ёшларни ватанпарлик тарбиясида етачи омил ҳисобланмиш манбаалардан тўлақонли фойдаланиш ўринлидир. Ушбу манбалар ва омиллар ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас, Кўҳна заминда инсоният пайдо бўлиб шаклланган эканки, Она-ватанига бўлган муҳаббати ва ушбу муқаддас Ватан деб аталмиш, мўтабар заминни тинчлиги ҳамда унинг осойишталигини таъминлаш ва ҳимоялаш шарафли бурч ҳисобланган.

Маънавият, иймон-эътиқот инсон тарихий тараққиётнинг махсулидир. Ўзбек миллати азалдан маънавиятли, иймон-эътиқотли бўлган. Бу миллат қандайдир “бўш” “яланг” жойда эмас, балки унинг авлод, аждодлари яратган бойлик эканлиги яққол намоёндыр. Ушбу замин баққуват бўлганлиги учун ҳам келгинди босқинчилар томонидан йўқ қилишига қанчалик ҳаракат қилинмасин, у яна ўз қаддини тиклаб, миллатимизнинг ўзлигини намоён этишда манба бўлиб келмоқда.

Ўзбек миллатининг жаҳон тан олган бутун бир цивилизацияни яратган буюк мутафаккирлари ва улар яратган илмий кашфиётлар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, балки шу она заминда яратилган моддий ва маънавий соҳада эришилган ютуқлар билан боғлиқдыр. Юксак иймон-эътиқодга эга бўлган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Нажмиддин Кубро, Аз-Замаҳшарий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа бир қатор мутафаккирлар, давлат арбоблари шу она заминда яратилган улкан моддий ва маънавий бойликлар булоғидан баҳраманд бўлганлар, улардан руҳий озика, илоҳий куч-қудрат олганлар. Улар қолдирган улкан мерос эса, ўзбекларнинг кейинги истиқболини таъминлашни кафолатлаган. Ана шу моддий ва маънавий манбалар ўзбекларни озодлик, мустақиллик ва тараққиётга етакловчи манба бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Жамиятимизнинг турли соҳаларида бўлгани каби таълим соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган бугунги кунда узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир босқичи тадрижий йўл билан тараққий этиб бормоқда ва муайян ислохотлар олиб борилмоқда. Талабаларда ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш ўқув жараёнидаги ўзига хос сифатлар мажмуи бўлиб, давлат, жамият ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг эҳтиёжларини қондиришга йуналтирилган узлуксиз педагогик жараённинг натижаси ифодасидир. Республикада ижтимоий соҳада айниқса, таълим - тарбия жараёни билан боғлиқ ўзгаришлар таълим тизимини тубдан ислох қилиш, уни миллий руҳ билан суғориш, самарали анъанавий услубларни сақлаб қолган ҳолда янгиларини яратиш ва амалиётда қўллаш борасида олиб борилаётган ишларга боғлиқ.

Талабаларда ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш мазмун моҳиятини теран англашимиз учун “ахборот” тушунчасига тўхталиб ўтишни лозим топдик. Ахборот — 1) бирон воқеа ҳақидаги батафсил хабар, маълумот. Давлатлар ўртасидаги музоқаралар натижасида тузилган битим ёки шартнома тўғрисида ҳукуматнинг расмий хабари. Халқаро ҳуқуқда икки ва ундан ортиқ давлатлар ўртасида олиб бориладиган дипломатик музоқаралар натижасида тузилган битимлар, шартномалар ёки қабул қилинган бошқа қарорлар ҳақидаги хабар икки ёки ундан ортиқ давлатлар томонидан расмий эълон қилинади. Икки давлат ўртасида олиб борилган музоқаралар ҳақидаги ахборот одатда қўшма ахборот деб аталади. [8]

Бугунги кунда инсоният ахборот технологиялари ёрдамида маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатиш билан чегараланмай, жамиятда иқтисодий, сиёсий, харбий ва бошқа соҳаларни бошқариш, уларга таъсир этиш ва истиқболини белгилаш имкониятига ҳам эга бўлиб бормоқда.[7]

Э.Исмаатовнинг интернет мақоласида ахборот-коммуникацион технологияларидан жамият соҳаларининг барча жабҳаларида фойдаланишнинг кенгайиб борилаётганлиги ахборотга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши ҳамда ахборот хуружларининг кучайиб бориши ва уларнинг ёпиқ характерга эга эканлигини инобатга олиб, у биздан ахборотга бўлган тақчилликнинг олдини олиш (миллий ахборот маконини ривожлантириш), содир бўлган воқеликка тўғри ва холис баҳо бериш (амалга оширилаётган ахборот хужумларини



тахлилқилиш ва башоратлар бериш), турли ёт ғояларга (қўпоровчилик руҳидаги) қарши курашиш ва бу соҳада етук мутахассисларни тайёрлашни талаб қилади-деган фикрларни эътироф этиб ўтган [7]

Демак, ҳар бир ахборотни қабул қилаётган талаба уни ҳақиқат ёки ёлғон эканлигини дастлабки ўқишда ажратиш даражасига етказиш талаб қилинади. Талабаларда ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш, таълим хизматларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш кенг қамровли бўлиб, мазмунан такомиллашиб бормоқда. Бироқ, таълим муассасаларида талабаларда ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш фаолиятини самарали ва сифатли ташкил этиш, шу жумладан, иш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали юқори сифат ва самарадорликка эришиш имконини берадиган ўқитиш шакллари ва методларини такомиллаштириш, шахсни шакллантиришга оид фалсафий, социологик, психологик, педагогик билимларни уйғунлаштириш зарурияти кучаймоқда.

Ҳозирги даврда инфорацион технологиялар жуда кучли ривожланиши натижасида ёш талабалар билан онлайн тарзда ишлаш долзарб бўлиб борапти. Шу сабабли талабаларга онлайн етказиладиган маълумотлар ва материалларнинг гуманистик характерда бўлиши жуда ҳам зарурдир. Ҳозирда талабаларнинг барча йўналишларда информация олиш имкониятлари жуда кенгайгандир. Уларга етказиладиган информациялардаги носамимийлик, камчилик ва қусурларни улар дарров илғаб олишади. Эндиликда бу кучли информация асрида “алдагани талаба яхши” деган гап аста – секинлик билан ўз кучини йўқотиб бормоқда. Ҳозирда талабаларнинг интеллектуал салоҳияти анча илгарилаб кетган ва уларга нисбатан жиддий ҳамда самимий муносабат бўлишини тақозо этади. Талабалар билан бўладиган муносабатда ўқитувчининг гапи, қараши, ҳағти – ҳаракати ва муомаласида албатта меҳр уфуриб туриши керак бўлади. Ўқитувчидаги илиқлик эртами кечми барибир талабада илиқлик уйғотади ва унинг фаолиятида ижобий ўзгаришга олиб келади. Талабанинг фаолияти қандай бўлса унинг шахс сифатида қандай шаклланишини белгилаб беради.

Таълим шаклларини оптимизациялаш вазифаларини белгилайдиган техник ва инсон ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг бутун жараёнларини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методи ЮНЕСКО томонидан алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 июнь 2018 йилдаги ПҚ-3775 сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида” ги Қарорида: Олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёни, таълим олаётган талабалар билимини баҳолаш тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаётганлиги, профессор - ўқитувчиларнинг фаолиятини, билимини ва педагогик кўникмасини баҳолашнинг замонавий тизими мавжуд эмаслиги таълим сифатига салбий таъсир кўрсатаётганлиги ечимини кутаётган муаммолардан бири ҳисобланади.[3]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисидаги”ги ПҚ-29-09-сон қарорининг қабул қилиниши “...олий таълим даражасини сифат жиҳатидан тубдан ошириш ва такомиллаштириш, модернизация қилиш, комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар қаторида:[4]

- ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши;



-ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, мастер-класслар ўтказишга, семинар тренингларни илғор хорижий тажрибаларга таяниб мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари фаолиятида кенг жорий этиш зарурлигидан далолат беради.

Талабаларда ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш учун таълим жараёни талабаларни интеллектуал ва касбий жиҳатдан ривожлантиришнинг чуқурлаштирилган тизими сифатида намоён бўлиши лозимлигини тажрибалар яққол кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, талабаларда ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш жараёнини модернизациялашдан кўзланадиган асосий мақсад жараён субъектларининг креатив тафаккурини ривожлантиришдан иборат. Бу таълим олувчиларнинг амалий компетентлигини ривожлантиришни бир чўққисидан иккинчисига қараб ҳаракатланишлари, етукликнинг турли даражаларида маҳорат чўққисига эришишлари, ҳамда ижодий касбий фаолият кўрсатиш тажрибасини эгаллашлари учун муҳим ҳисобланади.

Талабаларда ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири шахс манфаати ва таълим устуворлигидир. Бу омиллар асосида:

— кенг кўламли ахборот воситаларидан фойдаланишни билиш;

- видео, аудио, тасвир, гиперматнли маълумотлар ҳақида умумий билимларга эга бўлиш;

- ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мультимедиали маҳсулотларни ишлаб чиқишни билиш;

- талабаларни ўз-ўзини таҳлил қилиши;

- инсониятни ҳаётда ўз ўрнини топишида амалий ёрдам бера олиши;

- ўз-ўзини касбий ривожлантиришини режалаштира олиши;

- мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаши;

- иш фаолияти жараёнида ўзини кўрсата олиши ҳамда йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида тузатиб боришини амалий компетентликка эришишнинг асосий йўли сифатида кўрсатиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, талабаларда ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш, дидактик имкониятларини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида:

- талаба ёшлар учун янги малака талабларини ишлаб чиқиш;

- талаба ёшларни зарур методик материаллар билан қуроллантириш;

-Олий таълимни бошқариш ахборот тизимини (EMIS) такомиллаштириш, вазирлик ва идораларнинг бошқа ахборот тизимлари билан интеграциялаш;

- халқаро стандартлар ва миллий анъаналар уйғунлигида юқори малакали, замонавий билим ва кўникмаларга эга профессионал кадрларни тайёрлаш;

-таълимда брендлар, илмий анъаналар тизимини яратиш асосида олий таълим ва олий таълим муассасалари имиджини шакллантириш стратегияси бўйича дастурлар ишлаб чиқиш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Олий таълим муассасаларида талабаларда ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришнинг муҳим тамойилларига:

- таълимнинг устуворлиги;

- таълимнинг демократлашуви;

- таълимнинг инсонпарварлашуви

- таълимнинг ижтимоийлашуви;

- таълимнинг миллий йўналтирилганлиги;

- таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги;

-иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражаси, изчил равишда фундаментал ва маҳсус билим олишлари учун шарт-шароитлар

яратиш билан бирга педагог компетенциясига оид халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг методологик асосларини, мазмун ва моҳиятини билиш, уларга амал қилиш қиради.[2]

Олий таълим тизимида замонавий талабларга жавоб берадиган, педагогик ва ижтимоий фаолиятда ички ва ташқи, ахборот хавфсизликни таъминлаш бўйича ислохотларни олиб боришда интеллектуал жиҳатдан етук, таҳлилий фикрлашга қодир, таълим сифат ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган концепцияда қуйидаги инновацион тамойиллар устувор ўрин эгаллайди.

Тамойиллар	Мазмуни	Мақсад
Ўқитиб тадқиқ этиш, тадқиқ этиб ўқитиш тамойили	Таълим муассасаларининг ҳар бир ўқитувчиси ўз фани соҳасига тахсил олувчиларни жалб қилган ҳолда тадқиқотларни олиб бориши лозим; ўқитувчи таълим технологиясини ишлаб чиқади, уни амалиётда синаб кўради, кузатади ва тузатишлар киритади, яъни, у таълим жараёнини тадқиқ этади.	Ўқитиш жараёнининг мазкур икки жиҳати муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ўқитувчининг касбий ҳамда педагогик маҳоратини ошириб боришга ва тахсил олувчиларни бўлажак мутахассислик фаолиятига пухта тайёрлаш учун замин яратади.
Таълимнинг узлуксизлиги тамойили	Тахсил олувчиларнинг касбий сифатларга эга бўлишлари, мавжуд сифатларнинг ҳаётий фаолият давомида такомиллашиб боришини назарда тутати. Шахсга унинг бутун умри учун асқотиши мумкин бўлган билимларни бериш мумкин эмас, зеро, мавжуд билимлар ҳар бешўн йил мобайнида ўзгариб, мазмунан бойиб боради.	Ўқитувчининг ўз фаолиятида мустақил таълимни ташкил этишга эътибор бериши, педагог етакчилигини таъминлаган таълимдан тахсил олувчиларнинг мустақил билим олишлари учун шартшароитлар яратиб бериши ифодалайди.
Фаолиятли ёндашув тамойили	Назария ва амалиётнинг дидактик боғлиқлигига асосланади. Дидактика назариясида билим тушунчаси қуйидаги икки хил маънода изоҳланади: а) тахсил олувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар; б) улар томонидан ўзлаштирилиб, амалий фаолият жараёнида қўлланиладиган, шахсий тажрибага айланган билимлар.	Билимлар фаолият юритиш жараёнидагина мустаҳкамланади, шу сабабли тахсил олувчиларда назарий билимларни амалда қўллаш олиш иқтидорини тарбиялаш лозим. Амалиётдаги таъбиқига эга бўлмаган билимлар тез орада унутилиб юборилади.
Замонавийлик тамойили	Таълим амалиётига илмий асосланган ва тажриба-синовда текширилган дидактикага оид янгиликлар, тартиб қоидаларни жорий этади. Тахсил олувчи эгаллаган билимини мантқиқий тушуниб амалда қўллайди.	Даврга мос ҳолда ўқув дастурлар модернизация қилинади ва ўқув жараёнининг оптимал варианты танланади. Ўқув жараёнининг ўқитувчи ва тахсил олувчи томонидан кам куч сарфланиб, юқори мақсадга эришадиган оптимал вариантини яратади.
Илмийлик тамойили	Таълим-тарбия жараёнида самарали восита, фаол метод ҳамда дидактик материаллардан фойдаланишнинг ташкилий масалалари янги ечимларини қўллашни тақозо этади.	
Тахсил олувчи ва ўқитувчининг дастурли фаолиятни ташкил этиш ўқув жараёнининг боришини тахмин этиш тамойили.	Ўқитувчи тахсил олувчини мустақил ишлашга ўргатади, ундан муайян ҳаракатларни амалга оширишини ва қўллашини талаб қилади.	
Таълимни фаоллаштирувчи ахборот технологияси ва техник воситалари, шунингдек, фойдаланиш самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш тамойили	Мазкур тамойил педагогик жараённинг жадаллаштирилишини таъминлайди	
Ўқув жараён учун зарур бўлган моддий-техник базани яратиш тамойили	Ушбу тамойил ўзида етарли даражадаги моддий-техник базани яратиш имкониятини излаш жараёнини ёритиш учун хизмат қилади.	
Ўқув-тарбия жараёни натижаларини ҳолисона баҳолаш тамойили	Ушбу тамойил тест усули ва рейтинг тизими асосида тахсил олувчи билим ва кўникмалари даражасини аниқлаш, ўзлаштириш жараёнини назорат қилиш, шунингдек, баҳолашни автоматлаштириш каби фаолият мазмунини ифодалашга хизмат қилади	
Таълим-тарбия мазмунининг жамият эҳтиёжларига мос келиши тамойили	мазкур тамойил жамият эҳтиёжларини маълум даражада таълим-тарбия асосида ҳал этилишини ифодалайди	

Талабаларда ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирувчи асосий тамойиллар сирасига таълим

мазмунини инсонпарварлаштириш ва инсонийлаштириш тамойили, текширувчанлик, ҳаққонийлик, фаолиятли ёндашув, синергетик ёндашув, табақалаштирувчи,– мувофиқлаштирувчи тамойиллар ҳам киради [6]

Кузатувларимиз жараёнида шу нарсага амин бўлдикки, тамойилларга амал қилган ҳолда педагогик фаолиятни ташкил этиш ўқитувчининг методик ва амалий компетентлигини ошириб боришига замин яратади ҳамда кўзланган мақсадга эришишини тезлаштиради. Натижада таълим тарбия тизими методологиясини ишлаб чиқиш, ҳамда “тизимий ёндашув” тадқиқот усулини қўллаш имкониятини беради.

Хулоса қилиб айтганда, талабаларда ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш замирида:

□ аниқ мезонлар асосида тартибланган дидактик жараён орқали талабалар ўқув фаолиятидаги илмий назарий билимларни ўзлаштириш имкониятлари даражасида қондирилади;

□ дидактоцентрик технологиялар яъни ўқув дастурида режалаштирилган материалларни ҳар қандай йўл билан таълим олувчиларга етказишнинг методик таъминоти яратилади;

□ ўқитиш жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган дидактик воситалар ва дидактик материаллар дидактиканинг тамойилларига мос ҳолда яратилади;

□ талабаларнинг дидактик қобилиятларни шакллантирилади;

□ ўқув жараёнини предметли қўллаб қувватланиши учун шарт □ шароит яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида»ги Қонуни» // Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 24-сентябр

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)), 2020 йил 6 ноябр

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 июнь 2018 йилдаги ПҚ-3775 сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. Қонун ҳужжатлари тўплами

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. //Халқ сўзи. 2017 йил, 21 апрель, №79(6773)

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж-III-Н-Тартибли/ -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2008. – 563 б

6. Педагогик технология: муаммо ва истиқболлар (замоновий педагогик технологиянинг илмий-назарий асослари). Муаллифлар гуруҳи. / Т.: ОЎМКХТРМ, 300 бет.

7. <https://jizzax.uz/3990-eng-havfli-huruzh-bu-ahborot-huruzhidir.html> Мустақил тадқиқотчи Э.Исмаилов

8. Ахборот маҳсулотлари ва хизматларига бўлган эҳтиёжларни ўрганиш механизмлари. Бобожонов Азизжон Бабаханович, ТДИУ катта ўқитувчиси, PhD E-mail: [a.bobojonov@tsue.uz](mailto:a.bobojonov@tsue.uz) “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2018 йил

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГИК НЕОЛОГИЯ АСОСИДА ТАЛАБАЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МАЗМУНИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.034>

*Зияева Махбуба Фазлидиновна,*

*Ўзбек тили ва адабиети кафедраси катта ўқитувчи, Архитектура ва қурилиш факультети, Жиззах политехника институти*

*Аннотация. Мазкур мақолада, Олий таълим тизимида педагогик неология асосида талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришнинг педагогик мазмуни, талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришнинг марказий муаммоси – таълимий-тарбиявий, маънавий, маърифий, ижтимоий жараённинг умумий лойиҳасини, мазкур жараёнларни таъкил этишига бўлган фаолият мазмунини ижтимоий ҳаётнинг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда замонавий шакл ва технологиялар асосида таъкил этиш механизmlарини ишлаб чиқиш зарурати илмий-назарий жиҳатдан ёритиб берилган.*

*Калит сўзлар: педагогик неология, ижтимоий фаоллик, таълим-тарбия жараёни, ижодий тафаккур, тьютор, сиёсий фаоллик; маданий фаоллик; ижодий фаоллик; диалогик фаоллик.*

## ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ СОДЕРЖАНИЕ ПОВЫШЕНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ НЕОЛОГИИ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

*Зияева Махбуба Фазлидиновна,*

*старший преподаватель кафедры узбекского языка и литературы*

*Джизакский политехнический институт*

*Факультет архитектуры и строительства*

*В данной статье педагогическое содержание совершенствования социальной активности студентов высшей школы на основе педагогической неологии, центральная проблема совершенствования социальной активности студентов - общий проект воспитательного, духовного, просветительского, социального процесса, содержание деятельности по организации этих процессов научно и теоретически выделена необходимость разработки организационных механизмов на основе современных форм и технологий*

*Ключевые слова: педагогическая неология, социальная активность, образовательный процесс, творческое мышление, тьютор, политическая деятельность; культурная деятельность; творческая деятельность; диалогическая деятельность.*

## PEDAGOGICAL CONTENT OF INCREASING SOCIAL ACTIVITY OF STUDENTS ON THE BASIS OF PEDAGOGICAL NEOLOGY IN THE SYSTEM OF HIGHER EDUCATION

*Ziyaeva Mahbuba Fazlidinova,*

*Senior Lecturer, Department of Uzbek Language and Literature*

*Jizzakh Polytechnic Institute, Faculty of Architecture and Construction*

*In this article, the pedagogical content of improving the social activity of students of higher education on the basis of pedagogical neology, the central problem of improving the social activity of students is the general project of the*



*educational, spiritual, enlightening, social process, the content of the activity for organizing these processes is scientifically and theoretically highlighted the need to develop organizational mechanisms based on modern forms and technologies*

*Key words: pedagogical neology, social activity, educational process, creative thinking, tutor, political activity; cultural activities; creative activity; dialogic activity.*

Олий таълим тизимида педагогик неология асосида талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштириш, замонавий ечимлар, услуб ва методлар устида доимо изланиш, ёшларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш, уларнинг инновацион потенциали, лидерлик хусусиятларини шакллантириш каби муҳим масалаларга назарий ва амалий жиҳатдан ечим топиш вазифаси долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришнинг марказий муаммоси – таълимий-тарбиявий, маънавий, маърифий, ижтимоий жараённинг умумий лойиҳасини, мазкур жараёнларни ташкил этишга бўлган фаолият мазмунини ижтимоий ҳаётнинг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда замонавий шакл ва технологиялар асосида ташкил этиш механизмларини ишлаб чиқиш зарурати кўзга ташланмоқда.

Талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришнинг асосий мақсади комил инсонни шакллантириш учун пойдевор бўлган ижтимоий педагогик жараённи инсонпарварлаштириш, талаба ёшларнинг мустақиллигини таъминлаш, фаол ёшларнинг ижтимоий-психологик портретини тайёрлашда улар фаоллигини оширишга таъсир кўрсатувчи экзо ва эндо омилларни белгилаб олишнинг самарали методларини қўллашдан иборат.

Психологик адабиётлар таҳлиliga кўра фаолликнинг асосий шакллари: жисмоний фаоллик; ижтимоий фаоллик; сиёсий фаоллик; маданий фаоллик; ижодий фаоллик; диалогик фаоллик; коммуникатив фаоллик; интеллектуал фаоллик; идрок фаоллиги; онгли фаоллик; тафаккур фаоллиги; когнитив фаоллик; ички фаоллик ва ташқи фаолликдан иборат бўлиб ёшларда ижодий ва мустақил ишлаш фаолияти (илмий ва илмий тадқиқот, ишлаб чиқариш технологик, лойиҳавий-конструкторлик, экспериментал-тадқиқий кўникма, малакалари)нинг ривожланганлик даражасини ўрганишнинг таҳлилий жиҳатдан оқилона бўлишига эътибор қаратиш лозим. [3]

Бунинг учун талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришга йўналтирилган педагогик шарт-шароитларни аниқлаш, фаолият турига қараб креатив ёндашиш, таълимий-тарбиявий жараённи технологиялаштириш лойиҳасини яратиш, мақсад самарадорлигини оширишга қаратилган неологик шакл, метод, воситаларини ўрганишга доир индикаторларини ишлаб чиқиш керак. Бунда, педагогик неология асосида талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштириш мазмуни биринчи даражали моҳият касб этади. Унинг муҳим индикаторлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- тьюторлар иш фаолиятида амал қилинаётган модернизациялаштирилган ишчи ўқув режаларининг самарадорлиги;

- ташкилий-педагогик шарт - шароитлар ва педагогик технологияларнинг қулайлиги, уларнинг талабалар қизиқишлари, фаолиятини ўрганиш мезонлари бўйича ҳисоблаш услубиёти талабларига мувофиқлиги;

- тьюторлик фаолиятига оид ҳужжатларнинг юритилиши;

- тьютор фаолиятидаги талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришга қаратилган ташкилий ишларнинг бажарилиши;

- тьюторнинг таянч ОТМ си билан ҳамкорликдаги фаолияти;

Фикримизча, талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштириш

ишларни самарали ташкил этишдаги узвийлигини таъминлашда медиатеологиялардан фойдаланиш, тарбия воситаларини бир вақтнинг ўзида бир неча йўналишларда қўллаш имконини беради. Айни вақтда “Аппарат–матнлар” тизими (видеокитоблар, ўқув дисклари, матнли альбомлар ва бошқалар) дан оммавий равишда фойдаланилмоқда. Бу эса педагогларнинг ўзаро мулоқот ва баҳс мунозара қилиш имкониятини кенгайтириши билан бирга, грант ва лойиҳаларини яратишда педагог–технолог ва методистларнинг касбий маҳоратларини оширишга ёрдам беради. [2]

Таълим–тарбия ишини ташкил этишда тьютор, тьютор ва талабалар орасидаги ўзаро илмий, ижодий, демократик муносабатдан таркиб топган бўлиши талабаларда ижодий-креатив даража, (намуна асосида ҳаракат қилиш йўли билан (ижодий) ҳаракатларни ташкил этиш орқали янги билимларни эгаллаш ва янги билимларни мустақил ўрганишга қаратилган ижодий ҳаракатларни ташкил этиш), қисман изланувчан даража, (аввал ўзлаштирилган материални иккиламчи идрок этиш (англаш) орқали объектларни билиш ва улар асосида илмий ҳамда илмий-тадқиқот фаолияти ташкил этишга оид оддий ҳаракатларни бажариш), репродуктив даража(аввал бажарилган ҳаракатларни мустақил бажариш)ларни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. [8]

Педагогик неология асосида талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришда мақсадли ўзаро таъсирлашув жараёнида қуйидаги йўналишларда педагогик шарт-шароит, имконият яратиш:

-фаолият маҳсулдорлигига эришиш учун талабаларга креатив ва мустақил ишлаш фаолияти мотивларини фаоллаштириш;

-креатив, илмий ижодий ва мустақил ишлаш учун фаолият мазмуни ҳақида талабаларда билим ва тасаввурлар тизимини шакллантириш;

-талаба ёшларни қобилият ва лаёқатига қараб креатив, илмий ижодий ва мустақил ишлаш компетенцияларини аниқлаш;

-ижодий топшириқларни ишлаб чиқиш, физик, техник ва йўналишига қараб илмий ихтиролар яратиши учун муаммоли вазиятлар ечимини топишга ўргатиш;

Таъриба ва илмий кузатишларимиз давомида талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштириш жараёнида ижобий самарадорликка эришиш учун олиб борилган таҳлиллар ижтимоий фаолликнинг қуйидаги хусусиятларини ажратиш имконини берди: мақсадга йўналганлик, яъни қўйилган мақсадга эришиш ва аниқ шакллантирилган масалани ечишга йўналтирилган жараён; янгилик излаш – оригинал ғояларни илгари суриш ва асослаш, уларни амалга ошириш йўллари излаш, аввалдан маълум бўлган ҳодиса ва воқеаларни янгича нуқтаи назардан ёритиш; хулоса ва умумлаштиришларнинг ҳолислиги, осон эсга олинishi, исбот қилиш мумкинлиги.

Талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришнинг муҳим томонларидан бири – талаба ва тьютор фаолиятининг ўзаро узвийлигини таъминлашдан иборат. Бирор услубни танлаш учун педагог таълим олувчиларнинг изланиш фаолиятига тайёргарлик даражасини, материалнинг дедуктив ўзлаштириши, унга юклатилган топшириқни мустақил бажара олгани, ўқитишдан ўз-ўзини бошқариш даражасининг ривожланиши ҳамда иш қобилияти ҳолатини, албатта, аввалдан билиши керак. Бу жараённинг асосий вазифаси талабаларни ўқишида, илмий фаолиятга йўналтиришда ва тарбиявий тадбирларда иштирокини таъминлашда ягона– демократик услубдан иборатдир. Унга кўра педагог ижтимоий фаолиятни ташкил этишда жамоанинг фикрига таяниб иш кўради. [11]

Талабалар ижтимоий фаоллигини ривожлантиришга ўқув, тарбиявий, ижтимоий ишларни ташкиллаштиришда ҳар бир талабанинг фикрини

инобатга олишга, уларни умумлаштирган ҳолда энг самаралисини танлаб олишга интилади. Муҳокамалар вақтида барча талабаларнинг иштироклари таъминланади. Талабалар томонидан билдириладиган ташаббуслар қўллаб-қувватланади, мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда бу ташаббуслар амалиётга татбиқ этилади.

Демократик услубдан фойдаланаётган педагог зиммасидаги вазифа фақатгина талабаларнинг фаолиятини назорат қилиш, тузатишлар киритишдан иборат бўлмасдан, асосий эътиборни талабаларнинг ютуқларини эътироф этган ҳолда ёки уларнинг хатоларини ўзларига аниқлаётган ҳолда самарали тарбия чорасини кўришга қаратилади. Ҳар бир талабанинг ютуғи алоҳида эътироф этиладики, бу эса уларни янги ютуқларга эришишлари пайдевор бўлади. Ушбу услубга асосланиб иш кўрадиган педагог ҳар бир талабанинг қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда бажариладиган ишларни тўғри тақсимлашга ҳаракат қилади, фаол талабаларни тақдирлаб боришни фаолиятининг асосий йўналиши сифатида белгилайди. [7]

Педагогик неолология асосида талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришга асосланган фаолият жараёни тьюторларнинг талабаларга мулоқот асосида таъсир этиш йўллари ҳам ўз ичига олади. Кенг тарқалган метод ёки мулоқот таъсирлари қуйидагилардан иборат: ишонтириш, исботли натижаларга асосланиш, бевосита ҳамда билвосита таъсир, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўзаро таъсир методлари.

Алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, таълим соҳасида кечаётган ислохотлар, жамиятнинг устувор кадрлари шахс шаклланишидаги талабаларни ва мақсадни белгилаб беради, бундан келиб чиққан ҳолда педагогик тизим ҳам ўзгариб боради. Педагогик тизим деганда, маълум сифатларга эга бўлган шахсни шакллантиришга нисбатан аниқ мақсадли, ташкиллаштирилган, педагогик таъсир кўрсатиш учун талаб этиладиган, бир-бири билан ўзаро боғланган услуб, восита ва жараёнлар мажмуаси тушунилади.

Педагогик адабиётлар таҳлилига кўра ҳар қандай педагогик тизим инвариант элементларининг қуйидаги ўзаро боғланган мажмуаси кўринишида ифодаланади: 1-таълим олувчи; 2-таълим мақсади; 3-таълим мазмуни;

4-таълим жараёни; 5-таълим берувчи; 6-таълимнинг ташкилий шакллари. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, талабалар ижтимоий фаоллигини оширишда бир-бири билан узвий боғлиқ тарлим ва тарбия жараёнининг инвариант элементларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. [4]

Қуйида биз томонимиздан тажриба-синов ишлари жараёнида қўлланилган педагогик неолология ёрдамида талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштириш жараёнида синаб кўрилган бир қатор инновацион методлардан намуна келтирамиз

“Engagement” методи ҳақида

“Engagement” номи остидаги бу янги ўқитиш методи талабаларни реал ҳаётдаги келишув ва учрашувларни амалга оширишда амалий аҳамиятга эга ва ҳаётнинг ҳар қандай соҳаларида учрайдиган турли вазиятларга тайёрлашга ундайди. Нафақат ўқитиш тизимига, балки иқтисод, бизнес ва турли ижтимоий соҳаларда ҳам қўллаш мумкин.

Бу метод Дублиндаги “Leasowes Community College” да илк бор бизнес фанларида ишлатилган бўлиб, яхши самара берган.

Одатий дарс методларига қараганда, турли хил бизнес мактабларига олиб борилиб, олган назарий билимларини амалда синаб кўришлари назарда тутилган. Кўп сонли дарслар ўрнини боса олишига ишонган бу метод асосчилари бориладиган жойга мос кийиниб олишни ҳам маслаҳат берадилар.

Бунда олинган билимларнинг амалда қанчалик мос келишини талаба таҳлил қилиш орқали ҳам миясида фикрлаш жараёни кечади. Бу методни қўллаган институтнинг берган далилларига кўра бу метод орқали 91% ли самарага эришилган.

Бу янги ўқитиш методининг мақсади ўқитиш тизимининг сифатини ошириш ва талабаларни ўқув жараёнига кенгрок жалб қилиш. Инновация ўсиш ва ривожланиш демакдир.



Дарснинг бориши:

1-топширик. “Matching words” усули орқали қуйидаги саволлар мазмуни аниқлаб олинади.

Ижтимоий фаоллик деганда нимани тушунаси?
Фаол ижтимоий ёшлар фразасини давом эттиринг
Сиз ўзингизни ижтимоий фаол талаба деб ҳисоблайсизми
Ижтимоий қатлам, ижтимоий қонуният ва ижтимоий тарбия тушунчаларига изоҳ бериб ўтсангиз.

Берилган вазифа ўқитувчи ёрдамида текширилади

2- топширик.

Топширикнинг мақсади : Қуйида кўрсатилган расмлар асосида янги мавзу нима ҳақида эканлигини талабаларни ўзларини фикр юритишга ундаш.

Қуйидаги берилган расмлар асосида бугунги суҳбатимиз мавзусини аниқлашга ҳаракат қилинг



б) Гуруҳларда ишлаш: Яна гуруҳларга вазифа берилади. Гуруҳларда ишлаш талабаларга ўзларини намоян қилиш имконини беради. Слайдлар ёрдамида бугунги дарснинг мавзуси тушунтирилади.

Юқорида берилган слайдлар ёрдамида суҳбат мавзуси очиб берилади, энди мавзу ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлиш учун талабаларга 2 минутлик ведио лавҳа кўрсатилади.

3- топширик

Топширикнинг мақсади: кўрсатилган видео лавҳа орқали талабаларни жонли суҳбат жараёни билан яқиндан таништириш.

1-гуруҳга кўрилган ведиодаги маълумотларни, яъни одатий бериладиган саволларни ёзиб олишни, 2-гуруҳга ноодатий берилган саволларни ёзиб олишлари вазифа қилиб топширилади. Берилган топширик бажарилгандан сўнг мавзунинг қолган қисми слайдлар ёрдамида тушунтириш.

Янги мавзунини мустақамлаш (15 мин)

Бу жараёнда 1-гуруҳ иш юзасидан суҳбатни олиб борувчи сифатида,

2-гуруҳ ишга даъвогар сифатида жуфт-жуфт бўлиб, суҳбат жараёнини ташкил қилишади. Савол-жавоблар ведиода кўрсатилганидек олиб борилишини тренер назорат қилиб боради.

Юқоридаги кўрсатиб ўтилганидек педагогик неолология асосида талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришда метод ва воситаларни тўғри танлаш ижобий самара беради. Шунингдек:

□ амалий таълим жараёнидаги ҳаёлий ғояларни минимум даражага келтириш ва уни олдиндан лойиҳалаш ҳамда кейинчалик уларни “ижтимоий фаолият” жараёнига ёки ўқув машғулотларига татбиқ этишга ҳаракат қилишларига;

□ талабаларни ўқув материални ўзлаштиришнинг юқори даражасига эришиши ва таҳсил олувчиларни мустақил фикрлашга ҳамда ўз фикрини баён этишга ўргатиш;

□ талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришда “маълум бир қолипда” бажариладиган, ўқитишга мўлжалланган алоҳида ишланмалардан

фарқли равишда неологик ёндашув асосида таҳсил олувчининг билиш фаолияти тузилмаси ва мазмунини белгиловчи ўқув-тарбия жараёнининг лойиҳасини ишлаб чиқиш;

□неологик ёндашув асосида талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришнинг аҳамиятли жиҳати – маълум бир ижтимоий лойиҳа асосида умумтаълим-тарбия жараёнлари тузилмасини мазмун жиҳатидан ўзгартириш интеллектуал салоҳият, лидерлик, ижодкорлик, инновациялар яратиш, лаёқатни шакллантиришга йўналтирилган дастур, ўқув режа, маъруза матнларини модернизациялаш асосида иш олиб бориш имконияти мавжуд.

Замонавий шароитларда, педагогик жараёнларни компьютерлаштириш – таълим жараёнини педагогик лойиҳалаш, уни самарали амалга оширишнинг ягона йўналиши ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, талабалар ижтимоий фаоллигини ривожлантиришга йўналтирилган технологик харита, лойиҳа, шунингдек, алоҳида ишлаб чиқилган услубий тавсиялар тўғрисида фаолиятини ташкил этишда методологик асос бўлиб хизмат қилади. [6]

Педагогик адабиётлар таҳлилига кўра айтишимиз мумкинки, ҳар қандай таълимий-тарбиявий фаолият маълум бир тамойилларга асосланган бўлиб, таҳсил олувчилар шахсини шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

Неологик ёндашув асосида талабалар ижтимоий фаоллигини ривожлантириш марказида таълимий-тарбиявий жараённинг раҳбари ҳамда шу жараённинг субъекти-ю объекти бўлган ўқитувчи ва талаба туради.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчи ва талаба ҳамкорлиги, ўзаро мулоқоти, бир-бирига кўрсатадиган таъсири энг замонавий ва миллий талаблар асосида бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Алоҳида қайд этиш лозимки, таълимий-тарбиявий фаолият жараёни олдида қўйилган талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари ҳамда йўллари таҳсил олувчини ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш усуллари, у билан ҳамкорлик қилиш, уни ўқиш ва ўрганишга йўналтириш, таҳсил олувчи шахсий фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мулоқотга киришиш, муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, аудиторияда ижодий, ишчанлик муҳитини вужудга келтириш, таҳсил олувчи фаолиятини аниқ ва тўғри баҳолаш методлари билан қуролланган бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Холиков А.А. Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни педагогик маҳоратини ривожлантириш. Педагогика фанлари доктори (DSc) олиш учун ёзилган дисс. Тошкент 2018

2.Ҳожиева З.Ў. Дидактик тизимни моделлаштириш орқали ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини инсонпарварлаштириш(бошланғич синф мисолида) П.ф.б.ф.доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Тошкент-2020

3.Ғозиев Э. Тафаккур психологияси (Дорилфунун талабалари учун қўлланма) -Т.: Ўқитувчи, 1990.-184 б

4.Методологик аспект. Педагогик технология: муаммо ва истикболлар (замонавий педагогик технологиянинг илмий-назарий асослари). Муаллифлар гуруҳи. / Т.:ОЎМҚХТРМ, 300 бет.

5.Маъмуров Б. Б. Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш тизими Педагогика фанлари доктори (DSc) олиш учун ёзилган дисс. Тошкент 2018

6.Мусурмонова О. Педагогик технологиялар – таълим самарадорлиги омили; монография / Т.: “Yoshlar nashriyot uyi”, 2020. 184

7.Pedagogika (Pedagogika nazariyasi va tarixi) Oliy o'quv yurtlari uchun darslk. J.Yasanbaeva va b. O'zR Oliy va o'rta – maxsus ta'lim vazirligi. – Toshkent “Noshir” 2011. 456 b.

8. www.pedagog.uz

9. www.ziyonet.uz

10. www.lex.uz

11. <http://www.hozir.org/pedagogik-kompetentlikning-tuzilishi-va-mazmuni>

**РАҲБАР КОММУНИКАТИВ ФАОЛИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.035>

Кубаев Акмал Сирлиевич,

Мустақил тадқиқотчи, Жиззах давлат педагогика институти

*Аннотация: Ушбу мақолада раҳбар коммуникатив фаолиятини такомиллаштириши йўллари ва касб-хунар мактаби ҳамда касб-хунар коллежлари раҳбарлари коммуникатив фаолиятини такомиллаштириши ҳақида маълумотлар берилган.*

*Калит сўзлар: Раҳбар, коммуникатив, фаолият, такомиллаштириши, касб-хунар мактаби, фаолият, такомиллаштириши.*

**ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНОЙ  
АКТИВНОСТИ ЛИДЕРСТВА**

Кубаев Акмаль Сирлиевич,

Независимый исследователь, Джиззакский государственный педагогический институт

*Аннотация: В данной статье представлена информация о путях совершенствования коммуникативной активности руководителя и коммуникативной активности руководителей профессиональных училищ и профессиональных колледжей.*

*Ключевые слова: руководитель, коммуникативная, деятельность, совершенствование, профессионально-техническое училище, деятельность, совершенствование.*

**WAYS TO IMPROVE THE COMMUNICATION ACTIVITY OF  
LEADERSHIP**

Kubaev Akmal Sirlievich,

Independent researcher, Jizzakh State Pedagogical Institute


*Annotation: This article provides information on ways to improve the communicative activity of the leader and the communicative activity of the leaders of vocational schools and vocational colleges.*

*Key words: leader, communicative, activity, improvement, vocational school, activity, improvement.*

Техникум, касб-хунар мактаби ҳамда касб-хунар коллежлари раҳбарлари коммуникатив фаолиятини такомиллаштириш уларнинг шахс ва мутахассис сифатида атрофдагилар ўртасида обрў-эътибор қозонишларини таъминлабгина қолмай, шу билан бирга баркамол инсонни шакллантириш борасида таълим муассасалари олдида қўйилаётган таълимий мақсадларни самарали амалга ошириш учун ҳам имконият яратади.

Ҳозирги даврда ҳал этилган масалалардан бири – бу техникум, касб-хунар мактаби ҳамда касб-хунар коллежлари раҳбарларининг коммуникатив фаолиятини такомиллаштириш йўллари аниқлашдан иборатдир. Таълим муассасаси раҳбарларининг коммуникатив фаолиятларини такомиллаштириш йўллари аниқлашда дастлаб асословчи тажриба натижаларининг таҳлили асосида якуний хулосаларга келиш айтиш мумкин. Қуйида улар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Педагогик кузатишни бевосита ташкил этиш, ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси, шунингдек, ходимлар билан суҳбат ва давра суҳбатларини ташкил этиш натижасида кўпчилик техникум, касб-хунар мактаби ҳамда касб-хунар коллежлари раҳбарларининг коммуникатив фаолиятларида қуйидаги ижобий сифатларнинг акс этиши аниқланди:



Бирок, бир гуруҳ техникум, касб-хунар мактаби ҳамда касб-хунар коллежлари раҳбарларининг коммуникатив фаолиятида айрим салбий ҳолатлар ҳам кузатилишининг гувоҳи бўлинди. Жумладан:

- ўқитувчиларнинг шахсий имкониятлари ва педагогик малакасининг инобатга олинмаслиги;

- раҳбарларнинг ўқувчилар жамоаси билан бевосита алоқада бўлиш имкониятининг чекланганлиги, уларга оид муаммоларни ҳал қилишга нисбатан билвосита ёндашиш;

- ўқувчилар жамоаси билан мулоқотнинг доимий ва узлуксиз бўлмаслиги;

- ота-оналар билан фаол ҳамкорликка эга эмаслик;

- бошқарувда авторитар услубнинг устувор ўрин тутиши;

- ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасининг ўзаро психологик бирлик ва таълимий ҳамкорликка эришиш чора-тадбирларини белгилай олмаслик;

- ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар фаолияти юзасидан назоратни олиб боришда самарали услубларнинг танланмаганлиги;

- жамоада носоғлом психологик муҳитни юзага келишининг олдини олишда етарли даражада қатъиятlilik кўрсата олмаслик;

- бошқаришда авторитар услубга таяниб иш қўриш ҳамда кўп ҳолларда жамоага топшириқларни беришда ўқитувчилар ёки ўқувчиларга нисбатан ишонч билдирмаслик;

- таълим сифати ва самарадорлиги ҳамда таълим муассасаси жамоаси ўртасида соғлом психологик муҳитнинг яратилишига имкон берувчи шахсий ташаббусларни илгари суриш лаёқатига эга эмаслик ёки таълим жараёни иштирокчилари (ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар) томонидан илгари сурилган ташаббусларни рағбатлантиришга эътибор қаратмаслик;

- таълим жараёнини ташкил этилишида консерватизм ва анъанавийликни ёқлаш.

Асословчи тажриба натижаларини таҳлил қилиш орқали техникум, касб-хунар мактаби ҳамда касб-хунар коллежлари раҳбарларининг коммуникатив фаолиятини такомиллаштиришга оид қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- раҳбарларнинг таълим жараёни иштирокчилари – педагогик ва ўқувчилар жамоаси, ота-оналар ва ҳомийлар билан фаол мулоқотда бўлишларини таъминловчи муайян режага эга бўлишлари;

- мазкур режада таълим муассасаси раҳбарларининг педагогик ва ўқувчилар жамоаси, ота-оналар ва ҳомийлар билан фаол мулоқотда бўлишларига имкон берувчи тадбирлар – давра суҳбати, ижодий мулоқот, норасмий учрашув ҳамда савол-жавоб кечаси кабиларнинг ўрин олишига эришиш;

- таълим муассасаси раҳбарларининг касбий малакаларини ошириш жараёнида уларнинг коммуникатив малакалари такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилишини таъминлаш;

- техникум, касб-хунар мактаби ҳамда касб-хунар коллежлари раҳбарлари иштирокида уларнинг коммуникатив малакаларини оширишга хизмат қилувчи минтақавий тренинг ёки амалий семинарларни уюштириш;

- таълим муассасаларида раҳбар коммуникатив фаолиятини такомиллаштиришга оид манбаларни ўзида жамлаган кичик кутубхонани ташкил этиш.

Умуман олганда ушбу методик тавсияларнинг техникум, касб-хунар мактаби ҳамда касб-хунар коллежлари раҳбарлари фаолияти негизда бевосита амалиётга тадбиқ этилиши мақсадга мувофиқ.

Мавжуд манбаларни назарий ўрганиш ва дастлабки амалий тажрибани

ташкил этиш асосида мазкур йўллар қуйидагилар эканлигига ишонч ҳосил қилинди:

1. Техникум, касб-хунар мактаби ҳамда касб-хунар коллежлари раҳбарларини коммуникатив фаолият ва унинг моҳияти тўғрисидаги ахборот (назарий билим)лар билан таъминлаш.

2. Раҳбарларнинг мустақил равишда ўз устиларида ишлашни йўлга қўйиш.

3. Техникум, касб-хунар мактаби ҳамда касб-хунар коллежлари раҳбарларининг касбий малакаларини ошириш жараёнида коммуникатив малакаларини ривожлантириш.

4. Раҳбарларнинг коммуникатив фаолиятни самарали ташкил этиш борасида ўзаро тажриба алмашишларини таъминлаш.

1. Бугунги глобаллашув шароитида ахборотлар маълум воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлишни таъминловчи муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга манбалар саналади. Мана шу талабни ёдда тутган ҳолда техникум, касб-хунар мактаби ҳамда касб-хунар коллежлари раҳбарлари коммуникатив фаолиятларини такомиллаштиришда уларга муҳим аҳамиятга эга ахборотларни етказиб бориш мақсадга мувофиқ деб топилди. Шаклантирувчи тажриба даврида таълим муассасалари раҳбарларини бу каби ахборотлар билан таъминлашнинг энг самарали йўли уларни мавзуга оид адабиётлар билан таништириш деб топилди.

Кузатувларимиз даврида раҳбарларнинг мустақил равишда ўз устиларида ишлашни йўлга қўйишнинг самарали шакли – бу уларнинг таълим жараёни иштирокчилари – педагогик ва ўқувчилар жамоаси, ота-оналар ва ҳомийлар билан фаол мулоқотда бўлишларини таъминловчи муайян режага эга бўлишлари аниқланди. Шу сабабли раҳбарларнинг ана шундай режага эга бўлишларини таъминлашга эътибор қаратилмоғи лозим. Ана шу сабаб биз раҳбарлар томонидан ишлаб чиқилган индивидуал режалардан намуна келтирдик

Таълим муассасаси раҳбарининг коммуникатив фаолиятини такомиллаштиришга оид индивидуал режаси

№	Бажариладиган ишлар	Муддати	Илова
1.	Даврий матбуотни доимий кузатиш орқали коммуникатив фаолиятни такомиллаштиришга оид материаллар билан изчил танишиб бориш	Доимий равишда	
2.	Коммуникатив фаолият ва уни самарали ташкил этишга доир махсус адабиётларни жамлаш	Доимий равишда	
3.	Таълим муассасаси раҳбарларининг коммуникатив фаолиятда эришаётган ютуқларидан хабардор бўлиш ва илгор жиҳатларини ўзлаштириш	Доимий равишда	
4.	Интернет материаллари билан танишиш ҳамда хорижий мамлакатларда ижодий сафарда бўлиш чоғида коммуникатив фаолиятни самарали ташкил этишга оид хорижий тажрибаларни ўрганиш	Доимий равишда	
5.	Педагогик жамоа билан фаол мулоқотда бўлиш	Ҳар ойда бир марта	
6.	Ўқувчилар жамоа билан бевосита (шахсан) мулоқотда бўлиш	Ҳар чоракда	
7.	Ота-оналар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва таълим муассасасининг умумий йиғилишларида улар билан бевосита учрашиш	Ҳар ярим йилда бир марта	
8.	Ҳомий ташкилотларни таълим муассасаси фаолиятига жалб этиш ва улар билан самарали ҳамкорликка эришиш	Ҳар чоракда	
9.	Мустақил равишда коммуникатив фаолият самарадорлигини таҳлил қилиб бориш	Доимий равишда	
10.	Таҳлил натижаларига таянган ҳолда коммуникатив фаолият самарадорлигига эришиш имконини берувчи кичик лойиҳаларни яратиш	Доимий равишда	



Хулоса қилиб айтганда педагогик жамоани тарбиялаш омили сифатида таълим ўрта бўғини раҳбарининг коммуникатив фаолиятини ўрганиш ушбу коммуникатив категорияни, хусусан, ўрганилаётган бошқарувчилик фаолиятида назарий кўриб чиқишни талаб этади.

Адабиётлар рўйхати

Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси /Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Ҳ.Саидов, Р.Ахлидинов. Нашр учун маъсул: Т.Рисқиев. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 184 б.

Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 64 б.

Адизова Т.М. Бошқарув мулоқоти. –Тошкент: ТДПУ, 2000. -19 б.

Ахлидинов Р.Ш. Мактабни бошқариш санъати. –Тошкент, Фан, 2006. –304 б

Балки, ноёб одамдирсиз... (Психология фани билан қизиқувчилар учун тестлар тўплами) / Тузувчилар: М.Г.Давлетшин, Ф.Р.Абдурахмонов, Ф.И.Ҳайдаров. – Тошкент: Қибрай босмаҳонаси, 1999. – 44 б.

Батышев С.Я. Основы профессиональной педагогики. – М.: Высшая школа, 1997. – 202 с.

Валижонов Р., Қобулов О., Эргашев А. Менежмент асослари. –Тошкент: Шарқ, 2002. -207 б.

**ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА  
ЖАҲОН ТАЪЛИМИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШ- ТАЪЛИМ  
СИФАТИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.036>

*Дилова Наргиза Гайбуллаевна,  
Бухоро давлат университети доценти*

---

*Ражабова Кимёхон Фармоновна,  
Бухоро давлат университетимустақил изланувчиси*

*Annotatsiya: maqolada xalqaro baholash dasturlari, ulardan foydalanishda jahon ta'limi bilan integratsiyalash, ta'lim jarayonida pirls xalqaro baholash dasturi topshiriqlariga asoslangan o'quv va sinov topshiriqlari orqali o'quvchilar kompetensiyasini rivojlantirishni takomillashtirish muammolari haqida so'z boradi.*

*Kalit so'zlar: xalqaro baholash dasturlari, jahon ta'limi, integratsiya, PIRLS xalqaro baholash dasturi, sinov topshiriqlar, kompetensiya, ta'lim sifati*

**ИНТЕГРАЦИЯ С МИРОВЫМ ОБРАЗОВАНИЕМ ПРИ  
ИСПОЛЬЗОВАНИИ ПРОГРАММ МЕЖДУНАРОДНОЙ ОЦЕНКИ –  
ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ**

*Дилова Наргиза Гайбуллаевна,  
доцент Бухарского государственного университета*

---

*Ражабова Кимёхон Фармановна,  
соискатель Бухарского государственного университета*

*Аннотация: в статье рассматриваются проблемы совершенствования развития компетентности учащихся посредством учебно-тестовых заданий на основе международных программ оценивания, их использование в интеграции с мировым образованием, выполнение заданий международной программы оценивания в образовательном процессе.*

*Ключевые слова: международные программы оценивания, глобальное образование, интеграция, международная программа оценивания PIRLS, тестовые задания, компетентность, качество образования*

**INTEGRATION WITH WORLD EDUCATION IN THE USE OF  
INTERNATIONAL ASSESSMENT PROGRAMS - A FACTOR FOR  
IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION**

*Dilova Nargiza Gaybullaevna,  
ssociate Professor of Bukhara State University \*

---

*Rajabova Kimyokhon Farmonovna,  
an independent researcher at Bukhara State University*

*Annotation: The article discusses the problems of improving the development of student competence through teaching and testing assignments based on international assessment programs, their use in integration with global education, pirls international assessment program tasks in the educational process.*

*Keywords: international assessment programs, global education, integration, PIRLS international assessment program, test assignments, competence, quality of education*

Ривожланаётган техника асрида ўқувчиларимизни ёшлигидан таълим ва



фаннинг ҳозирги замон талабларига мос равишда тарбиялаш мамлакатнинг ривожланиши ва ўсишига ўз таъсирини кўрсатади. Айниқса, иқтисодий-ижтимоий ривожланган мамлакатлар ўқувчи-ёшларнинг таълим олишига етарли даражада эътибор қаратиб, келажак авлодни етук бўлиши учун имкониятлар яратиб беришга ҳаракат қилинади ҳамда Давлат таълим стандартлари ва Давлат томонидан қўйилган талабларнинг бажарилиши доимий равишда таҳлил қилиб борилишининг аҳамияти катта ҳисобланади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳозирги ривожланаётган замонда давлатлар таълим соҳасидаги ўзгариш ва ўсишларни таҳлил қилиш ва солиштириш ҳамда таълимда интеграциялашувни амалга ошириш давлатлараро таълимдаги ислохотларни яратишга имкониятларни кенгайтиради.

Ушбу долзарбликни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон таълимнинг жаҳон таълими билан интеграциялашувида халқаро баҳолаш дастурларини қўллашнинг аҳамияти ўзига хос бўлиб, бунда асосий эътибор Миллий дастурдан келиб чиққан ҳолда жаҳон стандартлари даражасига тенглашиш муаммосига урғу берилганлигидир.

Ўзбекистон таълими сифатини ошириш ва жаҳон таълими билан интеграциялашган ҳолда Халқаро баҳолаш дастурларини ўқув жараёнида қўллаш давлат сиёсати даражасидаги муҳим муаммо ҳисобланади.

**ИНТЕГРАЦИЯ** (лот. *integratio* — тиклаш, тўлдириш, *integer* — бутун) фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро алоқа жараёни, икки ва ундан ортиқ давлатларнинг йўналишлар бўйича тегишли муаммоларни сифатли ва натижадорлигини таъминлаган ҳолда ҳал қилишда ўзаро мувофиқлаштириш ва бирлаштириш деган маънони билдиради.

Таълимнинг асосий вазифаларини, мавжуд илмий салоҳият ва алоҳида шахсларнинг истеъдодини давлатнинг, унинг тузилмалари ҳамда иқтисодиёти тармоқларининг амалдаги эҳтиёжларига мослаштириш жуда муҳим. Бугун тобора кучайиб бораётган талабларга жавоб бериш мақсадида ҳаракат қилиш зарурлигини чуқур ҳис этяпмиз. Олдинга, янгиланиш сари бир неча қадам қўйиш учун эса халқимиз асрлар давомида тўплаган бебаҳо тажриба, яъни кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамда илмий-таълимий соҳада эришилган ютуқлар, услубий, тузилмавий, моддий ва ниҳоят, инновацион ривожланиш тажрибасини ҳисобга олиш ҳамда ундан фойдаланиш лозим.

Халқаро баҳолаш тизимида ўтишнинг айни вақтда долзарблиги ва ҳар соҳада ривожланаётган Ўзбекистон Республикасида халқ таълими тизимининг ўсишига таъсирини кучайтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциясида киритилган, “Таълим тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019



йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4306-сон Қарорлари тасдиқланиб, ижрога йўналтирилган.

Ушбу Халқаро тадқиқотларни ўтказишда биз қуйидаги вазифаларни ўз олдимизга бошланғич таълим жараёнида халқаро мониторингга тайёрлаш муҳитини шакллантириш ва ижодий (креатив), мушоҳадали фикрлашни ривожлантиришни мақсад қилиб олганмиз.

Биламизки, бутун жаҳонда энг машҳур халқаро таълим тадқиқотларининг асоси ўқиш саводхонлиги бўлиб, бошланғич таълим битирувчиларининг жаҳон стандартларига мослигини аниқлаш, PIRLS халқаро мониторингида айнан ўқиш саводхонлиги кичик ёшдан ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини баҳолаб боради.

Яъни, биз миллий таълим тизимимизда 4-синф ўқувчиларининг она тили ва ўқиш саводхонлиги БКМларини ўзлаштириш даражасини аниқлашда диктант ёки ўқув дастури таквим-мавзу режаси асосида ДТСларни шакллантириб, шу асосда 20 та очик ва ёпиқ тест топшириқлари берилар эди.

Халқаро тадқиқотлар мониторингига тайёрлаш буйича тажриба-синовлар бошлангандан сўнг, бошланғич синфларда PIRLS мониторинги жараёнининг олдинги цикларида фойдаланилган материаллардан ишлатила бошланди. Адабий ва ахборот матнларида тўлиқ материал такдим этилиб, сўнгра қийинлик даражасига қараб топшириқлар бериб борилади, жараёнда берилган материалларни ўқувчи нафақат юзаки ўқиши, балки, уни ўқиб, мушоҳадали (креатив) фикрлаши зарурлиги талаб этилади.

Бунда ўқитувчи маҳоратидан келиб чиқиб, ўқувчига айнан матндаги образлар ўрнига ўзини қўйиб кўриши, ҳаётда бунга ўхшаш воқеалар қаерларда содир бўлиши мумкинлигини фарз қилиши, шундай вазиятда нима қилиш зарурлиги ва ҳаттоки, асар муаллифи ўрнида бўлганда асарни қандай номлаши ёки матнни қандай тугатиши мумкинлиги бўйича хулоса чиқаришга ундайдиган турли топшириқлар берилади.

Топшириқлар мураккаблик даражасига кўра:

1-даражадаги - эса сақлаш ва такрорлай олиш;

2-даражадаги - гоё ва кўникмаларни билдиришга ундайдиган;

3-даражали - стратегик фикрлаш;

4-даражадаги - кенгайтирилган фикрлашга ундайдиган топшириқларга ажратилади. Топшириқлар биз ишлатган очик ёки ёпиқ тестлар (4 та жавобли) қолипидан чиқарилади.

Бундай турдаги топшириқлар аввал хорижий тажриба намуналаридан тўғридан-тўғри таржима қилинган ҳолда олиниб, ўқувчи саводхонлигини баҳолаш учун ўқитувчилар томонидан қўлланилди.

Бугунги кунда халқаро тажрибаларни Миллий дастур билан интеграциялаштириб, ўқувчи саводхонлигини аниқлаш ва баҳолашга оид ўзимизнинг топшириқлар тизимини яратиш бўйича илмий-методик изланишлар олиб борилмоқда. Илғор тажрибаларга асосланган ҳолда маҳоратли ўқитувчилар томонидан замонавий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда ва таълим жараёнларида фойдаланиш учун амалиётга тадбиқ этилмоқда.

Биз бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш саводхонлигини ошириш, унинг даражасини аниқлаш ва баҳолашга доир муаммоларни ечиш мақсадида ўз тадқиқот ишимиз ва илмий изланишларимиз натижасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишга ҳаракат қилдик:

Таълим жараёнида PIRLS халқаро баҳолаш дастури топшириқларига ўхшаш ўқув ва синов топшириқларини тайёрлаш орқали ўқувчиларнинг фанга

оид ва таянч компетенцияларини ривожлантиришни такомиллаштириш:

Халқаро тадқиқотлардаги топшириқлар Миллий таълим тизими билан интеграциялашган ҳолда таълим олувчининг билими ва ўзлаштириш даражаси аниқланиб, белгиланган мезонлар асосида тегишлича баҳолана бошланди.

Топшириқлар когнетивлик мураккаблиги жиҳатидан тўртта даража бўйича белгиланиб, оддийдан мураккабга қараб бориш тизимида шакллантирилади. Уқувчининг ўқиш саводхонлигини аниқлаш учун унга замон талабларига мос, долзарб матн берилади. Шу тарзда турли назарий қоидалардан узоқлашган ҳамда ҳаётий компетенцияни қамраб олувчи топшириқлар базаси яратилиб борилади.

Компетентликни қамраб олувчи топшириқлар жавоби айнан бир хил бўлмаслиги, мазмун жиҳатдан жавобни тўлдирса “тўғри” деб олинishi мумкин. Шунини ҳам айтиб ўтиш жоизки, айрим саволлар жавобида келтирилган вариантларни кетма-кет рақамлаб чиқиш билан натижага эришиш мумкин.

Топшириқларни халқаро тадқиқотлар асосида такомиллаштириб боришда топшириқдан нима талаб яъни, топшириқ куйилишидан мақсад атрофида турли талаблар бирлашади.



PIRLS халқаро баҳолаш дастури асосида ўқувчиларнинг ўқиб тушуниш компетенцияларини шакллантириш модели

Таълимт изимини ўзлаштириб боришда ўқиб тушуниш саводхонлиги, табиий-илмий саводхонлиги, математик саводхонлик, молиявий саводхонлик ҳамда Ахборот коммуникацион технологияларини билиш саводхонлигининг негизи бўлиб хизмат қилади.

Агарда биз таълимни ўзлаштиришда таълим олувчи ўқийолмаса ёки ўқиганларини тушунмаса ҳар қандай мавзунини англаб олмаймиз ва биз учун мазкур билим мавҳумлигича қолади.

Мана шу сабабдан кичик ёшдан бошлаб ўқиш саводхонлигига эътиборни кучайтириш ва ўзлаштиришга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлашда PIRLS халқаро тадқиқотининг натижалари етарлича ёрдам кўрсатади ва миллий таълим тизимининг ўсишига тегишли чора-тадбирларни белгилаб беради.

Халқаро таълим ютуқларини баҳолаш ассоциацияси томонидан Ўзбекистоннинг халқаро тадқиқотларга тайёрлаш учун донор сифатида белгиланган Россия давлати ер юзидаги етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланганда, PIRLS- 2001 йилда ўтган 1-тадқиқотда бошланғич синф битирувчиларининг ўқиш саводхонлиги етарли эмаслиги аниқланган. Кейинчалик жаҳон таълим стандартларига тенглашиш учун таълим дастурларида кенг қамровли интеграциялашув ислоҳотлари олиб борилган.

Доимий равишда бошланғич таълим ўқиш саводхонлигининг жаҳон стандартлари талабларига мосравишда интеграциялашув ислоҳотлари сабабли PIRLS тадқиқотларининг кейинги 3 та циклида Россия давлати

етақчиликни қўлдан бой бермаяпти. Шу билан бирга PISA, TIMSS, ICLIS ва бирқанча халқаро тадқиқотларда ҳам бошланғич синфлардан ўқиш саводхонлиги жаҳон стандартларига интеграциялашуви ислохотлари ўзнатижасини кўрсатиб борапти.

Ўқитувчиларнинг дарс бериш методларини хорижий тажрибалар билан интеграциялаш жараёнини таҳлил этиш ва янги методикалар ишлаб чиқиш:

PIRLS халқаро мониторинги натижалари асосида бошланғич синф ўқитувчиларининг миллий таълим методларини бутун дунё ўқиш саводхонлигидан дарс берувчи педагог ходимларининг таълим услублари билан солиштириш имконини яратиб, ижобий ва салбий томонларидан келиб чиқиб миллий методлар ва жаҳон методлари ўзаро бир-бирини тўлдириб боради.

Масалан, матнни ўқишда матндаги ҳар бир сўзнинг аҳамияти борлигини тушунтириш учун она тили ва ўқиш саводхонлиги машғулотларида миллий адабиёт ҳамда жаҳон адабиёти намуналаридан келтирилган мавзуларда ушбу методлардан миллий модул сифатида кенг қўлланиляпти.

Ахборот ва адабий матнларда ўқувчиларнинг фақат текст эмас график ва жадвал маълумотларидан фойдалана олиш компетентлиги ҳам ривожлана боради.

Маълумотларни қабул қилиш ва ўз ўрнида тўғри фойдаланиш усуллари ҳам жаҳон стандартларига мос равишда ривожланиб борапти. Маълумотларни ўрганишни аниқлаш мақсадида берилган топшириқлар даражасига қараб фақат “1” балл ёки “5” баҳо билан эмас, балки топшириқларни қийинлик даражасига қараб, ностандарт баҳолаш услубларидан фойдаланиб борилади.

Дарсларда фақат ўқиш чуқурлигини билиш даражасини эмас, балки табиий-илмий саводхонлик ва математик саводхонликни билиш даражасини аниқлаш ҳам биргаликда олиб боришни таъминловчи методлардан фойдалана бошланди.

Методларни миллий услубини халқаро мониторинглар хулосалари асосида ривожлантириб, жаҳон таълими ўқиш саводхонлигининг замонавий методлари билан интеграциялашиб борапти.

Хулоса қилиб шунини айтиш керакки, Ўзбекистон таълимининг жаҳон таълими билан интеграциялашувида халқаро баҳолаш дастурларини қўллашнинг назарий ва амалий асослари таянган ҳолда бошланғич синф битирувчилари орасида ўтказилаётган Халқаро баҳолаш дастурларидан бири Халқаро Таълим Тадқиқоти Ассоциацияси (IEA- International Association for the Evaluation of Educational Achievement) томонидан ўтказиладиган PIRLS халқаро баҳолаш дастури қўллаш ва самарали натижалар олиш миллий менталитетни ҳисобга олган ҳолда амалий механизмларини ишлаб чиқилиб, бошланғич синф ўқувчилари томонидан матнни ўқиш ва тушунишни, шунингдек, миллий таълим тизимидаги фарқлар борасида таҳлилий натижаларга асосланган PIRLS дастурлари доирасида 8 номдаги ўқувчи билан ишлашга мўлжалланган мақсадли машқлар ишлаб чиқилди ва ўқитувчиларга тавсия этилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сонли Фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3931-сонли Қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сонли Фармони



## MAKTABGACHA TA'LIMDA STEAM TEXNOLOGIYASINI QO'LLASHNING AHAMIYATI

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.037>

Ashurova Zarina Muxitdinovna,

Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti, Maktabgacha ta'lim  
kafedrasida o'qituvchisi

*Annotatsiya: maqolada ta'limda STEAM texnologiyasining vujudga kelishi, maktabgacha ta'limda STEAM texnologiyasiga bo'lgan talab, STEAM texnologiyasining modullari haqida bayon etilgan.*

*Kalit so'zlar: STEAM, science, technology, engineering, mathematics, fridrix freybel, jonli va jonsiz tabiat, robototexnika, multistudiya, lego, konstruksiya.*

## ЗНАЧИМОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ ПАРОВОЙ ТЕХНОЛОГИИ В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ

Ashurova Zarina Muxitdinovna,

Педагогический институт Бухарского государственного университета  
учитель кафедры дошкольного образования

*Аннотации: В статье описано появление STEAM в образовании, востребованность STEAM технологий в дошкольном образовании, модули STEAM.*

*Ключевые слова: STEAM, наука, технологии, инженерия, математика, фридрих фрейбель, живая и неживая природа, робототехника, мультистудия, леги.*

## THE IMPORTANCE OF APPLYING STEAM TECHNOLOGY IN PRESCHOOL EDUCATION

Ashurova Zarina Mukhitdinovna,

Pedagogical Institute of Bukhara State University, teacher of the department  
of preschool education

*Annotations: The article describes the emergence of STEAM in education, the demand for STEAM technologies in preschool education, STEAM modules.*

*Keywords: STEAM, Science, technology, engineering, mathematics, friedrich freibel, living and non-living nature, robotics, multi-studio, lego.*

Yangi O'zbekiston sharoitida «Uchinchi renesans» davriga qadam qo'yish jarayonida yurtimizda yosh avlodni sog'lom va har tomonlama yetuk voyaga yetkazish, ta'lim-tarbiya jarayoniga samarali ta'lim va tarbiya shakllari hamda usullarini joriy etishga qaratilgan maktabgacha ta'limning samarali tizimini tashkil etish bo'yicha keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Ayniqsa, ta'limning barcha tizimlarida amalga oshirilayotgan islohotlarni tubdan o'zgartirish, uni jahon standartlari darajasiga olib chiqish, xalqaro tajribalarni qo'llagan holda milliy merosimizdan samarali foydalanish katta siyosiy-ijtimoiy ahamiyatga egadir. Bu borada Prezidentimizning "Biz maktabgacha ta'lim va maktab ta'limi, oliy va o'rta maxsus ta'lim tizimi hamda ilmiy-madaniy muassasalarni bo'lg'usi Renessansning to'rt uzviy halqasi, deb bilamiz. Bog'cha tarbiyachisi, maktab muallimi, professor-o'qituvchilar va ilmiy-ijodiy ziyolilarimizni esa yangi Uyg'onish davrining to'rt tayanch ustuni, deb hisoblaymiz", - degan fikrlari ayni so'zimiz isbotidir.

Demak, maktabgacha ta'lim tashkiloti yangi Uyg'onish davrining tayanch ustunlaridan biri ekan, biz yosh avlodga sifatli ta'lim – tarbiya berishni, ularning ongi, tafakkuri va dunyoqarashini shakllantirish va rivojlantirishni bog'cha davridan

boshlashimiz zarur. Ya'ni bugungi kun talablaridan kelib chiqib, tarbiyachilarni zamonaviy bilimlar bilan qurollantirish, ularning pedagogik mahorati va kasbiy kompetentligini bosqichma-bosqich oshirib borishimiz zarur.

Maktabgacha ta'lim tizimi oldiga qo'yilgan vazifalarni tizimli va sifatli amalga oshirish maqsadida Hukumatimiz tomonidan maqsadli qaror va farmonlar ishlab chiqildi, ushbu tizim rivoji uchun katta mablag' ajratilib, tegishli chora-tadbirlar asosida maktabgacha ta'lim tashkilotlarining moddiy-texnik bazasini yangilashga yo'naltirildi.

Bundan tashqari maktabgacha ta'lim tizimini rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari ishlab chiqildi. Bular quyidagilardir:

maktabgacha ta'lim sohasidagi me'yoriy-huquqiy bazani yanada takomillashtirish;

maktabgacha yoshdagi bolalarni intellektual, axloqiy, estetik va jismoniy jihatdan har tomonlama rivojlantirish uchun sharoitlar yaratish;

bolalarni sifatli maktabgacha ta'lim bilan qamrab olish ko'lamini oshirish, undan teng foydalanishi imkoniyatlarini ta'minlash, mazkur sohada davlat-xususiy sherikchilikni rivojlantirish;

maktabgacha ta'lim tizimiga innovatsiyalarni, ilg'or pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish;

Shunday ekan rivojlangan davlatlarning eng ilg'or texnologiyalarini ta'lim sohamizda qo'llashimiz orqali kata yutuqlarga erishishimiz mumkindir. Ta'lim sohasidagi ilg'or texnologiyalardan biri bu STEAM texnologiyasidir.

Biz texnologik inqilob davrida yashayapmiz. Kundan kunga yangi texnologiyalar, yangi kasblar paydo bo'lmoqda. Pedagog, tarbiyachi sifatida o'ylash kerakki, biz bolalarga mana shunday yangi texnologiyalar orqali bilim beryapmizmi, biz berayotgan bilimlar hayotda bolaga foydali bo'ladimi, ta'lim mazmuni va texnologiyalari bugungi kundagi maktabgacha yoshdagi bolalarning ehtiyojlarini qondirish uchun qanday moslashtirilishi kerak?

3-7 yosh maktabgacha yoshdagi bola rivojlanishning muhim bosqichidir. Maktabgacha yoshdagi bolalar bilan ishlaydigan tarbiyachilar maktabgacha yoshdagi bolalarda bilimga qiziqish uyg'otish, ularni turli manbalardan idrok etishga va ma'lumotlardan foydalanishga o'rgatish, atrofdagi voqelikka qiziqqan savollarga mustaqil ravishda javob topish qanchalik muhimligini tushunadilar. Maktabgacha yoshdagi bolalarda mustaqil ravishda tengdoshlar va kattalar bilan hamkorlikda harakat qilish qobiliyatini rivojlantirish muhimdir. Maktabgacha yoshdagi bolalarni rivojlantirish uchun qanday usullardan foydalanib, qanday texnologiyalarni qo'llash kerak?

Har kuni yangi ish turlari va hattoki yangi kasbiy sohalar paydo bo'lmoqda, shuning uchun zamonaviy dunyoda o'qituvchilar o'qitadigan darslar va ularning mahoratlari vaqt talablariga javob beradimi yoki yo'qmi degan savol tug'iladi. Agar biz an'anaviy ta'limning asosiy maqsadi bilimlarni o'rgatish va bu bilimlardan fikrlash va ijod qilish uchun foydalanish deb aytsak, STEAM yondashuvi bizni olgan bilimlarni haqiqiy ko'nikmalar bilan birlashtirishga o'rgatadi. Bu maktab o'quvchilariga va maktabgacha yoshdagi bolalarda nafaqat ba'zi bir g'oyalarga ega bo'lish, balki ularni amalda qo'llash va amalga oshirish imkoniyatini beradi.

Ta'limda STEM texnologiyasi Amerikaning Massachusetts Texnologiya Institutida ishlab chiqilgan.

STEM so'zi ingliz 5 so'zning bosh harflaridan tashkil topgan abreviatura bo'lib, unda:

S – Science –Fan

T – Technology – Texnologiya

E – Engineering –Injinerlik

A - Art – San'at

M – Mathematics – Matematika

STEM – ta’lim va uning afzalliklarini ta’kidlaydi, ya’ni:

Tabiiy fanlar, muhandislik ijodkorligi, matematika, raqamli texnologiyalar va hokazolarning turli sohalarini o‘zaro uyg‘unlashtirishga asoslangan zamonaviy muammolarni hal qilishning integratsiyalashgan yondashuvi ushbu integratsiyaning markazida badiiy izlanishlarga va faoliyat natijasi sifatida muayyan haqiqiy mahsulotga ega bo‘lgan loyihalar usuliga asoslangan.

Bilim-tadqiqot faoliyati jarayonida nafaqat intellektual qobiliyatlarni rivojlantirish, balki bolalarni ilmiy-texnikaviy ijodga jalb qilishga qaratilgan, zamonaviy dunyoda, kelajakda hayotning yuqori sifati uchun sharoit yaratish, o‘z-o‘zini anglashga yordam berish.

STEM- maktabgacha va maktab yoshdagi bolalarni tarbiyalash dasturi. Dasturda bolalarning bilimlarini qat’iy tartibga solish va o‘qitishda bolalarni har tomonlama qolipga solinmagan. Faqatgina mustaqil, erkin tajribalarga asoslanib, o‘zi bajarib ko‘rib, his etib, fikrlab, idrok etib bajarish kerak bo‘ladigan tamoyillarga tayanadi.

Dastur L. S. Vygotskiyning “to‘g‘ri tashkil etilgan ta’lim – bolani rivojlanish sari yetaklaydi” ilmiy rivojlanish tamoyillariga asoslangan. STEAM dasturida maktabgacha ta’lim tashkilotlaida maxsus laboratoriyalar tashkil etib, faoliyat davomida bolaning intellektual qobiliyatlarni rivojlantirish muhim ahamiyatga ega. Dastur doirasida mualliflar bir qator taniqli rus va xorijiy psixologlar va o‘qituvchilar tomonidan shakllantirilgan printsiplarga tayangan. Ushbu yondashuv o‘z ahamiyatini saqlab qoldi, chunki zamonaviy sharoitda aqlni rivojlantirish uchun maktabgacha yoshdagi ta’lim muassasasidan ko‘tarilishi kerak bo‘lgan faol pozitsiyani talab qiladi.

STEAM dasturida asosiy g‘oya - “hech qanday so‘z yoki vizual tasvirlar aqlning rivojlanishi uchun asos bo‘la olmaydi. Bola barchasini laboratoriyada bajarib ko‘rish kerak”. STEAM dasturi orqali tashkil etiladigan faoliyatlarda bola faol bo‘ladi. Chunki faoliyatda manipulyatsiyalash va integratsiyalashgan haqiqiy zamonaviy muhit va uning axborot-kommunikatsiya qismi, jumladan, programlanadigan robot qurilmalari bilan tajriba o‘tkazish bolani jalb etadi. STEAM dasturida bolalar bilan tajribalar tashkil etish elementar faoliyatlar orqali tashkil etilib, oddiydan murakkabga qarab boradi. Shu tamoyilga amal qilinsa, bola qiyin tajribalarni tashkil etishda, laboratoriyada mustaqil ishlay olishga qiynalmaydi. Tarbiyalanuvchilarda STEAM ko‘nikmalari shakllangach, bolaning borliq, bizni o‘rab turgan dunyo bilan intellektual xarakterga ega bo‘lgan bilimlar jamlanmasi tobora rivojlanib boradi.

Dastur zamonaviy strategik prinsipga, Rossiya ta’lim tizimi-maktabgacha va maktab bosqichlarida asoslanib ikki ijtimoiy institutlarning, ya’ni oila va ta’lim tashkilotining hamkorligi tamoyiliga tayanadi.

STEAM dasturida 3 yoshdan 11-yoshgacha bo‘lgan bolalarning bilim va ko‘nikmalarini shakllantirish, maktabda texnik va tabiiy fanlar bo‘yicha ta’limni davom ettirish uchun shart-sharoitlarni laboratoriyalarda amaliy yaratish tamoyiliga ham tayanadi.

“STEAM” texnologiyasi asboblari to‘plamiga nimalar kiradi ?

Fridrix Frebelning didaktik tizimi - STEAM ta’lim moduli sifatida

Jonli va jonsiz tabiat bilan tajriba o‘tkazish - STEAM ta’lim moduli sifatida

LEGO-qurilish, konstruksiyalash – STEAM ta’lim moduli sifatida

Maktabgacha yoshdagi bolalarda matematik rivojlanish, intellektual qobiliyatlar ta’lim moduli sifatida

Robototexnika – STEAM ta’lim moduli sifatida

“Multistudiya” STEAM ta’lim moduli sifatida

“F. Frebelning didaktik tizimi” o‘quv modulida bolalarning tasavvurini boyitish fazoda oriyentirlash qobiliyatini bolalarda shakllantirishdan iborat. “Fridrix

Frebelning didaktik tizimi” o‘quv moduli ikkita kontent blokidan iborat va ikki turdagi to‘plamlar bilan ta‘minlangan.

1. “Tafakkurni rivojlantirish uchun to‘plamlar (F. Frebel tizimi bo‘yicha).

Ushbu blok asl manbaga ya‘ni F. Frebel tuhfariga mos keladi va yog‘ochdan tayyorlangan va ko‘rsatmalarda batafsil tavsiflangan 6 ta to‘plamdan iborat. Blokda taklif qilingan sxemalar muallif tomonidan ishlab chiqilgan va hech qanday tahrir yoki o‘zgartirishga ega emas.

2. Tafakkurini rivojlantirish uchun to‘plamlar - yumshoq modullar. Ushbu blok F. Frebel materiallarining modifikatsiyasi bo‘lib, u bir xil 6 ta klassik to‘plamdir, lekin yumshoq predmetlar ko‘rinishida bo‘lib, bolani cheklangan stolda o‘tirishdan xonaning o‘yin maydoniga o‘tkazadi. ya‘ni bu orqali maktabgacha yoshdagi bola STEAM laboratoriyasida ishlash imkoniyatini tug‘diradi.

“Jonli va jonsiz tabiat bilan tajriba o‘tkazish” nomli modul maktabgacha yoshdagi bolalarga dunyoni o‘rganish, tabiatni haqqoniy bilish, barcha predmetlarning, tabiiy buyumlarning xususiyatlarini o‘rganish, tabiat hodisalari va predmetlarning o‘zaro ta‘sirga kirishishini o‘rgatib bolani intellektual jihdan rivojlantiradi. Tafakkurini boyitadi.

Maktabgacha ta‘lim tashkilotlarida va boshlang‘ich maktab darslarida LEGO texnologiyasidan foydalanish bolaning aqliy va jismoniy qobiliyatlarini rivojlantirishga yordam beradigan o‘quv jarayonining muhim elementi hisoblanadi. Bu kabi faoliyatlarda diqqat, xotira, nutq, qo‘llarning mayda motorikasi ko‘nikmalari rivojlanadi. Bolalar o‘zlarining ijodiy qobiliyatlarini, fantaziyalarini namoyon etadilar, tengdoshlari bilan muloqot qilishni, o‘zaro yordamni, ma‘lumot almashish zarurligini, qaror qabul qilish qobiliyatini va muloqot qobiliyatlarini rivojlantiradilar. LEGO texnologiyasi bugungi kunda taniqli va keng tarqalgan pedagogik texnologiyalardan biri bo‘lib, u bolani o‘qitish va rivojlantirish uchun real dunyoning uch o‘lchovli modellari va predmetli o‘yin muhitidan foydalanadi.

Bu modulda mataematiktushunchalarni bolalarga berish 2 bosqichda amalga oshiriladi:

3 yoshdan 5 yoshgacha bo‘lgan bolalarga mo‘ljallangan modul

6-7 yoshli bolalarga bo‘lgan bolalarga mo‘ljallangan modul

Maktabgacha yoshdagi bolalarda matematik rivojlanish, intellektual qobiliyatlar ta‘lim modulida oddiydan murakkabga qarab qiyinlashtirib bolalarga matematik tushunchalar beriladi. Dastlab elementar matematik tushunchalar: katakichik, uzun-qisqa, ko‘p-kam, keng-tor berib boriladi va didaktik o‘yinlar orqali STEAM laboratoriyalarida amaliy bajarib ko‘riladi. Matematik tasavvurlarni rivojlantirishda bolalarning yosh xususiyatlari inobatga olinib qadamma-qadam tushunchalar nazariy va amaliy jihatdan tushuntiriladi.

Maktabgacha yoshdagi bolalarga geometrik figurlarni ajrata olish, murakkab qirrali predmetlarni proyeksiyalash orqali intellectual qobiliyatlarini rivojlantirish, sensor tarbiya orqali tafakkurni boyitish, dunyoqarashini rivojlantirish, bolalarda ixtirichlik ruhida tarbiyalash kabi tushunchalarni o‘zida mujassamlashtiradi. Ushbu sohalarning har birida asosiy dizayn mavjud.

“Robototexnika” moduli harakat qobiliyatiga ega robotlarni ishlab chiqarish uchun bir nechta dizaynerlarni o‘z ichiga oladi. Yoshga qarab, bola tomonidan hal qilinadigan vazifalar asta-sekin murakkablashadi, maktabgacha yoshdagi bola oddiy yig‘ilishdan, modelning mexanik harakatini nazorat qilish tizimlarini dasturlashgacha topshiriqlarni bajarish ko‘nikmalarini egallaydi.

Modulda mashinalar, inshootlar, turli xil texnik vositalar (namunaga tayangan holda, belgilangan parametrlar yoki nazariy dizayn) yaratiladi. Ish davomida eskizlar, chizmalar, chizmalar yaratiladi, hisob-kitoblar amalga oshiriladi. Dizayn turi modellashtiriladi. Har qanday obyektga yoki u haqidagi ma‘lumotlarga e‘tibor qaratganda, uning to‘liq yoki qisman o‘xshashligi yaratiladi. Materiallar shu bilan



birga, model juda muhim bo‘lishi mumkin, eng muhimi, bu model muhim narsani aks ettirishidir obyektning xususiyatlari-bu bino, yo‘l, samolyot yoki kema bo‘ladi. Modelga asoslangan holda, tartib-miniatyura nusxasi yaratiladi.

STEM-ta’limning majburiy qismi bolalarni raqamli texnologiyalar bilan tanishishdir. Buning uchun “Multistudia” moduli yaratilgan. Bu bolalarning o‘z animatsion filmini yaratish orqali turli loyihalarda bolalarning ish natijalarini umumlashtirish va zamonaviy darajada namoyish etish imkonini beradi. Bu axborot-kommunikativ, raqamli va media texnologiyalarini rivojlantirish orqali bolalarning badiiy va texnik ijodini sintez qilishiga erishish mumkun.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

Yangi O‘zbekiston demokratik o‘zgarishlar, keng imkoniyatlar va amaliy ishlar mamlakatiga aylanmoqda. Toshkent: “O‘qituvchi” nashriyoti, 2021. 184 b.

O‘zbekiston respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” gi Farmoni 8.10.2019 y.

«Yangi O‘zbekistonning 2022-2026-yillarga mo‘ljallangan taraqqiyot strategiyasi» 31.01.2022 й

Рахматов М., Б. Зарипов Yangi O‘zbekiston Uchinchi Renessans ostonasida. -T: “Zamin nashr”, Toshkent 2021

5. G.Bogdanovich. Dopolnitelnaya общеразвивающая программа «Mult-studiya «Moy mir» Sverdlovskaya oblast, 2018 g.

6. Master-klass dlya pedagogov «Sozdanie multfilmov vmeste s detmi» M., 2018

7. Образовательный модуль «Дидактическая система Фридриха Фрёбеля». Маркова В. А., Аверин С. А. — М., 2018.

8. Э.Д. Жукова. Программа дополнительного образования по конструированию, ориентированная на детей от 5 до 7 лет «Лего-мастер». Излучинск, 2018



## БОЛАЛАРДА ЎЗ-ЎЗИНИ БАҲОЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШ ДАВРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.038>

Уснатдинова Жумагул Шараповна,

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва  
мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш  
институтини мустақил тадқиқотчиси

*Аннотация. Ушбу мақолада болаларда ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини ривожлантириш, бу жараёнда мактабгача катта ёш даврининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, ўз-ўзини баҳолашга нисбатан аجدодларимиз ҳамда соҳа мутахассисларининг муносабатлари таҳлил қилинган.*

*Таянч сўз ва иборалар. Ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини англаш, мактабгача катта ёш даври, индивидуал хусусиятлар, шахсий сифатлар, ривожланиш кўрсаткичлари, рефлексив муносабат, ахлоқий меъёрлар, шахслараро муносабатлар, имитация, идентификация, рефлексия, объектив муносабат.*

*Аннотация. В данной статье рассматривается развитие навыков самооценки у детей, особенности дошкольного взросления в этом процессе. Также анализируется установка наших предков и специалистов в области самооценки.*

*Ключевые слова и фразы. Самооценка, самосознание, дошкольная взрослость, индивидуальные особенности, личностные качества, показатели развития, рефлексивные установки, этические нормы, межличностные отношения, подражание, идентификация, рефлексия, объективные установки.*

*Annotation. This article discusses the development of self-assessment skills in children, the specific features of pre-school adulthood in this process. The analysis of the attitudes of our ancestors and experts in the field of self-assessment is also analyzed.*

*Keywords and phrases. Self-assessment, self-awareness, preschool adulthood, individual characteristics, personal qualities, developmental indicators, reflexive attitudes, ethical norms, interpersonal relationships, imitation, identification, reflection, objective attitudes.*

Бугунги кунда мактабгача таълимдаги энг муҳим муаммолардан бири бу индивидуал ёндашув асосида боланинг ўз-ўзини англаши ва ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини таркиб топтириш ҳисобланади. Мактабгача катта ёшдаги бола ҳаётида ўз-ўзини англаш – ўз-ўзини баҳолашнинг асоси бўлиб, унинг индивидуал ривожланиш даражасининг кўрсаткичи сифатида муҳим ўрин тутади.

Ўз-ўзини англаш – бу боланинг ўз-ўзи, ўз шахсий сифатларини англаш жараёни бўлиб, у онг муаммоси билан узвий боғлиқдир. Ўз-ўзини англаш фақат ўзини билиш эмас, балки ўзига нисбатан муайян муносабат ҳамдир: ўзининг сифат ва ҳолати, имкониятлари, жисмоний ва иродавий кучларига муносабат, яъни ўз-ўзини баҳолашдир.

Ўз-ўзини баҳолаш – боланинг ўз имкониятлари, қобилиятлари, шахсий сифатларига бўлган объектив муносабатини ифодаловчи тушунча. Ўз-ўзини баҳолаш боланинг билиш фаолияти, атрофдаги одамлар ва моддий борлиққа муносабатининг ифодаси ҳамдир[1].

Ўз-ўзини баҳолаш жамиятда шахсий инсоний муносабатларни бошқаришнинг ўзига хос мажмуи. Ўз-ўзини баҳолаш жараёнида ўзаро бир-бирини тўлдирувчи қуйидаги фаолиятларни ажратиш мумкин:

1. Ўз-ўзининг баҳоси бошқалар қўйган баҳо билан мутаносиб бўлишини эътиборга олиш.

2. Боланинг атрофдагилар эътирофига кўрсатадиган фаол муносабати.

3. Ўзаро алоқадорликда баҳолаш – болалар бир-бирларининг хатти-ҳаракатларини ўзаро ҳамкорликда баҳолашлари.

4. Шахсий ишларни баҳолаш, ўзларининг хатти-ҳаракатларига муносабат билдириш ва бошқаларнинг муносабати асосида қайта баҳолаш.

5. Шахсий танқид ва ўртоғининг танқидий қарашлари асосида қўйилган баҳоларни қиёслаш.

6. Болаларнинг ўз ишлари ва ўртоқларининг ишларига қўйилган баҳоларини таққослаш.

Шундан келиб чиққан ҳолда, индивидуал ёндашув асосида мактабгача катта ёшдаги болаларда ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини ривожлантириш отаналар, педагог-тарбиячиларнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўз-ўзини баҳолаш асосида бола шахсга айланиб боради. Бунда нафақат унинг атрофидагилар билан, балки ўзининг шахсий баҳосининг ҳам мос келиш эҳтиёжи шаклланади. Ўз-ўзини баҳолаш қобилиятининг тўғри шаклланганлиги нафақат ўзини-ўзи англаш ёки индивидуал хусусиятлар йиғиндиси сифатида эмас, балки ўзига нисбатан маълум бир муносабат сифатида ҳам ҳаракат қилишга ундайди. Бу мураккаб психологик ҳодиса.

Ўз-ўзини баҳолаш қобилиятининг таркиб топиши эрта болалиқдан бошланади ва унинг ривожланиши ва такомиллашиши инсон ҳаёти давомида содир бўлади. Ҳозирги вақтда мактабгача ёшдаги боланинг ўз-ўзини баҳолаши унинг хатти-ҳаракати ва шахслараро муносабатларига таъсири масаласи тобора аниқ бўлиб бормоқда.

“Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари”[2] да мактабгача ёшдаги болаларнинг шахсий ривожланиши муаммосига, шу жумладан, болаларнинг ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Давлат талаблари [2] асосидаги ёш даврлари қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: гўдаклик (туғилгандан 1 ёшгача); эрта ёшдаги болалик (1 ёшдан 3 ёшгача); кичик мактабгача ёш (3 ёшдан 4 ёшгача); ўрта мактабгача ёш (4 дан 5 ёшгача); катта мактабгача ёш (5 ёшдан 6 ёшгача); мактабга тайёрлов ёши (6 ёшдан 7 ёшгача).

Мактабгача катта ёш (5-6 ёш) ривожланишнинг ушбу босқичида бола дунёга нисбатан алоҳида нуқтаи назарни ифодалайди. Яъни бу даврда унинг алоқа тизими яратилади, ахлоқий меъёрлар ўзлаштирилади. Шунинг учун мактабгача катта ёшдаги болаларда ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини ривожлантириш жараёни индивидуал ёндашув асосида ташкил этилиши керак. Бу босқичда энг муҳими, болаларнинг ташаббусларини рағбатлантиришдир. Мактабгача давлат талабларида боланинг ривожланишини баҳолаш мумкин эмаслиги, унинг динамикасини баҳолаш кераклиги аниқ кўрсатилган. Шунинг учун бу даврда ўз-ўзини баҳолаш учун асос яратиш муҳимдир. Буларнинг барчаси болага ўзини тўғри баҳолашга, ижтимоий муҳитнинг вазифалари ва талаблари билан боғлиқ ҳолда ўзининг кучли томонларини реал кўриб чиқишга, шунга мувофиқ мустақил равишда ўз олдига мақсад ва вазифаларни қўйишга имкон беради.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, инсоннинг ўз-ўзини англаши масаласи барча даврларда турли фаолиятнинг мазмун-моҳиятини белгилаганлиги учун ҳам алоҳида долзарблик касб этган. Аждодларимизнинг инсон ва жамият

ҳақидаги илк тасаввурлари пайдо бўлган даврдан бошлаб, инсоннинг ўз-ўзини англаши, ўз-ўзига нисбатан адекват баҳоси, ҳатти-ҳаракатлари, аторофдагиларга бўлган муносабати, маънавий дунёси, жамиятдаги ўз ўрнини белгилаб олишида ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам ўз-ўзини реал баҳолаш масаласи барча даврларда ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Шахснинг ўз-ўзини баҳолаши фикр ва амалий фаолият эркинлигини идрок этишида намоён бўлади. Аждодларимиз бола камолотини таъминлашда ота-она ва устознинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлашган. Боланинг ўз-ўзини англаши, онги ва тафаккурининг ривожланишида ижтимоий муҳит, таълим-тарбия муҳим омилдир. Ривожланаётган шахс онгига ижтимоий муҳит, шарт-шароитлар бевосита таъсир кўрсатади. Бу ҳақида буюк мутаффаккир аждодимиз Имом Абу Ҳомид Ғаззолий шундай деган: “Болани айни бир вақтнинг ўзида ҳам жисмонан ҳам руҳан тарбияламоқ жоиз”. Яъни, боланинг бир вақтнинг ўзида ҳар томонлама ривожланиши унинг баркамоллигини таъминлайди. Бунинг учун ота-она ва устозлар керакли шароитни, маънавий бой тарбия муҳитини яратишлари лозим.

Имом Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Азизиддин Насафий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Аҳмад Яссавий, Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий каби алломалар ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини баҳолашга диний-фалсафий нуқтаи назардан ёндошган бўлсалар, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Машраб, Паҳлавон Маҳмуд каби мутаффаккирлар эса инсонни ўз-ўзини баҳолашига реал, воқеъликдан келиб чиққан ҳолда ёндашганлар.

Инсон ҳаракати, унинг турмуш тарзи ўз-ўзини англашига боғлиқ. Ўз-ўзини англаган инсон давлат ва жамият тараққиётига ижобий таъсир этади. Шунинг учун инсон ва унинг камолоти ҳар бир даврда ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шу мақсадда аждодларимиз ўз асарларида баркамол инсон тарбиясининг диний, фалсафий, ахлоқий, руҳий, маънавий, тарбиявий, таълимий жиҳатларини ўрганишга, инсон ўз-ўзини англашига кўмаклашувчи воситаларни яратишга ва ҳаётга тадбиқ этишга масъулият билан киришганлар.

Азизиддин Насафий ижоди ва фаолиятида ёш авлодда ўз-ўзини англаш ва баҳолаш кўникмасини шакллантириш ғояси устувор ўрин эгаллаган. Азизиддин Насафий комил инсон тимсолида ўз-ўзини чуқур англаган етук шахсни тасаввур қилган. Насафий ўзининг “Кашфул ҳақойиқ” (Ҳақиқатнинг очилиши), “Зубдат ул ҳақойиқ” (Ҳақиқатнинг қаймоғи), “Мақсадул ақсо” (Охирги мақсад), “Ал инсон ул-комил” асарларида комил инсоннинг ривожланиш йўлини ва таянадиган манбаларини кўрсатиб берган. У тинч, осойишта ҳаёт, донолар суҳбатини баркамолликка ундовчи восита деб билса, фитна, фисқу фасод кучайган нотинч муҳитни дўзахга тенглаштириб, бундай шароитда яшаган киши пасткаш, бузғунчи бўлишини таъкидлайди.

Насафий ўзининг “Ал инсон ул-комил” асарида ўз-ўзини англаган баркамол инсон ҳақидаги таълимотини мужассамлаштирган. Насафий инсонни ўз ички оламини англашга ундайди. Ўзини, ички дунёсини англаган инсонгина комилликка эришади дея тарғиб этади мутаффаккир. Бунинг учун ҳар бир инсон ўз нафсини енга олиши, иймонини мустаҳкамлаши ва хулқ-атворини тартибга солиши лозимлигини уқтиради. Таълим-тарбия жараёнида инсон ўз-ўзини англашга қодир бўлиб боради. Шу билан бир қаторда мутаффаккир инсон ўз хулқ-атворини такомиллаштириб бориши лозимлигини ҳам уқтирган. Насафий ўз-ўзини, имкониятларини тўғри баҳолашнинг шахсни шаклланишидаги аҳамиятига катта эътибор қаратади.

Аждодларимиз ўз-ўзини англаган инсон тимсолида эзгу ғоялар ва пок эътиқодга эга бўлган бунёдкор, яратувчан, ақлга мувофиқ ҳаракат қиладиган, ўз маънавий дунёсини англаб уни бойитишга интилган шахсни тасаввур

қилганлар. Улар ёш авлодда ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини тўғри баҳолаш кўникмаларини шакллантириш орқали ўша даврларда ҳам жамиятда вужудга келган муаммоларни ечиш кўникмаларини ҳосил қилганлар.

Мактабгача таълим педагогика ва психология соҳасига оид адабиётларда шахснинг ўз-ўзини англаши ва баҳолашини шакллантиришга катта эътибор берилади. Ўз-ўзини баҳолашнинг тузилиши ва функциялари муаммоси Л.И.Божович, И.С.Кон, М.И.Лисина, А.И.Липкина, Э.Эриксон, К.Рожерс ва бошқа психологларнинг ишларида муҳокама қилинган.

Атоқли француз психологик мактабининг намоёндаси Рибо[3] (1839-1916)нинг фикрича, инсон психологик жиҳатдан тараққий этиш жараёнида ўзини қуршаб турган барча объектларни ўзлаштириб, улар тўғрисидаги тасавурларни умумлаштиради ва мулоҳаза юритади. Унинг фикрича, идрок кўламнинг кенгайиши, билимнинг ошиши, диққатни бир вақтнинг ўзида бир нечта объектларга қарата олиш инсоннинг психологик тараққийоти омили ҳисобланади. Рибо ўз-ўзини англаш, интеллектуал тараққийотни уч босқичга ажратади[4]:

1. Иммитация (ташқи тақлид).

2. Идентификация (катгаларнинг билимларини ўзига сингдириш, унинг шахсий фазилатлари, хусусиятларини ўзлаштириб бориш).

3. Рефлексия (инсон ўз-ўзини англаган ҳолда кейинги фаолиятини амалга ошириш, муайян режалар тузиш, уларни ҳаёт ва фаолиятга татбиқ этиш).

Т.Рибонинг психологик тараққийот босқичлари ҳақидаги қарашлари индивиднинг ўз-ўзини баҳолаш қобилиятининг шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашувини характерлайди.

Француз психологик мактаби намояндаларининг фикрича, ўз-ўзини англашнинг дастлабки белгилари болада пайдо бўлаётган аффектив ҳолатлар билан характерланади. Масалан, имо-ишоралар, маъно касб этувчи ҳолатларни ҳис этиш каби ҳар қандай тараққийот, аввало, инстинктлар ва шартли рефлекслар асосида юзага келади. Инсондаги қониқиш мароқланиш, эмпатия, руҳланиш каби мураккаб кечинмалар кейинги тараққийотни белгиловчи асосий мезонлар ҳисобланади. Уларнинг нуқтаи назарича, эмоционал ҳолатлар, ички кечинмалар ўз-ўзини баҳолашни белгиловчи асосий мезонлардир. Улар, шунингдек, интеллектуал тараққийотни қуйидаги ҳодисалар билан боғлайди:

а) спонтан-фавқулодда пайдо бўлувчи;

б) импульсив-ички тақлид;

в) имитация-ташқи тақлид.

Чет эл психологиясида ўз-ўзини баҳолаш “Мен” концепцияси таркибида кўриб чиқилади. Бу “индивиднинг ўзи ҳақидаги барча ғоялари йиғиндиси, уларни баҳолаш билан боғлиқ” деб таърифланади.

Психоаналитик назарияда шахснинг ўзи ҳақидаги онгида пайдо бўлаётган позицияси ҳақиқатга мос келмайди ва бузиб кўрсатилади, деб ҳисобланади. Зигмунд Фрейд[5]нинг фикрича, ўз-ўзини баҳолаш ички истаклар ва ташқи таъқиқлар ўртасидаги зиддият босими остида ривожланади, бундай доимий зиддият туфайли ўзини адекват баҳолаш мумкин эмас.

Шундай қилиб, назарий таҳлиллар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, ўз-ўзини баҳолаш иерархик тарзда ташкил этилган, тизимли ривожланиш жараёни бўлиб, унинг барча таркибий қисмлари, шакллари, турлари, кўрсаткичлари ўзаро яқин таъсир ва ўзаро боғлиқликда амалга ошади. Бу жараён учун мактабгача катта ёш даври ўзига хос имкониятларга бой давр эканлиги билан ажралиб туради.

Фойдаланилган манбалар:

Педагогика: энциклопедия. III жилд. жамоа // Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. 424-бет. Б.249

Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 1-мҳ-сон буйруғи. 2018 йил 18 июнь. <https://lex.uz/docs/3805404>

[https://ru.wikipedia.org/wiki/Рибо,\\_Теодюль](https://ru.wikipedia.org/wiki/Рибо,_Теодюль)

Рибо Т. А. Психология чувств. — СПб: типография А. А. Пороховщикова, 1898.

**MAXSUS TIBBIY GURUHLARDA JISMONIY TARBIYA  
DARSLARINI O‘TKAZISHNING O‘ZIGA XOS JIXATLARI**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.039>

*Odilova Feruza Valijon qizi,*

*Toshkent irrigatsiya va qishloq xo‘jaligini mexanizatsiyalash muxandislari instituti, professional ta‘lim va jismoniy madaniyat kafedrasida assistenti*

**ХАРАКТЕРИСТИКА ЗАНЯТИЙ ФИЗИЧЕСКОЙ ВОСПИТАНИЕМ  
В СПЕЦИАЛЬНЫХ МЕДИЦИНСКИХ ГРУППАХ**

*Одилова Феруза Валижон кизи,*

*Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, доцент кафедры профессионального образования и физической культуры*

**CHARACTERISTICS OF PHYSICAL EDUCATION CLASSES IN  
SPECIAL MEDICAL GROUPS**

*Odilova Feruza Valijon kizi,*

*Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers, Assistant Professor of Professional Education and Physical Culture*

*Annotatsiya: Maqolada talim muassasalarida maxsus tibbiy guruhda jismoniy tarbiya darslarini o‘tkazishning o‘ziga xos jixatlari o‘rganildi va taxlil qilindi.*

*Kalit so‘zlari: Maxsus tibbiy guruhda jismoniy tarbiya darslari, surunkali kasalliklar, organizmning asosiy funksional tizimlari, salomatlik guruhi, morfologik anomaliyalari, surunkali kasalliklar, tug‘ma patologiya*

*Аннотация: В статье рассматривается и анализируется специфика проведения занятий по физической культуре в специальных медицинских группах в общеобразовательных учреждениях.*

*Ключевые слова: занятия физической культурой в специальной медицинской группе, хронические заболевания, основные функциональные системы организма, группа здоровья, морфологические аномалии, хронические заболевания, врожденная патология.*

*Annotation: The article examines and analyzes the specifics of conducting physical education classes in special medical groups in educational institutions.*

*Keywords: physical education classes in a special medical group, chronic diseases, basic functional systems of the body, health group, morphological anomalies, chronic diseases, congenital pathology*

Kirish. Mamlakatimizda terapiyaga muhtoj bolalarni erta aniqlash va ularning hayotini yanada tashkil etish tizimi yo‘lga qo‘yilgan. Jumladan, o‘quvchilarning yillik tibbiy ko‘riklari ularni to‘rt mezonga muvofiq tibbiy guruhlariga ajratish imkonini beradi:

- surunkali kasalliklarning mavjudligi yoki yo‘qligi
- organizmning asosiy funksional tizimlari faoliyatining xarakteri;
- salbiy ta‘silarga chidamlilik darajasi;
- jismoniy rivojlanish darajasi va uning uyg‘unlik darajasi.

Salomatlik guruhi. Ushbu mezonlarga muvofiq quyidagi salomatlik guruhlari ajratiladi:

1-guruh-sog‘lom, normal rivojlanayotgan, funksional anomaliyalarsiz. Bunga kuzatish davrida kasal bo‘lmagan yoki kamdan-kam kasal bo‘lgan va normal, yoshga mos jismoniy va neyropsikik rivojlanishga ega bo‘lgan surunkali kasalliklarsiz o‘quvchilar kiradi.

Biroq, bu bolalarning salomatlik xususiyatlari butunlay ob‘ektiv emas, chunki

birinchi guruhga ko'pincha tashxis qo'yilmagan kishilar kiradi, garchi, ular shubhasiz adaptiv qobiliyatlarni kamaytirgan bo'lsada, ular «uchinchi holatda».

2-guruh-sog'lom, funksional yoki mayda morfologik anomaliyalari bilan. Ular surunkali kasalliklarga chalingan emas, lekin ba'zi funksional va morfologik kamchiliklar bor, shuningdek tez-tez (to'rt yoki bir necha marta, bir yil) yoki uzoq vaqt davomida (bir kasallik uchun 25 kundan ortiq) kasal o'quvchilar. Bu guruh juda noaniq mezonlarga ega, shuning uchun muayyan o'quvchini tayinlash ko'pincha shifokorning vakolati (yoki vakolati emas).

3 – guruh: surunkali kasalliklar yoki tug'ma patologiyaga chalinganlar umumiy ahvoli va farovonligi aniq buzilmagan holda surunkali kasallikning kamdan-kam va engil avj olishi bilan kompensatsiyalangan holatda bo'ladi.

4-guruh: surunkali kasalliklar yoki tug'ma patologiyaga ega bo'lib, umumiy holatning buzilishi va zo'riqishdan keyingi farovonlik bilan subkompensatsiya holatida, o'tkir kasalliklardan keyin konvalesensiyaning uzoq davom etishi bilan.

5-Guruh: sezilarli darajada qisqartirilgan funksional imkoniyatlarga ega bo'lgan og'ir surunkali kasalliklar bilan; odatda, ular umumiy ta'lim muassasalariga bormaydi, balki maxsus maktablarda yoki uyda o'qitiladi va individual sxemalarga muvofiq kuzatiladi .

Tadqiqot metodologiyasi. Turli guruhlarga kiruvchi bolalar va o'smirlar jismoniy tarbiya yoki jismoniy terapiyani tashkil etishda tabaqalashtirilgan yondashuvni talab etadi. SHunday qilib, birinchi sog'liqni saqlash guruhi bolalari uchun tegishli yosh toifasi bo'yicha jismoniy tarbiya bo'yicha davlat dasturlariga muvofiq hech qanday cheklovlarisiz o'quv, mehnat va sport mashg'ulotlari tashkil etiladi.

Xavf guruhi sifatida ikkinchi sog'liqni saqlash guruhi bolalar shifokorlar e'tiborini oshdi kerak. Ular bilan maxsus qattiqlashtiruvchi tadbirlar, jismoniy terapiya darslari va dietoterapiya o'tkazish kerak; ular o'z sog'lig'iga mos ravishda oqilona hayot tarzini tashkil etishlari kerak. Uchinchi, to'rtinchi va beshinchi sog'liq guruhlari bo'lgan bolalar shifokorlarning doimiy nazorati ostida bo'lishi kerak, ularning vosita rejimi muayyan kontrendikatsiyalar bilan cheklangan (lekin ularning turmush tarzining majburiy qismi bo'lishi kerak) va dam olish va uyqu davomiyligi ular uchun uzaytiriladi .

Sog'liqni saqlash guruhlari bo'yicha taqsimlangandan so'ng umumiy ta'lim maktablarida o'qishga yaroqli deb tan olingan bolalar tibbiy guruhlarga bo'linib, ularning har biriga tegishli bo'lib, ularning salomatlik holatiga eng yaxshi mos keladigan jismoniy tarbiya rejimini belgilaydi. Tibbiy guruhlardagi bolalarni jismoniy tarbiya bo'yicha to'g'ri taqsimlanishi pediatr va jismoniy tarbiya o'qituvchisi ishining muhim qismidir.

Bolalarning salomatligi, jismoniy rivojlanishi va jismoniy tayyorgarligi holati to'g'risidagi ma'lumotlarga asosan davlat dasturlari bilan shug'ullanuvchi barcha o'quvchilar to'rt guruhga bo'linadi: asosiy, tayyorlov, maxsus va davolash jismoniy madaniyat guruhi.

Asosiy tibbiy guruhga salomatlikda og'ishmagan o'quvchilar, shuningdek, jismoniy rivojlanishi etarli bo'lgan kichik og'ishganlar kiradi.

Tayyorlov guruhiga jismoniy rivojlanishi kam bo'lgan, shuningdek salomatligida mayda og'ishlar bo'lgan salomatlik holatida og'ishmagan bolalar kiradi. Nogironlar guruhiga surunkali kasalliklarga chalingan o'quvchilar kiradi. Og'iz bo'shlig'i, Bu guruhda bolalar eng ko'p tashkil qilish. Bu bolalar ko'pincha o'tkir respirator virusli infeksiyalar (ORVI) va grippning ko'tarilishi vaqtida kasallanadilar, ular ko'pincha surunkali tonsillit, otit, sinusit avj oladi. Nazofarenksdagi infeksiyaning markazida bronxit, pnevmoniya va ularning surunkali shaklga o'tishi mumkin. Maxsus tibbiy guruhga doimiy yoki vaqtinchalik xarakterdagi salomatlik holatidagi og'ishishlar, cheklangan jismoniy faoliyat yoki foydalaniladigan jismoniy madaniyat vositasida ma'lum qarama-qarshiliklarni talab qiluvchi o'quvchilar

kiradi. Maxsus tibbiy guruhga boshqa kasalliklarga chalingan o'quvchilar ham kiradi, bu vaqtda jismoniy faoliyatni sezilarli darajada cheklash kerak. Tayyorlov va maxsus tibbiy guruh o'quvchilari uchun jismoniy faoliyat miqdoriga cheklov qo'yilgan bo'lib, uning darajasi o'quvchining sog'lig'i holatiga, kasallanishiga va organizm holatining boshqa mezonlariga bog'liq. SHunday qilib, jismoniy tarbiya darslarida olingan jismoniy yuk kontrendikedir yoki muhim cheklovlar talab qiladigan o'quvchilardan maxsus tibbiy guruhlar yakunlanadi. SHuning uchun maxsus tibbiy guruh o'quvchilarini jismoniy tarbiyalash ushbu tibbiy guruh bilan shug'ullanuvchi kontingentning xususiyatlariga mos keladigan maxsus ishlab chiqilgan dastur asosida amalga oshiriladi. Jismoniy terapiya guruhiga muayyan aniq sog'liqni saqlash kasalliklariga ega bo'lgan va maktabda jismoniy tarbiyadan ozod bo'lgan bolalar (ko'pincha to'rtinchi va beshinchi sog'liq guruhlariga tegishli) kiradi. Bunday guruhlar bevosita tibbiy muassasalarda tegishli mutaxassis nazorati ostida ishlashi kerak. SHunday qilib, ta'lim muassasasiga qatnaydigan hech bir bola jismoniy tarbiyadan butunlay ozod qilinmasligi lozim. Agar shunday holat ro'y bersa, qaror qabul qilgan shifokor buning uchun javobgar bo'lishi kerak.

Maxsus tibbiy guruxda jismoniy tarbiya talimi:

Muhokama. Bevosita ta'lim muassasalarida tibbiy guruhlarda mashg'ulotlar tegishli dasturlar asosida olib boriladi.

Asosiy guruh. Bu erda mashg'ulotlar to'liq jismoniy tarbiya davlat ta'lim standarti bo'yicha olib boriladi, muayyan standartlar o'tiladi, sport seksiyalarida mashg'ulotlar va musobaqalarda ishtirok etishga ruxsat beriladi. Dasturni muvaffaqiyatli yakunlash natijasi tegishli baholash mezonlari bilan belgilanadi.

Tayyorlov guruhi. Darslar jismoniy tarbiyaning umumiy dasturiga muvofiq, nazorat testlari (standartlari) va normalarini bir yilgacha kechiktirish bilan bosqichma-bosqich o'tkazish sharti bilan o'tkaziladi.

Bevosita sinfda bu guruhdagi o'quvchilar jismoniy tarbiya o'qituvchisi va ta'lim muassasasining tibbiyot xodimi tomonidan sinchkovlik bilan kuzatishga ehtiyoj sezadilar. Bunday o'quvchilar uchun majburiy jismoniy tarbiya mashg'ulotlaridan tashqari umumiy jismoniy tarbiya bo'limidagi mashg'ulotlar ham tavsiya etiladi. Yakuniy sinf, asosiy guruh o'quvchilaridan farqli ravishda, asosan, jismoniy tarbiya o'qituvchisi tomonidan ta'limning ushbu bosqichi uchun belgilangan individual mezonlarga muvofiq belgilanadi.

Maxsus tibbiy guruh. Darslar maxsus dastur yoki davlat dasturlarining ayrim turlari bo'yicha o'tkaziladi, o'qitish muddati uzaytiriladi va standartlar alohida vazifalar bilan almashtiriladi. Maxsus tibbiy guruhning asosiy ish shakli va vositalari jismoniy terapiya sinflari hisoblanadi.

Bir guruhdan ikkinchisiga o'tkazish maktab o'quvchilarini yillik tibbiy ko'rikdan o'tkazish vaqtida amalga oshiriladi. Maxsus tibbiy guruhdan tayyorlov guruhiga o'tish davolash natijalari ijobiy bo'lsa va jismoniy tarbiyada muvaffaqiyatga erishilsa mumkin.

Darslar haftasiga 2-3 marta 40 - 45 daqiqa davomida o'tkaziladi. Guruhlar o'rganish butun davr uchun doimiy bo'lishi kerak va jismoniy tarbiya orqali bevosita darslari o'tkazish uchun emas, balki faqat sharti o'qituvchi, tayinlangan bo'lishi kerak, balki sog'liqni saqlash va o'quvchilar akademik bajarish davlat barcha o'zgarishlar va og'ishlar tizimli monitoring o'tkazish.

Faqat jismoniy tarbiya o'qituvchisi va shifokor o'rtasidagi o'zaro aloqa orqali o'quvchilar salomatligini yaxshilashga jiddiy yordam bera olasiz .

Sinflar natijalarini o'z-o'zini kuzatishning eng oddiy usullarini o'rgatish kerak.

O'z-o'zini nazorat qilish kundaligini saqlash o'quvchilarda darslarga ongli munosabatni rivojlantiradi, shuningdek, jismoniy faoliyatni aniqlashda shifokor va o'qituvchiga katta yordam beradi. Ko'pincha asabiy qo'zg'aluvchanlik, yomon kayfiyat, asabiylashish, loqaydlik, ishtahaning pasayishi, tez charchashning paydo

bo'lishiga sabab sinfda ortiqcha jismoniy faollikdir.

O'z-o'zini nazorat qilish kundaligini tahlil qilish sababini aniqlash va alohida organlar va tizimlarning buzilishini o'z vaqtida aniqlashga yordam beradi. Joriy baholashni belgilashda ukuvchi maxsus taktga rioya qilishi, iloji boricha e'tiborli bo'lishi, uning rivojlanishiga hissa qo'shadigan va keyingi jismoniy tarbiya darslarini rag'batlantiradigan tarzda belgidan foydalanishi kerak.

Jismoniy madaniyat bo'yicha yakuniy belgi nazariy va amaliy bilimlar (motorika, jismoniy madaniyat va sog'liqni saqlash faoliyatini amalga oshirish qobiliyatlari, shuningdek, jismoniy tayyorgarlikning dinamikasini hisobga olgan holda belgilanadi).

Dars jarayonida ko'p qirrali jismoniy tayyorgarlikni ta'minlash va olingan ko'nikmalarni mustahkamlash uchun maktab soatlaridan tashqari mustaqil mashg'ulotlar o'qituvchi va shifokor ko'rsatmalari bo'yicha katta ahamiyatga ega.

Jismoniy tarbiya o'qituvchisi guruhdagi har bir o'quvchining o'ziga xos xususiyatlarini yaxshi bilishi va o'z bilimlarini maxsus tibbiy guruh o'quvchilari mavjudligidan noqulay his etmaydigan tarzda qurishi kerak. Har bir darsni boshidan oxirigacha o'ylab ko'rish kerak.

Baland buyruqlar sinflar davomida tavsiya qilinmaydi. Har bir mashqni hisoblamasligingiz kerak, faqat sur'atni, ritmni va nafasni ko'rsatishingiz kerak. Agar mashq o'quvchilar tomonidan kam bajarilsa, butun guruh diqqatini shunga qaratish shart emas, uni xushmuomalalik bilan yo'naltirish kerak, javob va replikalar chiqarib tashlanadi.

O'qituvchining munosabati ham, do'stona va xotirjam bo'lishi kerak. Takt va takt yana, ayniqsa, mashqlarni bajarishdagi kamchiliklarni tushuntirishda. Salomatlik holatini kuzatish va o'z-o'zini kuzatish jarayonida xayoliy sezgilarga e'tibor qaratmaslik, puls va nafas olish reaksiyasini «tinglashdan» saqlanish kerak.

O'quvchilarning o'z qobiliyatlariga va jismoniy tarbiya vositalariga bo'lgan ishonchini rivojlantirishi, ular tanasining normal ishlashiga yordam berishi kerak.

O'quvchilarga nisbatan xushmuomalalikni kuzatish»kamsuqumlik»tufayli bo'shmaslik kerak.

Natija. Shuni yodda tutish kerakki, yangi boshlanuvchilar maxsus guruhlarda, odatda, birinchi sinflarda o'zlarini juda tor tutadilar va o'z harakatlarini do'stlari bilan muvofiqlashtirmaydilar, hatto maxsus tarzda nafas olishni boshlaydilar.

Shuning uchun nafas olish mashqlari bilan, to'g'ri nafas olishni o'rganish bilan o'qituvchi darslarini boshlashi kerak. Barcha nafas olish va umumiy rivojlanish mashqlari uchun siz burun orqali nafas olishingiz kerak (ovoz chiqarish bilan maxsus bo'lganlar bundan mustasno). Burun orqali nafas olish va nafas olish kerak.

Maxsus guruhlardagi odatiy hisoblash buyruqlarini esa «nafas olish, chiqarish» buyruqlari bilan almashtirish lozim va bu o'qituvchi nafas olishning to'g'ri yo'lga qo'yilishi odatga aylanganiga ishonch hosil qilmaguncha amalga oshirilishi lozim.

Dinamik nafas olish mashqlari va umumiy rivojlanish mashqlarini bajarganda nafas olishni to'g'ri bajarish, ilgari egilgan oyoqlarni to'g'rilash, qo'llarni yon tomonga yoyish, yuqoriga, yonga va dastlabki xolatga qaytish, oyoqlarni bukish, pastki qo'llarni bukish, chayish.

Sakrashlar, uloqtirishlar, to'ldirilgan to'pni uloqtirish va boshqa harakatlarni amalga oshirishda va nafas chiqarishda – eng katta harakat payti. Yuk kamaytirish va jismoniy mashqlar so'ng nafasni normallashtirish uchun, u har qanday boshlang'ich holatda mushaklar bir vaqtning o'zida engillik bilan nafas mashqlaridan foydalanish ko'proq mos keladi.

O'quvchilarni to'g'ri nafas olishga o'rgatish juda muhim va murakkab vazifadir. Eng zaif bolalar to'g'ri nafas ko'nikmalarini o'rganishi sekin, ayniqsa harakati bilan birga. Shuning uchun jismoniy tarbiya o'qituvchisi xushmuomala, sabr-toqatli bo'lishi bilan birga, bu masalani hal qilishda ham qat'iyatli bo'lishi



kerak. O'quvchilar uyda «nafas olish mashqlari» bo'yicha topshiriq olsa to'g'ri nafas olish ko'nikmalarini egallash va mustahkamlash ancha tez kechadi.

Xulosa va takliflar. O'quvchilar jismoniy tarbiyasining kam bo'lmagan muhim vazifasi to'g'ri qad-qomatni tarbiyalashdir, chunki to'g'ri qad-qomatni faqat estetik emas, balki katta fiziologik ahamiyatga ham egadir. U butun tananing faoliyatini ta'minlaydi, ichki organlarning, ayniqsa o'pka va yurakning normal ishlashini ta'minlaydi va jismoniy mashqlar paytida, kundalik hayotda, ishda va sportda energiya sarfini tejashga olib keladi, bu esa samaradorlikni oshiradi.

Hatto kichik yassi oyoq butun tayanch-harakat tizimi vazifasini va o'quvchilarning umumiy ohangini kamaytiradi, bu ularning jismoniy rivojlanishiga to'sqinlik qiladi va ularning ishlashini kamaytiradi.

To'g'ri qad-qomatni shakllantirish, uning buzilishlarini tuzatish va oldini olishning asosiy vositasi jismoniy mashqlardir. Jismoniy tarbiya darsida elka kamari, orqa va qorin muskullari uchun kamida 10-12 ta mashq bo'lishi kerak, bu esa tanani to'g'ri holatda ushlab turuvchi» muskul korseti «hosil bo'lishiga yordam beradi.

#### Foydalanilgan Adabiyotlar

Gazieva Z.Yu., Xodjaev Sh.G., Nurmuxamedov Q.A. —Davolash jismoniy tarbiyasi” T – 2015.

<http://lex.uz>. Madaniyat va sport sohasida boshqaruv tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti farmoni.

<http://pfru.uz/uz/article/403/>

<https://lex.uz/docs/-3226019>

Olimov M.S., To'xtaboyev N.T., Soliyev I.R., Ortiqov X.T. O'rta va uzoq masofalarga yugurish uslubi. 160-162-bet. O'quv qo'llanma. –T.: 2016 y.

Popova Ye.G, Proizvodstvennaya gimnastika. Metodik ko'rsatma. Len-d 1986. Nurmuxamedov Q.A. —Massaj” T – 2014.



## БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ШАХСИЙ-КРЕАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.040>

Турабоева Мадинахон Рахмонжон қизи,  
Андижон давлат университети таянч докторанти

## ТЕХНОЛОГИЯ РАЗВИТИЯ ЛИЧНОЕ ТВОРЧЕСТВОКОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ ШКОЛА

Турабоева Мадинахон Рахмонжон қизи,  
Базовый докторант Андиганского государственного университета

## TECHNOLOGY OF THE DEVELOPMENT OWN CREATIVE COMPETENCE OF THE FUTURE PRIMARY SCHOOL TEACHERS

Turaboeva Madinahon Rakhmonjon kizi,  
Basic doctoral student of Andijan State University

*Аннотация:* Мақолада бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларининг шахсий-креатив компетенциясини ривожлантиришининг зарурияти, имкониятлари ва креатив шахсга хос хусусиятлар ҳақида фикр юритилади. Шу билан бирга, “Бошлангич таълим педагогикаси, инновация ва интеграция” фани доирасида бўлажак бошлангич синф ўқитувчисининг шахсий-креатив компетенциясини ривожлантиришга доир технология таклиф этилди.

*Таянч иборалар:* педагогика, инновация, интеграция, компетенция, креативлик, шахсий-креативлик, технология.

*Аннотация:* В статье рассматриваются потребность, возможности и особенности будущего учителя начальных классов в развитии личностно-творческой компетентности. При этом в рамках предмета «Педагогика начального образования, инновации и интеграция» была предложена технология развития личностно-творческой компетентности будущего учителя начальных классов.

*Ключевые слова:* педагогика, инновация, интеграция, компетентность, креативность, личностное творчество, технология.

*Annotation:* The article discusses the need, opportunities and characteristics of the future elementary school teacher to develop personal and creative competence. At the same time, in the framework of the subject «Pedagogy of primary education, innovation and integration» was proposed a technology for the development of personal and creative competence of a future primary school teacher.

*Key phrases:* pedagogy, innovation, integration, competence, creativity, personal creativity, technology.

Кириш. Олий педагогик мутахассислар тайёрлаш тизимини модернизациялаш, педагогик фаолият самарадорлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири – уларда шахсий-креатив компетенцияни ривожлантиришдан иборат. Шахсий-креатив компетенцияга эга педагогик мутахассисларни шакллантириш замонавий жамият таълим тизимининг асосий вазифаларидан биридир. Кузатиш ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, креативлик барча соҳаларнинг ажаралмас қисми, йўналиши ва стратегик аҳамиятга эга жиҳати сифатида қаралади. Олий педагогик таълим тизимида талабаларнинг креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг асосий механизми сифатида ўқув жараёни ва уни талаба шахсига йўналтириш назарда тутилади (1-расмга қarang).

Таълимни креативлаштиришнинг механизми		
Замонавий шароитда фан ва техника ривожини таълим ва унинг натижаларига қўйиладиган талабларнинг тубдан ўзгаришини таълимда эътибор қилиш	Олий таълим тизимида ижодий ва продуктив ўқитиш, талаба шахсини фаоллик, мустақиллик ва назарий-таҳлилий фаолиятга ундаш имконини беради	Ўқув жараёнини ташкил этишнинг методик-дидактик жиҳатларини тубдан ислох қилиш, доимий равишда актуаллаштириб бориш ва таълимни технологиялар асосида ташкил этиш заруратини кўрсатади
		Педагог ва унинг фаолият мазмуни ўзида замонавий жамият талабларини ақс эттиради, бу эса педагогик кадрлардан креативликни, турли мураккаб ва муаммоли вазиятларни педагогик-креатив ёндашувлар асосида муносиб ечим топишни талаб этади.

1-расм. Таълимни креативлаштириш механизми

Даврнинг ўзи педагогларнинг олдида янги аср стандартларини яратишни муҳим вазифа сифатида белгиламоқда. Ҳозирги вақтда яратилган Давлат таълим стандартлари ва малака талабларини тизимли-фаолиятли ёндашувдан янгича, компетент ёндашув асосида тузилишига эришиш шарт саналмоқда. Замонавий жамиятда маълум тизимга асосланган ёки аниқ меъёрлар билан белгилаб қўйилган шароитда шахс ўзини креатив жиҳатларини ривожлантира олмайди.

Креатив шахс ҳақидаги қарашлар ва мана шундай шахсни тарбиялаш масалалари узок ўтмишдан тортиб то бугунги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, буюк мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, “Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт”, деб ёзганлар. Чиндан ҳам, одамларга қуёшдек беминнат нур таратишни, яхшилик қилишни истайдиган инсон, камолотга интилиб, турли илм ва касб-хунарларни ўзлаштириши лозим.[1]

Адабиётлар шарҳи ва тадқиқот методологияси. Тадқиқотчилар Е.С.Громова ва В.А.Моляко қарашларида шахс креативлигининг еттита белгисини таъкидлаб ўтадилар: “ўзига хослик, яратувчилик, фантазия, фаоллик, мақсадга йўналганлик, аниқлик, таъсирчанлик”.[2]

А.Маслоу креативлик тушунчасини 2 турга ажратган ҳолда таҳлил қилади. Яъни “туғма истеъдодли шахс креативлиги ва шахснинг ўз-ўзини актуаллаштириш креативлиги”.[3] У креативликни инсон табиатининг фундаментал характеристикаси сифатида кўради, лекин ҳаёти давомида маълум ижтимоий тўсиқлар натижасида йўқолиб кетиши ҳам мумкин деб ҳисоблайди. Шунинг учун шахс креативлигини сўндирмаслик, аксинча, уни такомиллаштириш ҳақида кўпроқ ўйлаш лозим.

З.Т.Нишанова ўзининг докторлик диссертациясида креативликнинг кўплаб таърифларини таҳлил қилиб, ижодий фикрлашнинг моделини яратади. У “ижодий фикрлашни тушунча, тасаввур, билим, кўникма, фикр, мотивация ва эътиқодга асосланган ҳолда яратиш лозимлигини таъкидлайди”.[4] Унинг ижодий фикрлаш негизига тасаввурни белгилаши ҳам беъжиз эмас, негаки, фикр, ғоя, амалга оширилаётган бир иш-ҳаракат, воқелик аввало, шахс тасаввурида пайдо бўлиб, тушунчаларни англаш, билим, кўникмаларни эгаллаш ва вазиятга нисбатан мотивациянинг уйғониши натижасида З.Т.Нишанова таҳлилига кўра, инсонда ижодий фикрлаш жараёни юзага келади.

И.Е.Брякова сўзларига кўра, креатив компетенция шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришини белгилайдиган ажралмас кўп омилли сифати. Мустақил

шахсий таълим сифатида креатив компетенция касбий компетенция билан мураккаб диалектик алоқада бўлиб, “улар бир-бирига мос келиши ҳам, баъзан фарқ қилиши ҳам мумкин”. [5]

А.М.Давтян креатив компетенцияни ҳар хил вазиятларда самарали ва ижодий ҳаракат қилиш имконини берадиган маълум бир соҳадаги билим, кўникма ва малакалар тизимини ўз ичига олган “шахсий таълим” [6] деб ифода этади.


Илмий-категорик таҳлил ва креатив компетенциянинг юқоридаги муҳим хусусиятларига асосланиб, бу тушунча таърифига талаба шахсига ёндашган тарзда ойдинлик киритдик.

Креатив компетенция – бу ўқув-билиш жараёнида, яқин келажакдаги касбий ва ҳаётий муаммоларни ҳал этишда кўплаб янги, бетакрор ғояларни яратишга имкон берадиган билим, кўникма, шахсий фазилатлар ва тажрибани ўз ичига оладиган шахснинг тизимли сифатидир.

Бугунги тезкор даврда бой тасаввурга, ижодкорона ғояларга, кенг маънода креатив сифатларга эга бўлмай туриб, буюк бобомиз кўзлаган мақсадга эришиб бўлмайди десак, адашмаган бўламиз.

Шу ўринда биз, шахс, креативлик ва компетенция каби ўзида бир қатор хусусиятларни жамлаган ушбу тушунчаларнинг йиғиндисидан ташкил топган шахсий-креатив компетенция тушунчасига таъриф беришни жоиз деб топдик. Шахсий-креатив компетенция талабаларда индивидуал ҳолатда ўз вазифасига ижодий ёндашиш, муаммоли вазиятлар юзага келганда ижобий ечим топа олиш, ўзини ўзи тўлдириш, мустақил қарорлар қабул қилиш малакалари, қобилиятлари ва ўз-ўзини ривожлантиришини белгилайдиган талаба шахсининг сифатларига қўйилган талаблар бўлиб, у бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг келгуси касбий компетенцияларини такомиллаштиришда аҳамиятли саналади.

Тадқиқот жараёнида педагоглар томонидан бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларда шахсий-креатив компетенцияни ривожлантиришнинг асосий шартлари қуйидагилар сифатида белгиланди (2-расмга қаранг.):



2-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида шахсий-креатив компетенцияни ривожлантиришнинг асосий шартлари

Бугунги кун олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари талабаларга таълим бериш жараёнида замон талаб этаётган инновацион усул, метод, технологияларига таянган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этишлари, касбий компетенцияларини такомиллаштириш устида ишлашлари мақсадга мувофиқ бўлади. “Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграция” фанини ўқитиш жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида шахсий-креатив компетенцияни ривожлантириш, ўз навбатида мазкур жараённи амалийлаштиришни, яъни маъруза, семинар ва амалий машғулотларни ташкил этишда технологик ёндашувни татбиқ этишни талаб этади.

Технологик ёндашувнинг умумий тавсифига таянган ҳолда, тадқиқот доирасида “Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграция” фанини ўқитишда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида шахсий-креатив компетенцияларини ривожлантиришнинг қуйидаги технологияси ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг.).



3-расм. “Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграция” фанини ўқитишда шахсий-креатив компетенцияни ривожлантириш технологияси

Ушбу технологияни биринчи босқичи “Креативликка оид билимларга эга бўлиш” деб номланиб, қуйида белгиланган вазифаларни ҳал этиш асосида амалга оширилди:

Фанга доир билимлар билан таништириш ва ушбу жараёнда педагог ўзи учун кейинги вазифаларни белгилашда талабаларнинг мавжуд шахсий-креатив сифатлари аниқланди (тест, ёзма ёки оғзаки савол-жавоблар орқали).

Фан доирасидаги билимларни эгаллашда ўқув материаллари билан таништирилди ва шахсий-креативликни дастлабки идрок этишга йўналтирилди. Мазкур босқичда интерфаол методлар, муаммоли вазиятлардан фойдаланилди. Бу жараёнда имкон доирасида талабаларнинг индивидуал фаолият олиб боришларига эришилди. Индивидуал ишлаш жараёни ҳар бир талабада ўз вазифасига мустақил ёндашишини тақозо этади. Натижада, ўз шахсий фикр, шахсий муносабат, шахсий креатив сифатлари ўсади.

Технологиянинг иккинчи босқичи “Мавзуларни шахсий-креативликни ривожлантиришга йўналтириш” деб номланиб, мазкур босқичда мавзуларни ўрганишда креативликнинг ижтимоий-таълимий, шахсий аҳамиятини аниқлаш ва таҳлил этиш вазифалари ҳал этилди.

Мавзуларни ўрганишда креативликнинг ижтимоий-таълимий, шахсий аҳамиятини аниқлаш ва таҳлил этиш индивидуалликка йўналтирилган ўйинлар асосида ташкил этилди.

Технологиянинг учинчи босқичи “Мавзуларни шахсий-креатив компетенцияни ривожлантириш тизимига айлантириш” деб номланиб, мазкур босқичда муаммоли вазиятларни ҳал этишда шахсий-креатив компетенцияни ривожлантиришга ва ассесмент топшириқларни бажаришда шахсий-креатив ечимлардан фойдаланиш вазифаларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳокама ва натижа. Муаммоли вазиятларни таҳлил этиш – талабаларда шахсий-креатив компетенцияни ривожлантиришда юқори самарали натижа кўрсатувчи метод бўлиб, бу орқали улар кундалик ва келгуси касбий фаолиятида юзага келувчи вазифаларни таҳлил этиш, тўғри эчим топишга оид билимларни эгаллайди.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида шахсий-креатив компетенцияни

ривожлантиришда муаммоли вазиятлардан фойдаланиш куйидаги вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг муаммоли вазиятларни фанни ўрганишда эгаллаган билимлари доирасида ижодий ҳал этиш;

муаммоли вазиятларни ечишда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг шахсий-креативликка асосланган фикрлашини йўлга кўйиш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг вазиятни ҳал этишда вақтдан унумли фойдаланиш, диққат эътибори ва ақл кучини жамлаш;

индивидуал ва гуруҳий фикрий фаолиятни ривожлантириш. Муаммони ҳал этишнинг бир неча тўғри вариантларини излаб топиш кўникмасини таркиб топтириш.

Ассесмент топшириқларни бажариш – бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг шахсий-креатив компетенциявий ечимлари асосида амалга оширилиб, уларнинг фақат мавзу юзасидан фикр юритишига эмас, балки кўшимча ахборотларни ҳам ўрганишларига имкон беради.

Тадқиқотимиз давомида “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” таълим йўналиши 3 ва 4-курс талабалари учун “Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграция” фани доирасида ўқув жараёнига татбиқ этилган шахсий-креатив компетенцияни ривожлантиришнинг 3-босқичлик технологияси ишлаб чиқилди.


Куйида 3-курс талабалари учун “Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграция” фанини ўқитишда амалга оширилган шахсий-креатив компетенцияни ривожлантиришнинг технологиясини келтириб ўтамиз:

Мавзу: Бошланғич таълим педагогикаси фанининг мазмуни (Технологиянинг 1-2-босқичлари маъруза машғулоти учун ва 3-босқичи амалий машғулот учун мўлжалланган)

1-босқич. 1.1. Ўқитувчи томонидан маъруза тури “матбуот-анжумани” сифатида ташкил этилди. Талабаларга ёзма равишда мавзу юзасидан саволлар бериш масаласи кўйилди ва ўқитувчи саволларни мазмуни буйича тизимлаштирди ва маърузани баён этди. Маъруза давомида талабаларни кизиктирган саволларнинг барчасига жавоб берилди. Талабаларга оғзаки савол билан мурожаат қилиш имкони ҳам берилди. Ўқитувчи саволларга жавоб бериш билан бирга ўрганилаётган масалани мантикий муҳокамасига ҳам эътибор қаратди.

Шунингдек, талабаларни мавзу доирасида эгаллаган билимларини мустаҳкамланиши учун куйида келтирилган топшириқлардан фойдаланилди:

1-топшириқ. Куйида келтирилган саволлари билан танишинг ва дафтарингизга тўғри жавобларни ёзинг (4-расмга қаранг.).



4-расм. Мавзу доирасида эгаллаган билимларини мустаҳкамланиш учун саволлар 2-топшириқ. Жадвалда келтирилган тугалланмаган фикрларни мантикий

кетма-кетлик асосида изох устунига тўлдилинг.

Тугалланмаган фикр	Изоҳ
Инновация бу –	✓ -----
	✓ -----
	✓ -----
Интеграция бу –	✓ -----
	✓ -----
	✓ -----

3-топширик. Маъруза матнида берилган манбаларга таяниб, мавзу юзасидан 10 та тест тузинг.

1.2. Талабалар “Бошланғич таълим педагогикаси фанининг мазмуни” мавзуси юзасидан билимларга эга бўлишда маъруза материали билан таништирилди ва шахсий-креативликни дастлабки идрок этишга йўналтирилди.

Бу жараёнда талабаларни аввалги (педагогик фанларга оид) билимларини эсга тушириш ва ўз нуқтаи назарларини солиштириб кўришлари учун “Фаразларга раҳбарлик қилиш” методидан фойдаланилди. Методни амалга оширишда, аввало, талабаларга “Бола тарбиясига педагогнинг таъсири” номли видео ролик намойиш этилди. Талабалар танланган метод шартларига кўра:

намойиш этилган видеога доир мавжуд тасаввурларни қайд этишди;  
 видео кўришдан олдин талабалар аввал устунига ўзларининг тасаввурларнинг тўғри/нотўғри, маъқул/номаъқул эканлигини белгилаб чиқишди;


талабалар видеони томоша қилишди;  
 талабалар материални ўрганиб бўлишгач, кейин устунига ўзларининг аввалги тасдиқларини қайта баҳолашди;  
 талабалар ўзларининг шахсий фикрлари қайси ўринларда ўзгарганлигини муҳокама қилишди.

2-босқич. “Бошланғич таълим педагогикаси фанининг мазмуни” мавзусини ўрганишда креативликнинг ижтимоий-таълимий, шахсий аҳамиятини аниқлаш ва таҳлил этиш қуйидаги индивидуалликка йўналтирилган ўйинлар асосида бажарилди:

“Судя(Judge)” ўйини. Талабалар жуфтликларга бўлинди. Талабаларга ўз жуфтларига мавзу юзасидан савол бериш вазифаси юклатилди. Биринчи талаба иккинчисига ва яна иккинчи талаба биринчисига иккитадан савол билан мурожаат қилди. Саволлар тузиш жараёнида талабалар диққатларини янги мавзу доирасида жамлашга ва берилаётган саволларнинг мазмунига аҳамият берган ҳолатда тузишга ҳаракат қилди. Бу ўйин уларни тезкорликка ва кенг тафаккур юритишга чорлади.

“Келажакка назар” ўйини. Ўйин талабаларнинг шахсий мотивларини таркиб топтириш, янги сифатларини кашф этиш ва ўз-ўзини ривожлантиришга йўналтирилган.

Даставвал аниқ мақсад, истак ва жиҳатларга эга ўзининг келажакдаги қиёфасини тасаввур этиш, яратиш ва тарқоқ тасаввурлардан аниқ кўринишга эга образга ўтиш таклиф этилди. Ўзи эришишни истаган сифат тасаввуридан тўлиқ қониқиш, ижобий туйғуга эга бўлиш имкони берилди. Келажакдаги қиёфани ўтмиш ва бугунги ҳолат билан қиёслаш, нима ортиқча ёки қўйилган мақсадга эришиш учун яна нима қилиш мумкинлиги ҳақида ўйлаш таклиф этилди. Зарурий ва ортиқча сифатлар рўйхати тузилди. Ҳозирги ҳолат ва келгусидаги фаолиятни режалаштириш зарур рўйхат билан уйғунлаштирилди (5-расмга қаранг.).



5-расм. Шахсий-креатив компетенцияни ривожлантришга йўналтирилган “келажакка назар” усули

5-расм. Шахсий-креатив компетенцияни ривожлантришга йўналтирилган “келажакка назар” усули

3-босқич. 3.1. Муаммоли вазият. Ёш мутахассис мактабда фаолият кўрсата бошлади. Унинг мактабдаги педагоглар жамоасини ўрганишида шу аён бўлдики, мазкур жамоада бирлик йўқ. Яъни, улар мактаб директори ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари тарафдорларидан иборат икки гуруҳга ажралишган. Бундай вазиятда ёш мутахассис қандай йўлни танлаши керак деб ўйлайсиз? 3.2 Қуйида келтирилган ассесмент топшириқларни талабалар ўзларининг шахсий-креатив компетенциявий ечимларига таянган ҳолда бажарди.

#### Ассесмент топшириғи

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА	ТЕСТ
<p>Одамлар мендан: “Сиз катта муваффақиятларга эришгансиз. Бунинг имконини қандай топдингиз?”, деб сўрашади. Мен ота-онамнинг менга ўргатганларини такрорлайман: “Ўзинга мақсад қўй, қўлингдан келади даражада билим ол, кейин, нимадир қил. Нимадир ўз-ўзидан бўлади деб кутма. Бу осон эмас, агар сен астойдил излансанг, меҳнат қилсанг, овоз жамиятда интиланган нарсаларнинг барчасига етиш мумкин”. <i>Ли Янко</i></p> <p><b>Саволлар:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Вазиятни таҳлил қилинг. Инсон бирор фаолият жараёнида яхши натижага эришиш учун қандай ҳаракат қилиш керак?</li> <li>2. “Шахс ривожланишида энг муҳим сифатлардан бири жамият учун фойдали бўлган ноодатий ғоялардан реал ҳаётда фойдаланишидир”. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?</li> <li>3. Фараз қилинг, сиз жуда катта омма олдида нутқ сўзлашга таклиф этилгансиз. Сиз ушбу маърузангизни қандай режалаштирасиз? Маърузага аудиторияни қизиқтириш учун қандай креатив сифатларингиздан фойдаланиш яхши самара беради?</li> </ol>	<p>Шахсий компетенция бу ...</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>A. *Шахсий мустақил акс этиш ва мустақил ривожланиш усуллари, шахснинг касбий деформацияларга қарши туриш воситаларини эгаллаши.</li> <li>B. Биргаликдаги касбий фаолият, ҳамкорликни эгаллаш.</li> <li>C. Касб доирасида индивидуалликни мустақил қўллаш ва ривожлантриш усулларини эгаллаш.</li> <li>D. Етарли юқори даражада ўз касбий фаолиятини эгаллаш, кейинги касбий ривожланишини лойихалаштира олиш.</li> </ol>
<p><b>АМАЛИЙ КўНИКМА</b></p> <p>Инсон лоқайдлик билан қабул қилган қарори оқибатида қисматида салбий ўзгариш ясаши мумкин ва муайян вазиятдаги ўзининг ноанъанавий қарори ёки ҳаракати билан катта бахтга эришиши ҳам мумкин. <i>Файласуфлар ёндашаридан.</i></p> <p><b>Топшириқ.</b> Эслаб кўринг. Ҳаётингизда қутилмаган қарорингиз билан бирор бир муваффақиятга эришганмисиз? Фурсаддан фойдаланиб кичик бир эссе ёзинг.</p>	<p><b>БЛИЦ ТОПШИРИҚ:</b></p> <p>Шахснинг шахсий-креатив сифатларини ривожлантришда қандай омиллар муҳим?</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ирсият</li> <li>2. Оилавий муҳит</li> <li>3. Таълим жараёни</li> <li>4. Ўз устида қўп ишлаш</li> </ol> <p>.....</p> <p>Фикрингизни тезкорликда баён этинг.</p>



Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган “Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграция” фанини ўқитишда, талабаларда шахсий-креатив компетенцияни ривожлантириш технологияси ўзаро бир-бири билан узвий боғланган ва алоқадор алгоритмлар сифатида технологиялаштирилган, мавзуларнинг мазмун-моҳияти, шакл, метод ва воситаларини ўз ичига олиш билан бирга бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг шахсий-креатив компетенциясини ривожлантиришга имкон берди. Энг асосийси, мазкур технологиянинг амалий жараёнга татбиғи унинг технологик ёндашув тамойил ва мезонларига тўлиқ жавоб беришини кўрсатди.

Шахсий-креатив компетенциясига эгалик бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ўз фаолиятини самарали ташкил этиш, ривожлантириш ва истиқболга элтувчи даражада ҳаракатланишини таъминловчи асос саналанади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси / <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Моляко В.А. Психология творческой личности. – М.: Высшая школа, 1978. – 238 с.
3. Maslow A.X. The father reaches of human nature NY: Viking. – 1971. Harmondsworth, Eng: Penguin Books. – 1973. – P. 127-134.
4. Нишанова З.Т. Мустақил ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг психологик асослари: псих. фан. доктори ...дисс. Т.: 2005. – Б. 97-98.
- 5.Брякова И.Е. Методическая система формирования креативной компетентности студентов-филологов педагогического вуза: автореф. дис. ... док. пед. наук / Брякова, Ирина Евгеньевна. – СПб.: 2010, – 13 с.
- 6.Давтян А.М. Формирование креативной компетентности учащихся в условиях школьного дополнительного образования: методические рекомендации для учителей / А.М. Давтян. – Челябинск: Изд-во ИИУМЦ, “Образование”, 2006. – 51с.

## BILIM - BU KASHFIYOT JARAYONI: KONSTRUKTIVIZM TA'LIMNI QANDAY O'ZGARTIRDI

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.041>

*Eldasheva Gulnoza Vasiljanovna,*

*Toshkent shaxar xalk ta'limi xodimlari kayta tayyorlash va ularning malaka oshirish xududiy markazi. , Pedagogika, psixologiya va ta'lim texnologiyalari,, kafedra mudiri. ped.f.n. dotsent.*

Annotatsiya. Maqola bilim egallash jarayoni, konstruktivizm ta'limni qanday o'zgartirgani xususidagi nazariy va tahliliy fikrlarni o'z ichiga oladi.

Kalit so'zlar: bilim, kashfiyot, jarayon, konstruktivizm, ta'lim

Bugungi kunda qo'llanilayotgan o'qitish usullarining asosiy nazariyalari - kognitiv yuk nazariyasi va konstruktivizmni o'rganuvchi ikkita inshoning ikkinchisidir .

Konstruktivizm - bu tajribani bilim olishning eng yaxshi usuli deb hisoblaydigan ta'lim falsafasi.

Konstruktivistning so'zlariga ko'ra, biz nimanidir his-tuyg'ularimiz va o'zaro ta'sirlarimiz orqali filtrlaganimizda, haqiqatan ham tushunamiz. Agar biz ko'rish qobiliyatiga ega bo'lsak (ko'r bo'lmasak) va biz rang «ko'k» g'oyasini tushunishimiz mumkin.

Konstruktivizm o'rganish usuli emas, balki ta'lim falsafasidir . Shunday qilib, u o'quvchilarni o'z bilimlariga ko'proq egalik qilishga undasa-da, buni qanday qilish kerakligini aniqlamaydi. U hali ham o'quv amaliyotiga moslashtirilmoqda.

Falsafa so'rovga asoslangan o'qitish usulini asos qilib oladi, bunda o'qituvchi o'quvchilar o'zlari uchun javoblarni topadigan o'quv muhitini osonlashtiradi.

Rivojlanish psixologiyasi ta'limni qanday shakllantiradi

Konstruktivizmning dastlabki tarafdorlaridan biri shveysariyalik psixolog Jan Piagee bo'lib, uning ishi bolalarning kognitiv rivojlanishiga qaratilgan.

Piagetning (1960-yillarda mashhur bo'lgan) bolalikning rivojlanish bosqichlari haqidagi nazariyalari hozirgi zamon psixologiyasida hamon qo'llanilmoqda. U bolalarning dunyo bilan o'zaro munosabati va ularning o'zini his qilishlari ma'lum yoshga to'g'ri kelishini kuzatdi.

Masalan, bola tug'ilishdan boshlab sezgilar orqali dunyo bilan asosiy aloqaga ega; ikki yoshdan boshlab ular til va o'yin ishlatishadi; yetti yoshdan boshlab mantiqiy fikrlashni, o'n bir yoshdan esa mavhum fikrlashni qo'llaydilar.

Jan Piaget bolalar dunyoni ularning yoshiga mos keladigan bosqichlarda kashf qilishlarini kuzatdi. shutterstock.com saytidan

Piagetdan oldin odamlarning rivojlanish psixologiyasi bo'yicha juda oz maxsus tahlillar mavjud edi. Biz odamlar qarigan sari kognitiv jihatdan murakkablashganini tushundik, lekin bu qanday sodir bo'lgani noaniqligicha qoldi.

Piaget nazariyasini uning zamondoshi Lev Vygotskiy (1925-1934) yanada rivojlantirdi, u barcha vazifalarni quyidagilarga mos deb bildi :

1. o'zimiz qila oladigan vazifalar
2. biz rahbarlik qilishimiz mumkin bo'lgan vazifalar
3. biz umuman qila olmaydigan vazifalar.

Birinchi toifada juda ko'p mazmunli o'rganish yo'q. Agar biror narsani qanday qilishni bilsak, uni yana qilishdan ko'p foyda ko'rmaymiz.

Xuddi shunday, uchinchi toifadan ham ko'p narsa olish mumkin emas. Siz besh yoshli bolani dunyodagi eng zo'r o'qituvchi tomonidan boshqariladigan hisob-kitob sinfiga kiritishingiz mumkin, lekin bolaning biror narsani o'rganishi uchun oldindan tushunish va kognitiv rivojlanish etarli emas.

Bizning o'rganishimizning aksariyati ikkinchi toifada sodir bo'ladi. Mavzu

yoki vazifani tushunish uchun bizda yetarlicha oldingi bilimlar bor, lekin uni toʻliq tushunish uchun yetarli emas. Rivojlanish psixologiyasida bu gʻoya proksimal rivojlanish zonasi - bizning tushunchamiz va jaholatimiz oʻrtasidagi joy sifatida tanilgan.

Oʻrganish uchun guruhdan foydalanish

Oʻn yoshli oʻquvchilardan 1 dan 100 gacha ( $1 + 2 + 3 + 4 + 5$  va undan keyingi) har bir raqamni qoʻshishni soʻrashni tasavvur qiling. Ular nazariy jihatdan buni qoʻpol kuch qoʻshish orqali qilishlari mumkin, bu esa ularni zeriktiradi va xafa qiladi.

Buning oʻrniga konstruktivist ilhomlangan oʻqituvchi soʻrashi mumkin: «Buni qilishning tezroq yoʻli bormi?» va «raqamlar namunasi bormi?»

Bir oz yordam bilan, baʼzi talabalar har bir raqam 101 ( $1 + 100, 2 + 99, 3 + 98$ ) ga qoʻshish uchun mos keladigan raqam bilan juftlashishini koʻrishlari mumkin. Ular 50 juft 101 bilan yakunlanadi, bu juda oson va tezroq yigʻindisi  $50 \times 101$ .

Naqsh va oson koʻpaytirish koʻpchilik talabalarga intuitiv ravishda (yoki umuman) kelmasligi mumkin. Ammo oʻqituvchi tomonidan yordam berish ularning mavjud bilimlarini mazmunli oʻrganish tajribasiga - butunlay oddiy muammodan foydalanishga undaydi. Keyin u monoton qoʻshilishdan koʻra kashfiyot jarayoniga aylanadi.

Guruhda har bir talaba berilgan muammoni hal qilish uchun oʻz shaxsiy imkoniyatlarini taqdim etadi.

Tibbiyot talabalari 1960-yillarda AQSh va Avstraliya universitetlarida konstruktivistik pedagogikadan foydalanishni boshladilar. Oʻqituvchilar oʻquvchilarga biror narsani qanday qilishni aniq koʻrsatish va undan nusxa koʻchirish (aniq koʻrsatma sifatida tanilgan) oʻrniga, repetitorlar talabalarni farazlarni shakllantirishga undadilar va ularni bir-birlarini tanqid qilishga yoʻnaltirdilar.

Konstruktivist pedagogika hozir butun dunyo boʻylab oʻqitish uchun umumiy asosdir. U matematika va tabiiy fanlardan gumanitar fanlargacha, lekin turli xil yondashuvlar bilan qoʻllaniladi.

Guruh ishlarining ahamiyati

Konstruktivizmga asoslangan taʼlim usullari, birinchi navbatda, guruh ishlaridan foydalanadi. Asosiy eʼtibor oʻquvchilarning mavzu yoki masala boʻyicha tushunchalarini hamkorlikda shakllantirishga qaratilgan.

Gravitatsiyani oʻrganayotgan fan sinfini tasavvur qiling. Kunning savoli: obʼektlar har xil tezlikda tushadimi? Oʻqituvchi ushbu faoliyatni soʻrash orqali osonlashtirishi mumkin:

- «Biz nimani tushirishimiz mumkin?»
- «Agar biz bir vaqtning oʻzida bu ikkita obʼekt tashlasak nima boʻladi deb oʻylaysiz?»
- «Biz buni qanday oʻlchashimiz mumkin?»

Keyin oʻqituvchi talabalarga ushbu tajribani oʻzlari oʻtkazish imkoniyatini beradi. Bu orqali oʻqituvchilar oʻquvchilarga kontseptsiyani kashf qilishda va oʻz tezligida ishlashda oʻzlarining shaxsiy kuchli tomonlarini mustahkamlashga imkon beradi.



Jismlar har xil tezlikda tushadimi? Tabiatshunoslik darsidagi eksperimentlar, tarix darsida madaniy diqqatga sazovor joylarga ekskursiyalar, ingliz tilida Shekspirni sahnalashtirish - bularning barchasi konstruktivistik taʼlim faoliyatiga misoldir.

Konstruktivistik tamoyillar, tabiiyki, biz oʻqituvchilardan kutgan narsaga mos keladi. Masalan, oʻqituvchilarning kasbiy standartlari ulardan oʻquvchilar bilan xulq-atvorni boshqarish uchun munosabatlarni



o'rnatishni talab qiladi va mutaxassis o'qituvchilar darslarni talabalarning o'ziga xos madaniy, ijtimoiy va hatto individual ehtiyojlariga moslashtiradi.

Aniq ko'rsatma hali ham ko'p hollarda mos keladi - lekin asosiy o'qitish standartlari talabalarning noyob holatlari va imkoniyatlarini tan olishni o'z ichiga oladi.

Konstruktivistik yondashuvni qo'llash talabalarning o'z ta'limlari uchun yanada faol va mas'uliyatli bo'lishlarini anglatadi. 1980-yillardan beri olib borilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, bu ijodkorlikni rag'batlantiradi.

Konstruktivizmni to'g'ridan-to'g'ri foydali o'qitish strategiyalarini ta'minlamaydigan tavsiflovchi nazariya sifatida ko'rish mumkin. Konstruktivizm to'g'ridan-to'g'ri qo'llanilishi uchun juda ko'p ta'lim kontekstlari (madaniyatlar, yosh, mavzular, texnologiyalar) mavjud, deyishlari mumkin.

Va bu haqiqiy konstruktivizm qiyinchilik. Bu ijodiy ta'lim dizayni va darsni rejalashtirishni talab qiladi. O'qituvchi fan sohasi bo'yicha ajoyib bilimga ega bo'lishi kerak, bu esa kengroq umumiy bilimga ega bo'lgan boshlang'ich sinf o'qituvchilari uchun konstruktiv yondashuvni ancha qiyinlashtiradi.

O'qituvchi tomonidan boshqariladigan ta'lim (kontentni aniq o'rgatish) ancha uzoq vaqtdan beri qo'llanilgan va u o'rganishda nuqsonlari bo'lgan talabalar uchun juda samarali ekanligi ko'rsatilgan.

Konstruktivizm uchun asosiy muammo - bu o'rganishga hozirgi natijalarga yo'naltirilgan yondashuv. Muayyan vaqtlarda baholash uchun o'quv dasturi talablariga rioya qilish (masalan, yakuniy testlar) diqqatni talabalarga yo'naltirilgan o'rganishdan va testlarga tayyorgarlik ko'rishdan uzoqlashtiradi.

**ЎҚУВЧИЛАРГА ЯХЛИТ, ТИЗИМЛАШТИРИЛГАН БИЛИМЛАР  
БЕРИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.042>

*Ходжамбердиев Махмуджон Султонбоевич,  
Андижон давлат университети доценти*

**НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ  
УНИКАЛЬНЫМИ, СИСТЕМНЫМИ ЗНАНИЯМИ**

*Ходжамбердиев Махмуджон Султонбоевич,  
доцент Андижанского государственного университета*

**SOME ISSUES OF PROVIDING STUDENTS WITH A UNIQUE,  
SYSTEMATIC KNOWLEDGE**

*Khodjamberdiyev Makhmudjon Sul-tonboevich,  
Associate Professor of Andijan State University*

*Аннотация:* Ушбу мақолада фанлараро ўзаро боғланишининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган бўлиб, ундан бошланғич синфлар табиатишунослик дарсларида фойдаланиб, бизни ўраб олган табиат ҳақида яхлит, тизимлаштирилган, яқунланган билимлар бериш масалалари кўриб чиқилган.

*Калит сўзлар:* фанлараро ўзаро боғланиш, интеграция, дидактик шарт-шароит, ўқув режа, дастур, дарслик, таълим мазмуни, яхлит, тизим.

*Аннотация:* в данной статье рассматриваются вопросы межпредметных связей. Даны некоторые вопросы межпредметных связей при изучении природы для начальных классов.

*Ключевые слова:* межпредметный связь, интеграция, дидактическое условие, учебный план, программа, учебник, содержания, обучения, целостность, система.

*Annotation:* this article deals with the issues of intersubject communications. Some questions of interdisciplinary connections are given when studying nature studies for primary grades.

*Keywords:* interdisciplinary connection, integration, didactic condition, curriculum, program, textbook, content, learning, integrity, system.

Кириш. Ҳозирги кунда умумий ўрта мактаблар олдида турган мақсад вазифалардан бири ўқувчиларга табиат ҳақида, уларда содир бўлаётган воқеликлар, ходисалар ва жараёнларнинг мазмун-моҳиятини атрофлича, яхлит, тизимлаштирилган ахборотлар бериш асосида уларда тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириш асосида уларнинг илмий дунёқарашини таркиб топтириб, кенгайтириб ҳаётга ва амалиётга тайёрлашдан иборат.

Умумий ўрта мактаблар табиий-илмий предметларининг ўзаро боғланиш муаммоси тарихий нуқтаи назардан янги эмас, чунки бу муаммо дидактикани таълим назарияси фан сифатида шаклланаётган даврда пайдо бўлган.

Адабиётлар тахлили ва методологияси. Буюк чет эли педагоглари Я.А. Коменский, И.Г. Пестолитци, Ф.Дистерверг ва бошқаларнинг ишларида, рус таълим назариячилари К.Д.Ушинский, В.Ф. Одоевскийларнинг китоблари ва мақолаларида бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчиларин ўқитиш жараёнида фанлараро ўзаро боғланишни амалга ошириш зарурлигини асослаганлар, чунки бу боғланиш асосида ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ортириш мумкин.

Мазмуни бир-бирига яқин бўлган предметларнинг ўзаро боғлиқлиги

ўқувчиларнинг билимини сифатини оширибгина қолмасдан, балки уларни амалиётга тайёрлашга имкон беради, уларнинг кўп қиррали дунёқарашини ривожлантиради ва материалистик дунёқарашини шаклланишига ёрдам беради.

Фанлараро узаро боғланиш ўқувчиларнинг билиш фаолитини фаоллаштиради, ўқувчиларни ҳар томонлама ривожланишига ёрдам беради, фанларнинг турли соҳаларида дунёқарашини кенгайтиради, энг асосийси табиат ва жамият ходисаларини тушунишда диалектик ёндошишини шакллантиради.

Фанлараро ўзаро боғланишни тадқиқ қилиш бўйича қатор мақола ва диссертациялар ҳимоя қилинган бўлиб, бу ишларда унинг мазмун моҳиятини очишга ҳаракат қилиб кўрилган. Масалан, фанлараро ўзаро боғланиш бу ўқувчиларда табиат ходисаларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги материалистик тушунчани шакллантириш воситасидир (В.П.Шуман), фанлараро ўзаро боғланиш таълим мазмунининг ўзига хос конструкцияси, шунингдек, билимлар қўшилиши (интеграция)нинг дидактик воситаси ҳисобланади (Н.С.Антонов), фанлараро ўзаро боғланиш дастур материални чуқур ўзлаштириш –ўқитувчи ваўқувчи ишининг тизими бўлиб, бунда ўқувчиларнинг билим олиш жараёнида бир-бирига яқин предметларнинг мазмунидан фойдаланилади (П.Г.Кулагин).

Мухокама. Мазмуни бир-бирига яқин бўлган предметларнинг ўзаро боғлиқлиги ўқувчиларнинг билимини сифатини оширибгина қолмасдан, балки уларни амалиётга тайёрлашга имкон беради, уларнинг кўп қиррали дунёқарашини ривожлантиради ва материалистик дунёқарашини шаклланишига ёрдам беради.

Фанлараро ўзаро боғланиш- таълим мазмунининг хусусиятларидан бири бўлиб, ўқув дастурларининг мувофиқлаштиради ва таълим жаранида тизимлилик тамойилида намоён бўлади.

Фанлараро ўзаро боғланишни дидактик шарт-шароит деб тушунилиб, фанлараро ўзаро боғланиш тўғри қўйилганда нафақат ўқув жараёнини тўғри тизимлашга ва ўқувчилар томонидан ўзлаштирган билимларни мустаҳкамлигини оширади, ўқувчиларни ўқишга қизиқишлари, назариялар, илмий тушунчалари билан муносабатда бўлишлигини таъминлайди. Натижада билимлар нафақат ойдинлашади, умумлашади ва уларни амалиётда қўллашга имкон яратади. Шунинг билан бирга фанлараро ўзаро боғланиш ўқув вақтидан самарали фойдаланишга имкон беради.

Фанлараро ўзаро боғланишни амалга ошириш дидактик шарт-шароит ҳисобланиб, биринчидан, ўқув материали мазмунига илмий тушунчалар, қонунлар, назариялар моҳиятини очиб бериш мақсадида, иккинчидан уларни таълим методларида (кузатиш, ўқув тажрибалари ва бошқалар), шунингдек ўқувчилар билимини бир фандан бошқасига кўчишида ва қўлланилишида мақсадли ва кетма—кет киритилади.

Агар табиий—илмий фанлар, фанлараро ўзаро боғланиш билан бошқарилса, табиатни объектив ҳаракатдаги ўзаро боғланишлар яққол ифодаланади, ҳар томонлама очилади ва ўқувчиларга табиат диалектикасини билиш имконияти туғилади.

Кўпчилик фанлараро ўзаро боғланишни тадқиқ қилаётган олимлар вақтга боғлиқ равишда қуйидагича синфлашни таклиф қилдилар.

1) ўзидан олдинги фанлараро боғланиш- бу боғланишда бир-бирига яқин бўлган предметлардан олган аввалги билимларни эслаб тикланади.

2) ёндош фанлараро ўзаро боғланиш -бу боғланишда бир-бирга яқин бўлган предметларнинг бўлимлари ва мавзулари тушунчалари бир вақтнинг ўзида ёки яқин бўлган вақтда боғланади.

3) Келажакда (бўлажак) фанлараро ўзаро боғланиш.

Бу боғланишда яқин келажакда ўрганиладиган бўлим ёки мавзунинг у ёки бу тушунчасини моҳиятини очишда бир-бирига яқин бўлган предмет материалидан фойдаланилади. Келажакда бўладиган боғланиш муаммоли характерга эга бўлиб, ўқувчилар олдида у ёки масала бўйича ҳали ечилмаган муаммо туради.

Натижа. Ўқув жараёнида фанлараро ўзаро боғланиш тартибсиз юзага келавермайди ва юзага келиши ҳам мумкин эмас. Уларни аввало аниқлаш керак ва мақсадли табиий-илмий фанлар мазмунига киритиш керак (дастур ва дарсликларга), кейин эса дарс давомида ёритилади. Шунинг билан бирга фанлараро ўзаро боғланиш юқори илмий савияда киритилиши ва ўқувчиларга содда, тушунарли тилда етказилиши керак бўлади.

Таълимда фанлараро ўзаро боғланишнинг методик асоси бўлиб асосий фанларни ўзлаштиришда предмет ичидаги ва фанлараро ўзаро боғланишни ўрнатиш ва улар асосида мавжуд дунёнинг қонуниятларини тушуниш ҳисобланади. Бу эса турли фанларда аввалги ўтилган тушунчаларни чуқурлаштириш ва бойитиш асосида бу ёшдаги болалар имкониятига мос ҳолда тушунчаларнинг асосий белгиларини кенгайтирилган ҳолда берилади.

Ҳозирги вақтда бошланғич мактабларда фанлараро боғланиш ҳақида жуда ҳам кўп мунозаралар мавжуд. Бу ўз-ўзидан тушунарли, чунки кичик ёшдаги ўқувчилар бизни ўраб олган дунёни бир бутун яхлитлигича қабул қилади. Бу ёшдаги ўқувчилар учун уларга ўқитилаётган предметларнинг номи –табиатшунослик ва ўзбек тили, мусиқа ва бошқалар қизиқтирмасдан, атроф муҳит объектларининг кўп хиллиги ва улардаги товушлар, ранглар, уларнинг катталиклари асосий роль ўйнайди.

Бошланғич мактабда умумий таълим асос солинадиган кўпгина тушунчалар ўтувчан бўлади ва табиатшунослик, ўзбек тили, тасвирий санъат ва бошқаларда кўриб ўтилади.

Ҳозирги вақтда фанлараро дарслар тизимини ишлаб чиқиш ва синаб кўриш маънога эга бўлиб, уларнинг психологик ва методик асоси бўлиб қатор ўқув предметлари учун ўтувчи ва умумий бўлган тушунчалар ўртасидаги боғланишни ўрнатиш ҳисобланади.

Фанлараро ўзаро боғланишнинг мақсади бошланғич синфлардаёқ табиат ва жамият ҳақида яхлит тасаввурлар асосини яратиш ва улар қонунларини ривожлантириш ҳақида мустақил муносабатларини шакллантиришдан иборат бўлади. Мана шунинг учун ҳам кичик мактаб ёшдаги ўқувчилар учун нарсалар ва ҳодисалар турли томондан мантиқ ва эмоционал нуқтаи назардан кўриш мумкин бўлади.

Фанлараро ўзаро боғланишни дидактик нуқтаи- назардан, яъни дидактиканинг асосий муаммоси –таълим мазмуни асосида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Агар табиий–илмий фанлар фанлараро ўзаро боғланиш билан бошқарилса, табиатни объектив ҳаракатдаги ўзаро боғланишлар яққол ифодаланади, ҳар томонлама очилади ва ўқувчиларга табиат диалектикасини билиш имконияти туғилади.

Булардан фанлараро ўзаро боғланишга қуйидагича таъриф бериш мумкин: табиатда рўй бераётган объектив ва ўзаро боғланишларни мактаб табиий-илмий предметлар мазмунида кетма-кет акс этишини таъминловчи дидактик шарт-шароитлар ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Қисқа қилиб табиатшунослик предметида фанлараро ўзаро боғланиш физика, кимё, биология курсларининг мазмуни акс этиб, бу фанларни ягона табиий–илмий циклга айлантиради ва ўқувчиларда илмий тушунчалар ва ўрганилаётган назарияни чуқур эгаллашларини таъминлашни, илмий-материалистик дунёқарашни шакллантиради.



Бу фаннинг асосий вазифаси- табиат қонунларининг билиш ҳисобланади. Шунга мос ҳолда мактабнинг предмети физика, кимё ва бошқа фанларнинг асоси ҳисобланиб ўзининг мазмунида табиатда объектив боғланишларни акс эттиради.

Биз кейинги мақолаларимизда бошланғич синф ўқувчиларига табиатшунослик предметининг мазмунини тушунтиришда фанлараро ўзаро боғланишнинг моҳиятидан фойдаланиб, уларда бизни ўраб олган табиат ҳақида, дастлабки яхлит, тизимлаштирилган, атрофлича билим, кўникма ва, малакалар шакллантириш масалаларини кўриб ўтамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Система межпредметных связей по предметам естественно-математического цикла. Сборник научных трудов НИИСиМО. Москва 1981г.

2. А.Бахрамов,Ш.Шарипов,М.Набиева .Умумий ўрта мактаблар бошланғич синфлари учун Табиатшунослик дарслиги.Тошкент 2020 й.

3. М.С.Ходжамбердиев. Фанлараро ўзаро боғланишининг баъзи масалалари.Замонавий узлуксиз таълимни рақамлаштириш .Республика илмий –амалий анжуман.Андижон 2022 йил.



**PISA ASSIGNMENTS AS A MEANS OF TESTING AND EVALUATING STUDENTS' KNOWLEDGE**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.043>

*Melikuziev Dadakuzi Jurakuzievich,  
Teacher of Kokand SPI Faculty of Physics and Mathematics  
Department of Physics and Astronomy*

**ЗАДАНИЯ PISA КАК СРЕДСТВО ПРОВЕРКИ И ОЦЕНКИ ЗНАНИЙ СТУДЕНТОВ**

*Меликузиев Дадакузи Джуракузиевич,  
Преподаватель Кокандского ГПИ физико-математического  
факультета, Кафедра физики и астрономии*

**PISA TOPSHIRIQLARI – O'QUVCHILARNING BILIMLARINI TEKSHIRISH VA BAHOLASH VOSITASI SIFATIDA**

*Meliqo'ziev Dadakuzi Jurakuzievich,  
Qo'qon DPI fizika-matematika fakulteti o'qituvchisi  
Fizika va astronomiya kafedrasida*

*Annotation: This article discusses about PISA assignments as a means of checking and evaluating students' knowledge. Quality teaching and the proper use of knowledge in practice are key requirements of education today, and this article provides examples of the PISA task as a means of testing students' knowledge of physics.*

*Keywords: PISA, natural sciences, creative thinking, amount of heat, mass, fuel, specific heat of combustion of fuel, assignment, physics, evaluation*

*Аннотация: В данной статье рассматриваются задания PISA как средство проверки и оценки знаний учащихся. Качественное преподавание и правильное использование знаний на практике являются ключевыми требованиями образования на сегодняшний день, и в данной статье приведены примеры выполнения задания PISA как средства проверки знаний учащихся по физике.*

*Ключевые слова: PISA, естественные науки, творческое мышление, количество теплоты, масса, топливо, удельная теплота сгорания топлива, задание, физика, оценка*

Ўқитиш методикаси ўқувчиларнинг билим ва малакаларини ўзлаштиришдаги ҳаракатини фаоллаштиришга ёрдам бериши лозим. Ўқитиш усуллари ўқувчиларга улар ўрганадиган ўзлаштирган ўқув материали ҳақида тушунча бериши керак. Бу талабларнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги шундаки агар ўқувчилар ўқув материални тушунмасалар, ўзлаштириш жараёнида фаол бўла олмайдилар, шу билан бирга, агар улар ўқув материални ўзлаштиришда фаол иштирок этмасалар, керакли даражада тушуна олмайдилар.

Ўқув материални ўзлаштириш ва кейинчалик олинган билимларни амалий ва кундалик фаолиятда қўллаш қобилиятини шакллантириш лозим. Ўқув материални чуқур ўзлаштиришни таъминлаш ўқувчиларнинг билим олишига уларнинг билиш қобилиятларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Ўқувчиларнинг ўқув материални тушуниши анча мураккаб ва узок давом этадиган жараён бўлиб уни дарс мавзуси бўйича асосий тушунчаларни ўзлаштиришдан бошлаш, аста-секин мавзу ёки ҳодисанинг энг муҳим томонларини ўрганишга ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги кунда ўқитиш усуллари танлаш қоидалари педагогик амалиётни ўрганиш ва педагогик тажрибани умумлаштириш асосида ишлаб чиқилган.

Ўқитиш усуллари танлаш қуйидагиларга боғлиқ:

Умумий таълим мақсади: ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш мақсадлари.

Замонавий дидактиканинг асосий тамойиллари: муайян ўқув фанининг,



мавзунинг ёки бўлимнинг ўқитиш хусусиятлари, мазмуни, усуллари, воситалари ва бошқалар.

Ҳар бир ўқув фанини ўқитишнинг методик хусусиятлари: метод ва ўқув қўлланмаларини танлашга қўйиладиган ўзига хос талаблар.

Ўқитувчи томонидан қўйилган дарснинг мақсади: кўзланган мақсадга эришиш бўйича вазифалар ҳамда ушбу дарснинг мазмуни, ўқув фани, бўлим ёки мавзунини ўрганиш учун ўқув режасида ажратилган вақт миқдори.

Ўқувчиларнинг ёши, жисмоний ва психологик имкониятлари, уларнинг индивидуал хусусиятлари. Таълим, тарбия ва умумий ривожланиш каби мезонларни ўз ичига олган ўқувчиларнинг дастлабки тайёргарлик даражаси.

Таълим муассасасининг моддий-техник ва услубий жиҳозланиши. (ўқув-услубий адабиётлар, кўргазмалар, қуроқлар ва ҳ.з)

Ўқитувчининг касбий тайёргарлиги. Маҳорат даражаси, педагогик қобилияти, шахсий хусусиятлари.

Ўқитувчи педагогик фаолияти мақсадлар, мотивлар, ҳаракатлар ва натижалар бўлган тизимдир. Н.В.Кузмина педагогик фаолиятда ўзаро боғлиқ учта компонентни ажратиб кўрсатади: конструктив, ташкилий ва коммуникатив. Ўқитувчи муваффақиятли фаолияти учун педагогик фаолиятнинг ушбу функционал турларини амалга ошириши зарур.

Конструктив фаолият конструктив таркиб- ўқув материални танлаш тузиш, режалаштириш қилиш; конструктив-оператив-ўз ҳаракатлари ва ўқувчилар ҳаракатларини режалаштириш; конструктив-материал-педагогик жараённинг ўқув ва моддий базасини лойиҳалаш [6;21] лардан иборат.

Ташкилий фаолият ўқувчиларни турли фаолият турлари, синф жамоасини ташкил қилиш, жамоани яратиш каби ҳаракатлар тизимини амалга оширишни ўз ичига олади. Коммуникатив фаолият ўқувчи ва ўқитувчи, жамоатчилик вакиллари ва ота-оналар билан мақсадга мувофиқ муносабатларни ўрнатишга қаратилган. Фан самарадорлигини таъминлашда ўқитиш усуллари кетма-кетлигини танлаш ўқитувчи томонидан маълум бир кетма-кетликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу қоидага риоя қилиш барча усуллари муваффақиятли ишлаши учун зарурий ҳисобланади.

Рус олими А.И.Шчербаков ўқитувчи асосий функциялари компоненти сифатида конструктив, ташкилий ва тадқиқотчилик функцияларини кўрсатади. Ушбу функциялардан тадқиқотчилик функциясига алоҳида урғу беради.

Ҳар бир педагог-ўқитувчи педагогик ҳодисаларга илмий ёндашиши, билим ва малакасини ривожлантиришда илмий ва педагогик тадқиқот усуллари таяниши, бошқа ўқитувчилар, шу жумладан ўз тажрибасини таҳлил қилиб бориши лозимлигини таъкидлайди. Ҳақиқатдан ҳам ўқитувчи доимий равишда ўз устида мунтазам ишлаши билим ва малакаларини ошириб бориши даркор. Педагогик фаолиятнинг конструктив компонентларига ички ўзаро боғланган аналитик, башоратли ва проектив функциялари киради. Фаолиятнинг барча таркибий қисмларини амалга ошириш ўқитувчидан махсус педагогик маҳоратни талаб қилади.

Хулоса ва тақлифлар: Ўқитувчилик касбига қўйиладиган энг муҳим талаблардан бири ижтимоий ва касбий позициясининг аниқлигидир. Ўқитувчи позицияси бу - дунёга, педагогик воқеликга ва педагогикага бўлган интеллектуал, иродали, ҳиссий жиҳатдан баҳоловчи муносабатлар тизимига айтилади. Ушбу талаблар бир томондан жамият унга тақдим этган имкониятлар билан белгиланса, иккинчи томондан эса фаолиятнинг ички шахсий манбалари - ҳаракат, тажриба, мақсадлар, унинг қадриятлари, дунёқараши ва идеаллари билан белгиланади. Ўқитувчининг позицияси унинг шахсиятини,



ижтимоий йўналишининг табиатини очиб беради. Ўқитувчининг ижтимоий мавқеи фуқаролик ҳатти-ҳаракати, қарашлар ва эътиқодлар тизимидан келиб чиқади. Ўқитувчининг ижтимоий мавқеи кўп жиҳатдан касбий мавқеини белгилайди. Ўқитувчининг касбига мотивацион-қийматли муносабати ўқитувчи шахсининг ўзагини ташкил қилади. Умумтаълим мактабларида “Тарбия” фанининг жорий қилиниши давр талаби ва эҳтиёжи билан бевосита боғлиқ. Ушбу фан бошқа фанлардан кучли интеграцилашган фанлиги билан ажралиб туради. Ўқувчиларни ақлий, руҳий, интеллектуал, ахлоқий, диний, жисмоний, иқтисодий, эстетик (ва ҳ.з) тарбиялашни ўз ичига олган “Тарбия” фани бўлғуси фан ўқитувчиларига юқори талабларни қўяди. “Тарбия” фани ўқитувчиси юксак маънавиятли, касбий қобилиятли ва кенг тафаккурга эга бўлиши талаб қилинади. Сабаби фан фалсафа, ахлоқ, дин, этика, эстетика, психология ва тадбиркорлик каби кўплаб фанлар уйғунлигидан иборат. Демак “Тарбия” фани ўқитувчиси замонавий педагогика талабларига жавоб бера олиши, жамият талабларига мос келажак авлодни тарбиялашда маъсулиятли, руҳан, маънан соғлом, кенг тафаккурли бўлиши лозим. Ушбу масалада олий таълим тизими ўз ижтимоий буюртмачиси бўлган умумтаълим мактабларига етук, маъсулиятли кадрларни таъминлаш масаласига маъсулдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31-декабрдаги И 059-сонли қарорига 1- илова. ҚҲММБ: 09/20/1059/0017-сон. 03.20.2020.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 7.07.2020. санасидаги 422-сонли қарори. <https://lex.uz/ru/docs/4885018>

Голованова Н.Ф. Педагогика. 2018. <https://studme.org/297874/>

Рожков М. И. Организация воспитательного процесса в школе [Текст]: учеб. пособие для студентов вузов / М. И. Рожков, Л. В. Байбородова - Москва: ВЛАДОС, 2000. - 254 с.

Сумина Т.Г. Теория воспитательной работы. Курс лекция. Екатеринбург. РГППУ. 2010. -С. 99.

Тоштемирова С.А. Кластер ёндашуви асосида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш /пед. фан. фалсафа док. дисс. (PhD). Чирчиқ. 2021. -Б. 160.

Хўжамкулов У.Н. Педагогик таълим кластерининг илмий-назарий асослари// пед.фан. док. дисс. Чирчиқ. 2020.- Б. 277.

<https://spravochnik.ru/pedagogika/teoriya-obucheniya/trebovaniya-k-metodam-obucheniya-vybor-metodov-obucheniya/>

Кошанова Н.М. Умумтаълим мактабларида синф раҳбарлари фаолиятини ривожлантириш механизмлари (кластер ёндашуви асосида) пед. фан. фалсафа док. дисс. (PhD). Чирчиқ. 2022. - Б. 160.

## ТАЪЛИМ СИФАТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.049>

*Илмуродова Феруза Шокировна,  
Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани 275-сонли мактаби  
Тарих фани ўқитувчиси*

*Аннотация. Ушбу мақолада таълим сифатига таъсир этувчи омиллар, унинг таркиби ва мазмунини такомиллаштиришга нисбатан янги ёндашувларнинг татбиқ этилиши, таълим кластерининг илмий-педагогик жиҳатлари, бу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтириб ўтилган ҳамда таълим сифати самарадорлигига оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар тақдим этилган.*

*Калит сўзлар: модернизация, таълим сифати, инновацион ёндашув, кластер, педагогик таълим кластери, омиллар, танлов назарияси, инсонпарварлаштириш, демократлаштириш, индивидуаллаштириш, стандартлаштириш.*

## ФАКТОРЫ ВЛИЯЮЩИЕ НА КАЧЕСТВО ОБРАЗОВАНИЯ И ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ К ПОВЫШЕНИЮ ЕГО ЭФФЕКТИВНОСТИ

*Илмуродова Феруза Шокировна,  
Учитель по истории школы № 275 Мирзо -Улугбекского района  
г.Ташкента,*

*Аннотация. В данной статье представлены факторы, влияющие на качество образования, реализация новых подходов к совершенствованию его структуры и содержания, научно-педагогические аспекты образовательного кластера, результаты исследований и предложения и рекомендации по повышению качества образования.*

*Ключевые слова: модернизация, качество образования, инновационный подход, кластер, кластер педагогического образования, факторы, теория выбора, гуманизация, демократизация, индивидуализация, стандартизация.*

## FACTORS AFFECTING THE QUALITY OF EDUCATION AND INNOVATIVE APPROACHES TO INCREASE ITS EFFICIENCY

*Ilmurodova Feruza Shokirovna,  
Teacher of history at school N 275 of Mirzo Ulugbek district of Tashkent*

*Abstract. This article presents the factors affecting the quality of education, the implementation of new approaches to improving its structure and content, the scientific and pedagogical aspects of the education cluster, the results of research and suggestions and recommendations to improve the quality of education.*

*Keywords: modernization, quality of education, innovative approach, cluster, pedagogical education cluster, factors, choice theory, humanization, democratization, individualization, standardization.*

*Кириш. Республикамиз таълим тизимида кўплаб ислохатлар кадрлар тайёрлаш соҳасида таълим турлари ўртасида алоқа ва узвийлик таъминланишидаги камчиликларни бартараф этишга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда кадрлар тайёрлаш бўйича давлат сиёсатида ҳудудларнинг*

ижтимоий-иқтисодий ўзига хослиги ва талаб ҳамда эҳтиёжларининг тўлиқ ҳисобга олинмаслиги, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг чуқур ўрганилмаслиги натижасида кадрларнинг ҳудудлар кесимидаги тақсимоотида мувозанатнинг бузилиши билан боғлиқ камчиликлар кузатилди. Бунга айрим ҳудудларда педагог кадрларга бўлган эҳтиёжнинг йиллар давомида қондирилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Тизимдаги бу каби камчиликларни бартараф этиш мақсадида кейинги йиллар мобайнида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларига оид бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Интеллектуал салоҳияти юқори бўлган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвийлик ва алоқадорлик мустаҳкам йўлга қўйилса, бу йўналишда малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда мамлакат иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мумкин бўлади. Айниқса узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришда янги механизмларнинг яратилиши бугунги глобаллашув жараёнларининг ҳаётий заруратига айланди ва бу ўз навбатида таълим сифати самарадорлигини ошириш, уни модернизация қилишни тақозо этади.

Адабиётлар таҳлили. Муаммо бўйича хорижий тажрибани тизимли таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, кластер ёндашуви асосида таълимни ривожлантириш 1990 йилларда М.Портер томонидан ишлаб чиқилган кластер назарияси ва ривожланишининг амалий натижаси сифатида Европада бошланган [1]. “Cluster Initiative GreenBook” монографиясининг муаллифи томонидан ўтказилган дунёнинг турли мамлакатларидаги икки юздан ортиқ кластерларни ўрганиш шуни кўрсатдики, инновацион фаолият ва технологияларни тарқатиш кластерлар фаолиятининг энг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади [2].

Илмий адабиётларни таҳлил қилиш асосида Россия Федерациясида таълимни ривожлантиришга кластер ёндашуви индивидуал субъектлар ва умуман кластер иштирокчиларининг ўзига хос афзалликларини кучайтирадиган ижтимоий ҳамкорлик асосида амалга ошириладиган кластер субъектларининг ўзини ва ўзаро ривожлантиришга асосланган (Т. И. Шамова [3], Е. И. Павлова [4]). Рус тадқиқотчиси В.А.Болотовнинг фикрича, кластер доирасида юқори синф ва касб-хунар коллежлари, болалар боғчаси ва қуйи синфлар, коллеж ўқитувчилари ва мактабларнинг ихтисослаштирилган синфлари ўқитувчиларининг ўзаро дарс бериш имкониятини яратиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади. Таълим кластерлари тизими болага ёшлигидан ривожланиш векторини топишга ва келажакда юқори малакали мутахассис бўлишига ёрдам беради [5].

Узлуксиз педагогик таълим ўқув-илмий инновацион кластерининг концептуал ва назарий-методологик ёндашуви таниқли беларусь олимлари А.И.Жук ва А.В.Торховалар томонидан ишлаб чиқилган [6]. Сифат, замонавийлик, очиқлик, узвийлик ва узлуксизлик узлуксиз педагогик таълим ўқув-илмий инновацион кластерининг ўзига хос афзал жиҳатларини ташкил қилади.

Таълим тизимини замонавийлаштириш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда унинг асосий тамойиллари, ғоялари, услубий ёндашувлари ва кўрсатмалари бўйича бир қатор ўзбек олимлар, жумладан, У.Ш.Бегимқулов, О.Мусурмонова, М.С.Мустафаева, Б.Р.Адизов, Р.Ш.Ахлиддинов, Ю.Н.Абдуллаев, М.Х.Маҳмудов, Р.Ишмуҳаммедов, Л.В.Голиш каби тадқиқотчилар ўз илмий изланишларида биз кўтариб чиқаётган таълим сифатини такомиллаштиришдаги муаммолар, усул ва воситаларни илмий ва амалий жиҳатдан асослаб, таълимни ижодий ташкил этиш, умумий



ўрта таълимни такомиллаштириш, таълимни демократлаштириш ва бошқа хусусиятлар бўйича изланишлар олиб борган [7].

Ўзбекистон таълим тизимида кластерлаштириш моделини татбиқ қилиш эса сўнгги йилларда кўзга ташланмоқда, айниқса, У.Н.Ҳоджамқулов [8], С.А.Тоштемирова [9], А.Боймуродов [10], Ш.И.Ботирова[11], Д.Қаршиева[12], Г.Н.Шарипова[13], Н.М.Кошанова[14] ва бошқа кўплаб ўзбек тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида педагогик таълим кластери асосида минтақавий таълим турлари ўртасидаги узвийликни таъминлаш, сифат самарадорлигини ошириш, малакали кадрлар тайёрлаш бўйича инновацион ғоялар жорий қилишнинг илмий-назарий асосларини яратиш ва уларнинг амалий татбиғи борасида самарали тажриба таҳлиллари баён қилинган.

Натижа ва муҳокама. Таълим сифати самарадорлигини ошириш кенг жамоатчилик билан боғлиқ жараён бўлиб, бунда мавжуд вакиллик органларининг ўрни муҳимдир, улар томонидан сифатли таълимни самарали таъминлаш режаларини ишлаб чиқиш, умумий ўрта таълим муассасаларини жиҳозлар ва керакли ахборот ресурслари билан таъминлаш, сифатли таълимга тўсқинлик қилувчи омилларни ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш асосий усуллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Таълим сифати таълимнинг мақсади ва стратегияси билан узвий боғлиқдир, ваҳоланки, бугунги кунда умумий ўрта таълим муассасалари таълимида аниқ белгиланган мақсаднинг йўқлиги, унинг ноаниқлиги ва анъанавий таълим стратегиясининг сақланиб қолинганлиги унинг самарадорлигини янада пасайишига олиб келмоқда. Чунки таълимнинг анъанавий стратегияси ўсиб бораётган инсоннинг умумий ва махсус қобилиятларини ривожланишига тўсқинлик қилади, бу эса таълимда кўплаб йўқотишларга олиб келади, айниқса, умумий ўрта таълим битирувчиларининг кейинги ижтимоий мослашуви имкониятларини камайтиради.

Таълим жараёнининг сифат самарадорлигини оширишга бир қатор омиллар таъсир кўрсатмоқда, жумладан:

ҳар бир ўқувчи учун унинг қобилияти ва қизиқишини ҳисобга олган ҳолда таълимни ривожлантиришнинг универсал психологик ва педагогик назариянинг йўқлиги;

умумий ўрта таълим мактабларининг репродуктив таълим технологиялари оммавий амалиётида фикрлашнинг самарали турларини ривожлантириш эмас, балки тайёр билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган технологияларни сақлаб қолинганлиги;

ўқитувчиларнинг иқтидорли болалар билан ишлаш бўйича назарий жиҳатдан йўналтирилмаганлиги, улар томонидан болаларнинг қобилиятига нисбатан когнитив фаоллиги даражасига етарлича баҳо берилмаслиги;

таълимнинг ижтимоий мотивациясининг пасайиши ва умуман жамиятнинг маънавий маданияти [15].

Олиб борилаётган тадқиқот давомида таълим сифатига таъсир этувчи юқорида аниқланган омиллар таҳлили ва уни ҳал қилиш усуллари тақдим этилади.

Таълим тизимини замонавийлаштиришда янгича инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш жамиятнинг пировард мақсадларидан бири бўлиб келмоқда. Ваҳоланки, таълим тизимида бу каби амалиётларни ривожлантириш мураккаб иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий бошқарувни ташкил этиш билан бошланади. Айнан бу жараён таълим тизимини кластерлаштиришни талаб қилади. Шу ўринда бугунги кунга келиб таълимга нисбатан қўлланилиб келинаётган кластер терминининг моҳиятига тўхталиб ўтсак, кластер бу - ўзаро боғланган ташкилотлар, ихтисослашган етказиб берувчилар, тегишли тармоқлардаги фирмалар ҳамда

уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ташкилотларнинг жўғрофий белги бўйича бирлаштирилган гуруҳидир. Таълимга нисбатан эса кластер модели таълим-фан-ишлаб чиқариш тизимида инновацияларни қўллаб-қувватлашни шакллантириш воситаси [16], рақобатбардош самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган соҳа (таълим, иқтисодиёт ва б.)лар бирлашишининг ташкилий шакллари кучайтириш механизmidир.

Маълумки, ўқитувчилар сифатли таълим беришда асосий иштирокчилар бўлиб, шу сабабли биринчи навбатда, сифатли таълимни таъминлашда уларнинг билимини ошириш, меҳнат фаолиятлари давомида уларни рағбатлантириб бориш ва тоифаларни оширишга кўмаклашадиган малакаларни ривожлантириш муҳимдир.

Таълим сифати муаммоси шахснинг баркамоллик сифати муаммоси билан ҳамда унинг ижтимоий тараққиётни жамият тараққиётининг омили сифатида шакллантирувчи таълим интеллектини шакллантириши билан узвий боғлиқдир. Таълим сифатини таъминланишида танлов назарияси муҳим саналиб, бу орқали ўқувчи рағбатлантирилади, яъни ўқувчи мактабда ўзига хос бўлган сифатли мавжудлик ва унга эришишга олиб келадиган фаолиятни танлаш имкониятига эга бўлади. Ўқитувчи ўқувчига ўқитиш ва ўрганиш вазиятларида тасаввур қилишга ёрдам беради. Танлов назариясининг яна бир муҳим жиҳати таълим жараёнидаги қийин вазиятларда ҳам ўқувчиларни мажбурламасдан уларни бошқаришнинг самарали усуллари орқали яхши натижаларга эришилади. Бошқача қилиб айтганда, танлов назарияси орқали ўқитувчилар ўқувчиларнинг эҳтиёжига қараб нималарга кўпроқ эътибор қаратишни билиб олиши мумкин.

Шу билан бирга танлов назариясининг заиф томонлари ҳам мавжуд бўлиб, бу биринчи навбатда, ўқитувчининг масъулияти ва ўқувчининг ҳатти-ҳаракати ўртасидаги зиддиятда ўз аксини топади. Ўқитувчи мактабда ўқувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган муҳит яратишга масъулдир, лекин баъзан ўқувчилар ўз ҳатти-ҳаракатларини ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб танлайдилар, кўп ҳолларда бу танлов таълим сифатига салбий таъсир этиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатларни вужудга келмаслиги учун ўқитувчи ўқувчини танлов назариясида нималар муҳимлиги, ўзини-ўзи ривожлантиришга хизмат қиладиган танловларни танлаш бўйича тавсиялар бериши мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларида ўқувчини соғлом ва ижодий шахс сифатида ривожлантиришга қаратилган мактаб таълимининг янги тушунчалари зарурдир. Таълим сифати масаласини ўрганишда ўқитувчиларнинг ўзлари мактаб таълими сифати ҳақидаги фикрларини ўрганиши жуда муҳим бўлиб, бу уларнинг малакасини ошириш жараёнининг мақсади ва мазмунини мослаштиришга имкон беради.

Таълим сифатини кўрсатувчи биринчи асосий эътибор қаратилган жиҳат битирувчиларнинг олий ўқув юртларига кириш даражаси, билим даражаси, натижаси билан белгиланади. Аксарият ўқитувчиларнинг таъкидлашича, таълим сифати бу ўзини-ўзи ўқитиш ва таълимни олий ўқув юртларида давом эттириб, қўшимча таълим олиш учун етарли бўладиган билимлар йиғиндисидир, таълим сифати бу ўқув фанлари бўйича юқори даражадаги билим, олий ўқув юртларига киришда рақобатга бардош берадиган билимларни ҳаётда қўллаш қобилиятидир, шу билимларни қўллаш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантиришдир.

Таълим сифатини белгилаб берувчи кейинги хусусият сифатида интеллектуал ривожланиш, таълим ва ўз-ўзини ўқитиш мотивацияси, ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилияти билан белгиланиши муҳимлигини эътироф этиш мумкин. Таълим сифати интеллектуал ривожланишнинг



юқори қобилиятини ўз ичига олиши, ўқувчининг ижодий салоҳияти, олинган билимларни таҳлил қилиш, таққослаш ва уни қўллаш қобилиятининг муҳимлиги таълим сифатига таъсир кўрсатади. Юқори интеллектуал қобилият мустақил ижодий фаолият учун муҳим бўлиб, бу ўқувчининг таълим сифати маданиятини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга эканлиги бўйича фикрлар баён этилган.

Таълим сифатини таъминланишида ўқув жараёнининг сифати муҳимлиги кейинги хусусият сифатида баҳоланади. Таълим сифатини таъминлашда ўқитувчининг профессионаллиги, замонавий технологиялар ва ўқув жараёнини замонавий усулларда олиб бориш, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишда ўқитувчининг етарли қобилиятга эга эканлиги, тегишли кўрсатма ва тавсиялар бериш қобилиятининг мавжудлиги, дарс жараёнларининг олиб борилишида ўқитувчининг ҳақиқий бошқарувчилик маҳорати муҳимлиги эътироф этилган.

Ўқувчининг ижтимоий ва шахсий ривожланиши эса таълим сифатини таъминлашдаги кейинги ўринда белгиланган хусусиятлар сирасига тўғри келади. Натижалар таҳлилига кўра, инсонда доимий яхши томонга ўзгариш истаги, ҳаётда юқори натижага эришиш учун ҳаракат қилиш қобилияти, инсондаги масъулият, мавжуд тизимга мослашувчанлик, ўз позициясини ақл билан бошқариш ва ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш қобилияти, ўқувчининг шахс сифатида ўзини-ўзи англаш қобилияти каби хусусиятлар таълим сифатини таъминлашда муҳим саналади.

Таълим сифатини таъминлашга катта аҳамият берадиган хусусиятлардан ҳисобланган таълимни инсонпарварлаштириш, демократлаштиришга ҳам катта эътибор бериш зарур. Бугунги кунда ўқитувчи ўқувчини доимий сиқувда, мажбуриятда ушлаб туриш, талабаларни кучайтириш орқали таълим сифатини ошириши мумкин мазмунидаги ҳаракатлар таълимни замонавийлаштиришга катта тўсиқ бўлиб келмоқда.

Таълимни замонавийлаштиришга, унинг сифатини таъминлашга тўсиқ бўлаётган омиллар турлича бўлиб, айнан шу йўналишда тадқиқот олиб борган изланувчилар томонидан унинг турли жиҳатларига эътибор қаратилмоқда: маънавиятнинг йўқлигига, кадриятларнинг инқирози, профессионалликнинг етарли даражада эмаслиги, минтақада таълим тизимида мутахассисларнинг камлиги, битирувчиларнинг ижтимоий шароитларга мослаша олмасликлари, минтақавий ривожланишга таъсир кўрсатадиган ихтисосликларни шакллантиришга аҳамият берилмаслиги, вакиллик органлари, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг кенг йўлга қўйилмаганлиги каби омилларни келтириб ўтиш мумкин.

Тақлиф ва хулосалар. Умумий ўрта таълим муассасалари учун энг муҳим умумий мақсад алоҳида бўлган элита гуруҳларни шакллантириш ва улар билан янада кўпроқ иш олиб бориш эмас, балки, ҳар бир шахс учун сифатли ҳаётни таъминлашда, касбий жиҳатдан ўзини-ўзи белгилайдиган, зарур вазиятларда ҳатто касбини ўзгартиришга қодир бўладиган шахснинг ижтимоий ва касбий ҳаракатчанлигини таъминлайдиган, жамиятдаги янги ижтимоий ўрин ва вазифаларни тез ўзлаштира оладиган рақобатбардош шахсларни шакллантиришдан иборат бўлиши керак. Буни амалга ошириш учун умумтаълим мактабларида сифатли таълимни таъминлашда қуйидаги тақлифларни тақдим қиламиз:

ўқувчиларнинг индивидуал, маданий, ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўқитиш ва шахсиятни ривожлантиришни таркибий қисмларга ажратишни таъминлайдиган янги педагогик технологияларнинг базавий ва минтақавий стандартлари асосида ишлаб чиқиш;

шахс манфаатларининг устуворлигини таъминлаш, таълимни

инсонпарварлаштириш;

таълим шакллари хилма-хиллиги ва билиш асослари ва шакллари орқали демократлаштиришни ривожлантириш;

таълимнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш ва ҳоказо.

Таълим берувчилар раҳбарлигида дарс жараёнларида ўқувчиларнинг мустақил ҳолда ижодий фаолият олиб боришларига шароит яратиб бериш таълим сифатини такомиллаштиришнинг яна бир муҳим самарали усулларида биридир. Бу мақсадга эришиш учун, албатта ўқувчиларнинг билим фаоллигини янада фаоллаштирадиган ва таълим сифатини ривожлантирадиган муҳит яратиш биринчи ўриндаги вазифа ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳар бир ўқувчининг имкониятлари ва қобилиятларини ҳисобга олишни ўз ичига оладиган таълимни индивидуаллаштиришни унутмаслик керак.

Таълим сифатининг энг муҳим қиймати унинг индивидуаллаштириши бўлиши керак. Таълимни индивидуаллаштириш – бу ҳар бир ўқувчи ва ўқитувчининг салоҳиятини шакллантириш ва рўёбга чиқариш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиб, таълим олувчи ва таълим берувчига индивидуал ҳолатда ёндашишдир.

Замонавий таълим тизимининг муҳим шартларидан бири умумий ўрта таълим мактаблари ҳаётини шахсий ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган таълимдан иборат бўлишидир. Шу сабабли ҳам мактаб таълимида шахсий интеллектуал ва маърифий салоҳиятни шакллантиришга таъсир этувчи шахсни ривожлантириш ва тарбиялаш биринчи ўринда туриши керак.

Таълим мазмунида биринчи навбатда анъанавий таълимнинг қуйи йўналишли хусусиятларини тарк этиш зарур. Таълим мазмуни бўйича билимлар услубий ва маданий ҳолатда бўлиши сифат самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда замонавий мактабнинг асосий вазифалардан бири – таълим сифати муаммосини ҳал қилишга имкон берадиган таълим муассасалари ташқи муҳитининг ўзгаришига, жамиятнинг эҳтиёжларига, ижтимоий тартибга, қанчалик самарали ва педагогик жиҳатдан асосланган услуб ва технологиялар танланишига муносиб жавоб берадиган усул ва воситаларни жорий қилган ва амалиётларда татбиқ этадиган янгича инновацион ёндашувларни истеъмолга киритишдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

Портер М.Э. Конкуренция. – М.: Вильямс, 2003. – С. 35.

Solvell O., Lindqvist G., Ketels C. The Cluster Initiative GreenBook, 2003.

Электронный ресурс: <http://www.cluster-research.org>.

Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем// Взаимо действия образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региону Белгород, 2006.

Павлова Т.С. В образовательном кластере Москвы педагогов научат учить детей по новому / Т. С. Павлова // Учебно-методический кабинет <http://ped-kopilka.ru/blogs/pavlova-tatjana/v-obrazovatelnom-klasterre-moskvy-pedagogov-nauchat-uchitdetei-po-novomu.html>.

Болотов В.А. Единый государственный экзамен как элемент становления системы независимой оценки качества образования в Российской Федерации / Вестник образования. - 2004.- №23. - С.15-25.

Жук А.И. Система педагогического образования Республики Беларусь: достижения, трудности, перспективы / А. И. Жук, А. В. Торхова // Адукацыя і выхаванне. – 2014.– №7 – С. 19 – 25.; Торхова А.В. Перспективы кластерного развития системы педагогического образования Республики Беларусь / А.В. Торхова // XI международная научно-практическая конференция «Психология личностного и профессионального развития субъектов непрерывного



образования» – М., СПб. : Нестор-История, 2015. – С.517-520.

Мухамедов Ғ. И., Хўжамкулов У. Н., Тоштемирова С. А., 2020, Педагогик таълим инновацион кластери, Тошкент, Университет, - Б. 13.

Ходжамкулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари // педагогика фанлари докт.дисс. Тошкент. 2021. – 204.

Тоштемирова С.А.Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш // педагогика фанлари бўйича фалс.докт.дисс. Тошкент. 2021. – 198

Боймуродов А.Х. Умумий ўрта таълим тизимида информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишнинг инновацион кластер модели // педагогика фанлари бўйича фалс.докт.дисс. Тошкент. 2021. – 136.

Ботирова Ш.И. Адабий таълим кластеринг илмий-педагогик асослари // педагогика фанлари докт.дисс. Тошкент. 2021. – 226.

Қаршиева Д.Э. Кластер воситасида бўлажак ўқитувчиларда касбий компетенцияни шакллантиришнинг педагогик асослари (мактаб малакавий амалиёти мисолида) // педагогика фанлари бўйича фалс.докт.дисс. Тошкент. 2021. – 122.

Шарипова Г.Н. Педагогик таълим кластери шароитида талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш // педагогика фанлари бўйича фалс.докт.дисс. Тошкент. 2021. – 146.

Кошанова Н.М. Умумтаълим мактабларида синф раҳбарлари фаолиятини ривожлантириш механизмлари (кластер ёндашуви асосида) // педагогика фанлари бўйича фалс.докт.дисс. Тошкент. 2021. – 202.

Ростовцева Л.Г. Доклад на педагогической конференции по теме “Качество образования – предпосылки, сущность, оценка”// <https://urok.1sept.ru> .

Осечкина Л.И. Кластерный подход как условие повышения эффективности деятельности вуза / Л.И.Осечкина // Высшее образование в России. -2012. -№8-9. – С.75



**МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARNI ATROF OLAM BILAN  
TANISHTIRISHDA MILLIY VA XORIJIY TAJRIBALAR**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.050>

*Xurvalieva Tarmiza Latipovna,  
Pedagogika fanlari doktori (DSc), Toshkent viloyati Chirchiq davlat  
pedagogika instituti Maktabgacha ta'lim metodikasi kafedrasida dotsenti*

*Teshabaeva Zamira Sobirovna,  
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti Maktabgacha ta'lim  
metodikasi kafedrasida katta o'qituvchisi*

*Annotatsiya. Maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarni atrof olam bilan tanishtirishga oid mamlakatimiz va xorijiy olimlarning pedagogik g'oyalari, atrofda olam bilan tanishtirish mashg'ulotlarida foydalaniladigan "NBIC" texnologiyasi bo'yicha fikr-mulohazalar yuritilgan, shuningdek, bolalarni atrof olam bilan tanishtirish borasidagi ilmiy-metodik qarashlar asoslanilgan.*

*Kalit so'zlar: modernizatsiya, imidj, intellektual, muhit, mulohaza, sezgi, idrok, xotira, tafakkur, syujetli o'yin, motivatsion, kategoriya, ehtiyoj, qiziqish, qobiliyat, sezitiv, innovatsion, atrof-muhit.*

**НАЦИОНАЛЬНОЕ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ОЗНАКОМЛЕНИЕ  
ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА С ОКРУЖАЮЩИМ МИРОМ**

*Xurvalieva Tarmiza Latipovna,  
Доктор педагогических наук, Ташкентский областной Чирчикский  
государственный педагогический институт, доцент кафедры Дошкольного  
образования*

*Тешабаева Замира Собировна,  
старший преподаватель кафедры методики дошкольного воспитания,  
Чирчикский государственный педагогический институт, Ташкентская  
область*

*Аннотация. В статье рассматриваются педагогические идеи отечественных и зарубежных ученых по ознакомлению детей дошкольного возраста с окружающим миром, технология NBIC, применяемая на занятии с окружающим миром. В ее основе также лежат научно-методические взгляды на ознакомление детей с окружающим миром.*

*Ключевые слова: модернизация, имидж, интеллектуал, среда, коммуникация, ощущение, восприятие, память, мышление, сюжетная игра, мотивация, категория, потребность, интерес, способность, сензитивность, новаторство, окружающую среду.*

**NATIONAL AND FOREIGN EXPERIENCE FACILITATION OF  
PRESCHOOL CHILDREN WITH THE WORLD**

*Khurvalieva Tarmiza Latipovna,  
Doctor of Pedagogical Sciences (DSc), Tashkent region Chirchik State  
Pedagogical Institute, Associate Professor of Preschool Education*

*Teshabayeva Zamira Sobirovna,  
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti "Maktabgacha ta'lim  
metodikasi" kafedrasida katta o'qituvchisi*

*Abstract. The article discusses the pedagogical ideas of domestic and foreign scientists to familiarize preschool children with the outside world, the NBIC technology used to study with the outside world. It is also based on scientific and methodological views on familiarizing children with the outside world.*

*Key words: modernization, image, intellectual, environment, communication,*



*feeling, perception, memory, thinking, plot game, motivation, category, need, interest, ability, sensitivity, innovation, environment.*

Kirish. So'nggi yillarda maktabgacha ta'limni rivojlantirishga doir bir qancha normativ-huquqiy hujjatlar ishlab chiqildi. Ularda sohada o'z yechimini kutayotgan vazifalar aniq ko'rsatildi. Xususan, maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari bo'yicha qabul qilingan huquqiy hujjarlarda "ilg'or xorijiy tajribani hisobga olgan holda bolalarni har tomonlama intellektual, axloqiy, estetik va jismoniy rivojlantirish sharoitlarini yaratish, maktabgacha ta'lim sifatini oshirish, maktabgacha ta'lim muassasalarida bolalarni maktabga sifatli tayyorlashni tubdan yaxshilash, ta'lim-tarbiya jarayoniga jahon amaliyotida keng qo'llanadigan zamonaviy ta'lim dasturlari va texnologiyalarini joriy etish" kabi vazifalar belgilangan [1]. Tabiat va jamiyat uyg'unligi insoniyatning tarixiy rivojlanishida muhim mezon hisoblanadi. Biologik va ijtimoiy omillar ta'sirida shaxs makon va zamonda o'z faoliyatini amalga oshiradi. Bu faoliyat mazmunini atrofda voqea va tabiatdagi hodisalarning mohiyati, narsa va buyumlarning nomi, vazifasi, belgi xususiyatlari hamda ularga munosabatlar tashkil etadi. Maktabgacha bolalik davrida bolada atrof olam haqidagi ilk tasavvurlar paydo bo'ladi, atrofda voqea va hodisalarning oddiy o'zaro aloqadorligi qonuniyatini anglash ko'nikmasi shakllanadi. Shuningdek, bola olgan bilimni mustaqil ravishda amaliy faoliyatida qo'llay oladi. Maktabgacha yoshdagi bolalarni atrof olam bilan tanishtirish qiziquvchanlikni oshiradi. Bilish qobiliyati hamda "boshlang'ich ta'lim o'quvchisi imidji" rivojlantiriladi. Ijodiy tasavvur esa, bolada intellektual va shaxsiy sifatning shakllanishiga turtki bo'ladi. Sezgi organlari orqali bolalar atrof olamni ko'radi, his qiladi, anglaydi. Atrofni anglashlari natijasida insonning tana a'zolari va ularning vazifalari, sog'lom hayot tarzi haqidagi tushunchalarga ega bo'ladi.

Maktabgacha yoshdagi bolalarni atrof olam bilan tanishtirishdan asosiy maqsad maktabgacha yoshdagi bolalarni atrof olam bilan tanishtirishga oid mamlakatimiz va xorijiy olimlarning pedagogik g'oyalari o'rganish hamda amaliyotga tatbiq etish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqishdan iborat.

Mavzuga oid izlanishlar tahlili. Atrof olam bilan tanishtirish orqali bolalarda bilish jarayoni faollashadi. Sezgi, idrok, xotira va tafakkur rivojlanishida atrof olamdagi voqea va hodisalar, narsa va buyumlarning xususiyati muhim omil hisoblanadi hamda bolalarning intellektual rivojlanishi uchun zamin yaratadi.

Tarbiyalanuvchilarning o'z shaxsiy imkoniyatlarini namoyon etishlari, bilim olishga bo'lgan qiziqishi va ehtiyojini qondirishda ota-onaning e'tibori, kattalarning shaxsiy namunasi, tarbiyachining bilimi va mahorati alohida o'rin egallaydi. Bolalarga samimiy munosabat, ta'limga zamonaviy yondashuv, xorijiy tajribalarni o'rganish va ularga ko'ra milliy ta'lim berish usullarini qo'llash bugungi kunda pedagog-tarbiyachilar oldidagi eng muhim asosiy vazifadir.

Psixolog olim R.S.Nemovning fikricha, "Inson barcha bilimlarni turli manbalardan olishi mumkin. Inson bolalikda atrofda odamlarga duch keladi, ya'ni ota-onasi, qarindoshlari va ularning o'rnini bosadigan boshqa kishilar bilan muloqotda bo'ladi. Bola kattalar bilan muloqotga kirishar ekan, ularning bolaga bildirgan munosabati, fikri ta'sirida nutqni o'zlashtiradi, unda o'zini o'zi baholash va o'ziga ishonch hissi paydo bo'ladi, shaxsiy tasavvurlar shakllanadi, atrofda narsa va buyumlar, odamlarni tushunishni o'rganadi" [11; 13-b]. Natijada, bola o'zining bilish faoliyati hamda irodaviy va boshqa sifatini baholaydi.

A.S.Simonovich "Bolalarda bir-biri va atrofda boshqa odamlarga bo'lgan ijobiy munosabatning rivojlanishiga yordam berish; o'yinlar orqali borliq va atrof olamni tahlil qilish; bolalarda hissiy intellektni amaliy va hayotiy yo'llar bilan rivojlantirish; syujetli o'yinlar orqali xulosa chiqarish; biror bir voqelikning kelib chiqish sababi va oqibatini o'rgatish; bolalarga maktabda va sinfda o'zini qanday tutish kerakligini o'rgatish zarur" deb ta'kidlaydi [12]. Tengdoshining yutug'i, o'zining shaxsiy muvaffaqiyati va muvaffaqiyatsizligini qiyoslaydi, o'zini tahlil qilish ko'nikmasi shakllanadi. Bularning barchasi atrof olamning bolaga ta'siri natijasida sodir bo'ladi.

Buyum va narsalarni umumlashtirish ko‘nikmasini bola dastlab harakat orqali o‘zlashtiradi, keyin esa so‘z bilan mustahkamlaydi. Bola buyumlar va ularning vazifalarini o‘zlashtirib olgach, turli vaziyatlarda ulardan foydalanishni ham bilib oladi. Bola buyumlar va faoliyatning o‘zaro bog‘liqligini anglay boshlaydi. Ya’ni harakat bilan buyumlarni o‘zgarishini tushunadi. Bunday manipulyativ harakatlar har qanday o‘yinchoq va buyumlar bilan bolaning o‘ynay olishini ta’minlaydi.

Rossiyalik olim A.P.Usova bolalarda bilimlar ikki kategoriyada shakllanishini asoslaydi “Birinchi kategoriyada bolalar oilaviy sharoit, kattalar bilan kundalik muloqotda, o‘yin va kuzatish jarayonida bilimlarni o‘zlashtiradilar; ikkinchi kategoriyada bilim va tajribalar ta’lim jarayonida mashg‘ulot va ta’limiy faoliyatda o‘zlashtiriladi” [13].

M.Davletshin “asosan maktabgacha davrdan boshlab, bolaning mustaqil faoliyati kuchaya boshlaydi. Bog‘cha yoshidagi bolalarga beriladigan tarbiya ularning murakkab harakatlarni o‘zlashtirish, elementar gigiena, madaniy va mehnat malakalarini shakllantirish, nutqni rivojlantirish hamda ijtimoiy axloq va estetik didning dastlabki kurtaklarini hosil qilish davridir” deb maktabgacha yosh eng qulay senzitiv davr ekanini asoslaydi [4; 38-b].

Bolalarning psixik xususiyatlarini e’tiborga olgan holda o‘quv jarayonini tashkil etish maktabgacha ta’lim metodikasining muhim tamoyili hisoblanadi. Ushbu tamoyilni amaliyotga joriy etishda har bir yosh guruhida kollaborativ hamkorlikni tashkil etish, tarbiyalanuvchilarni har tomonlama tarbiyalashda birgalikdagi harakat muhitini yaratish kabi yondashuvlardan samarali foydalanish muhim metodik talablar sanaladi.

Portugaliyalik M.E.Ferreira “Bolalarga atrof-muhitga do‘stona munosabat asosida ekologik ta’lim berish” mavzusidagi ilmiy ishida amaliy mashqlar orqali ekologik tarbiya berish, atrof-muhit ta’limini singdirish muhimligini asoslab bergan [14]. Insonning ta’lim olishi, mehnat qilishi, ma’naviy shakllanishida tabiatning o‘rni va roli muhim. Mehnat faoliyati tabiat qo‘ynida, ish qurolidan foydalanish orqali tashkil etiladi. Bunda inson o‘z ehtiyojlarini qondirish yo‘lida faollik qiladi va bajargan ishlaridan ma’naviy ozuqa oladi. Shu va boshqa ehtiyojlar bolalarda ham mavjud bo‘lib, ularni turli faoliyat asosida qondirishga harakat qiladi. mazkur jarayonda integratsion yondashuvni amalga oshirish zarurligini asoslab bergan.

Bolalarni atrof olam bilan tanishtirishda davlat talablarining barcha rivojlanish sohalarini uyg‘unlikda amalga oshirishda ntegratsion yondashuv muhim sanaladi.

AQShlik olim R.A.Fisher (The University of Tennessee at Chattanooga) “Maktabgacha ta’lim yoshdagi tarbiyalanuvchilarning so‘zlarni anglashi va ijodkorligiga atrof-muhit ta’limining ta’siri” mavzusidagi doktorlik ishida bolalar so‘z boyligi va nutqining rivojlanishiga atrof-muhitning ta’siri tahlil etilgan [15]. Ma’lumki bizni o‘rab turgan atrof olam butun borliq bu tabiat in’omi hisoblanadi. Ilk yoshlikdan bolalarni tabiatni asrashga o‘rgatib borish maqsadga muvofiq.

Maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarni atrof olam bilan tanishtirishga oid mamlakatimiz va xorijiy olimlarning metodik va pedagogik g‘oyalaridan atrofda olam bilan tanishtirish mashg‘ulotlarida foydalanish bo‘yicha bir qator tavsiyalarni ishlab chiqish va joriy eish muhim ahamiyat kasb etadi. Mazkur jarayonda atrof olam bilan tanishtirish mashg‘ulotlarini kuzatish, suhbat, mashg‘ulot loyihasi kabi usullar qo‘llanilishi maqsadga muvofiq.

Natija va mulohazalar. O‘rganilgan adabiyotlar va kuzatuvlarimizning ko‘rsatishicha bolaning maktab ta’limiga mukammal tayyorligiga to‘sqinlik qiladigan tashqi va ichki omillarning ta’siri nafaqat jismoniy va ruhiy rivojlanishiga ta’sir qiladi, balki u har qanday salbiy ta’sir xoh u jismoniy, xoh ruhiy bo‘lsin, avvalo uning umumiy rivojlanishiga ta’sir ko‘rsatadi. Pedagogik jarayonni tashkil etishda tarbiyachi turli faoliyat yo‘nalishlarida o‘zini namoyon qiladi. Tarbiyachi qaysi yo‘nalishda faoliyat olib bormasin, uning markazida bola shaxsi, uning

qiziqishlari va manfaatlari turishi lozim. Bolalarning psixologik beqarorligini bartaraf qilish uchun tarbiyachi tomonidan samarali innovatsion yondashuvlarni moslashtirgan holda qo'llash zarur. Xususan, interfaol usullar pedagogik jarayonda ishchi, ijodiy muhit yaratish imkonini beradi. Bolalarning jismoniy, ma'naviy, psixik-emotsional (ruhiy-hissiy) sog'ligi ta'minlanadi, shaxslararo munosabatlari, o'zaro hamkorligi amalga oshadi. O'quv jarayonida bolalar diqqati beqarorligi sababli qo'yilgan maqsadga erishishda to'siqlar paydo bo'lishi mumkin. Mana shu jarayonda tarbiyachidan pedagogik improvizatsiya va metodlar transformatsiyasini amalga oshirish talab etiladi. Ba'zida og'zaki metodlardan foydalanish samara beradi, tarbiyachi atrof olam haqida Ona Vatan, buyuk siymolar, milliy bayramlar, kattalar mehnati, transport vositalari, buyumlar, kiyimlar haqida hikoya qiladi, tushuntirish beradi, suhbatlar o'tkazadi, badiiy adabiyotlar o'qib beradi. Ayrim vaziyatlarda bolalarda tomosha qilish istagi paydo bo'ladi, bunda esa ko'rgazmali metodga o'tiladi: Vatan, milliy bayramlar, buyuk siymolar, tana a'zolari, gigiena va sog'lom bo'lish haqida videoroliklar namoyish etiladi. Bolalarda atrof olam haqidagi tasavvurlarni shakllantirishda ayrim jihatlarga e'tibor qaratiladi ya'ni atrofda borliq, voqea-hodisalar to'g'risidagi batafsil ma'lumotlar maktabgacha ta'lim jarayonidan tashqari vaqtda ya'ni ijtimoiy jarayon va oilada ota-onalar tomonidan kutilmagan holatlarda ham beriladi.

Bolalarni atrof olam bilan tanishtirishda badiiy, ilmiy va ommabop adabiyotlarni o'qish muhim sanaladi. "So'zlasang-unutaman, ko'rsatsang-eslab qolaman, o'zim bajarishimga imkon bersang-tushunaman" tamoyiliga rioya etish maqsadga muvofiqdir. Agar bolalar eshitib, ko'rib, tajribani o'zi mustaqil bajarsa, uni bir umr esda saqlab qolishi mumkin. Maktabgacha ta'lim jarayonida tajribalarni qo'llash imkonini beradigan "NBIC" texnologiyasidan foydalanildi.

Bunda bolalar tajriba yoki tadqiqot o'tkazib nafaqat yangi ma'lumot olishi, balki yangicha izlanishlar, kashfiyotlar yaratishiga harakat qilish kerak. Tarbiyachi bolani bilimlarni o'zlashtirishga ortiqcha majburlamasligi, "nima uchun" va "qanday" savollariga o'zi mustaqil javob izlashi uchun pedagogik sharoit yaratishi lozim. "Ilm-fan va tabiat" markazida bolalar kichik tadqiqotlar o'tkazadi.

Tajriba o'tkazish orqali bolalarning bilish faolligi rivojlanadi, qiziquvchanligi oshadi, mustaqil fikrlash va tushunishga intilishi kuchayadi. Tabiat haqidagi bilim va ko'nikmalari kengayadi, ularni amaliyotda qo'llab tajribada sinovdan o'tkazish orqali tabiat haqidagi tasavvurlari chuqurlashadi. Tajriba o'tkazish orqali bolalarda fanlarga oid elementar bilimlar shakllanadi, atrof olam haqidagi tasavvurlari kengayadi, mustahkamlanadi.

Tajriba vaqtida bolalarda mikroskop, lupa va jihozlardan foydalanish ko'nikmalari shakllanadi. Eng muhimi bolalarda aqliy qobiliyat rivojlanadi, kommunikativlik, mustaqillik, kuzatuvchanlik, o'zini nazorat qilish va o'z harakatlarini boshqarish kompetensiyalari shakllanadi. Bolalarning tadqiqotchilik faoliyati yo'nalishlaridan biri bu shaxsiy tajribadir. Bolalar tajribada sinab ko'rishni juda yoqtiradilar. Maktabgacha yoshda tajriba metodi yetakchilik qiladi, 5-7 yoshda bolalar atrof olamni amaliy va tabiiy usulda anglaydilar. Har bir tarbiyalanuvchini shaxsiy tajribani mustaqil bajarishiga undash lozim. Bola kuzatuvchi emas, balki tadqiqotchi bo'lishi uchun sharoit yaratilishi kerak. Tarbiyachining harakatlari qiziqarsiz bo'lsa, bola uni kuzatishdan tez charchab qoladi.

Natijada bolalarda bilim olishga bo'lgan motivatsiya pasaya boshlaydi. Mashg'ulotlardagi ishtiroki ham samarasiz bo'ladi. Tajribalar bolalarning, masalan taxmin, kutilayotgan natija, vazifalarni yechish yo'lini izlash, sinab ko'rish haqidagi fikr va farazlarni ilgari surishi bilan olib boriladi. Tajriba yordamida bolalar mustaqil tadqiqot o'tkazishni o'rganadi, fikrlaydi, o'z fikrini himoya qiladi, tajriba natijalarini umumlashtiradi. Tajriba o'tkazish bolalarda ekologik madaniyatni shakllantirishning eng samarali yo'li bo'lib, tafakkur, mantiq, ijodkorlik rivojlanadi.

“NBIC” texnologiyasi bolalarga “qanday?” va “nima uchun?” savollariga javob topishlariga imkoniyat yaratadi. Texnologiya quyidagi yo‘nalishlarda bajariladi:

jonli tabiatdagi mavsumiy o‘zgarishlar, tirik organizm sifatida o‘simlik va hayvonlar, ularning umumiy belgilari, o‘xshashligi va farqi; vazifasi va ahamiyati, ularga ta’sir ko‘rsatadigan omillarni o‘rganish;

jonsiz tabiatning (suv, havo, qum, tuproq, tosh, qora yer) xususiyatlari; jismlarning tuzilishi (gazsimon, suyuq, qattiq,), sifati va xususiyati, bir holatdan boshqa holatga o‘tishi; suvning tabiatda aylanishi (suv, bug‘, muz, yomg‘ir), jonsiz tabiatning jonli tabiatga ta’siri;

kattalar bilan birga tadqiqotlar (eritish, yaxlatish, bo‘yash, qizdirish va qaynatish); ba’zi fizik jarayonlarning ahamiyati; suv, elektr energiyasi va qog‘ozni asrash; tabiat hodisalari turli omillarga bog‘liqligini tushuntirish; tabiatdagi o‘zgarishlar sababini tushuntirish (qor erishi va muzlashi);

buyumlar va ularning belgilari, tuzilishi, vazifasi, shakli, o‘lchami, rangi, xususiyati, nomlanishini o‘rganish; material, uning sifatlari va xususiyatlari (mo‘rt, nozik, sinuvchan, o‘zgaruvchan, chidamli, chidamsiz, yumshoq, qattiq, g‘adirbudur, qalin, ingichka); predmet inson faoliyatining natijasi ekani haqida bilim va ko‘nikmalarni shakllantirish va hokazo.

Atrofdagi borliq bilan tanishish jarayonida bolalar tadqiqotchilik faoliyatini mustaqil bajaradi. Tajriba o‘tkazish davomida bolalar hayot xavfsizligi faoliyati qoidalari bilan tanishtiriladi. Tajriba natijalari pedagog-tarbiyachi bilan birga muhokama qilinadi. Bolalar tajriba o‘tkazish uchun komfort va ijodiy muhit yaratish lozim. Guruhda Mini laboratoriya uchun joy ajratiladi, bolalar tajriba o‘tkazadigan “olimlar”ga aylanadi, turli mavzularda kuzatish olib boradi, o‘simliklarning o‘stirish, tajriba uchun materiallarni saqlash joyi belgilanadi.

“NBIC” texnologiyasi bolalarning atrof olamni tushunishi, bilimlarni o‘zlashtirishiga yordam beradi, tabiat ajoyibotlaridan hayratlanish hissi, atrof olam bilan mulohazadan qoniqish hosil qiladi. Bolalar barcha faoliyatni bosqichmabosqich ketma-ketlikda amalga oshirish ko‘nikmasiga ega bo‘ladilar. Asta-sekin tadqiqot qilishga kirishadilar, mustaqil ravishda maqsad qo‘yib, rejalashtirib, kerakli jihozlarni tanlay oladilar.

Maktabgacha yoshdagi bolalarni atrof olam bilan tanishtirishning metodik tizimi shakllantirildi.

Narsa va buyumlarning nomi, belgi, xususiyatini o‘rgatish metodikasi. (“Til va nutq”, “Qurilish va konstruksiyalash” markazida Nima? Qanday? Nechta? metodlaridan foydalanildi). DTS va 1-sinfning “Atrofimizdagi olam” va boshqa fanlar mazmunidagi predmetlar guruhiga oid lug‘at asosida mashg‘ulotlar olib borildi (5-ilova).

Voqea-hodisa va ularning sabab-oqibat munosabatlarini o‘rgatish metodikasi (“Ilm-fan va tabiat”, Syujet-rolli o‘yinlar va dramalashtirish” markazida Nima uchun? Nega? Keyin nima bo‘ladi? Seriyali rasmlar, Syujetli rasmlar, Kecha bugun, ertaga, Rasmga qarab ertak tuzish metodlaridan foydalanildi. Salim nega kasal bo‘ldi? Kuzda nima bo‘ladi? Fasllarga oid Kunlar issiydi, Qor eriydi, Gullar ochiladi mavzularida rivojlanish markazlarida faoliyatni tashkil etish.

Predmetlar bilan bog‘liq amaliy mashqlarni bajartirish metodikasi. “Ilm-fan va tabiat”, “San‘at” markazida bolalar applikasiya, loy, plastilin, xamirlardan predmetlar yasaydi. Bunda bolalar predmetlar (uy-ro‘zg‘or buyumlari, oshxona jihozlari, o‘quv qurollari)ni hayotda mustaqil qo‘llash bo‘yicha ko‘nikmaga ega bo‘ladi.

Topshiriqlarni mustaqil bajarishga o‘rgatish metodikasi.

Rivojlanish markazida va uyda topshiriqlarni mustaqil bajaradi. Tarbiyalanuvchilarga atrof olamga oid didaktik topshiriqlar beriladi masalan: “Bizning uy”, “Bizning mahalla”, “Kasblar”, “Transport turlari”, “Oshxona va uy

jihozlari”, “Yuvinish vositalari”, ”Kiyimlar”, “Tabiat hodisalari”, “Yo‘l harakati qoidalari” mavzularida rasm chizish, applikasiya, loy va plastilindan foydalanib yasash, gerbariy tayyorlash hamda she‘r yoki topishmoqlar yod olish kabilar.

MTTda atrof olam bilan tanishtirishga oid tadbirlar tayyorlash metodikasi. Tadbirlar o‘tkazish uchun tarbiyachilarga didaktik topshiriq va tarqatmalar tayyorlash bo‘yicha metodik tavsiyalar berildi. Bolalarda ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirish muhim sanaladi. Shu boisdan rivojlantiruvchi muhitga mos komfort sharoit yaratish talab etiladi masalan: Bolalar studiyasi, Kichik ustaxona tashkil etish, “Yog‘och ustaxonasi” daraxt va yog‘ochdan uy va boshqa buyumlar yasash; “Mohir qo‘llar olami” tashlandiq materiallardan qurish yasash, “Tikuvchilik atelezi” to‘garaklarini tashkil etish maqsadga muvofiq. Bolalar o‘quv-tarbiyaviy faoliyat davomida predmetlarni turlariga ko‘ra guruhlaydilar, tabiat va insonlar o‘rtasidagi munosabat o‘rtasidagi bilimlarni tizimlashtiradilar, atrofdagi predmetlarning belgilari kattalik, rangi, hayotiy faoliyatda foydalanishni o‘rganadilar.

Xulosa va takliflar. Yuqorida keltirilgan mulohazalardan kelib chiqib, maktabgacha yoshdagi bolalarga ta‘lim-tarbiya berish mazmuni quyidagilardan iborat bo‘lishi lozim degan xulosaga kelish mumkin:

Bolalarning yosh xususiyatlarini e‘tiborga olgan holda ta‘lim-tarbiya jarayonini tashkil etishda “Ilk qadam” o‘quv dasturi talablari va tamoyillariga rioya etishda innovatsion faoliyat (fasilitatsiya, moderatsiya, tyuterlik, kouch) elementlaridan samarali foydalanish.

O‘quv-tarbiyaviy faoliyatni tashkil etishda kollaborativ muhitni yaratishga erishish, ya‘ni har bir bosqich uzviy ketma-ketlikda, bolalarning o‘zaro hamkorligida, har bir bosqichda bajarilgan ishlarning keyingi bosqich uchun muhimligini anglagan holda bolalarda mas‘uliyat hissini oshirishga e‘tibor qaratish. Natijada bolalarning jamoadagi mavqei (status)ni sezish, hurmat qilishga sharoit yaratiladi.

Pedagogik jarayondan kutilayotgan natijalarni kafolatlashga erishishda prognostik (har bir tarbiyalanuvchining imkoniyatlarini oldindan bilgan holda o‘quv topshiriqlar murakkablik darajalarini belgilash va ularni tayyorlash) - diagnostik (jarayonda o‘zini oqlamagan metod yoki yondashuvlarni tahlil qilish orqali moslashuvchan variantlarini tayyorlash hamda bolalar hatti-harakatlaridagi salbiy holatlarning sabablarini bevosita faoliyatda kuzatish) metodlardan samarali foydalanish orqali interfaol o‘quv muhitini yaratish kerak.

Bolalarda o‘z hatti-harakatlarini idora etishda ixtiyoriy qobiliyatning yetarli emasligini inobatga olgan holda har bir bolaga individual yondashish, ularda bilishga qiziqishni kuchaytirishga yo‘naltirilgan o‘yin turlaridan samarali foydalanish. Katta va tayyorlov guruh bolalarida mustaqillik, o‘z hatti-harakatlarini boshqarish, o‘zini o‘zi tashkil etish ko‘nikmasi mavjudligi bois, ularda savodxonlik malakalarini shakllantirishda oila, maktab va boshqa tashkilotlar bilan manzilli korporativ hamkorlikni kuchaytirish.

Maktabgacha ta‘lim yoshdagi bolalarni atrof olam bilan tanishtirishda o‘zaro bog‘liq bo‘lgan uchta ta‘limiy sikl amalga oshiriladi shundan kelib chiqib, maktabgacha ta‘lim tashkiloti pedagoglariga ushbu tavsiyalarga amal qilishlari lozimligini taklif etamiz:

bolalarda faollikni uyg‘otish-motivatsiya berish;

yuz berayotgan o‘zgarishlarni anglash, voqea-hodisalar ma‘nosini tanish yoki notanish so‘zlar bilan ifodalash, odatiy yoki noodatiy voqealarni tushuntirish;

ijodiy faoliyatda o‘rganayotgan ob‘yektga munosabatini bildirish-refleksiya;

o‘quv-tarbiyaviy jarayonda bolalarni psixologik xususiyatlariga mos ravishda samarali shakl, usul va vositalarni tanlash va hokazo.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Mirziyoev Sh.M. 2017- 2021 yillarda maktabgacha ta‘lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida qaror. 29.12.2016 y., PQ-2707,

О'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017 y., 1-son, 11-modda, 35-son, 923-modda.

2. O'zbekiston Respublikasining ilk va maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo'yiladigan davlat talablari. Maktabgacha ta'lim vazirligi MH-1-son buyrug'i. T.: 2018. 18 iyun. -31b.

3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasi maktabgacha ta'lim va tarbiyaning davlat standarti. 8.12. 2020 y. 802- son qaror. "Ilk qadam" maktabgacha ta'lim muassasasining davlat o'quv dasturi.

4. Davletshin. M.G., Do'stmuhamedova Sh. va boshq. Yosh davrlari va pedagogik psixologiya. O'quv metodik qo'llanma. -T.: 2004. 129 b.

5. Дыбина О.В. Ребёнок и окружающий мир. Программа и методические рекомендации. Для занятия с детьми 2-7 лет. Изд. Мозаика-синтез., 2017. 123 с.

6. Зинченко В.П. Развивающее образование. Том I. Диалог с В.В. Давыдовым. -М.: АПК и ППРО , 2002. - 254 с.

7. Козина Е.Ф. Методика ознакомления с окружающим миром в дошкольном возрасте. М.: Изд. Прометей-2011. - 690 с.

8. Козлова С.А., КуликоваТ.А. Дошкольная педагогика: Учеб. пособие для студ. сред. пед. учеб. заведений. -3-е изд., исправ.и доп. - М. :Издательскийцентр «Академия», 2001. - 416 с.

9. Qodirova F.R., Toshpo'latova Sh.Q., A'zamova M.N. Maktabgacha pedagogika / O'quv qo'llanma. T.: Ma'naviyat, 2013.157 b.

10. Qodirova F.R., Jo'raeva N.T. Maktabgacha ta'limda zamonaviy yondashuvlar va innovatsiyalar / O'UM. TDPU huzuridagi XTXQTMОХМ.Т.: 2018. -158 b.

11. Немов Р.С. Практическая психология:Познания себя.Влияние на людей.: Пособие для учащихся. -М.: Гуманит.изд.центр ВЛАДОС, 1998. 320 с.

12. Спиноза Б. The Philosophy of Spinoza As Contained in the First, Second, and Fifth Parts of the Ethics and in Extracts from the Third and Fourth. Creative Media Partners, 2016. -220 p.

13. Усова А.П. Обучение в детском саду / Под.ред. А.В.Запорожца. -3 еизд. Испр -М.: Просвещение, 1991. 176 с.

14. Ferreira M.E. Stage-based egological education of preschool children on the basis of environmentally friendly approach. Portugal. 2015. - 149 p.

15. Fisher R. A. Impact of Early-Exposure Environmental Education on a Child's Selection of Words and Creativity. 2013. -267 p.



## TA'LIM TIZIMI VA MAZMUNINI TAKOMILLASHTIRISHDA "VIRTUAL EKSKURSIYA" METODINI QO'LLANILISHINING AHAMIYATI

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.051>

*Tilakova Mavjuda Ashurovna,*

*Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), Jizzax viloyati xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish hududiy markazi, "Pedagogika va psixologiya ta'lim texnologiyalari" kafedrasini mudiri*

*Eshmanova Nodira Nazarkulovna,*

*Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti "Boshlang'ich ta'lim metodikasi" kafedrasini katta o'qituvchisi*

*Annotatsiya. Mazkur maqolada kreativ qobiliyatlarga xos xususiyatlar, jumladan, o'ziga xos tafakkur, mustaqil, dadil, shaxsiy fikr; muayyan masala yechimini topishda egallangan bilim, ko'nikma va malakalarni boshqalarini hal etishga ko'chirish; ob'yektni uning qismlarining birligida, yaxlitlikda idrok qilish; tahlil qilish va sintezlash qobiliyati; kerakli axborotni zarur paytda uzatish; turlicha idrok qilish, kuzatish, tekshirib borish; o'xshatish, ichki tuyg'uni (intuitsiyani) ishga solish; ajrata bilish, talqin qilish; ijodiy taxmin qilish va tasavvur etish; yakuniga yetkazish, takomillashtirish; aks ettirish, tubdan o'zgartirish kabilar bo'yicha fikr-mulohazalar bayon etilgan.*

*Kalit so'zlar: kreativ qobiliyat, tarixiy-madaniy meros, intellektual, "Virtual ekskursiya", ijodiy, emotsional-hissiy, mustaqil, dadil, shaxsiy fikr, nosandartlik, muayyan masala yechimini topishda egallangan bilim, ko'nikma va malakalar, axborot, birlik, innovatsion metod, didaktika*

## ЗНАЧЕНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДА «ВИРТУАЛЬНАЯ ЭКСКУРСИЯ» В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ СИСТЕМЫ И СОДЕРЖАНИЯ ОБРАЗОВАНИЯ

*Тилакова Мавжуда Ашуровна,*

*Доктор философии в педагогических науках (PhD), Джизакский областной центр переподготовки и повышения квалификации народного образования, заведующая кафедрой «Образовательных технологий в педагогике и психологии»*

*Эшманова Нодира Назаркуловна,*

*Старший преподаватель кафедры «Методика начального образования» Чирчикского государственного педагогического института, Ташкентская область*

*Аннотация. В данной статье исследуются характеристики творческих способностей, в том числе уникальное мышление, самостоятельное, смелое, личностное мышление; передавать знания, навыки и компетенции, приобретенные при решении той или иной задачи, другим; восприятие предмета в единстве его частей; умение анализировать и синтезировать; предоставлять необходимую информацию в нужное время; различное восприятие, наблюдение, осмотр; симуляция, активация интуиции; различать, интерпретировать; творческое угадывание и воображение; завершение, улучшение; размышления, радикальные изменения и так далее.*

*Ключевые слова: творческая способность, историко-культурное наследие, интеллектуал, «Виртуальная экскурсия», творческий, эмоциональный, независимый, смелый, личное мнение, нестандартность, знания, навыки и*



умения в решении конкретной задачи, информация, единство, инновационный метод, дидактика

## THE IMPORTANCE OF APPLICATION OF THE METHOD «VIRTUAL EXCURSION» IN IMPROVING THE SYSTEM AND CONTENT OF EDUCATION

*Tilakova Mavjuda Ashurovna,*

*Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences (PhD), Jizzakh Regional  
Center for Retraining and Advanced Training of Public Education, Head of the  
Department of “Educational Technologies in Pedagogy and Psychology”*

*Eshmanova Nodira Nazarkulovna,*

*Senior Lecturer, Department of “Methods of Primary Education” Chirchik  
State Pedagogical Institute, Tashkent region*

*Abstract. This article explores the characteristics of creativity, including unique thinking, independent, bold, personal thinking; transfer knowledge, skills and competencies acquired in solving a particular problem to others; perception of an object in the unity of its parts; ability to analyze and synthesize; provide the right information at the right time; different perception, observation, examination; simulation, activation of intuition; distinguish, interpret; creative guessing and imagination; completion, improvement; reflections, radical changes, and so on.*

*Keywords: creativity, historical and cultural heritage, intellectual, “Virtual excursion”, creative, emotional, independent, courageous, personal opinion, originality, knowledge, skills and abilities in solving a specific problem, information, unity, innovative method, didactics*

Kirish. Bugungi zamon ta’lim tarbiya jarayonida faol ishtirok etilish bevosita dars sifat samaradorligini ko’tarish asosida yuqori natijalarga erishishga zamin bulmoqda. Mashg’ulot turlari o’quvchilarni mustaqil tadqiqotchilik faoliyatiga jalb etib, ularda ijodiy fikr, kreativ tafakkur va qobiliyatni rivojlantiradi. Bularning barchasi “O’zbekiston tarixiy-madaniy yodgorliklarini kreativ o’rganish” mavzusidagi sinfdan tashqari mashg’ulotlar mualliflik dasturining o’quv faoliyati samaradorligini ta’minlashiga, o’quvchilarda kreativlik qobiliyatini rivojlantirishga xizmat qiladi.

O’zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M.Mirziyoev o’quvchi yoshlarni zamon talablariga muvofiq yangicha ishlash va fikrlashga izlanish, tashabbuskorlik va tadbirkorlikka chaqirmoqda[1]. Shu sababli ta’lim tizimi va mazmunini takomillashtirish, uni real hayotga yaqinlashtirish, shuningdek, yoshlarda intellektual-ijodiy rivojlanish; ijtimoiy-kommunikativ qobiliyatni o’stirish lozimdir. O’tgan vaqt mobaynida ta’lim amaliyotida ushbu vaziflarni hal etishda birmuncha yutuqlarga ham erishildi. Xususan, maktablarda tarixiy-madaniy merosni o’rganish bo’yicha sinfdan tashqari mashg’ulotlarda o’quvchilarni ijodiy faoliyatga yo’naltirish muammosi dolzarb ahamiyat kasb etmoqda.

Adabiyotlar tahlili va metodologiyasi. Buyuk mutafakkirlar: al-Xorazmiy, imom Buxoriy, Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Yusuf Xos Hojib, Xo’ja Ahmad Yassaviy, Alisher Navoiy, Ogahiy va boshqa buyuk ajdodlarimiz, shuningdek, Mahmudjo’ja Behbudiy, Abdulla Avloniy, Abdurauf Fitrat kabi ma’rifatparvarlar pedagogik merosi madaniy-ma’rifiy tarbiyaning asosini tashkil qiladi bu zamonaviy etuk shaxsni shakllantirishning ishonchli yo’nalishidir. Shu bilan birga o’quvchilarning ma’naviy intellektual-ijodiy rivojlanishida xalq pedagogikasidan foydalanish faollashdi.

Mustaqil hamdo’stlik davlatlari olimlaridan L. Vygotskiy, A. Leontev, D. Elkonin,



O.Vasilchenko, E.Melkumova, V.Mireskaya, M.Suxomlinova, E.Emmanuel kabilarning ilmiy ishlarida shaxs ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishning nazariy asoslari o'rganilgan. E.P.Torrance, N. Rogers, J.Purnell, P.Roberts, A.M.Galligan, Sh.Tatsuno kabi xorijiy olimlarning ishlarida shaxsning individual qobiliyatlari, ijodiy salohiyatini namoyon etish masalalari ochib berilgan. Ijodkor shaxsni tarbiyalashning umumpedagogik jihatlari respublikamiz olimlari O.Musurmonova, Sh.Sharipov, Sh.Mardonov, S.Nishonova, D.Ro'zieva, B.Xodjaev, D.Sharipova, M.Quronov, A.Nurmanov, S.Annamuratova va boshqalar tomonidan tadqiq etilgan. O'quvchi shaxsining kreativ qobiliyatlarini shakllantirishning psixologik va akmeologik xususiyatlari E.G'oziev, M.Davletshin, D.Muxamedova, S.Safaev kabi olimlar tomonidan o'rganilgan[7].

Mavzuni tadqiq qilish jarayonida pedagogik kuzatuv, qiyosiy tahlil, pedagogik monitoring, so'rovnom, test, suhbat, matematikstatistik kabi tadqiqot va tahlil usullaridan foydalanildi.

Natija va mulohazalar. Yuqori sinf o'quvchilarida kreativlik qobiliyatini rivojlantirish mexanizmlarini takomillashtirishning muhim sharti sifatida "O'zbekiston tarixiy-madaniy yodgorliklari: kreativ o'rganish" mavzusidagi sinfdan tashqari mashg'ulotlar mualliflik dasturi jarayonning tuzilmaviy-mazmundor asosi hisoblanadi. Fikrimizcha, O'zbekistonning tarixiy-madaniy merosi – qadimiy me'moriy yodgorliklarni o'rganish jarayonida intellektual-ijodiy topshiriqlarni qo'llash, innovatsion metodlar asosida o'quvchida tarixiy-madaniy bilimlarni oshirish, ularni o'z emotsional-estetik va me'moriy-badiiy taassurotlarini intellektual-ijodiy ifodalashga yo'naltirish mashg'ulotlar samarasini belgilab beradi.

Umuman olganda, sinfdan tashqari mashg'ulotlarning aniq texnologiyasiga quyidagi talablar qo'yiladi:

o'quvchilarning emotsional-hissiy kayfiyatiga e'tibor berish; bunda ularning kreativlik qobiliyatlari va imkoniyatlaridan, ayniqsa, intellektual-ijodiy qobiliyatlaridan foydalanish;

tarixiy-madaniy bilimlarni o'rganish davomida o'quvchilarni faol intellektual-ijodiy jarayonga jalb qilish orqali ularning mos intellektual-ijodiy mahsulot ustida ishlash jarayonida o'z kreativligini rivojlantirish va o'z-o'zini takomillashtirishiga erishish;

faol o'quvchilarni alohida rag'batlantirish[2].

Demak, tadqiqotda amalga oshiriladigan pedagogik tizim quyidagilarga yo'naltiriladi:

yuqori sinf o'quvchilariga tafakkur yurtishning an'naviy sxemalaridan chetga chiqqan holda fikr yuritishga imkon yaratish, ularning qadimiy me'morchilik san'atiga oid muammoni idrok qilish, anglash orqali qo'yilgan masala va vazifalarni tez, dadil va haqqoniy tarzda hal qilishlariga erishish;

O'zbekistonning tarixiy-madaniy merosi bilan bog'liq turli o'quv va o'qishdan tashqari vaziyatlarda o'quvchilarning intellektual-ijodiy qobiliyatini faollashtirish;

o'quvchiga o'zining etarli darajada chuqur bilim va o'ziga xos fikrlashga egaligini namoyish qilish imkonini berish;

o'quvchilarda kreativlikni "his etish" va ulardan faol foydalanish: muammo va masalani chuqur his qilish, tafakkur tezligi, aniqligi, o'zgaruvchanligi va dadilligi, tafakkur qobiliyatining o'ziga xosligi, tafakkurning ijodiyliigi, texnologikligi, ijodiy faoliyat konstruktivligini rivojlantirish kabilar.

Amaliyot sinfdan tashqari mashg'ulotlarda o'quvchilarda tarixiy-madaniy idrok qilish, topshirilgan va erkin tanlov asosida mustaqil bajariladigan intellektual-ijodiy ishlar orqali egallangan bilim, tushuncha, taassurot va tasavvurlarning ortib borishini tasdiqlaydi. Demak, ushbu mashg'ulotlar mazmuni yuqori sinf o'quvchilari shaxsida kreativlik qobiliyatini rivojlantirishda ijtimoiy-pedagogik

ahamiyatga ega. Intellektual-ijodiy faoliyat haqiqatan ham o'quvchida kreativlik qobiliyatini rivojlantirishning muayyan natijasi sifatida amalga oshadi[3]. Bunda innovatsion didaktik shart-sharoitlar muhim o'rin tutadi.

Ma'lumki, innovatsiya inglizcha "o'zgarish, yangilik kiritish" ma'nosini anglatadi. U mutlaq yangi echim va g'oyalar kiritish yo'li bilan ta'limni samarali tashkil etish yoki boshqarishga qaratiladi. Tadqiqot jarayonida innovatsion didaktik shart-sharoitlarni imkon qadar ta'minlashda ta'limning innovatsion metodlaridan keng foydalanildi. Shuningdek, zamon talablariga mutanosib innovatsion, noan'anaviy, an'anaviy metodlar hamda mualliflik texnologiyalaridan tashkil topgan qator didaktik metodlardan tizimli foydalanish mumkin.

Metodlardan tizimli foydalanishda quyidagilar ko'zda tutiladi:

o'rganilayotgan tarixiy-madaniy materialning mazmuni mashg'ulotlarning tuzilmaviy-mazmundor asosi hamda ularning o'zaro mutanosibliigi;

ilgarilovchi, murakkab yondashuvdan foydalanishning mumkinligi[4].

Innovatsion, noan'anaviy, an'anaviy metodlar hamda mualliflik texnologiyalarini qo'llashda ularning muayyan o'quv predmeti va didaktik tizim tarkibiga taalluqli ekanligi, o'quvchilar yosh xususiyatiga mosligi, ularning kreativlik qobiliyatlarini optimallashtira olishi, egallagan ijodiy ko'nikma va malakalarini takomillashtira olishi; kreativlik qobiliyatini rivojlantirishga ko'maklashishi, mashg'ulotlar mavzusi, maqsadi va mazmuniga mosligi va mutanosibliigi hisobga olinadi. Intellektual-ijodiy jarayonda reproduktiv, mahsuldor qobiliyatlarni safarbar qiladigan o'quvchilarning muammoli-qidiruv faoliyatini faollashtiradigan hamkorlik pedagogikasiga bevosita aloqador ta'lim metodlardan foydalanildi. Shuningdek, pedagogik tashkil qilish, boshqarish, pedagogik talab, to'g'rilash, nazorat va o'z-o'zini nazorat, rag'batlantirish va taqdirlash, o'z-o'zini tarbiyalash, o'z-o'zini rivojlantirish kabi tarbiya metodlari ham keng qo'llanildi. O'zbekiston tarixiy-madaniy yodgorliklarini o'rganishga qaratilgan intellektual-ijodiy faoliyat jarayonida o'quvchilarga me'moriy yodgorliklarga kreativ munosabat qandayligini anglatishga yo'naltirilgan didaktik o'yinlar alohida o'rin tutadi.

Bunday didaktik o'yin turlariga quyidagilarni kiritish mumkin:

improvizatsiya, xayol, ijodiy tasavvur (xayolan o'tmishdan zamonaviylikka yoki aksincha zamonaviylikdan o'tmishga tomon sayr etish);

qadimiy rivoyat, afsona yoki bo'lib o'tgan voqea syujetlarini izlab topish va ularni jonlantirib tasavvur etish (masalan, yodgorliklarning qurilishi jarayonlarini);

O'zbekiston tarixiy-madaniy yodgorliklari bilan bevosita bog'liq bo'lgan, mazmunida ma'lum harakatlar uchraydigan hikoyalar yozish va ular asosida muloqotli, rolli, vaziyatli; musobaqa-o'yinlar tashkil etish kabilar[5].

Shuningdek, o'quvchilarning tushunchalar va lug'atlar ustida mustaqil ishlashiga alohida ahamiyat beriladi. Nazariy-amaliy mashg'ulot jarayonida Samarqand qadimiy me'morchilik san'atini kreativ o'rganish praktikumi, ijodiy topshiriqlar va o'quvchilarning intellektual-ijodiy va izografik ishlari (berilgan va ixtiyoriy) tashkil etiladi. O'quvchilarning ingliz tiliga ijodiy tarjima bo'yicha ishlarida qadimiy Samarqand yodgorliklari oldida chet ellik sayyohlari bilan uchrashuvlar o'tkazishda foydalanish mumkin bo'lgan so'zlar, iqtiboslar, fikrlar, iboralar, jumlarlar, minimatlar o'rganiladi. O'quvchilar o'z intellektual-ijodiy mahsulotini ijtimoiylashtirishga tayyorlanadi. Sinf dan tashqari mashg'ulotlarda yuqori sinf o'quvchilarida kreativlik qobiliyatini rivojlantirish jarayonida ijodiy yondashuv negizida mahsulot yaratilar va u talab etilgan kommunikativ darajada rasmiylashtirilib, ijtimoiylashtirilgan ekan, bunday intellektual-ijodiy mahsulotning o'ziga ham qator talablar qo'yiladi. Bular: mahsulotning yangiligi va o'ziga xosligi; g'oyaning dadilligi va mustaqilligi; yodgorlikning "his etilishi"; uning tarixiy-madaniy jihatdan anglab olinishi; yodgorlikning badiiy-me'moriy va estetik jihatdan o'rganilishi[6]. Sinf dan tashqari mashg'ulotlarda o'rganiladigan predmetning ma'naviy-axloqiy, estetik va badiiy qiymatini pedagogik nuqtai nazardan to'g'ri baholash uchun qadimiy me'moriy san'at yodgorliklarini tanlashga talablar ham ishlab chiqilishi zarur, shunga ko'ra, biz tomonimizdan qator talablar ishlab chiqildi. Bunda ularning milliy tarixiy-madaniy meros, umuminsoniy tarixiy-madaniy qadriyat, butun jahon merosi sifatida YuNESKO muhofazasida turgan yodgorlik hisoblanishi, me'moriy-obrazli ifodaliligi (silueti, shakli), unda tarixiylik va zamonaviylikning uyg'un bo'lishi, yodgorlikning tarixiy-siyosiy, ma'naviy-axloqiy

ahamiyati, barcha rakurslarda (foto, televidenie, kompyuter va boshqa vositalar yordamida), balanddan kuzatish imkoniyati, o'ziga jalb qilishi – voqea, hodisa, qiziqarli dalil va misollar, qiziqarli axborot, afsona hamda unutilmas me'moriy-badiiy obraz talqiniga ega bo'lishi, estetik xususiyat va emotsional ta'sir kuchiga egaligi kabilar hisobga olindi.

O'quvchilarida kreativlik qobiliyatini rivojlantirishda modulli, dasturlashtirish, klaster, insayt, "breynstormingli", "girlyanda", "virtual ekskursiya" metodi kabilar ham muhim o'rin tutadi. Bu xil metodlar qo'llanilganida ekslyuziv yangilik, tugallanmaganlik, ijodiy davom qildirish, relaksatsiya, to'satdan o'zaro interv'yu olish, kutilmagan so'rov kabi psixologik-pedagogik ta'sirdan oqilona foydalaniladi. O'zbekiston qadimiy me'morchilik yodgorliklariga (foto-kino-tele – komp'yuter vositasida) "Virtual ekskursiya" uyushtirishda quyidagi o'quv-biluv bosqichlari ketma-ketligiga rioya qilinadi.

Virtual metod asosida o'quv materialini bayon qilish jarayonida quyidagilarga e'tibor qaratiladi:

me'moriy yodgorlikning funktsiyaviy vazifasining nimalardan iborat ekanligi;

inshootning maqsadi inshoot qurilgan davrning tarixi va madaniyati;

yodgorlik tarixi haqida ma'lumot berish; yodgorlikning umumiy me'moriy, badiiy qiyofasini tavsiflash;

o'quvchilarning ushbu qadimiy me'morchilik san'atini emotsional-hissiy (ixtiyoriy) badiiy-tahliliy, algoritmlashgan, estetik (yo'nalgan) idrok qilishi;

o'quvchilarni yodgorlik milliy boylik, jahon merosi ekanligi to'g'risida mulohaza yuritishga yo'naltirish[7].

Yuqori sinfda o'quvchisining o'z intellektual-ijodiy mahsuloti ijtimoiylashuvini mustaqil baholay bilishi, unda kreativlik qobiliyati rivojlanganini belgilovchi parametrlar kreativ rivojlanishni baholashning motivatsion, nazariy-tushunchaviy, axborot-bilishga oid, nazariy-amaliy, intellektual-ijodiy, o'z-o'zini o'stirish, ijtimoiylashtirish va o'z-o'ziga baho berish kabi mezonlar bilan hamohangdir. Bunda axborotlarni topish, jamlash, ajratish, badiiy-tahliliy va ifodalovchi intellektual-ijodiy faoliyat ustuvorlik qiladi.

O'qitishning maxsus printsiplariga rioya etish hamda ta'lim jarayoniga oqilona rahbarlik qilish orqali o'qituvchi mashg'ulotning yuqori samaradorligini ta'minlaydi. O'quvchilarning guruhli va jamoaviy faoliyatini tashkil etishda ularga jamoa yutug'i va kamchiligiga umumiy daxldorlik tuyg'usini singdirish bilan ularni sotsiumga erkin kirib keta olishi, ya'ni ijtimoiylashuvini yo'lga qo'yadi.

Yuqori sinf o'quvchilarining kreativlik qobiliyatlarini rivojlantirish bilan aloqador bo'lgan asosiy nazariy va amaliy psixologik-pedagogik yo'nalishlar tadqiq qilingan muammoni hal etishning asosiy shart-sharoitlari belgila beradi. Jumladan, o'quvchi shaxsiga oid psixologik yosh xususiyatlari – qobiliyat, qiziqish, ehtiyoj va moyillik; intellektual-ijodiy, kreativ faoliyat; sinfdan tashqari mashg'ulotlarda yuqori sinf o'quvchisi kreativlik qobiliyatlarining rivojlanish sxemasi, modeli, tizimi, tuzilmaviy-mazmunli negizi; tarixiy-madaniy materialni intellektual-ijodiy-emotsional-hissiy idrok qilish algoritmlari (yo'l-yo'riqlar, mo'ljallar); qadimiy me'morchilik asarlarini idrok qilish–tahlil qilish, O'zbekiston tarixiy-madaniy yodgorliklariga nisbatan qadriyatli munosabat; intellektual-ijodiy ishlarda tarixiy-madaniy bilimlar, taassurot va his-tuyg'ularni aks ettirish kabilar.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:

Mirziyoev SH. Bugun ma'rifatga e'tibor qaratish har qachongidan ham muhimdir. Elektron resurs: <https://www.gazeta.uz> Murojaat sanasi: 05.09.2019.

Karimov I.A. Yukcak ma'naviyat – yengilmas kuch. – Toshkent: Ma'naviyat, 2008. – 176 b.

Мурадова Д.Д. Освоение новых знаний и умений посредством инновационных методов как стержневая основа развития креативности // Халқ таълими. – Тошкент, 2006. – №7. – 152-155 б.

5. Эстетическое воспитание обучающихся в протессе вне-учебного изучения памятников архитектуры Узбекистана: Пед. фанлари номзоди дисс. автореф. – Т., 1995. – С. 22.

6. Немов Р.С. Психология. Учебник для студентов высш. учеб. Заведений. В 2-х кн. Кн.1 – «Общие основы психологии». – М.: Владос, 1994. – 217 б., Кн.2 – «Становление личности в ранней юности». – М.: Владос, 1998. – 606 б. – 238-244 б.

7. Tilakova M.A. VIII-IX sinf o'quvchilarida sinfdan tashqari mashg'ulotlarda kreativ

**TILSHUNOSLIK SATHLARI ORASIDAGI BOG`LIQLIK ONA TILINI O`QITISHNING ILMIIY ASOSI**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.052>

G`ulyamova Xalida,

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika institute Bohlang`ich ta`lim nazariyasi kafedrası katta o`qituvchisi

*Annotatsiya. Mazkur maqolada maktabda tilni o`rgatishda til bo`limlari orasida ichki bog`liqlikka asoslanilishi, o`quvchilarning til bo`limlari orasida ichki bog`lnishni ongli anglashlarini ta`minlash, til birligining nutqimizdagi ahamiyatini tushunishlariga erishish haqida so`z yuritiladi.*

*Kalit so`zlar: tovush, so`z, ibora, gap, til sathlari, til murakkab rivojlanuvchan hodisa, tilning ijtimoiy mohiyati, til aloqa vositasi, so`z ma`nolari, so`z tarkibi, so`zning grammatik xususiyati.*

**ВЗАИМОСВЯЗЬ МЕЖДУ ЯЗЫКОВЫМИ УРОВНЯМИ НАУЧНАЯ ОСНОВА ОБУЧЕНИЯ РОДНОМУ ЯЗЫКУ**

Гулямова Халида,

Старший преподаватель кафедры теории начального образования Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области

*Аннотация. В данной статье рассматривается, как преподавать язык в школе на основе взаимозависимости между языковыми отделениями, добиться осознанного понимания учащимися взаимосвязей между языковыми отделениями, добиться понимания важности языкового единства в нашей речи.*

*Ключевые слова: звук, слово, словосочетание, речь, языковые уровни, языковой комплекс, эволюционное явление, социальная сущность языка, языковая коммуникация, значения слова, структура слова, грамматические признаки слова.*

**INTERRELATION BETWEEN LANGUAGE LEVELS THE SCIENTIFIC BASIS OF TEACHING THE NATIVE LANGUAGE**

Gulyamova Xalida,

senior lecturer of the Department of Theory of Early Education Chirchik State Pedagogical Institute Tashkentskoy region

*Annotation. This article discusses how to teach language at school based on the interdependence between language departments, to achieve a conscious understanding of the relationship between language departments by students, to achieve an understanding of the importance of linguistic unity in our speech.*

*Key words: sound, word, phrase, speech, language levels, language complex, evolutionary phenomenon, social essence of language, language communication, word meanings, word structure, grammatical features of the word.*

Umumiy o`rta ta`limning MO`Dining ona tili fanining “O`zbek tili ta`limi barkamol shaxs tarbiyasi, unda ma`naviy sifat va ijodiy tafakkurni rivojlantirish, milliy o`zlikni anglash, milliy an`ana va avlodlar o`rtasidagi vorislikni asrash hamda davom ettirish jarayonida yetakchi o`rin tutadi”[1] deb qayd etilishi maktabda ona tilini o`qitishga ilimiy-metodik jihatdan asosli yondashuvni taqozo etadi.

“Jamiyatdagi ijtimoiy nufuzini yuksaltirish bilan ta`lim, ilm-fan, iqtisodiyot va siyosat sohalarida o`zbek tilining mavqeyini mustahkamlash, ularda ish yuritishda



davlat tilining mutloq yetakchilik maqomini ta'minlash yo'nalishini belgilagan holda ta'limda o'zbek tilini o'qitish tizimi ushbu yo'nalishda amalga oshiriladigan ishlarni yuzaga chiqarishni ko'zda tutadi"[2] deb qo'yilgan vazifalarni amalga oshirishda maktabda o'quv predmeti sifatida tilni o'rganish tizimini aniq belgilab olishni taqozo etadi.

Milliy o'quv dasturidagi "Fanlararo bog'lanishni tafakkurning rivojlanishiga qiyoslash mumkin"[3] deyilgan fikr ona tilining barcha sathlari o'zaro bog'lanishda harakatda bo'lishiga asoslanib aytilgan. Tilning fonetikasi leksikasiz o'lik, leksika fonetik birliklarsiz yuzaga kelmaydi. Tilning kommunikativ vazifasi uning barcha sathlarining o'zaro mantiqiy bog'liqligini namoyon etadi. Demak, maktab ta'limida tilning barcha tomonlarini, ya'ni fonetikasi, leksikasi, so'z yaslashi va grammatikasi (morfologiya va sintaksis)ning o'zaro ichki bog'lanishlariga asoslanish tilni o'zlashtirish jarayonining ongliligini ta'minlaydi.

Ona tili fanini o'qitish konsepsiyasida "...o'quv dasturlarini ona tili ta'limi maqsadi hamda mazmuni uyg'unligiga ko'ra isloh qilish hamda ular asosida darsliklar, o'quv qo'llanmalari va didaktik materiallarning yangi avlodini yaratish"[3] da ona tili ta'limi sathlari va ular orasidagi mazmuniy bog'lanishga asoslanilganligandagina maqsadga erishiladi.

Ma'lumki, tilning barcha tomonlarining o'zaro bog'liqligi, ko'p qirraliligi va murakkabligi, ularning dialektik birligi, avvalo, uning aloqa vositasidagi vazifasida namoyon bo'ladi.

Tilning barcha sathlari o'zaro bog'liqligi tovushsiz so'z va iboralar, so'zsiz gap yuzaga kelmasligida, so'z va iboralar gapning qurilish materiali sifatida xizmat qilishida, gaplarning mazmun jihatdan bog'lanishi biror bir voqelikni o'zida aks ettiruvchi matnni yuzaga keltirishida namoyon bo'ladi. Maktabda tilni o'rgatishda o'quvchilarning til sathlari orasida ichki bog'lanishni ongli anglashlariga erishish uchun mazkur bog'liqlikka asoslaniladi. Tilning barcha tomonlari (fonetikasi, leksikasi, grammatikasi, so'z yaslashi)ni o'zaro bog'liq holda o'rganish ona tilini o'zlashtirishni ta'minlovchi yetakchi tamoyil sanaladi. Bu tilning murakkab, rivojlanuvchan, o'zaro bog'langan muhim tomonlarga ega hodisa sifatida anglab yetishlari uchun ilmiy asos yaratadi.

O'quvchilarda ona tili nazariyasi yuzasidan elementar tushunchani shakllantirish jarayonida uning ichki bog'lanishining mohiyatini ochib berish tilga bo'lgan e'tiborni kuchaytiradi. Ona tili ta'limida ijtimoiy hodisa sifatida til haqidagi bilimlar izchil kurs sifatida o'rgatilishi shart emas. Masalan, oldin gap (sintaksis), keyin so'z shakllari (morfologiya), undan so'ng tovush (fonetika) o'rganilishi mumkin. Lekin til sathlari o'rtasidagi bog'lanish har bir tahlil jarayonida inobatga olinishi lozim. So'z ma'nosi (leksikologiya), tinish belgilarining qo'llanilishi va imloviy savodxonlik (orfografiya) barcha bo'limlar tarkibida o'rgatib borilishi nazardan chetda qolmasligi zaruriy shartlardan hisoblanadi.

O'quvchilarning tilning ijtimoiy mohiyati - aloqa vazifasini bajarishi, uning jamiyat hayotidagi ahamiyatini aniq tushunishlariga erishishda quyidagilarga e'tibor qaratiladi:

1. O'quv jarayonida har bir til birligining nutqimizdagi ahamiyatini o'quvchilarning anglashlariga erishish zarur. O'quvchilar tilning aloqa vositasi ekanini til birliklari (fonema, morfema, so'z, so'z birikmasi, gap)ning vazifasini tushunish jarayonida bilib boradilar. O'quvchilarga ta'lim jarayonida ma'lumotini nima vositasida o'rganayotganini anglashiga doir savol-topshiriqlar berish shu maqsadga yo'naltiriladi. Masalan, gullarga nom bo'luvchi so'zlarni aniqlang. Shu so'zlar bo'lmaganda gullarni bir-biridan qanday farqlagan bo'lar edingiz. Nima uchun ularga alohida nom berilgan? Yoki: Sayyoralar nomini aniqlang. Ular nima uchun har xil nomlangan? Sayyoralar nomi tarkibidagi tovushlar so'z ma'nosiga qanday ta'sir ko'rsatdi? O'zbek tilida nechta tovush bor? Ular asosida nechta so'z

yuzaga kelganini o`ylab ko`rgamisiz? kabi.

2. Mehnat va nutq kishini yaratadi, uni hayvonot olamidani ajratadi. Odam mehnat jarayonida o`zining fikrlash faoliyatini rivojlantirish va nutqini o`stirish bilan o`zini doimo takomillashtirib boradi. Olamni, koinotni o`zgartira borib, kishi yanada kamol topa boradi, uning tili ham boyiydi. Kishilar bilan, jamiyat a`zolari bilan aloqa, munosabat, birgalikdagi mehnat har bir kishining o`sishi, rivojlanishidagi zaruriy shartlardan hisoblanadi. “Siz o`qiyotgan darsligingiz asosida nimalarni bilib oldingiz? Bundan oldin bu haqida nimalarni bilar edingiz? Shu matn asosida nutqingiz qaysi so`zlar bilan boyidi? O`ylang! Siz ixtiro qilsangiz uni nima vositasida nomlaysiz? Siz shunda tilga qanday hissa qo`shgan bo`lasiz?” kabi savollarga o`quvchilarning javoblari orqali tilni o`zlashtirib olishlari hayotiy zarurat ekanini anglatish mumkin.

O`quvchilarning tilning aloqa vositasi ekanligini tushunishlarida “Til har bir kishi hayotida, umuman, jamiyat hayotida qanday o`rin egallaydi?” savoliga javob topishlari ijobiy ta`sir ko`rsatadi. O`quvchilar sinfdan sinfga o`tishi bilan bu savolning javobi chuqurlashib va kengayib boravveradi. Til kishilarning birgalikdagi mehnat faoliyatida, yangiliklarni maslahatlashib tushunishlarida, yangi ixtirolar qilishlarida zarurligini hayotiy misollar asosida angelaydilar. Yoshlari ulg`aygan sari o`quvchilar odamning odam bo`lishida tilning ahamiyatini tushuna boradilar. Buning “O`qigan hikoyangizni yozuvchi tasvirlagan so`zlardan to`liq foydalanib qayta hikoyalang. Qayta hikoyalashda qanday qiyinchilikni his qildingiz? Buni yengish yo`lini o`ylab ko`ring. Siz ham biror mavzuda yozuvchilar kabi hikoya yoza olasizmi? Bunga erishish uchun nima qilish kerak deb o`ylaysiz?” kabi savollar asosida suhbat uyushtirish lozim.

3. O`quvchilarning tilga ijtimoiy hodisa sifatida qarashini shakllantirishda tilning kelib chiqishi, tilda yangi so`zlarning paydo bo`lishi haqida ularning saviyasiga mos bo`lgan “sir”ni yechish (tushuntirish) ijobiy ta`sir ko`rsatadi. O`qituvchi o`quvchilarga tilning bir kishi tomonidan maxsus o`ylab chiqarilmaganini, u ibtidoiy odamlarning mehnat faoliyati bilan bog`liq holda yaratilganini va ular tilning rivojlanishini doimiy ravishda hissa qo`shganligini va o`zlari ham shu til vositasida uni o`zgalarga tushuntirishda quyidagi matndan foydalanish maqsadga muvofiq:

Bundan juda uzoq vaqtlar ilgari tilda faqat bir necha so`z mavjud edi. Kishilar atrofda tabiatni, narsalarni bilib, ish qurollari yaratdilar. Ishlab chiqargan narsalari ko`paygan sari tilda yangi so`zlar paydo bo`la boshladi. Atrofimizda mavjud bo`lgan shaxs va narsalarga, ularning belgilariga, juda ko`p boshqa narsalarga kishilar nom qo`yga boshladilar. Shunday qilib, til yangi so`zlar bilan boyidi va hozir ham boyib bormoqda. Shu kishilar yaratgan yangiliklarini boshqalarga til vositasida o`rgatishga harakat qilganlar”.

O`zbek tilining boyligini asoslab beruvchi matnlar bilan tanishtirish va ular ustida ishlash o`quvchilarning tilga bo`lgan munosabatini o`zgartirib boradi:

O`zbek tilining buyuk dengizi ana shu uch buyuk daryo – turkey, arabiy va forsiydan suv ichish barobarida eski lotin, xitoy, hind, mo`g`ul, rus, Yevropa tillaridan bahramand bo`lgan. Olimlarimiz allaqachon unut bo`lib ketgan ko`hna Sanskrit so`zlarini ham til xazinamizda topganlar. Shu sabab tilimiz boy,- deyishga haqlimiz...

Bizning shunday ulug` she`riyatimiz bor, boylikda beqiyos ona tilimiz bor. Til millatning bosh belgisi hisoblanadi. Til bor – millat bor. Til yo`q – millat yo`q. Istiqloq unut bo`lgan davlatchiligimizni tikladi, yo`q bo`lishga mahkum qilingan tilimizni, demakki, millatimizni asradi va aziz qildi. Endi uning biz yo`qotib ulguragan boyligini tiklash, turlicha “izm” tamg`alarini qo`yib iste`moldan chiqarilgan so`zlarni o`rniga qaytarish, buning uchun mumtoz adabiyotimizni chuqur o`rganish hozirgi avlod zimmasidagi sharafli burchdir[4]. (Topshiriq: Matnni o`qing. Unga

munosabatingizni bildiring.)

Tilning rivojlanib borishini va soʻz maʼnolarini oʻquvchilar shaxs, narsa, joy (ot), rang, maza-taʼm, hajm, shakl, hid, xususiyat (sifat), miqdor, tartib (son), harakat, holat(feʼl)ni oʻrganish jarayonida farqlab boradilar[5]. Oʻquvchilarning tilning rivojlanib borishini haqidagi tushunchasi “Soʻzning tarkibi” boʻlimini oʻrganish jarayonida yana ham aniqlashadi. Oʻquvchilar bu boʻlim materiallarini oʻrganish jarayonida tilimizdagi yangi soʻzlar tilda mavjud boʻlgan soʻzlar zaminida yaratilishini, tilda bor qoliplar asosida yuzaga kelishining ilmiy asosini bilib oladilar: olma soʻzi asosida olmazor; suv soʻzi asosida suvchi, suvdon, suvsiz, sersuv kabi. Tilda yangi soʻzning paydo boʻlishi oʻzidan keyin bir xil asosli soʻzlar guruhining hosil boʻlishiga sabab boʻladi: ishli, ishsiz, ishchi kabi[6].

Ona tilimizning boyligi nafaqat yozma manbalar asosida, balki jamiyat aʼzolarining nutqiga kiritish orqali ham saqlab qolinadi. Til harakatda boʻlmas ekan, u kishilarga xizmat qilmas ekan, bu tilning jamiyatdagi oʻrni susayib ketaveradi. Shuni nazarda tutgan holda tilning leksikasini ona tili taʼlimi uchun ajratilgan barcha darslarda, maktabda oʻqitiladigan boshqa barcha fanlar asosida oʻzlashtirilishiga eʼtibor qaratilishi lozim.

Tilning leksik tarkibida yuz berayotgan oʻzgarishlar yuzasidan oʻqituvchi va oʻquvchilarning kuzatishlari ularda dunyoni bilish haqidagi tasavvurini shakllantirishga mos material beradi. Oʻquvchilarning muayyan mavzuni yoritishda til hodisalaridan savodli foydalana bilish va toʻgʻri nutq tuza olish koʻnikmasini egallashi tilni amaliy oʻzlashtirishni taʼmin etadigan til materialining yuqori sifatli boʻlishiga bogʻliq. Oʻquvchilarning soʻzga boʻlgan munosabatini shakllantirishda yozuvchilarimizning soʻzga boʻlgan munosabati bilan tanishtiradigan fikrlarini oʻqitish va olgan taassurotlarini soʻrash lozim. Masalan: Adabiy jarayon hamisha soʻz olamiga sayohatdir. Ijodkor Soʻzni tirik jon deb biladi va Soʻz bilan soʻzlashadi. Mening bu yozganlarim ana shunday jonli til bilan suhbat boʻlishini istayman. Umrini yashab boʻlgan va barhayot, men anglagan va anglab yetmagan sohir xilqat bilan koʻngil bogʻlarida kezib, xayolan Soʻz bilan soʻzlashsam, deyman. Siz azizlarimni ham sayrga hamroh boʻlishga taklif etmoqchiman. Soʻz moʻjizasi qoshidagi hayratlarimga oshno qilmoqchiman[7].

Oʻquvchilarning tilni oʻzlashtirish jarayonini tekshirish shuni koʻrsatadiki, tilga ilmiy qarash asoslarini shakllantirish uning muhim bogʻlanishlarini bilishga ham yordam beradi. Xususan, oʻquvchilarning soʻzning tovush tomoni bilan uning leksik maʼnosi, soʻzning morfemik tarkibi bilan leksik maʼnosi, soʻzning grammatik maʼnosi bilan uning maʼlum soʻz turkumiga tegishliligi oʻrtasidagi bogʻlanish kabilarni bilib olishi shu maqsadga xizmat qiladi. Bu bogʻlanish tilning fonetik, leksik, soʻz yasalihi va grammatik tomonlarining bir-biriga taʼsir qilishini xarakterlaydigan umumiy bogʻlanishlarning xususiy koʻrinishi hisoblanadi.

“Tildan bilim berishda oʻquvchilarning hayotiy tajribasiga tayanish muhimdir. Oʻqituvchi nazariy xarakterdagi umumlashtirish zarur boʻlgan daliliy materiallarni yigʻish bosqichida ham, berilgan bilimlarni amaliyotga tatbiq etish uchun ham bolalarning hayotiy tajribasiga tayanadi. Tilga oid bilimni oʻrganish natijasida oʻquvchilar nutq faoliyatining sifati oʻzgaradi, ongliligi ortadi. Tilni oʻrganishni hayot bilan bogʻlash dunyoning moddiylikini tushunishga asos yaratadi”[8]. Bu bilan bir paytda ona tili darslarining asosiy vazifalaridan biri boʻlmish oʻquvchilarda toʻgʻri kuzatish va oʻz fikrlarini ogʻzaki va yozma shaklda aniq bayon etish koʻnikmasini oʻstirish masalasi hal qilinadi. Bunda oʻqituvchidan oʻquvchilarda dialektik fikrlash koʻnikmasini shakllantirishga alohida eʼtibor berish talab etiladi.

Tilni oʻrganishda oʻquvchilar uchun ayrim qoida va aniqliklarni yodlab olish emas, balki atrofda hayotni kuzatish asosida oʻquvchilarning oʻzlari “topgan” yoki adabiy manbalardan tayyor olingan til materialini maqsadga muvofiq analiz va sintez qilish yetakchi hisoblanadi. Oʻrganiladigan grammatik va soʻz yasalihi oʻzida



leksik tushunchalarning mavjud belgilarini aniqlash jarayonida faol qatnashish, bilib olingan dalillarni o'xshash va farqli tomondan qiyoslash, shuningdek, o'rganilgan nazariy bilimlarni har xil nutqiy faoliyatga ijodiy tatbiq etish o'quvchilarda dialektik fikrlash ko'nikmasini o'stirish uchun zamin va shart-sharoit yaratadi. Bunda muhim omillardan biri o'quvchilarning aqliy faoliyatini o'qituvchi tomonidan maqsadga muvofiq boshqarish, ularda orfografik, grammatik yoki leksik-uslubiy vazifalarni hal qilishning umumiy metodlarini shakllantirish hisoblanadi.

Shunday qilib, tilni o'rganish jarayonida kichik yoshdagi o'quvchilarga o'rganilayotgan til haqidagi bilimlar majmuasi, bilish usuli, tilni o'rganishga asos bo'ladigan matnning g'oyaviy-siyosiy va badiiy qimmatini hal qiluvchi ta'sir ko'rsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

Milliy o'quv dasturi. O'zbek tili predmetining ta'lim tizimida tutgan o'rni va ahamiyati. -T.: 2020. 9-bet.

Milliy o'quv dasturi. O'zbek tili predmetining ta'lim tizimida tutgan o'rni va ahamiyati. -T.: 2020. 9-bet.

Milliy o'quv dasturi. Filologiya fanlari tasnifi va integratsiyasi.. . -T.: 2020. 3-10 bet.

Erkin Vohidov. So'z latofati. 2018.

Ikromova R., G'ulomova X, Yo'ldosheva Sh., Shodmonqulova D. Ona tili. -T.: O'qituvchi. 2018.

Fuzailov S., Xudoyberganova M., Yo'ldasheva Sh. Ona tili. 3- sinf uchun darslik. -T.: O'qituvchi. 2017.

Erkin Vohidov. So'z latofati. 2018.

S.Matchonov, H.Bakiyeva, X. Gulyamova va b. Boshlang'ich sinflarda ona tili o'qitish metodikasi. -T.: Ishonchli hamkoq. 2021.

**ХОРИЖ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМИДА “МАКТАБ КЛАСТЕРИ”**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.053>

Қаришьева Дилбар Эшпўлатовна,  
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини,  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

*Аннотация. Замонавий педагогикада таълим кластери – муайян географик ҳудуднинг рақобатбардош педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириши мақсадида бир-бири билан узвий алоқадаги тенг ҳуқуқли алоҳида субъектлар, технология ва инсон ресурсларининг интеграциялашувини кучайтирувчи механизми сифатида қайд этиб келинади. Ушбу мақолада “Таълим кластери – узлуксиз таълимнинг мактабдан ишлаб чиқаришгача бўлган ягона тизими”, эканлиги ёритилган.*

*Калит сўзлар: педагогика таълим кластери амалиёт, компетенция, касбий компетентлик, педагог кадрлар.*

**«ШКОЛЬНЫЙ КЛАСТЕР» В ЗАРУБЕЖНОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ОБРАЗОВАНИИ**

Қаришьева Дилбар Эшпўлатовна,  
Чирчикский государственный педагогический институт Ташкентской области, доктор философии в области педагогических наук (PhD)

*Аннотация. В современной педагогике образовательный кластер определяется как механизм, усиливающий интеграцию отдельных субъектов, технологий и человеческих ресурсов, которые неразрывно связаны друг с другом с целью удовлетворения потребности конкретного географического района в конкурентоспособных педагогических кадрах. В данной статье поясняется, что «Образовательный кластер – единственная система непрерывного образования от школы до производства».*

*Ключевые слова: кластерная практика педагогического образования, компетентность, профессиональная компетентность, педагогические кадры.*

**“SCHOOL CLUSTER” IN FOREIGN PEDAGOGICAL EDUCATION**

Karshieva Dilbar Eshpulatovna  
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region,  
Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences (PhD)

*Annotation. In modern pedagogy, the education cluster is defined as a mechanism that strengthens the integration of individual entities, technology and human resources, which are inextricably linked with each other in order to meet the needs of a particular geographical area for competitive teaching staff. This article explains that the “Education Cluster is the only system of continuing education from school to production”.*

*Keywords: pedagogical education cluster practice, competence, professional competence, pedagogical staff.*


Кириш. Жаҳонда содир бўлаётган глобаллашув натижасида макон ва замон тушунчалари ўз аҳамиятини йўқотаётган бир даврда таълим хизматлари бозори тобора минтақавий аҳамият касб этиб бормоқда. Бугунги кунга келиб бозорни юқори даражадаги профессионал таълим хизматлари билан таъминлаш минтақа миқёсида энг долзарб масалалардан бирига айламоқда. Айни дамда бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида таълим

кун сайин бозор механизмининг талаб, таклиф, рақобат, маркетинг ва бошқа қонуниятларига бўйсунадиган таълим хизматлари соҳасига айланиб улгурди. Бу олий таълим тизимидаги, хусусан, педагогик таълимда кўзга ташланаётган бир қатор муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишни тақозо этади.

Педагогик фаолиятда касбга оид дуч келинадиган баҳсли вазиятларда мустақил ва муваффақиятли ҳаракат қилишга, муаммоларга креатив ёндашишга, ўз касбини кадр-қимматини ҳис этиш ва уни асраб авайлаш, қолаверса, кўкларга кўтаришга қодир мутахассисни тайёрлашни мақсад қиладиган, педагогик таълим мазмуни узлуксизлиги ҳамда узвийлигига асосланган, унинг натижадорлигига жавобгар бўла оладиган олий таълим сифати алоҳида аҳамиятга эга. Бундай таълим сифатини таъминлашга қодир механизм сифатида “Педагогик таълим кластери”ни тилга олиш ўринлидир.

“Педагогик таълим кластери – муайян жуғрофий ҳудуднинг рақобатбардош педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир-бири билан узвий алоқадаги тенг ҳуқуқли алоҳида субъектлар, технология ва инсон ресурсларининг интеграциялашувини кучайтирувчи механизм” [1] сифатида қаралмоқда.

Адабиётлар шарҳи. Таълим кластери рус тадқиқотчилари томонидан турли аспектларда тадқиқ этилганини кўришимиз мумкин. Жумладан, “Таълим кластери – асосан занжир ичидаги горизонтал боғланишларга асосланган фан-технология-бизнеснинг инновацион занжирида таълим бериш, бир-бирига таълим бериш ва ўз-ўзини тарбиялаш (мустақил таълим олиш) воситалари тизимидир”, “Таълим кластери – узлуксиз таълимнинг мактабдан ишлаб чиқаришгача бўлган ягона тизими”, [2] дея қайд этилади. Россия таълим кластери модели тадқиқотчилар томонидан қуйидагича ифодаланган



1-расмда Россия таълим кластери модели

1-расмда келтирилган моделни таҳлил қилар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, энг самарали, инновацияларга йўналтирилган усул – бу умумий таълим тизими, илм-фан ва ишлаб чиқаришни ўзаро бир мақсадда ҳамкорлигини таъминлаш, интеграциялаш, яъни таълим кластерини тузиш. Мазкур мақсадга эришилганда бир қатор истиқболли режаларга эришилади, муайян устуворликлар қўлга киритилади.

Бу ҳақда русийзабон олима Е.Н. Коновалова батафсил тўхталган: “таълим-фан-ишлаб чиқариш” тизимида шериклик алоқаларини ўрнатиш орқали меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозори ўртасидаги номувофиқликлар қайта тизимланади; “таълим-фан-ишлаб чиқариш” тизими узлуксиз жараён бўлиб, кластер воситасида таълим хизматлари бозорида ўзгаришларни тезда

бошқаришга имкон берадиган элементларнинг барқарор ўзаро таъсири таъминланади; таълим кластерлари ички ресурслари: кадрлар, илмий ва ахборот салоҳияти, молия, инфратузилмадан самарали фойдаланишга имкон яратади; кластерга бирлашиш орқали турли илмий, технологик ва таълим инновацияларнинг уйғунлашувига ҳамда янги билимларни ишлаб чиқариш ва таълим технологияларига йўналтириш тизимини шакллантиришга имкон яратилади; бу кўп босқичли таълим тизимини шакллантириб, фаолият юритиш учун (ташкilot, компания, корхона) бўлажак мутахассисларга билимларни чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тизимлаштириш имконини беради; таълим мазмунини бирлаштириш, таълимнинг мақсад, метод, шакл ва воситаларида узлуксизлик принципини амалга ошириш, янги кадрларни тайёрлаш учун вақтни қисқартиради; иш берувчилар (ташкilot, компания ва корхоналар) ҳамкорлиги ҳамда таълим муассасалари ва фанга инвестицияларни рағбатлантириш механизмлари кучаяди” [3]. Мазкур афзалликлар бошқарув механизми кластер субъектларининг ўрнатилган инновацион-технологик жараёни сифатида маҳсулотнинг инновацион параметрларини прогноз қилиш ва бошқариб туриш учун шароит яратади.

Юқорида таълим кластери бўйича билдирилган фикрлардан шундай дастлабки хулосаларга келиш мумкин: МДХ давлатлари таълим тизимида “кластер” таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш мақсадида барча таълим босқичи муассасаларининг ўзаро бирлашуви ва ҳамкорлиги тушунилади. Бу орқали таълим сифати ва самарадорлигига эришиш мақсад қилинади.

Америка, Европа ва Африка мамлакатлари соҳавий манбалари таҳлилига асосланиб қайд этишимиз мумкинки, “мактаб кластери (инглиз тилида – school cluster, немис тилида – Schulcluster)” ушбу минтақалар таълим тизимида алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур тушунчани тўғри ва аниқ ёритиш, ўз навбатида, қуйидаги атамалар маъносига тўхталишни тақозо этади.

Европада мактаб кластери маъмурий ва таълим мақсадларидаги номуносибликни бартараф этиш учун географик жиҳатдан бир-бирига имкон қадар яқин жойлашган мактабларнинг бирлашишини англатади.

Мактабларнинг кластерлаштириш ривожланаётган давлатларда мактабларни қўллаб-қувватлашнинг халқаро меъёрига айланди, чунки мамлакатлар таълим тизимида мавжуд кўплаб муаммоларини ҳал қилиш йўллари кидирмоқдалар. Юқорида қайд этилганидек, Ф.Диттмар, В. Чикоко ҳамда Т.Текалигне “мактаб кластери”ни [4] географик жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашган мактаблар бирлашуви, гуруҳи деб таърифлайди. Бошқа бир манбада мактаб кластери нафақат ўзаро географик яқин жойлашган, балки сифатли таълим самарадорлигини яхшилаш ва маъмурий мақсадларда ўқитиш ва ўрганиш ресурсларини баҳам кўришга қодир бўлган мактабларни бирлаштириш эканлиги таъкидланади.

Натижа ва муҳокамалар. Мактаб кластери илк марта “Буюк Британия ва Ҳиндистонда 1940-йилларнинг бошларида, ўз таълим тизимларида самарадорликни ошириш, қишлоқ мактаблари бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, ўқув-ахборот ресурсларини ўзаро алмашиш, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида билим-маҳорат ва таълимнинг самарали ёндашувларини ўзаро алмашиш борасида ҳамкорликни ривожлантириш орқали сифатли таълимни такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган. Мактаб кластерлари бошқарув, мавжуд ресурсларни алмашиш орқали ўқув ва синфдан ташқари ишларни такомиллаштиради, чунки бундай мактабларда яқин атрофда жойлашган мактабларнинг ўқитувчилари учун материал ва манбалар билан таъминланган ресурс марказлари мавжуд бўлади.

Мактаб кластерларини ташкил этишдан қуйидагилар мақсад қилинади:

1) мутахассислар ўртасида тажриба ва маҳоратларни алмашиш орқали ўқитиш ва мустақил ўрганишни такомиллаштириш;

2) мактабда фаолият юритаётган кадр-педагоглари ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш орқали сифатли таълимга эришиш;

3) педагог ва маъмурият ходимларининг касбий компетентлигини ошириш;

4) самарали профессионал тармоқ орқали “изоляция”ни бузиш орқали бир нечта кичик мактабларнинг манбаларини бирлаштириш учун маъмуриятга ёрдам бериш;

5) марказлашмаган қарорларни қабул қилиш, эгалик қилиш ва жавобгарликнинг юқори даражаларига эришиш.

Мактаб кластерлари қуйидаги сабабларга кўра жорий қилинади:

1) мактабларда бошқарув ва кўллаб-қувватлаш даражасининг пастлиги;


2) ўқитувчилар кўллаб-қувватлашга бўлган қатъий эҳтиёж;

3) юқори даражага эришиш борасида қарорларни қабул қилишда барча манфаатдор томонларнинг иштироки;

4) кўпчилик мактаблар қисман изоляцияда фаолият юритаётганлиги.

Америка ва Африка малакатларида жорий этилган мактаб кластери немис таълим тизимига ҳам киритилганини шу тилдаги манбалардан билишимиз мумкин. Ушбу давлатда ҳам мактаб кластери (немисча- “Schulcluster”) юқорида қайд этилган тушунчага яқин мазмун касб этса-да, немис таълим тизимида жорий этилган “мактаб кластер”ларида олий таълим ташаббускор, шу билан бирга етакчи муассаса саналади. Бу ҳолни Ўзбекистон таълим тизимига кириб келаётган “Педагогик таълим инновацион кластер модели”да ҳам кўришимиз мумкин [5]. Жумладан, мактаб ва олий таълим муассасаси ўзаро ҳамкорликда ишлаши, бир-бирини турли мақсадларда: етук билимли ўқитувчиларни тайёрлаш, ўқувчиларни ОТМда ўқиш жараёнига тайёрлаш ҳамда олиб борилган тадқиқотни бевосита дарс жараёнларида кўллашда ўзаро кўллаб-қувватлаши мумкин. Мюнхен техника университети шу концепция асосида қатор ҳудуддош мактабларни ягона бир тармоққа бирлаштирган эди, бу тизим кейинчалик оммалашиб, Schulcluster (Шулкластер)га айлантирилган. Буни ташкил этиш учун илк қадам координатор сифатида хизмат қиладиган таянч мактабни ташкил этишдан бошланади, ушбу мактаб учун доимий мурожаат манзили ўша ОТМ ҳисобланади. Мазкур ОТМ эса, ўз навбатида, кластер доирасида мультипликатор вазифасини бажаради. Кластер миқёсида қатор таълим муассасалари ресурсларини ўзаро боғлашади. Таълим муассасалари билан бир қаторда мактабдан ташқари муассасалар (бандлик марказлари, ўқув марказлари ва шу кабилар), маҳаллий саноат корхоналари ва турли ижтимоий бирлашмалар ҳам қўшилиши мумкин. Шу тарзда ўша ҳудуддаги мактабларнинг ўзаро алоқалари жадаллашади ҳамда ОТМ кластер иштирокчилари билан ўзаро алоқани самарали ташкил этишга эришади. Шу тарзда Мюнхен техника университети томонидан немис таълим тизимида дастлабки Schulcluster 2007 йил Берхтесгаденер ўлкасида 4 та гимназияни бирлаштирилиб ташкил этилган. Кейинчалик ўзаро яқин ҳудудда жойлашган ҳар хил турдаги 13 та мактаб ҳам бирлашиб, мактаб кластерини ташкил этган. 2009 йил Алтўттинг-Траунштайн (Altötting-Traunstein)да, бир йил ўтиб Бенедиктбойерн (Benediktbeuern)да ҳам шундай кластерлар ташкил этилган.

Юқоридаги таҳлиллар асосида мактаб кластери моделини қуйидагича ифодалаш мумкин.



2-расм. Германия таълим тизимида “мактаб кластери” структураси

2-расмдан кўришимиз мумкинки, Европа, айнан, Германия таълим тизимида географик ўзаро яқин жойлашган бир нечта мактаблар шу ҳудуддаги муайян ОТМ билан биргаликда “мактаб кластери”ни ташкил этиши мумкин. Ушбу мактаблардан бирига координатор сифатида таянч мактаб, яъни кластер маркази вазифаси юкланади, ОТМ эса таянч мактаб учун доимий мурожаат манзили - мультипликатор вазифасини бажаради. Мисол учун, маълум бир вазифа, топшириқ ёки консультатив маълумот ҳар бир мактабга эмас, балки айнан ўша таянч мактабга етказилади, ўз навбатида, ушбу мактаб бошқа аъзо мактабларни хабардор қилади. Бу орқали маъмурий масалалар такомиллашувига ҳам эришилади. Германия таълим тизими меъёрий ҳужжатларига кўра, камида 2 та, кўпи билан 8 та мактаблар ўзаро мактаб кластерини тузиши мумкин, ундаги ўқувчилар сони 200 дан ортик, аммо 2500 тадан кам бўлиши шарт.

Немис мактаб кластерини ташкил этишдан кутилаётган асосий мақсадлар куйидагилардан иборат:

ОТМ ва мактаб ўртасидаги барча жабҳаларга доир ўзаро алоқаларни яхшилаш;

талабалар учун мактаб амалиётини янада профессионал равишда ташкил этиш ва ўтказиш;

мактаб ўқувчиларини олий таълимга йўналтириш ва мактабни битиргандан сўнг касб ва шунга мос ОТМ йўналишини танлашга ўргатиш мақсадида ташкил этиладиган семинарларни ўтказиш учун ОТМ ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш;

ОТМда мавжуд АРМ, замонавий АКТ ва профессор-ўқитувчи ресурсларидан бевосита фойдалана олиш имкониятига эга бўлиш (мактаблар учун);

иш берувчи ва бошқа ташкилотлар билан таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва такомиллаштириш, шу орқали битирувчилар ихтиёрига мақсадли ва манзилли иш ўринларини ҳавола этиш.

Шунингдек, мазкур ҳамкорлик ҳар икки тараф учун маълум имкониятлар туғдиради. Жумладан:

кластер аъзолари ўртасида тезкор алоқани ўрнатиш, таълимий, касбий маълумотлар алмашинуви жараёнини оптималлаштириш;

баъзида кутилмаган қийинчиликларни келтириб чиқарадиган, аммо кластер аъзолари тажрибаси билан осонроқ ҳал қилиниши мумкин бўлган лойиҳаларни амалга ошириш имкониятини яратиш;

ўқув дастурларига кўра муайян лойиҳалар, одатда, ташқи ҳамкорлар билан амалга оширилиши керак, аммо уларни излаш кўпинча кўп вақт талаб этади. Бундай вазиятда ҳам “кластердаги шерик”ларнинг тажрибаларидан самарали фойдаланиш;

мактаб ва ОТМ ҳамкорлигида ўтказиладиган “малака ошириш, қайта тайёрлаш курслари”га маърузачиларни жалб қилиш жараёнининг осонлашуви;

мактабларда ўталадиган малакавий амалиётнинг ташкил этилишини ҳамкорликда ишлаб чиқиш, унинг самарадорлигини ошириш;

ОТМдаги тадбирлар, компанияларга экскурсиялар, иш жойлари тўғрисидаги маълумотлар ёки семинарларни биргаликда осонроқ ташкил этиш;

ОТМда олиб борилаётган сўнгги тадқиқот ишлари ҳақида мактабларни тезкор хабардор қилиш, таништириш;

инновацияларни алмашиш орқали кластер шериклари ва уларнинг вакиллари мультипликатор сифатида бутун минтақа ёки туманга фойда келтириш;

ушбу ҳамкорлик талабаларга фойдали бўлади, чунки улар турли

тадбирлардан фойдаланиб, ОТМ лар ва бошқа турли ташқи ҳамкорлар ҳамда касб марказлари (бандлик, ёшларни қўллаб-қувватлаш арказлари ва шу к.) билан алоқаларни ўрнатиб, кейинчалик улардан фойдаланишлари мумкин;

истеъдодли мактаб ўқувчиларини танлаб олиш, уларни олий таълимга қамраб олиш ва қўллаб-қувватлаш;

мактабларнинг мультипликатор ОТМнинг халқаро ҳамкорлари билан алоқа ўрнатиши;

ОТМ билан ҳамкорлик сабабли у ерда эришилган сўнгги илмий янгиликлар, тадқиқотлар натижалари тўғридан-тўғри мактабга етиб бориши ва мактаб ўқув жараёнида қўлланишининг оптималлашуви;

амалиётчи-талабаларнинг мактаб амалиётидан ўзлаштирган натижаларини таълимни ташкил этиш ва унинг сифатини ошириш мақсадида ОТМда ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнига киритиш имконияти.

МДХ мамлакатлари, Германия ва инглиззабон мамалакатлар таълим кластерлари таҳлилига таяниб, таълим кластерлари турли минтақаларнинг таълим тизимига жорий этилган бўлса-да, унинг структураси айнан бир хил эмаслиги, ҳар бир шаклдан кутиладиган мақсад ва эришиладиган натижалар ўзига хослиги кўзга ташланади.

Шунга қарамасдан, таълим тизимига кластер ёндашувни киритиш, мактаб кластерларини тузиш орқали қуйидаги умумий мақсадлар ҳамда натижаларга эришилади:

барча таълим босқичи (мактабгача, умумий ўрта, ўрта-махсус (профессионал), олий, олий таълимдан кейинги таълим) иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, бу орқали тезкор ўзаро маълумот ва тажриба алмашиш, ҳамкорликда лойиҳаларда иштирок этиш ва бошқа имкониятларга эга бўлиш;

ҳамкорликда ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, бу орқали иш берувчиларнинг талабларига мос етук мутахассислар тайёрлаш

малакавий амалиёт самарадорлигини ошириш, бунда ОТМда ўқитиладиган назарий билимлар ва амалиётда талаб этиладиган кўникмалар мутаносиблигига эришиш нуқтайи назаридан иш кўриш;

мавжуд ахборот ресурслари, моддий ресурслар (бино-иншоот ва майдон) ва педагогик ресурсдан самарали фойдаланиш, бунда мавжуд “ресурслар” барча кластер иштирокчилари учун умумий “ресурс” сифатида қаралади, уни мақсадли ва самарали тақсимлаш асосий мезон саналади.

Хулоса. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, касбий фаолиятда профессионал муаммоларни мустақил, ижодий ҳал қила оладиган, педагогик фаолиятнинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятини англаб ета оладиган мутахассисларни тайёрлаш педагогик таълим мазмунида узлуксизлик ҳамда узвийлигига асосланувчи кластер ёндашувини тақозо қилмоқда.

Узлуксиз таълимнинг барча босқичларида ўзаро ҳамкорлик алоқаларни қўллаб-қувватлаш, унинг янги самарали шакллари кашф этиш, уларнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш заруратга айланмоқда. Кластер ёндашуви таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш мақсадида барча таълим босқичи муассасаларининг ўзаро бирлашуви ва ҳамкорлиги бўлиб, у таълим сифати ва самарадорлигига эришишнинг инновацион шаклидир.

Адабиётлар:

Бакова К.Ж., Фурсова Т.А., Знаменская Н.А., Гречко Е.М., Методические указания о педагогической практике. Бишкек, 2013.

Муҳамедов Ғ., Ходжамқулов У., Тоштемирова С. Педагогик таълим инновацион кластери. Монография. –Т.: Университет, 2020. – 280 б.

Tekaligne T. Factors affecting the effectiveness of clustering school program in teaching learning process: The case of Yeki Woreda and Teppi Town Cluster



Schools (Unpublished Masters Thesis) // Addis Ababa University. Addis Ababa, 2013. – 63 p.

4. Giordano E.A. School cluster and teacher resource centres. UNESCO: International Institute for Educational Planning. – Paris: 2008. – 151 p.

5. Ходжамкулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластери // пед. фан. док. дисс. (DSc) – Чирчиқ, 2020. .



## **ЗАРДУШТИЙЛИҚДА БОЛА ТАРБИЯСИ МАСАЛАСИ (қиёсий таҳлил)**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.055>

*Каримова Дилдора Садринновна,  
НамДУ магистранти, ИИБ Наманган академик лицейи олий тоифали  
тарих фани ўқитувчиси*

*Аннотация:* Ушбу мақоламизда Марказий Осиё халқлари илк аждодларининг бола тарбиясидаги қарашлари «Авесто» диний ва тарихий манбаси асосида ислом манбаларига қиёсий тарзда ўрганилган ва таҳлил қилинган.

*Калит сўзлар:* миллий тарбия, техноген цивилизация, глобаллашув жараёни, исломда бола тарбияси, халқ педагогикаси, баркамол авлод, тарбия шакллари, руҳонийлик таълимоти, нотиқлик, донолик, культ.

## **ВОПРОС ВОСПИТАНИЯ РЕБЕНКА В ЗАРУСТЯНИЦАХ (сравнительный анализ)**

*Каримова Дилдора Садринновна,  
Магистр НамГУ, учитель истории Наманганского академического лицея  
МВД*

*Аннотация:* В данной статье на основе религиозно-исторического источника «Авесто» исследуются и анализируются взгляды первых предков народов Средней Азии на воспитание детей в сравнении с исламскими источниками.

*Ключевые слова:* национальное образование, техногенная цивилизация, процесс глобализации, воспитание детей в исламе, народная педагогика, гармонично развитое поколение, формы воспитания, теология, духовенство, мудрость, культ.

## **THE QUESTION OF EDUCATION OF A CHILD (comparative analysis)**

*Karimova Dildora Sadrinnovna,  
master of NamSU, teacher of history of the Namangan academic lyceum of  
the Ministry of Internal Affairs*

*Abstract:* In this article, the views of the first ancestors of the peoples of Central Asia on the upbringing of children are studied and analyzed comparatively with Islamic sources on the basis of the religious and historical source «Avesto».

*Keywords:* national education, man-made civilization, the process of globalization, child rearing in Islam, folk pedagogy, harmoniously developed generation, forms of education, theology, clergy, wisdom, cult.

Кириш. Инсоният техноген цивилизация ва глобаллашув даврида яшаётган таҳликали даврда инсоният олдида бажарилиши кечиктириб бўлмайдиган тарбия масаласи глобал муоммо сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу шиддатли даврда ахборот хавфсизлиги масаласи долзарб мавзулардан бирига айланиб, ўсиб келаётган ёш авлодни унинг салбий таъсирларидан ҳимоя қилиш масаласини янада қийинлаштирмоқда. Кўхна заминимизда аждодларимиз тарихи маданияти ва бола тарбиясидаги бой тажрибаларини ўрганишда «Авесто» асосий манба ҳисобланади. Миллат ва жамият тараққиёти асоси тарбия масаласи билан чамбарчас боғлиқ масала эканлиги инсоният тажрибасида ўз исботини топган. Маълумки, ота-боболаримиз

қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарты ва гарови деб билган. Албатта, таълим-тарбия онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойтадиган энг муҳим омилдир [14]. Қайсики халқ ахлоқ масаласига қадриятли ёндашса, миллий тарбия пойдеворини мустаҳкам асосларда барпо қилса, шубҳасиз, жамият барқарор ривожланади ва тараққиётга эришади. Қадимги аждодларимизнинг оилада бола тарбияси масаласидаги ёндашувларини таҳлил қилишда, аввало, диний қадриятлар ва халқ педагогикасига оид манбаларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар таҳлили: Маҳаллий олимларимиздан К.У. Нажмидинова ўз тадқиқотларида Марказий Осиёдаги тарбия ҳақидаги тарихий манбаларни 7 босқичга бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди ва исломгача бўлган даврни биринчи босқичга киритади [6;6-7].

Р.Воҳидов, Х.Эшонқуловлар эса “Авесто”ни муҳум этнологик манба сифатида талқин қилади[3;436-438]. Маҳаллий этнолог А.Аширов[2] ўз тадқиқотларида зардуштийликнинг ислом анъаналари билан синкретик тарзда ҳаётимизда яшаётганлиги масаласига эътиборини қаратади. Ислоний олимларимиздан Шайх Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содик [11,12] ўзининг кўплаб асарларида ислом одоби, исломдаги бола тарбияси билан боғлиқ жиҳатларига алоҳида урғу беради. А.О.Маколевский, И.В.Рак, В.Костер, М.Бойс каби кўплаб хориж олимлари диннинг моҳияти, урф-одатлари, маросим ва анъаналари, унинг нопокликга қарши курашда ва бошқа динларнинг шаклланишига таъсир қилишидаги аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтганлар.

Натижа ва муҳокамалар. Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто” нафақат диний манба балки унда ўша давр ижтимоий ҳаёти, жамият тузилиши, моддий олам ҳақидаги фалсафий қарашлар мазмуни, касбнинг инсон фаолиятидаги ўрни, аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, оила ва фарзанд тарбиясидаги қарашларни ўз ичига олади. Милоддан аввалги IV асрда Александр Македонский томонидан Аҳамонийлар давлати мағлубиятга учратилгач Эрон кутубхонаси вайрон қилиниб “Авесто”нинг 3/5 қисми ёқиб юборилган. Бу ҳақида Абу Райҳон Беруний ҳам ўз асарларида маълумот бериб ўтади[1;238]. Ўрта асрларда араблар босқинидан кейинги исломлаштирилиш жараёни эса зардуштийларнинг бир қатор анъаналарининг бутунлай йўқолишига сабаб бўлади. Зардуштий қоҳинларининг катта қисми «Авесто» матнларини (канонлик тарзида) ўқий олмаслиги кўп маросим ва ибодатларнинг маъноси бутунлай йўқолиб кетишига олиб келади ва Зардушт томонидан рад этилган турли хурофат ва одатлар билан тўлдирилади. Зардуштийлик динини бошқа динлар билан қиёсий ўрганган кўплаб тадқиқотчилар буддизм, иудаизм, насронийлик, ислом динларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатганлигини эътироф қилишади. Масалан, исломда диний байрамларнинг аксарияти зардуштийликдаги каби номларга эга: Ийд ал-Фитр – Янги йил байрами, Наврўз – 21-март, баҳорги тенгкунлик куни нишонланади. Христианликда бирлашиш урф-одатлари зардуштийлар орасида олов билан тозалаш маросимларини деярли бутунлай такрорлайди. Христианларнинг ёруғлик худосини иблисга қарши қўйиш ғояси зардуштийлик дуализми билан ҳам ўхшашликларга эга. Зардуштийларда оила тарбияси масаласига ниҳоятда катта эътибор қаратилган. Жумладан, зардуштийлар жамоасида никоҳ бир умрга муҳрланган бўлиб, бир эркакга икки никоҳ ёки вақтинча никоҳ мумкун бўлмаган. Эр-хотиннинг бир-бирига хиёнати қаттиқ қораланган. Бегона эркак билан жуфтлашган аёл бадном қилинган, жазоланган ва никоҳдаги эр учун “харом” ҳисобланган [3;50]. Авестошунос Ҳ.Ҳомидовнинг таъкидлашича Авестонинг Яшт қисмида Ахура Мазда ва Зардуштнинг келин

кушварга даъвати ва мурожатлари келтирилган [8;59]. “Авесто”да поклик масаласига исломдаги каби юқори даражада эътибор қаратилган. Доимий бадантарбия билан шуғулланиш, кунда юз- қўлни бир неча бор ювиш, қўлни ювмасдан туриб тананинг бошқа аъзоларини ушламаслик, сочни тоза тутиб тирноқларини тозалаб юриш ҳақида маслаҳатлар берилган [2;61]. Нафақат диний дуолар, балки чорвачиликнинг ривожланиши, кўпайиши, боғлар барпо этилиши (агрономия), ерни суғориш ва уларни етиштириш (мелиорация ҳақида), табиий бойликлар ва унинг атрофидаги ҳудудларни муҳофаза қилиш (экология), саломатлик (тиббиёт), ватанни, чорва моллари ва аҳолини ташқи душманлардан ҳимоя қилиш (ҳарбий санъат), оила, эркак ва аёлнинг бурчи ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Эзгулик ва ёвузлик объекти бўлган инсон фақат туғма донишмандлик ўлчови билан ўз танловини қилишда мутлақо эркинлиги ҳар бир инсон нима яхши нима ёмонлигини виждон ёрдамида аниқлай олиши айтилади. Зардуштийликда бола тарбияси масаласига она қорнидаёқ эътибор қаратилган. Жумладан, аёл қорнидаги гўдак тўрт ой ўн кунликда вужудига руҳ унган дейилган [4;154]. Дин тарқалган пайтда, яъни, милоддан аввалги I минг йилликда ёзма тилнинг йўқлиги сабабли таълим оғзаки тарзда амалга оширилган. Диний маросимларда худларни мадҳ этиш, ибодат жараёни шеърӣ тарзда амалга оширилиши, ҳамда “Авесто” матнларининг шеърӣ тарзда битилиши сабабли шеър ёзиш санъати ўрганилган ва ўргатилганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, адолат тушунчаси давлат стратегиясида ҳам зардуштийларнинг кундалик ҳаётида ҳам кулът ролини ўйнаган. Адолатсиз одамлар ёвузликнинг хизматкорлари ҳисобланган ва улар шафқатсизлик билан курашиши лозимлиги таъкидланган. Марказий Осиё халқлари Зардуштийликга эътиқод қилган даврда табиатни эъзозлаш ниҳоятда юксак даражада таъминланган. Сув, ҳаво, тупроқ, олов эъзозланиб уларни нафақат иш билан ҳатто фикр билан ҳам булғаш таъқиқланган. Зардуштийларнинг уйлари жуда тоза ва озода покланиши нафақат махсус диний урф-одатлар ёрдамида, балки ижодий меҳнат орқали ҳам содир бўлади деб ишонишган. Ушбу динда меҳнатсеварлик рағбатлантирилган. Жумладан “Қачонки эгатларда уруғ экилса, девлар ўринларидан кўпадилар. Қачонки буғдой гуркираб кўкарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар. Қачонки буғдой хирмонга уюлса девлар нобуд бўладилар” [4;231] дейилган. Зардуштийликда экин экишнинг рағбатлантирилиши сабаби сифатида дин дастлаб тарқалган пайтда аҳолининг катта қисми чорвадор бўлганлиги уларнинг деҳқончиликга рағбатини ошириш мақсадида амалга оширилган бўлиши мумкун. Динда илм олган кишилардан солиҳ инсонлар туғилиши эътироф қилинган ва рағбатлантирилган. Авестодаги таълим ва тарбия ҳақидаги фикрлар, устознинг шогирдига, устознинг донишмандга, донишманднинг ёш авлодга қаратилган насиҳатлари асосида 3 минг йил аввалги таълимий-тарбиявий жараён ёндашувларини ўрганиш мумкун. Зардуштийликда оила бошлиғи биринчи навбатда оилавий тарбияда насиҳат бериш, кейин эса ўз фарзандларига таълим бериш мажбурий вазифаси ҳисобланган. “Авесто”да фарзанд бурчи сифатида куйидагилар белгиланган: яхши ва ақлли дўстлар топиш; ўғирлик қилмаслик; доимо ростгўй бўлиш; ўз иши ва сўзига жавобгар бўлиш ва ҳ.з.

“Авесто” да болаларга таълим ва тарбия бериш шакллари куйидагича амалга оширилган: диний-ахлоқий тарбия; жисмоний тарбия; ўқиш ва ёзишга ўргатиш. Зардуштийлар орасида таълим тизимининг бошланғич бўғинида таълим 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган даврни ўз ичига қамраб олган. Етти ёшгача болаларга тизимли таълим берилмаган бўлиб фақат зардуштийликнинг қонуниятлари билан таништирилган. Бу ёшгача зардуштийлар ўз болаларини

Ахриман (ёвуз рух) гуноҳлари ва таъсиридан узоқда деб ҳисоблашган. Бола етти ёшгача тўлган пайтда муқаддас белгилар билан махсус кийим кийган ва етти ёшда бола яхши ва ёмонни ажрата олишини ҳисобга олиб, унга маълум вазифалар юклатиган диний таълим берила бошланган. Зардуштийлик динига кўра фарзанд ота-оналарининг салбий жиҳатлари учун жавобгар ҳисобланмаган, балки ота-оналар фарзандларининг нотўғри танловидан ҳимоя қила олмасалар улар жавобгар ҳисобланган. Зардуштийлик динида фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор берилганлигидан қуйидаги сўзлар далолат беради: “Эй, Ахура Мазда, руҳингни турли-туман нарсаларда гавдалантиргансан, Ақл бериб, ҳаётни танага кийгансан. Ҳар ким ўзига ёқадиган йўлни танлаши учун амаллар ва таълимотларни яратди”. Зардуштийларнинг мадраса каби таълим муассасаларида бошланғич таълимнинг натижаси санъатнинг 7 турини мукамал эгаллаш ҳисобланган. Булар: ўқиш, санаш, камондан отиш, отда чопиш, диний қонунлар, қироат ва кўшиқ айтиш. Ёзиш ва ҳисоблаш таълимнинг энг паст даражаси эди. Нотиқлик ва “ширин сўз” бошланғич таълимнинг энг юқори даражаси ҳисобланган. Воизлар (нотиқлар) котиблар ва хаттотларга қараганда жамиятда юқори мавқега эга бўлган. Ёзишни, санокни яхши билган кишилар ҳунармандлар қаторига қўйилган. Нотиқлар эса дин етакчилари даражасига кўтарилган. Зардуштийлар жисмоний ва меҳнат тарбиясини амалга оширишдан мақсад ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ёш авлодни меҳнатга тайёрлаш эди. Ўғил болаларга кураш, от эгарлаш, от миниш, чорва боқиш ва уларни қароқчилардан ҳимоя қилишда кулол-яроғлардан фойдаланиш ўргатилган. Таълим тизимида билимларни ўзлаштириш, дарс олиш ва дам олиш вақтининг аниқ белгиланиши диққатга сазовордир [4; 121]. Бошланғич таълимни олган ҳар бир ёш машғулот якунида Ахурамазда номига қасамёд қилган: “Яхши амалларни бажаришда собитман ва тавба қилишда барча гуноҳлардан юз ўгираман. Мен қалбимнинг олти хусусиятини ёмонликдан сақлаган ҳолда, амалларнинг поклигини асрайман: тафаккур қуввати, сўз қудрати, иш кучи, эҳтиёткорлик, ақл ва донолик” [10; 351]... Кўриниб турибдики, зардуштийлик динида илм кучига чин дилдан ишонганлар, натижада жамият ҳаётида илм-фан, донолик ғалаба қозонишига ишонганлар. Демак бизнинг қадимий ажодларимиз соғлом авлод туғулиши ҳақида қайғурибгина қолмай, унинг гўдақлик чоғида жисмоний тарбиясига ҳақдий эътибор қаратилганлигига “Авесто” гувоҳлик беради.

Зардуштийлар қуйидаги таълим усулларида фойдаланганлар:

Оғзаки тақдимот. «Авесто» матнлари ва таҳрирлари оғзаки хотирадан оғзаки равишда анъаналар, афсоналар, маслаҳатлар, тарбия, кўшиқлар шаклида ҳарб ва дастур орқали тушултирилган.

Визуал. Санок (арифметика)ни ўргатишда барсам таёқчалари кўргазмали курул вазифасини ўтаган.

Амалий. Оғзаки ва кўргазмали усуллар орқали олинган билимларни мустаҳкамлаш учун ўқув жараёнида амалий усуллар ҳам қўлланилган. Жумладан, ҳарбий куруллардан фойдаланиш, от миниш, кураш, шеър ўқиш ва кўшиқ айтиш, чолғу асбобларида чалиш, нотиқлик, расм чизиш, қоятош расмлари, дастурхон безаш, меҳмонларни қабул қилиш, шахмат ва нард ўйнаш, кўзали ичимлик тайёрлаш, оташкада хизмат қилиш ва ҳ.з. Ўзлаштирилган билимларни такрорлаш, мустаҳкамлаш мулоқот (суҳбат) орқали амалга оширилган ва ўқув вазифасини бажариш даражаси таҳлил қилинган.

Ўз-ўзини тарбиялаш. “Авесто”нинг “Гоҳи” ва “Яшти” қисмлари ўз-ўзини тарбиялаш тарзида ёддан ўргатилган, ўқиш жараёнида талаффузга, оғзаки нутқни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. «Авесто»га хос бўлган хат руҳонийлар томонидан сир тутилган. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби қисмларининг бугунги кунгача сақланиб қолгани ёддан ўрганган ва бу

қисмларни хотирада сақлаганларнинг хизматларидир.

Ислом дини билан қиёсий таққослайдиган бўлсак, зардуштийликда исломдаги каби илм олиш ниҳоятда рағбатлантирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳар иккала динда ҳам тарбия масаласи ота-онанинг энг масъулиятли ва узоқ давом этадиган бурчлари ҳисобланган. Бошқа бурчлар баъзи ишларни қилиш ёки мулкни сарфлаш билан охирига етади, аммо тарбия масъулияти бардавом бўлиши таъкидланган. Яъни болаларга жохил ва аҳмоқ сифатида муносабатда бўлмаслик кераклиги уқтирилган [12]. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ҳар бир туғилган бола фақат фитрат (соф табиат) ила туғилади. Бас, ота-онаси уни яхудий ёки насроний, ёки мажусий қилади. Бу худди ҳайвоннинг бус-бутун ҳайвон туғишига ўхшайди. Сиз унда қулоқ-бурни кесилганини ҳис қилганмисиз?» дедилар. Исломда аввало тарбия ва одоб масаласида ота-оналарнинг ўзлари болаларга яхши намуна бўлишлари кераклиги алоҳида уқтирилади. Бу борада ислом билимдони Шайх Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содик ота-оналарнинг фарзандларига доимо яхши ва гўзал ўрнатма бўлишлари лозимлиги, барча яхши сифатларни намоёни қилиб, барча ёмон сифатлардан узоқда болаларига шахсий намуна кўрсатишлари билан бирга, уларга одобларни кунт билан, зерикмасдан ўргатиб боришлари зарур эканлигини алоҳида таъкидлайди. Ҳақиқатдан ҳам агар тарбиячи ўзи намуна бўла олмаса тарбиядан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Қуръони Каримда илм сўзининг 752 марта такрорланиши, илм олишнинг ибодатга тенглаштирилиши диққатга сазовордир. Ҳар иккала динда ҳам ибодат махсус покланиш амаллар (тахорат) идан сўнг 5 маҳал амалга оширилган. Ибодат маҳалида либоснинг тоза ва покизалигига эътибор қаратилган. Исломда ҳам зардуштийликда ҳам ҳайз кўрган аёлга яқинлик қилиш, ҳамда оила қурмаслик қаттиқ қораланган. Ҳар бир инсоннинг ўз насли кўп бўлиши, туғилиш рағбатлантирилган. Бола тарбиясида ота-оналарнинг илмли бўлиши, шахсий намунаси алоҳида эътироф қилинган. Шундай экан ёшларни тарбиялашда ислом динидаги асл инсонпарварлик ғоялари, юксак маънавий ахлоқий қадриятларни мазмун моҳиятини тўғри тушуна билиш, ажодларимиз меросидан фойдалана олиш мақсадга мувофиқ бўлади [13].

Хулоса ва тавсиялар. Ҳозирги таҳликали, инсоннинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган, ёшларнинг маънавий дунёсига турли таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги даврда, ўзининг бебаҳо меросини теран англаган, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган, имон-эътиқодли, юксак мақсадга эга ёш авлодгина муқаддас она заминини ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, ватанини ҳар томонлама ривожлантиришга тайёр бўлади. Ёшларимизни жамият талаблари асосида тарбиялаш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Китоб мутоала қилиш жараёни камаймоқда, оммавий маданият таъсирининг кучайиши шубҳасиз, улар дунёқарашининг шаклланиши ва камол топишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу ўринда, зардуштийларнинг тарбия масаласидаги насиҳатлари, исломдаги педагогик ёндашувлар ҳозирги даврда юксак маънавийлиги, илмсевар ёшларни тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Шундай экан, ажодларимизнинг педагогик қарашларидан таълим-тарбия жараёнида баркамол авлод тарбиялашда фойдаланиш аҳамиятлидир. Авесто нафақат диний манба балки Марказий Осиё халқлари педагогикаси мазмун-моҳияти, ўқитишнинг шакл ва усуллари баён қилинган биринчи тарихий-педагогик ёдгорлик сифатида жуда қимматлидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. - Т., 1968. - Б. 238.



А.Аширов. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Милли кутубхонаси нашриёти. Тошкент-2007.

А.Аширов. “Авесто” ва зардуштийларнинг оила турмуш маросимлари ҳақида//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.-2002.-№7.-Б.50; А.Аширов. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент-2007.-Б.57..

Авесто. А.Маҳкамов таржимаси.-Б.154.

Болтоев А.А. Социально – педагогические основы привития национально-духовных ценностей студентам.//Молодой ученый.-2015.-№5(85).-С.436-438.-URL:<https://moluch.ru/archive/85/1601/>

К.У. Нажмидинова. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни. Монография. Тошкент «Адолат» 2016.Б.6-7.

Зардуштийлик матнлари. О.М. Чунакова таржимаси. “Восточная”. Ран. 1997.

Ҳ.Ҳомидов.”Авесто” фазлари.-Т.,2001.-Б.59.

“Авесто. Хорде Авеста (Кичик Авеста) / Авесто матнини тайёрлаш, таржима, сўзбоши, М. В. Чистяков шарҳи. - СПб., 2005.-Б.351.

“Авесто. Хорде Авеста (Кичик Авеста) / Авесто матнини тайёрлаш, таржима, сўзбоши, М. В. Чистяков шарҳи. - СПб., 2005.с.81.

Шайх Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содик. Бахтиёр оила. “Ҳилол-нашр”.Т.:2015.-Б.518.

Шайх Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содик .Исломда фарзанд тарбияси. “Ҳилол”- нашр. <https://islom.uz/maqola/9451>

Эшнанова Гулчеҳраҳон Нуъмоновна. Ислом динидаги шарқона ахлоқий қадриятлар масаласи //International journal of engineering and advanced technology (ijeat) issn: 2249 – 8958, volume-9 issue-1, october 2019.

Шарқ алломалари ижодида фарзанд тарбияси масаласи Д.Чўлиева, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти. “Oriental Art and Culture” Scientific-Methodical Journal – (2) I/2020-Б.2. <http://oac.dsmi-qf.uz>

## ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ -МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ СИФАТИДА

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.056>

Нафасов Арслон Камирович,  
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти  
Гуманитар фанлар факультети ўқитувчиси

*Аннотация.* Ушбу мақолада таълимда кластер ёндашувининг мазмун-моҳияти, ижобий хусусиятлари ва имкониятлари ҳамда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти тажрибасидаги ютуқлари ҳақида мушоҳада қилинган. Таълим кластерининг рақобатбардош кадрлар тайёрлашдаги ўзига хос хусусиятлари ва фаолият механизмлари асослаб берилган.

*Калит сўзлар:* глобаллашув, инновация, педагогик таълим инновацион кластери, таълим сифати, интеграция, баркамол авлод, умумий манфаат, узвийлик, изчиллик, тизим, кадрлар тайёрлаш, механизмлар, мобиллик

## ИННОВАЦИОННЫЙ КЛАСТЕР ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ - КАК СОВРЕМЕННЫЙ ПОДХОД К ОБРАЗОВАНИЮ В НАШЕЙ СТРАНЕ

Нафасов Арслон Камирович,  
Чирчикский государственный педагогический институт Ташкентской  
области, старший преподаватель факультета гуманитарных наук

*Аннотация.* В данной статье рассматриваются сущность, положительные черты и возможности кластерного подхода к образованию и его достижения на опыте Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области. Обоснованы особенности и механизмы образовательного кластера в подготовке конкурентоспособных кадров.

*Ключевые слова:* глобализация, инновации, инновационный кластер педагогического образования, качество образования, интеграция, гармонично развитое поколение, общий интерес, членство, согласованность, система, обучение, механизмы, мобильность

## INNOVATIVE CLUSTER OF PEDAGOGICAL EDUCATION - ASA MODERN APPROACH TO EDUCATION IN OUR COUNTRY

Nafasov Arslon Kamilovich,  
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region  
Lecturer at the Faculty of Humanities

*Annotation:* This article discusses the essence, positive features and opportunities of the cluster approach in education, as well as the achievements of the Chirchik State Pedagogical Institute in Tashkent region. The specific features and operational mechanisms of the education cluster in the training of competitive personnel are substantiated.

*Keywords:* globalization, innovation, innovative cluster of pedagogical education, quality of education, integration, harmoniously developed generation, common interest, membership, consistency, system, training, mechanisms, mobility

Инсоният глобаллашув даврида яшар экан, миллат тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир халқ ушбу жараёнда келажак авлод тарбиясида янада сергак ва маъсулиятли бўлиши давр талабига айланмоқда. Дунёда қайсики



мамлакат ривожланган бўлса бунинг ортида кадрлар тайёрлаш тизимига берилаётган эътибор ва тизимли ислохатлар турганлиги бизга маълум. Ушбу жараёнда таълим тизимида марказий ўринни эгаллаган, мактабгача таълим ва умумий ўрта, ўрта махсус таълимга кадрлар тайёрлаб берувчи олий таълим тизимининг роли ва аҳамияти катта. Мамлакатимизда сўнгги йилларда ўқув-педагогик жараёнга замонавий ва халқаро таълим стандартларини жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда профессор-ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш орқали таълим сифатини халқаро баҳолаш дастурлари талабларига мувофиқ ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз томонидан халқ таълими тизимининг олдига “2030 йилга келиб PISA халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинги бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакати қаторига киришига эришиш”[1] вазифаси юклатилган. Мамлакатимизда таълимни модернизация қилишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан: Янги Ўзбекистоннинг 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари; 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4119-сон “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 213-сон “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори таълим тизимига замонавий инновацион ғоялар, самарали тизимли ўзгаришлар олиб келишини кўзда тутди. Бу борада сўнгги йилларда Ўзбекистонда ўқув-педагогик жараёнга инновацион илғор ва халқаро таълим стандартларини жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва профессор ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, шунингдек таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни назарда тутадиган, юридик таълим тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор аниқ чора -тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида “таълим мазмуни ва сифатини ошириш, рақобатбардош, юқори билим ва кўникмаларга эга олий маълумотли педагоглар тайёрлашда самарадор бўлган педагогик таълим инновацион кластерларини жорий қилиш”[2] механизмлари янада такомиллаштирилмоқда.

Адабиётлар таҳлили. Маҳаллий олимларимиздан Ғ.И.Муҳамедов, У.Н.Хўжамқулов, Ш.Қ.Мардонов, Ш. Ботирова, С.А.Тоштемирова, Д.Қаршиева, Х.Султонов, Н.Кочановаларнинг тадқиқотларида мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари, унинг узлуксизлик, узвийлик ва изчиллик билан боғлиқ янги инновацион модель сифатидаги тавсифи ва амалиётга татбиқ этиш механизмлари, рақобатбардош педагог кадрлар тайёрлашда кластер моделининг имкониятлари, самарадорлиги, кенг ёритилган ва тизимли асосланган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тадқиқотчиларидан Г.Мухаметзянова, Б.Пугачева, А.Леонтьев қабилар таълим кластерларини ривожлантиришнинг назарий асослари бўйича; П.Анисимов, Е.Корчагин, В.Панасюк, А.Субетто [3]лар эса узлуксиз таълим концепцияси касб-ҳунар мактабларида таълимнинг ижтимоий шериклик ва бошқарув муаммолари хусусида самарали тадқиқот ишларини амалга оширганлар.

Тадқиқот метадалогияси. Ушбу тадқиқот ишида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан асосланган кластер ёндашувининг таълим сифатини



таъминлашдаги ижобий хусусиятлари ва жозибador хусусиятлари қиёсий ўрганилган.. Билдирилган фикрлар илмий таҳлил қилинган ҳамда умумлаштирилган. Шу билан бирга таълим жараёнига тегишли статистик маълумотлар келтирилган.

Натижалар ва мунозара. Таълимни бошқаришнинг эски, анъанавий ёндашувлари замон талабларига жавоб бера олмаётган бир вақтда таълимни амалга оширишнинг замонавий ва қулай воситаси ҳисобланган таълим кластери Россия, Беларуссия, АҚШ, Сингапур, Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Малайзия, Миср, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари каби кўплаб мамлакатлар тажрибасида ўзининг ижобий натижалари билан намоён бўлмоқда [4; 67]. Жумладан Чирчиқ давлат педагогика институтининг стратегик тадқиқот объекти бўлган педагогик таълим инновацион кластери “Мактаб-лаборатория” лойиҳа гуруҳининг фаолияти такомиллаштиришга асосланган. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти 2017 йил ўқув йили бошидан институт ректори, Ўзбекистон фан арбоби Г.И.Муҳамедов ташаббуси билан Тошкент вилояти умумтаълим мактабларида кластер ёндашуви асосида таълим тизимидаги энг долзарб муоммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва якуний натижасида олий таълимнинг керакли услубий-методик кўмагини амалга ошириш мақсадида ҳар бир факультет кафедралари йўналишида мактаб-лаборатория тажриба-синов майдончалари ташкил қилинди. Жумладан, “Тарих” кафедраси С.Тоштемирова раҳбарлигида “Иқтидор” лойиҳаси, “Ижтимоий фанлар” кафедраси Н.М.Кошанова раҳбарлигида “Инноватор мураббий” лойиҳаси, “Тасвирий санъат” кафедраси Ҳ.Султонов раҳбарлигида “Ўргатиб ўрганамиз” лойиҳаси ва шу каби кўплаб лойиҳалар мактаб-лаборатория тажриба-синов майдончаларида кластер ёндашувининг таълим ва тарбиявий жараён сифатини таъминлашдаги ижобий хусусиятларини илмий-тадқиқот ишларида илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асослаб бердилар. Шу ўринда таълим кластери тушунчаси моҳиятини изоҳлаб ўтадиган бўлсак Ю.В.Медова таълим субъектларининг бир-биридан тарқоқ ҳаракат қилишини таълим самарадорлигини пасайтирувчи омил сифатида кўрсатади. Агар таълим муассасаларида таълим сифати паст даражада бўладиган бўлса, бу ўз-ўзидан фан, ишлаб чиқариш ва бутун жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатади. Таълим ва тарбия сифатини яхшилаш таълим турлари ва субъектлари ўртасидаги фаол интеграцион муҳит яратилиши зарурати билан бевосита боғлиқ экан, бу борада самарали ёндашувлардан бири таълим кластеридир. Таълим кластерининг илмий-назарий асослари ва амалиётга татбиқи бўйича тадқиқотчи У.Н.Хўжамқулов шундай фикрларни билдиради: “...бугунги кунда педагогик таълим тизимида шундай янги механизм яратилишининг ҳаётий заруратга айланиши унда таълим турлари ўртасида ўзаро назорат, рақобат, интеграция, узвийлик ва узлуксизликнинг таъминланиши натижасида манфаатларнинг қондирилишига эришиш заруратини намоён қилмоқда. Педагогик таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги ушбу муҳим ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ҳамда уларни ҳал қилишда фан ва таълим бўғинлари ўртасидаги тарқоқлик бугунги кунда узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш моделига ўтказиш заруратини белгилайди” [5]. “Кластер” сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, “тўплам”, “тўп”, “гуруҳ”, “концентрация”, “гуруҳларга тўплаш”, “тўпламларда ўсиш” каби маъноларни билдиради. Кластер терминининг дастлабки илмий талқини XX аср 80-йилларида америкалик олим М.Портер томонидан иқтисодий термин сифатида географик жиҳатдан бир-бирига боғланган компаниялар ва тегишли ташкилотлар гуруҳининг маълум бир соҳада ва умумийлик билан тавсифланадиган ўзаро мустаҳкам



ва рақобатбардошликни таъминловчи алоқаларига нисбатан қўлланилган [6]. Тушунчанинг таърифи бўйича Д.А.Ялов [7]. “Кластер - етказиб берувчилар, ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, саноат инфратузилмаси, илмий-тадқиқот институтларининг ортикча қиймат яратиш жараёнида ўзаро боғлиқлигидир”, дея фикр билдиради. Ҳозирги кунда “кластер” тушунчаси энг кенг тарқалган тушунчалардан бирига айланмоқда ва бошқа билим соҳаларига нисбатан ҳам қўлланилмоқда. Махсус адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу тушунчага таъриф беришда ягона ёндашув йўқ. Таълим кластерида субъектлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи асосий ядро бу олий таълим тизими бўлиб, таълимнинг долзарб масалалари бўйича мактаб ва бошқа таълим субъектлари билан соҳани мустаҳкамлаш, уни амалиёт билан синтез қилиш бўйича тегишли ишларни олиб боради, таълим фаолияти назарияси ва амалиёти бўйича тадқиқот натижаларини ўқув жараёнига жорий этади. Кластер ёндашувида таълим турлари ўртасида тарқоқлик, мавжуд муаммоларнинг олдини олишда олий таълим тизими энг муҳим ўринни эгаллайди. Демак, кластер ёндашувининг таълимга нисбатан татбиқ қилиниши соҳанинг ривожланиш учун қўшимча имкониятлар берадиган таълимда узвийлик, узлуксизлик ва изчилликни таъминлайдиган ўзаро ҳамкорлик, рақобат, назорат ва манфаатдорлик муҳитини юзага келтирадиган, инновацион, самарадор ва тезкор мулоқот билан кечадиган ёндашув ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, таълимга нисбатан кластер модели таълим-фан-ишлаб чиқариш тизимида инновацияларни қўллаб - қувватлашни шакллантириш воситаси, рақобатбардош самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган соҳалар бирлашишининг ташкилий шакллари кучайтириш механизмидир.

ОТМ таълим кластерида инновацион сифатли маҳсулот яратиш вазифасини бажаради. Аммо ушбу жараёнда умумтаълим мактаблари миқоз, университет эса ижрочи вазифасини бажаради. Аммо таълим турлари ўртасида ягона мақсадга қаратилган манфаатли ҳамкорлик тизимининг сустиги таълим сифатига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим учун педагог кадрлар олий таълим тизимида тайёрланади. Мактабгача таълим тизимидан умумтаълим мактабига йўналтириладиган бола 7 ёшида қандай билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозимлиги ёки умумтаълим мактаби битирувчи ўқувчиларининг олий таълим тизимида келгунча эга бўлиши лозим бўлган билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар кластер ёндашуви асосида бирлашувда аниқ намоён бўлади. Сабаби ҳар бир таълим туридаги сифатли таълим бевосита кейинги таълим турига таъсир кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар. Умумтаълим мактаблари олий таълимга ижтимоий буюртмачи бўлса ўз навбатида олий таълим ҳам умумтаълим мактабларига ижтимоий буюртмачи ҳисобланади. Шундай экан қўллаб мамлакатларда ижобий самара бериб келадиган кластер ёндашуви имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қиладиган бўлсак, таълимни модернизация қилишда инновацион ёндашувлардан ҳисобланган кластер ёндашуви таълим тизимидаги тарқоқликга барҳам бериб, маънавий баркамол, жамият ва замон талабларига мос сифатли кадр тайёрлашга хизмат қилади. Таълим тизимида тўпланиб қолган муаммоларнинг ижобий ечимига эришишда кластер ёндашуви имкониятларидан кенг фойдаланиш бугунги куннинг асосий талабларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 5712-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлар

миллий базаси, 29.04.2019 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасынинг “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 213-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2021 й., 09/21/213/0330-сон.

Анисимов П.Ф. Регионализация среднего профессионального образования (вопросы теории и практики) / П.Ф. Анисимов - М: Высшая школа, 2002. - 224 с.

Кошанова Н.М. Умумтаълим мактабларида синф раҳбарлари фаолиятини ривожлантириш механизмлари(кластер ёндашуви асосида)"/пед.фан.фалсафа док.дисс.(PhD).Чирчиқ.2022.-Б.67.

Хо'jamqulov U.N. Pedagogik ta'lim innovatsion klasterining ilmiy-nazariy asoslari//ped.fan. dok.diss.Chirchiq.2020. 277 b.

Porter, M. E. The Competitive Advantage of Nations. Free Press. New York. 2001. — 210 p

Batagan, L. Educational Systems, Support for an Education Cluster. In: L. Batagan, C. Voja, I. Cristian. Proceedings of the European Computing Conference. – 2011/

Щуркова Н.Е. Педагогические технологии: учеб, пособие для академического бакалавриата / Н.Е.Щуркова. - 3-е изд., испр, и доп. - М.: Издательство Юрайт, 2017. – С 12-55.

**ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯ АСОСИДА БЎЛАЖАК УЧУВЧИ-МУҲАНДИСЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.057>

Толибов Нодиржон Норкулович,  
Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юртининг педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

*Аннотация:* Ушбу мақола, бўлажак учувчи-муҳандисларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш методикаси, шунингдек таълим беришда учраётган камчиликлар ва уларнинг бартараф этиши чоралари, каби компетентлигини ривожлантиришда фанлараро горизонтал ва циркуляцион интеграцияни амалга ошириш бўйича педагогик лойиҳалаш, тадқиқотчилик, новигаторлик ва моделлаштириш компетенцияларини шакллантириш орқали касбий компетентлигини ривожлантириш ҳақида фикрлар баён этилган.

*Калит сўзлар:* учувчи, авиация, ҳарбий, касбий, фаолият, курсант, муҳандис, штурман, взвод, навигация, ўқув режа, горизонтал, вертикал интеграция лойиҳалаш, тадқиқотчилик, новигаторлик, моделлаштириш, компетенция, компетентлик.

**МЕТОДОЛОГИЯ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ ЛЕТЧИКОВ-ИНЖЕНЕРОВ НА ОСНОВЕ ИНТЕГРИРОВАННОЙ НАУКИ**

Толибов Нодиржон Норкулович,  
Высшее образование Республики Узбекистан академия военной авиации доктор философии в области педагогических наук (PhD)

*Аннотация:* В данной статье рассматривается развитие профессиональной компетентности будущих летчиков-инженеров через формирование, исследовательской, инновационной и модельной компетенций для реализации междисциплинарной горизонтальной вертикальной интеграции в развитии компетенций, таких как методы формирования профессиональной компетентности.

*Ключевые слова:* летчик, авиация, военный, профессионал, деятельность, стажер, инженер, штурман, взвод, навигация, учебная программа, горизонтальная, вертикальная интеграция, проектирование, исследование, инновации, моделирование, компетенция, компетентность.

**METHODOLOGY FOR THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF FUTURE PILOT ENGINEERS BASED ON INTEGRATED SCIENCE**

Tolibov Nodirzhon Norqulovich,  
Higher education of the Republic of Uzbekistan military aviation academy Doctor of Philosophy in Educational Sciences (PhD)

*Abstract:* This article discusses the development of professional competence of future pilot-engineers through the formation of research, innovation and modeling competencies for the implementation of interdisciplinary horizontal vertical integration in the development of competencies, such as methods for the formation of professional competence.

*Keywords:* pilot, aviation, military, professional, activity, trainee, engineer, navigator, platoon, navigation, curriculum, horizontal, vertical integration, design, research, innovation, modeling, competence, competence.

Ҳарбий мутахассисларни тайёрлашда асосий таълим дастури бўйича ўқув жараёни керакли бўлган ўқув-услубий материаллар билан таъминланган бўлиши лозим. Уқув-услубий материалларга таълим дастурига қиравчи етарлича микдорда бўлган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ҳарбий фанлар

ва техниканинг актуал саволлари ҳақида нашрдан чиқарилган монография ва ишлар тўплами, касбга оид журналлар, рефератлар, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларнинг кутубхона кўрсаткичлари, интернет ва бошқа ахборот материалларини ўзида жамлаган кутубхона фондлари киради.

Йўналиш малака талабларига кўра, ҳар бир курсант, ушбу кутубхона фонди ва асосий таълим дастурига қиравчи фанлар мазмунига мос келувчи маълумотлар, барча фанлар ва машғул турлари бўйича тавсиялар, шу билан биргаликда кўргазмалар қўлланмалар, аудио, видео ва мультимедияли материаллар базасидан фойдаланишлари мумкин [малака талаблари].

Олий ҳарбий таълим муассасасида қабул қилинган таълим технологиялари, курсантларнинг тўлақонли ва сифатли касбий маълумот олишлари, телекоммуникация соҳасида, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника бўйича касбий жиҳатдан муносиб қилиб тайёрлашни таъминлаши лозим.

Қўмондонлик тактик Ҳарбий ҳаво кучлари (қиравчи, штурмчи, ҳарбий транспорт, ўқув авиацияси) таълим йўналиши бўйича битирувчилар-ўзларининг фундаментал, умумкасбий ва махсус тайёргарликларига асосан қуйидаги турдаги касбий фаолиятларини амалга оширишлари мумкин:

қўмондонлик: учувчи, қатта учувчи, авиация звеноси командири, авиация эскадриляси командири ўринбосари, эскадриля командири ва унга тенг лавозимлар;


қўмондонлик штаб лавозимларида: бўлинмаларда штаб бошлиғи лавозимларидаги ҳарбий хизмат ва унга тенг бўлган лавозимларда;

ўқув-тарбиявий лавозимларда: ҳарбий-таълим муассасаларида авиация звена командиридан бошлаб, эскадриля командиригача бўлган лавозимларда [малака талаб].


“Қўмондонлик тактик Ҳарбий ҳаво кучлари (қиравчи, штурмчи, ҳарбий транспорт, ўқув авиацияси) таълим йўналиши” бўйича мутахассис тайёрлаш жараёнида қуйидаги педогогик технологиялар ва таълим услубларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- тўлиқ ўзлаштириш;
- тенглик дифференцияси;
- модулли таълим;
- муоммоли-модулли таълими;
- дастурлаштирилган таълим;
- ривожлантирувчи таълим;
- шахсга-йўналтирилган таълим;
- техник ижод ва бошқалар.

Умуман олганда фанлараро интеграция асосида бўлажак учувчи-муҳандисларни кабий компетентлигини ривожлантиришда ўқув режага мувофиқ горизонтал ва вертикал интеграцияни келтириб ўтамиз. (2-расм.)



2-расм. Фанлараро горизонтал интеграция



Фанлараро горизонтал ва циркуляцион интеграцияни амалга оширишдан асосий мақсад курсантларни педагогик, лойиҳалаш, тадқиқотчилик, новигаторлик ва моделлаштириш компетенцияларини шакллантириш орқали касбий компетентлигини ривожлантиришдан иборат.

Ҳарбий билим юртида ўқув режада танлаб олинган бешта фанга қуйидаги талаблар қўйилган (курсантлар билиши лозим):

Ҳарбий педагогика: Гуруҳ, взвод (курс)га командирлик қилишга ҳамда шахсий намунаси билан қўл остидагиларни ўқув-жанговар, хизмат вазифаларини бажариш сари йўналтиришга лаёқатли, шунингдек, тарбиявий ишларни юқори савияда ташкиллаштириш ва ўтказишга, бўлинмаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга, мустақкам ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга қодир, Ватанга, Ҳарбий Қасамёдга садоқатли офицерларни тайёрлаш ҳамда уларда юксак маънавий-ахлоқий, руҳий ва лидерлик сифатларини, кенг дунёқарашни, юксак интеллектуал салоҳиятни шакллантириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни, дунёда ва Марказий Осиёдаги ҳарбий-сиёсий вазиятни тўғри таҳлил қила олиш.


Физика: табиатдаги ҳолатлар ва уларнинг вақт ўтиши билан ўзгариши тўғрисида; физик ўзгармаслар тўғрисида; физиканинг турли хил бўлимларида ўлчовлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида; табиатшуносликдаги муҳим кашфиётлар ва уларни ҳарбий соҳада қўллаш истикболлари.

Материаллар қаршилиги: электр майдони, ўзгармас ва ўзгарувчан токлардаги электр занжирлари, шу билан биргаликда электр ўлчаш приборлари, ўзгармас ва ўзгарувчан токлардаги электр машиналари тўғрисида; электроника асослари, радиоэлектрон схемадаги элементлар, шу билан биргаликда ярим ўтказгичли приборлар, электрон тўғрилагичлар ва уларнинг турлари тўғрисида.

Ҳаво навигацияси: авиация карталари; учиш аппаратларининг йўналиши (курси), тезлиги, баланлигини ўлчаш усуллари ва методлари; радионавигацион воситалар ва тизимлар; қўниш учун кириш усуллари; ҳаводаги ва ердаги нишонга ҳужум қилиш усуллари; авиация ишғол қилиш воситаларини самарали қўллаш бўйича ҳисоблаш методикаси.


Моделлаштириш ва симуляция: оддий ва мураккаб кўринишларда парвозни амалга ошириш фигураларини моделлаштириш; учиш аппаратларининг курси (йўналиши), тезлиги ва баландлигини аниқлаш бўйича; белгиланган вақтда нишонга чиқиш манёврларини амалга ошириш; парвозни амалга ошириш бўйича дастурий ҳужжатларни юргизиш.

Ҳаво навигацияси ихтисослик фанини ўқитишда фан мавзулариаро горизонтал ва циркуляцион интеграция 3-расмда келтирилган.



3-расм. Ҳаво навигацияси фанини ўқитишда фан мавзулариаро интеграция Ҳаво навигацияси ихтисослик фани ҳисобланиб, ушбу фанни кетириб

ўтилган тўртта фан билан вертикал интеграциялашни амалга оширамиз (4-расм).



4-расм. Фанлараро вертикал интеграция

Хулоса қилиб айтганда, замонавий шароитда касбий вазифаларни бажариш учун зарур ва етарли бўлган махсус мажмуавий кўникмаларини ривожлантиришнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этишда фанлар аро интегротив ёндашув ўз ўрнига эга бўлиб яни бу ёндашув орқали бўлажак учувчи-муҳандисларнинг навигаторлик касбий компетентлигини ривожлантиришни умумкасбий, ихтисослик ва махсус фанларни фанлараро интеграцион ўқитиш ҳамда тренаж тайёргарлик жараёнини билан интеграция қилиш орқали амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Андреев В.И. Учебный курс для творческого саморазвития. - 2 е изд. - Казань. Центр инновационных технологий, 2000, - 608 с.

Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. - М.: НПО МО России, 1995. - 336 с.

Кедров Б.М. Классификация наук. - М.: Мысль, 1985 - 550 с.

Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе: (Анализ зарубежного опыта). - М.: Знание, 1989. - 77 с.

Толибов Н.Н. , Бўлажак учувчиларни касбга йўналтириш услублари. «Uz ACADEMIA».№3. 2020, 75-80-б

Толибов Н.Н. Preparation for professional activity of cadets of the higher military school as a didactic problem European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences ISSN 2056-5852

Толибов Н.Н. Expert assessment methods in the automation of student competence formation International scientific and practical conference.



**TA'LIM JARAYONIDA ELEKTRON TA'LIM RESURLARINI  
QO'LLASH MUAMMOLARI**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.058>

*Murtazoyev Azizbek Nusrat o'g'li,  
Buxoro davlat universiteti dotsenti*

---

*Shodiyeva Sitora Ulug'bek qizi,  
TIQXMMI milliy tadqiqot universiteti Buxoro tabiiy resurslarni boshqarish  
instituti "Suv xo'jaligi va melioratsiya" kafedrasida stajyor o'qituvchi*

---

*Annotatsiya: Maqolada elektron ta'lim resurslarining tiplari va parametrlar bo'yicha klassifikatsiyasi tahlil etilgan. Ta'lim samaradorligini oshirishda elektron ta'lim resurslarining ayrim didaktik funksiyalarini amalga oshirish lozimligi belgilab berilgan. Talabalar bilimni uzluksiz nazorat qilishda elektron ta'lim resurslaridan foydalanish uchun amalga oshiriladigan ishlar bayon etilgan.*

*Kalit so'zlar: elektron ta'lim resurslari, didaktik funksiyalar, elektron ta'lim resurslarining tiplari: o'quv, mustaqil, demanstrativ, treningli, ekspertli, kommunikativ, servisli, modulli prinsip.*

**ПРОБЛЕМЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭЛЕКТРОННЫХ  
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ  
ПРОЦЕССЕ**

*Муртазоев Азизбек Нусрат угли,  
доцент Бухарского государственного университета*

---

*Шодиева Ситора Улугбек кизи,  
TIQXMMI Национальный исследовательский университет Бухарский  
институт природопользования Кафедра «Водное хозяйство и мелиорация»  
Преподаватель-стажер*

---

*Аннотация: В статье анализируется классификация электронных образовательных ресурсов по видам и параметрам. Для повышения эффективности обучения необходимо реализовать некоторые дидактические функции электронных образовательных ресурсов. В нем описывается работа, которую необходимо проделать для использования ресурсов электронного обучения при постоянном мониторинге знаний учащихся.*

*Ключевые слова: электронные образовательные ресурсы, дидактические функции, виды электронных образовательных ресурсов: учебные, самостоятельные, демонстрационные, обучающие, экспертные, коммуникативные, сервисные, модульный принцип.*

**PROBLEMS OF USE OF ELECTRONIC EDUCATIONAL  
RESOURCES IN EDUCATIONAL PROCESSES**

*Murtazoev Azizbek Nusrat o'g'li,  
Associate Professor, Bukhara State University*

---

*Chodiev Sitora Ulugbek qizi,  
TIQXMMI National Research University Bukhara Institute of Nature  
Management Department of «Water Management and Melioration» Trainee  
Lecturer*

---

*Annotation: The article analyzes the classification of electronic educational*



*resources by types and parameters. To improve the effectiveness of training, it is necessary to implement some didactic functions of electronic educational resources. It describes the work that needs to be done to use e-learning resources while constantly monitoring student learning.*

*Key words: electronic educational resources, didactic functions, types of electronic educational resources: educational, independent, demonstration, teaching, expert, communicative, service, modular principle.*

Hozirgi kunda axborot texnologiyalari amalda inson faoliyatining barcha sohalarida qo'llanilmoqda. Jamiyatni axborotlashtirish jarayonlari ta'lim sohasiga katta ta'sir ko'rsatmoqda. Bugungi kunda oliy ta'lim tizimi bo'lajak mutaxassislarga bilim, malaka va ko'nikma berishi kerak, ya'ni tayyor bilimlarni translyatori bo'lib xizmat qilishi kerak, -degan tushunchalar o'z dolzarbligini umuman yo'qotgan. Yigirma birinchi asr, oliy ta'lim bitiruvchisidan yangi, marakkab vaziyatlarda mustaqil fikrlash, mavjud muammolarning ratsional echimini topish va ularni amalga oshirish mexanizmlarini aniqlash hamda bunday vaziyatlarda axborot texnologiyalarini samarali qo'llash kabi qobiliyatlari shakllangan bo'lishini talab etmoqda.

Bu borada bo'lajak kadrlarning yangi talablarga mos kelishi uchun Respublikamizning oliy ta'lim muassasalari o'qitishning yangi formalarini va metodlarini joriy etishlari, shuningdek ta'lim va ishlab chiqarish orasidagi integratsiya jarayonlarining mazmun va mohiyatini yanada takomillashtirishlari muhim ahamiyat kasb etadi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida, shuningdek axborotlashgan jamiyat talablari oliy ta'lim muassasalarida o'quv mashg'ulotlarini innovatsion xarakterga ega bo'lgan interfaol modellar asosida tashkil etilishini va ta'lim sifatini hamda mazmunini buyurmachilarning talablarini inobatga olgan holda shakllantirishga olib keldi. Axborotlashtirish va o'qitish texnologiyalarini takomillashtirish, ta'limni rivojlanirishning ko'p qirrali yo'nalishlari ichida ustuvor o'rin egalladi. Axborotlashgan jamiyatda yangi axborot texnologiyalarini ta'limda joriy etishning dolzarbligi shundan iboratki, ular muayan pedagogik masalalarni echishda nafaqat instrumentariya (o'qitish vositalari) vazifasini bajarib qolmasdan, balki o'qitishda sifat jihatdan yangi imkoniyatlarni yaratadi, mustaqil o'quv faoliyati ko'nikmalarini shakllantiradi, ta'limda o'qitishning interfaol metodlarini qo'llash imkonini beradi.

Zamonaviy ta'lim tizimida interfaollikni ta'minlaydigan istiqbolli yo'nalishlardan biri, bu nisbatan yangi didaktik vosita sifatida tan olingan elektron ta'lim resurslari bo'lib hisoblanadi. Hozirgi kunda ta'lim jarayonini elektron ta'lim resurslarsiz tasovvur qilib bo'lmaydi. Bunday ta'lim resurslari ta'lim jarayoniining asosiy komponentalaridan biri sifatida baholanadi. Adabiyotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, o'quv jarayonida aynan elektron ta'lim resurslaridan foydalanish o'qituvchilarning pedagogik faoliyatida innovatsion g'oyalarni amalga oshirish, ta'limni individuallashtirish va axborotlashtirish, har bir o'quvchi uchun individual ta'lim traektoriyasini belgilab berish, o'quv jarayoniga kompetentli yondoshuv prinsiplarini joriy etish va o'quvchilarning faolliligini oshirish imkonini beradi [1,2].

Bunday ta'lim natijalariga erishish uchun elektron ta'lim resurslarining quyidagi didaktik funksiyalarini amalga oshirish talab etiladi [3]:

– o'quv faoliyatining yangi turlarini initsializatsiyalash va an'anaviy o'quv faoliyatini yuqori sifat darajasida funksiyalanishini qo'llab-quvvatlash;

– ta'lim jarayoni sub'ektlarining aloqadorlik xarakteri imkoniyatlarini ta'minlash;

– o'quv jarayonini individuallashtirish va ta'lim kontentini kengaytirish.

Olib borilayotgan ilmiy–pedagogik tadqiqotlarda (V.P. Bespalko, I.V. Robert,

I.G. Zaxarova, V.A. Krasilnikova, O. V. Solnishkova, YU.S. Romanova, L.P. Martirosyan, T.A. Averyanova, A.A. Abduqodirov, U. SH. Begimqulov, Q.T. Olimov, N. Tayloqov, Dj. Teylor, K. Torn va boshq.) o'quv jarayonida elektron ta'lim resurslaridan foydalanish natijasida ta'limni individuallashtirish va axborotlashtirish, shuningdek talabalarning mustaqil ijodiy faoliyatini oshirish bo'yicha innovatsion metodlarning hamda vositalarning ahamiyati ilmiy jihatdan asoslab berilgan.

Elektron ta'lim resurslari (ETR) – axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining didaktik imkoniyatlarini amalga oshiruvchi ilmiy-pedagogik, o'quv-metodik materiallar bo'lib, ular ta'lim uchun belgilangan elektron vositalarda taqdim etishga asoslangandir (I.V. Robert, T.A. Lavina, L.I. Mironova va boshq.) [1].

Elektron ta'lim resurslarida audio va video materiallar bilan bir qatorda o'quv materiallarni virtual formada taqdim etish imkonini beruvchi multimedia texnologiyalardan keng foydalaniladi.

Hozirgi kunda ta'lim jarayonida foydalanib kelinayotgan ETRni bir qator parametrlar orqali klassifikatsiyalash mumkin:

1. Echiladigan pedagogik masalalar bo'yicha:

- bazaviy tayyorgarlikni ta'minlaydigan vositalar (online-darsliklar, o'rgatuvchi tizimlar, slayd-ma'ruzalar, skriptlar, bilimlarni nazorat qilish tizimlari);
- amaliy tayyorgarlik vositalari (mashqlar to'plami, praktikumlar va h.k.);
- yordamchi vositalar (ensiklopediyalar, tarjimonlar, xrestomatiyalar).

2. Axborotlarning turi bo'yicha:

– matnli axborotli online-resurslar (darsliklar, o'quv qo'llanmalar, testlar, tarjimonlar, ma'lumotnomalar, ensiklopediyalar, dasturiy va o'quv-metodik materiallar);

– vizual axborotli elektron va axborot resurslari (rasmlar, illyustratsiyalar, sxemalar, diagrammalar);

– kombinatsiyalashgan axborotli elektron va axborot resurslari (darsliklar, o'quv qo'llanmalar, masalalar to'plami, tarjimonlar, ensiklopediyalar.).

3. Ta'lim oluvchi bilan aloqadorlik formasi bo'yicha:

– asinxron aloqa rejimi texnologiyasi – «offline»;

sinxron aloqa rejimi texnologiyasi – «online».

Ta'kidlash joizki, elektron ta'lim resurslarini o'qitishning istalgan bosqichda maqsadga yo'naltirilgan holda foydalanish mumkin. Ayniqsa, yangi o'quv materiallarni tushuntirishda, mavzuni mustahkamlashda, talabalarning o'zlashtirishini nazorat qilishda, o'quv materiallarni tizimlashtirishda va mustaqil ishlarni bajarishda ETRdan foydalanish ijobiy samara beradi. SHuningdek, ta'lim jarayonida ETRning turli tiplaridan foydalanish imkoniylari mavjud. Ularning ayrim tiplaridan foydalanishning maqsadga muvofiqligi va samaradorligi olimlar tomonidan atroflicha tahlil etilgan [2,3].

Ularning ishlarini tahlil etgan holda, ETRning quyidagi tiplarini ajratib ko'rsatish mumkin [2]:

O'quv. Talabalarning kompetentligini shakllashtirish asoslarini tashkil etishga xizmat qiladigan o'quv materiallarni sifatli o'zlashtirishini ta'minlaydi.

Mustaqil. Mustaqil ishlarning har xil turlarini bajarishga xizmat qiladi, kerakli o'quv materiallarni tahlil qilish va tanlash qobiliyatini shakllantiradi, talabalarning tanqidiy fikrlash ko'nikmalarini shakllantiradi.

Demansratsion. O'rganiladigan ob'ekt, hodisa, jarayonlarni vizuallashtirish imkonini beradi, ixtiyoriy ta'limiy axborotlarni ko'rgazmali taqdim etishni ta'minlaydi.

Treningli. Turli ko'rinishdagi ko'nikma va malakalarni qayta ishlashga, o'tilgan materiallarni takrorlash va mustahkamlashga xizmat qiladi.

Diagnostika qiluvchi va testlovchi. Talabalarning bilim, malaka va ko'nikmalarini baholaydi, o'quvlik, shaxsiy sifatning shakllanganligini,

intellektual rivojlanish darajasini belgilaydi.

Nazorat qiluvchi. O'qitish natijasi nazorati jarayonlarini avtomatlashtiradi, o'quv materiallarini o'zlashtirish darajasini aniqlaydi.

Ekspertli. O'quv jarayonining borishini boshqaradi, o'quv masalalarini echishda talaba va o'qitadigan tizim orasida muloqotni tashkil etadi.

Kommunikativ. Lokal va global tarmoqlarda turli axborotlarga ruxsat berish imkoniyatlarini ta'minlaydi, o'quv jarayoni sub'ektlarini masofadan turib interfaol muloqot qilishini ta'minlaydi.

Hisoblovchi. O'quv eksperiment, hisob ishlari, ko'rilayotgan jarayon yoki hodisalar natijalariga qayta ishlov berish jarayonlarini avtomatlashtiradi.

Servisli. Talabani kompyuter bilan ishlash xavfsizligini ta'minlaydi va uning axborot madaniyatini shakllantirishga xizmat qiladi.

SHuni ta'kidlash joizki, hozirgi kunda mutaxassislar tomonidan ETRlarining sifatini baholash mezonlari belgilab berilgan bo'lib, ularning asosini quyidagilar tashkil etadi:

- o'qitish dasturiga mosligi;
- tavsiya etilayotgan materiallarning ilmiy asoslanganligi (fan bo'yicha zamonaviy bilimlarga mosligi);
- yagona metodikaga mosligi (“oddiydan murakkabga”, materiallarni ketma-ket taqdim etilishiga rioya qilish va h.k.);
- faktografik xatoliklarning, etik normalarga zid bo'lgan komponentalarning yo'qligi;
- o'quv mahsuloti texnologik sifatining optimalligi (masalan, poligrafiya sifati);
- ta'lim jarayonining barcha komponentalarini ta'minlash: axborotlarni olish; amaliy mashg'ulotlar; attestatsiya (o'quv yutuqlarining nazorati).

Mavjud ilmiy adabiyotlarda, talabalarining nazariy ma'lumotlarni o'zlashtirishlari uchun mustaqil ishlarga jalb etishga bo'lgan ehtiyojlarini, motivlarini va qiziqishlarini aniqlovchi ob'ektiv va sub'ktiv faktorlar mavjud. [1,3]. Olib borilgan tadqiqotlar va talabalar bilan olib borilgan so'rovnomalar shuni ko'rsatadiki, nazariy bilimlarni mustahkamlashda ETRlaridan foydalanish jarayonida o'quv materiallarning turli formada taqdim etilganligi (audio, video, animatsiya, multimedia), talabalarining ehtiyojlarini qondirishi bilan birga, ularda motivatsiyani oshirishga ham xizmat qiladi. ETRlaridan yanada samaraliroq foydalanish uchun ularni ishlab chiqishda ishchi dasturlarning va o'quv jarayonining o'zini ham modulligini ta'minlash ijobiy samara beradi.

Modul- bu har qanday darajadagi (bakalavriat, magistratura, qo'shimcha kasbiy ta'lim) ta'lim dasturining bir qismi bo'lib, u mantiqan tugallangan va aniq funksional yuklamaga ega bo'lgan yaxlit o'quv materiallaridir.

O'quv jarayonini modulli prinsip asosida tashkil etish talabalarni har tomonlama va turli darajada tayyorlash tizimini takomillashtirish imkonini berishi bilan birga, ularning bilimlarini tizimli ravishda baholab borish imkoniyatlarini ham yaratadi.

ETRdan foydalangan holda talabalar bilimni joriy nazorat qilish quyidagi an'anaviy ko'rinishlarda amalga oshirilishi mumkin:

- ma'ruza va amaliy mashg'ulotlar materiallari asosida forum formasida so'rov yoqi qisqa test o'tkazish;
- mustaqil ishlarni va hisob-grafik topshiriqlarini bajarilishini tekshirish;
- tajriba isharini bajarishda hisobotlarni qabul qilish;
- nazorat/test o'tkazish ishlarini amalga oshirish;
- kollokviumlarni o'tkazish (so'rovnoma formasida ochiq javoblar bilan).

Bundan tashqari, elektron resurslar orqali o'quv jarayonini tashkil etish va monitoring o'tkazishning boshqa ko'rinishlarini ham qo'llash mumkin.

Har bir modulni o'rganish talabalardan nazorat o'tkazish bilan yakunlanadi. Modulni nazorat qilish formasi va metodini o'qituvchiining o'zi aniqlaydi.



ETRni o‘quv jarayonini tashkil etish tizimida va talabalarning o‘zlashtirishlarini uzluksiz nazorat qilishda joriy etish quyidagilarni amalga oshirishga imkon beradi:

- talabalarning faol ijodiy ishlarini maksimal darajada motivatsiyalashtiruvchi o‘qitishning yangi tashkiliy formalarini va metodlarini ishlab chiqishni faollashtirish va joriy etish;

- alohida vaqt davrlarida talabalarning o‘zlashtirishlarini prognoz qilish;

- dastur maqsadlariga mos ravishda va har bir davrda uning natijalarini hisobga olgan holda o‘quv jarayonini korektirovka qilish;

- talabalarga vaqt va aqliy resurslarini ratsional taqsimlash imkoniyatlarini yaratish hamda belgilangan vaqt intervalida bilimlarni o‘zlashtirishlarini faollashtirish;

o‘qitishning dastlabki bosqichida iqtidorli talabalarni aniqlash va ular bilan individual yondoshgan holda ishlash;

ETRdan foydalangan holda, shuningdek rejalashtirilgan tadbirlarni bajarish muddatlarini nazorat qilinishini belgilash orqali talabalarning barcha ishlarini belgilash va ratsional taqsimlashni amalga oshirish orqali motivaatsiyani oshirishga va shu orqali ta’lim sifatini yangi bosqichda ko‘tarishga hamda talabalarning kasbiy bilimlarini o‘zlashtirishlariga erishish mumkin.

Xulosa qilib ta’kidlash joizki, bozor iqtisodiyoti sharoitida, ishlab chiqarish korxonalarini ta’lim natijalariga yuqori talablar qo‘ygan davrda, axborot texnologiyalari, shu jumladan ETR bugungi kunda ta’limni rivojlanishining asosiy vositalaridan biri sifatida xizmat qilmoqda. Chunki, ETRni o‘quv jarayonida qo‘llash katta imkoniyatlarni ochib beradi. Bunday resurslar ta’lim tizimining nafaqat samaradorligini oshirishga, balki jamiyat rivojlanishiga ham ijobiy ta’sir o‘tkazadi.

#### Адабиётлар

1. Роберт И.В. Теория и практика информатизации образования (психолого-педагогический и технологический аспект). М.: Изд-во ИИО РАО, 2007. 267с.

2. Калдыбаев С.К., Онгарбаева А.Д. Электронные образовательные ресурсы: роль и назначение // Международный журнал экспериментального образования. – 2016. – №71-2. – С. 159-161; URL:

<http://www.expeducation.ru/ru/article/view?id=10848> (мурожаат санаси: 20.10.2019).

3. Исупова Н. И. Методические особенности применения электронных образовательных ресурсов. Сборник научных трудов Sworld. 2012. № 4.

4. Dilafuz Ahmadovna Sayfullayeva. “Methodology of using innovative technologies in technical institutions”. PSYCHOLOGY AND EDUCATION. Scopus International Journal.(2021) 58(1)

## MASOFAVIY TA'LIMDA TALABALARNING KASBIY KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISH METODIKASI HAQIDA BA'ZI MULOHAZALAR

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.059>

Umarova Umida Umarovna,

Buxoro davlat universiteti Matematik analiz kafedrasida katta o'qituvchisi

*Аннотация. Ushbu ishda masofaviy ta'limda tahsil olayotgan talabalarning kasbiy kompetensiyasini rivojlantirish maqsadida zamonaviy innovatsion metodlarni qo'llash orqali maqsadga erishish usullari keltirilgan. Masofaviy ta'lim, masofaviy ta'limda pedagogik texnologiyalarni qo'llash, kompetensiya, kompetentlik, kasbiy kompetensiya, talabalarning kasbiy kompetensiyasini shakllantirish, rivojlantirish kabi ishlar to'risidagi mahalliy hamda xorijiy olimlarning ilmiy-tadqiqot ishlari o'rganilgan va qiyosiy tahlili keltirilgan. Talabalarning kasbiy kompetensiyasi rivojlantirish uchun masofaviy ta'limda ayrim interfaol metodalaridan foydalanish buyicha maslahatlar berilgan, tajriba-sinov ishlari amalga oshirilgan.*

*Калит so'zlar: Masofaviy ta'lim, kompetentlik, kasbiy kompetensiya, platforma, ta'lim tizimi, masofaviy ta'lim tizimi, innovatsion metodlar, o'quv jarayoni, o'qitish, tadqiq qilish, rivojlantirish.*

## НЕКОТОРЫЕ СООБРАЖЕНИЯ О МЕТОДОЛОГИИ ФОРМИРОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ СТУДЕНТОВ В ДИСТАНЦИОННОМ ОБРАЗОВАНИИ

Умарова Умида Умаровна,

старший преподаватель кафедры математического анализа Бухарского государственного университета

*Аннотация. В данной работе представлены пути достижения поставленной цели за счет использования современных инновационных методов развития профессиональной компетентности студентов в условиях дистанционного обучения. Изучаются и сравниваются исследовательские работы отечественных и зарубежных ученых по вопросам дистанционного образования, использования педагогических технологий в дистанционном образовании, компетентности, компетентности, профессиональной компетентности, формирования и развития профессиональной компетентности студентов. В целях развития профессиональной компетентности студентов были даны рекомендации по использованию некоторых интерактивных методов в дистанционном обучении, проведена экспериментальная работа.*

*Ключевые слова: дистанционное образование, компетентность, профессиональная компетентность, платформа, система образования, система дистанционного образования, инновационные методы, процесс обучения, обучение, исследования, разработки.*

## SOME CONSIDERATIONS ON METHODOLOGY OF DEVELOPING PROFESSIONAL COMPETENCE OF STUDENTS IN DISTANCE EDUCATION

Umarova Umida Umarovna,

Senior Lecturer, Department of Mathematical Analysis, Bukhara State University

*Annotation. This paper presents ways to achieve this goal through the use of modern innovative methods for developing students' professional competence*



in distance learning. The research works of domestic and foreign scientists on the issues of distance education, the use of pedagogical technologies in distance education, competence, competence, professional competence, the formation and development of students' professional competence are studied and compared. In order to develop the professional competence of students, recommendations were given on the use of some interactive methods in distance learning, and experimental work was carried out.

Keywords: distance education, competence, professional competence, platform, education system, distance education system, innovative methods, learning process, training, research, development.

Kirish. Halqaro tashkilotlar va dunyoning rivojlangan davlatlari tomonidan qabul qilingan 2030 yilgacha yangi ta'lim konsepyasida "Ta'lim – taraqqiyotning asosiy harakatlantiruvchi kuchi va barqaror rivojlanish maqsadlarga yetkazuvchi muhim faoliyat", deb e'tirof qilingan. Texnika texnologiyalarning rivojlanish darajasi va zamon talabi, ta'limning ya'na bir yo'nalishi – masofaviy ta'limning shiddat bilan kirib kelishiga sabab bo'lgan. Ta'lim tizimida ta'lim olishning an'anaviy shakllari o'rniga masofaviy ta'lim elementlaridan keng foydalanilib kelinmoqda. Ta'lim tizimining innovatsion jarayonlarga intilishi bilan birgalikda oliy ta'lim muassasalarida ta'lim jarayonini tubdan o'zgartirish, zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari yordamida talabalarning mustaqil tayyorgarligini boshqarishni optimallashtirish bo'yicha tizimli ishlar amalga oshirilmoqda. Albatta, sifatli ta'lim berish, bilim, ko'nikma, malaka, qobiliyat va kasbiy kompetensiyalarini rivojlantirishning elektron texnologiyalari ta'lim jarayoniga tadbiiq etilmoqda. Va shu bilan birga masofaviy ta'lim jarayonida tadbiiq qilib, uzluksiz ta'lim tizimiga qo'llash davr talabi bo'lib qolmoqda. Ta'limdagi zamonaviy texnologiyalarni keng miqyosda 3 ta asosiy yo'nalishga bo'lish mumkin: axborot texnologiyalari (axborot-kompyuter, axborot-kommunikatsiya); faol o'qitish usullari; masofaviy o'qitish (ikkinchisini texnologiya sifatida ham, tashkiliy innovatsiya sifatida ham ko'rib chiqish mumkin). Ma'lum darajada shartlilik bilan hozirgi vaqtda telekommunikatsiya va tarmoq texnologiyalaridan foydalangan holda o'qitishning noan'anaviy usullari, shuningdek simulyatsiya faol usullarini kiritish mumkin.

Masofaviy ta'limda talaba va o'qituvchi bir-biridan ajralgan holda o'zaro maxsus yaratilgan o'quv kurslari, nazorat shakllari, elektron aloqa va internetning boshqa texnologiyalari yordamida doimiy muloqotda bo'ladilar. Internet texnologiyasini qo'llashga asoslangan masofaviy o'qitish jahon axborot ta'lim tarmog'iga kirish imkonini beradi, integratsiya va o'zaro aloqa tamoyiliga ega bo'lgan muhim bir turkum yangi funksiyalarni bajaradi. Butun jahon oliy ta'lim va ilmiy tashkilot muassasalari tizimida masofaviy ta'limda fanlarning metodik ta'minotini takomillashtirish, talabalarning kasbiy kompetentligini rivojlantirish, mashg'ulotlarda multimedia, axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan keng ko'lamda va ommaviy foydalanish bo'yicha ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda.

Adabiyotlar tahlili.

E.F.Zeerning [1] kitobida zamonaviy ijtimoiy iqtisodiy sharoitlarda kasbiy o'zini o'zi boshqarish jarayonida shaxsning kasbiy rivojlanishining eng to'liq psixologik shakllari, kasbiy kompetentlikning rivojlanish xususiyatlari o'rganilgan. U kasbiy kompetentlikni kasbiy faoliyat tuzilmasining asosiy tarkibiy qismlaridan biri sifatida baholaydi. Ushbu o'quv qo'llanma psixologiya yo'nalishi va mutaxassisliklari bo'yicha tahsil olayotgan oliy o'quv yurtlari talabalari uchun kasbiy rivojlanishning nazariy va uslubiy asoslari, uning metapsixologik toifalari, kasbiy faoliyat sub'ektining shakllanish xususiyatlari ko'rib chiqiladi. Shaxsning professional rivojlanishining psixologik to'siqlari tahlil qilinadi.

A.K.Markova[2] kitobida muallif tomonidan ishlab chiqilgan professionallikning psixologik kontseptsiyasi tasvirlangan. Unda barcha kitobxonlar uchun birinchi marotaba tizimli umumlashtirilgan shaklda shaxs mexnatining kasbiy mahorat darajasiga ko'tarilishining psixologik mezonlari, darajalari, bosqichlari, kasbiy kompetentsiya turlari tavsiflanadi. Professiogrammani qurishda vazifa-shaxsiy yondashuv ko'rsatilgan. Shaxsiy professional psixologik diagnostika kartasi beriladi. Mutaxassisning kasbiy o'sishiga yordam beruvchi va to'sqinlik qiluvchi psixologik omillar umumlashtiriladi.

Kitob: o'z kasbiy rivojlanish natijalari va istiqbollari haqida fikr yurituvchi har bir mehnatkash inson, ayniqsa, kasbiy yo'lini endi boshlayotgan yoshlar;

- odamlarga kasbiy o'sish muammolarini hal qilishda aniq yordam ko'rsatadigan mutaxassislar (psixologlar, ijtimoiy xodimlar);

- xodimlarning kasbiy mahorat darajasini baholovchi va attestatsiyadan o'tkazuvchi muassasalar rahbarlari;

- ixtisoslikka kirish kursini o'qiydigan turli turdagi kasb-hunar ta'limi muassasalarining o'qituvchilari;

- kasbiy mahorat muammolarini o'rganuvchi tadqiqotchilar uchun mo'ljallangan.

Ye.I.Kudryavseva [3] monografiyasining ikkinchi qismida kompetentsiya bo'yicha tadqiqotlar tarixi ushbu muammoning sub'ektning taqdim etilgan faoliyatini rivojlantirishdagi ahamiyati va uning samaradorligi nuqtai nazaridan muhokama qilinadi. Bu yerda kompetentsiya g'oyasidan foydalanish va kompetentli yondashuvni shakllantirish bilan bog'liq eng keskin muhokama qilinadigan masalalarga e'tibor qaratiladi. ta'lim va kompetentlik, kompetentlik va kompetentsiya, kompetentiyani konstruktorga (yasash) kabi mavzularga aloxida e'tibor berilgan. «Kompetentsiya» tushunchasi ishning eng yaxshi bajarilishiga yordam beradigan individual xususiyatlarni aniqlash uchun ishlatiladi va «kompetentlik» esa bajariladigan ishga qo'yiladigan talab tavsiflari deya fikr yuritilgan.

M.A.Innazarovning [4] ishida Mustaqil davlatlar hamdo'stligi doirasida O.A.Vasileva, A.Sh.Galimova, V.B.Gargay, V.D.Ivanov, J.I.V.Kleeva, T.V.Korotovskix, P.A.Korchemyu, O.A.Nekrasova, I.E.Savenkova, Yu.G.Taturlar tomonidan olib borilgan tadqiqot ishlarida kasbiy kompetentlikni shakllantirish, masofaviy ta'limda pedagog kadrlarning malakasini oshirishdagi o'rnini takomillashtirishga doir muammolar tahlil qilinganligi va shu bilan bir qatorda ta'lim muassasalarida faoliyat yurituvchi pedagog kadrlarning kasbiy kompetentligini rivojlantirish strategiyalari, kasbiy kompetentlikni rivojlantirishga nisbatan innovatsion yondashuv, pedagogning o'z-o'zini kasbiy rivojlantirishi masalalarini Raven John, Dirk Richter, Adnan Hakim, Michael D.Toth, Mardia Hi. Rahman, Hutmacher Walo, Mareike Kunter, Bjorn Oskarsson, Robert Marzano, Thilo Kleickmann va boshqalar tomonidan o'rganilgani to'g'risida fikr yuritiladi. Muallifning fikricha kasbiy kompetentlik – shaxsning faoliyatda mustaqil, muvaffaqiyatli ishtirokini ta'minlashga yo'naltirilgan ta'lim va ijtimoiylash jarayonida mavjud bilimlari, tajribasiga asoslanuvchi hamda kasbiy faoliyat samaradorligini ta'minlovchi bilim, ko'nikma va malakalari, tajriba, shaxsiy sifatlari yig'indisidir.

Masofaviy ta'lim kirib kelgan davrdan boshlab ko'pgina olimlar (S.G.Abdullaev, L.K.Averchenko, Yu.S.Avraamov, V.Andryushin, I.I.Bobrova, O.V.Genne, O.D.Dyachkin va boshqalar) Matematikani kompyuter o'qitish metodologiyasini ishlab chiqish tajribasi, masofaviy ta'lim tizimining samaradorligini baholash, kattalarni o'qitishda masofaviy pedagogika, masofaviy texnologiyalar asosida axborot-ta'lim muhitini shakllantirish amaliyoti, zamonaviy ta'lim tizimlarida axborot texnologiyalari, masofaviy ta'limga o'tish usuli sifatida elektron o'quv-uslubiy majmualardan foydalanish metodikasi, masofaviy ta'lim tizimini rivojlantirishda yangi qadam, talabalarga informatika, fizika fanini masofadan

o'qitish metodikasi kabi mavzularda ilmiy ishlar olib borishgan.

G.A. Gareevaning [5] ishi masofaviy ta'lim sharoitida talabalarning axborot kompetentligini shakllantirishga bag'ishlangan bo'lib, bu ish axborot kompetentsiyasi, xususan, AKT sohasida ham, axborot resurslaridan foydalanishga yo'naltirilgan masofaviy ta'lim jarayonida ularni samarali qo'llash sohasidagi bilimlarni o'z ichiga oladi. Masofaviy ta'lim texnologiyalari kompetensiyani shakllantirish, rivojlantirish va namoyon qilish uchun ta'lim muhitini yaratishga imkon beradi. Masofaviy texnologiyalardan foydalanish asosida tahsil olayotgan talabalarning axborot kompetensiyasi masofaviy ta'limning axborot-ta'lim muhitidan foydalanish orqali shakllantirilgan.

Tahlillar shuni ko'rsatadiki, oliy ta'lim muassasalarida masofaviy ta'lim tizimida o'qitish jarayonini tashkil etish va takomillashtirish muammosi bo'yicha ko'plab ilmiy-tadqiqot ishlari olib borilgan bo'lsada, masofaviy ta'limda talabalarining kasbiy kompetensiyasini rivojlantirish metodikasini takomillashtirish muammosi tadqiq etilmaganligi tadqiqot mavzusining dolzarbligini belgilaydi.

Asosiy qism. Talabalarda kasbiy kompetentligini va kasbiy moslasha olishni bilishi, o'zlashtirgan bilimlarini kasbiy faoliyatida qo'llay olishi va ish beruvchining talablariga moslasha olishini rivojlantirish zarur. Kasbiy kompetentlik – mutaxassis tomonidan kasbiy faoliyatni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalarning egallanishi va ularni amalda yuqori darajada qo'llay olinishi. Kasbiy kompetentlik mutaxassis tomonidan alohida bilim, malakalarning egallanishini emas, balki har bir mustaqil yo'nalish bo'yicha integrativ bilimlar va harakatlarning o'zlashtirilishini nazarda tutadi. Shuningdek, kompetensiya mutaxassislik bilimlarini doimo boyitib borishni, yangi axborotlarni o'rganishni, muhim ijtimoiy talablarni ang'lay olishni, yangi ma'lumotlarni izlab topish, ularni qayta ishlash va o'z faoliyatida qo'llay bilishni taqozo etadi. Masofaviy ta'limda talabalarning kasbiy kompetensiyasini rivojlantirish metodikasini takomillashtirishga imkor beradigan masofaviy ta'lim tizimlarni ko'rib chiqaylik.

eLearning Industry onlayn ta'lim sohasidagi eng yirik konsalting agentligining malumotlariga ko'ra dunyoda 800 dan ortiq masofaviy ta'lim tizimi mavjud. Masofaviy ta'lim tizimini juda ko'p kriteriyalar asosida tahlil qilishimiz mumkin va ular odatda sub'ektivdir. Biz xozircha ikki yo'nalishga ajratib chiqaylik:

Bepul foydalanish mumkin bo'lgan masofaviy ta'lim uchun eng yaxshi platformalar;

Masofaviy ta'limni tashkil qilish uchun mashhur va albatta bepul eng yaxshi platformalar orasida

1. Moodle platformasi foydalanuvchilar tomonidan yangi modullar (1500 dan ortiq) yordamida ishlab chiqilgan, Shuning uchun Moodle interfeys va funksiyalarni sozlash uchun keng imkoniyatlarga ega.

2. ATutor ATutor GitHub - da o'z jamoalari hisobidan rivojlanadi. Ko'p jihatdan Moodle ga o'xshaydi, lekin ATutor tayyor modullari kamroq, ammo ichki dizaynerga ega.

3. ILIAS. Ushbu masofaviy ta'lim tizimi SCORM 1.2 va SCORM 2004 kabi masofaviy ta'lim tizimlarining standartlariga mos keladigan birinchi ochiq tizim deb atash mumkin. Ushbu moslashuvchan universal tizim mualliflik kurslarini muvaffaqiyatli sotish uchun zarur bo'lgan barcha asosiy talablarga javob beradi.

4. Diskurs bepul mahalliy platforma. H5p-da o'rnatilgan kurs dizaynerlari mavjud. Pullik xizmatlar mavjud (qayta ishlash, funksiyalarni qo'shish, ularni qo'llab-quvvatlash).

Masofaviy ta'limni tashkil qilish uchun eng yaxshi pulli platformalar.

Eliademy. O'qituvchilar va murabbiylar uchun ushbu tizim butunlay bepul, agar ular premium hisobdan foydalanishni xohlasalar, foydalanuvchilardan kam haq olinadi.



Forma LMS. Umumiy bilim darajasini batafsil statistika va hisobotlarga tahlil qilishdan- Forma LMS juda ko'p miqdordagi mavjud funksiyalarga ega. Xizmat shuningdek, turli xil sertifikatlar, vakolatli etakchilik yordami, shuningdek, virtual sinfni boshqarish uchun turli xil vositalar, jumladan, turli kalendarlar va hodisalar menejerlari mavjud.

Dokeos. Agar siz tayyor kurs elementlari bilan masofaviy ta'lim tizimini qidirsangiz, unda siz uchun beshta foydalanuvchi guruhiga bepul taqdim etilgan Dokeos. Ushbu tizim ko'plab tayyor andozalar va elektron ta'lim kurslarini taklif etadi va, albatta, sizning kursingizni yaratish uchun sarflangan vaqtni maksimal darajada qisqartirishingiz mumkin bo'lgan mualliflik vositalari mavjud.

ISpring Learn. ISpring Learn onlayn ta'lim platformasi xususiy biznes murabbiylari va rivojlangan filiallar tarmog'i bo'lgan yirik kompaniyalar tomonidan qo'llaniladi: Alfa Capital, Lamoda, PwC, RTRS, Unilever. Bu Internet xizmati, shuning uchun dasturni yuklab olish, serverga o'rnatish, sozlash kerak emas. Ishni boshlash uchun saytda ro'yxatdan o'tish, o'quv materiallarini yuklab olish va xodimlarni tayinlash kifoya.

Yuqoridagi o'rganib chiqilgan masofaviy ta'lim tizimlarining barchasida qo'llanilishi mumkin bo'lgan va talabalarda kasbiy kompetentlikni rivojlantirishga xizmat qiladigan innovatsion metodlarning ayrimlarini keltiramiz tadbiiq qilish usullarini yoritamiz. Konfutsiy aytishicha: -"Menga ayting va unutamani, Menga ko'rsating va esda tutamani, Meni harakatga keltiring, va tushunamani!", demak barcha qo'llaniladigan metodlarimiz talabalarni mustaqil masofadan ishlashga undashi va DTS talablariga mos bilim, malaka, ko'nikma bilan birganlikda kasbiy kompetensiyasini rivojlantira borishi kerak.

Masofaviy ta'limga o'tish bilan interaktiv usullarni o'zgartirish va qayta ishlash kerak edi. Juftlikda ishlash va kichik guruhlarda ishlash shaklida shuningdek, rolli o'yinlari metodlari yordamida tashkil etilgan darslar masofaviy ta'lim onlayn o'yinlar va turli ta'lim simulyatorlaridan foydalanish, tadqiqot loyihalari qo'llanilishi, hujjatlar va axborot manbalari bilan ishlash, ijodiy ishlar qo'llaniladi.

Ba'zi interaktiv ta'lim usullarini ko'rib chiqamiz.

1) Broun harakati. Talabalar guruhlarga bo'linadi, axborot to'plash uchun gurux sardori belgilanadi. Misol uchun, oliy matematika darsida funksiyalarni tekshirish mavzusi takrorlanganda, talabalar misollarni tanlab olishadi va aloxida mustaqil ishlashadi, keyin guruhlarda muhokama qilinadi va oxirida har bir gurux javoblarini yuborishadi yoki Smart Notebook, Miro kabi onlayn doskalarida Let's View dasturidan foydalanib namoyish qilishlari mumkin.

2) Pozitsiyani egallang. Ushbu usul munozarali masalalar va savollar bilan ishlash uchun yaxshi boshlanishdir. Ushbu usul o'rganilayotgan mavzu bo'yicha fikrlarning xilma-xilligini namoyish etish, talabalarga o'z nuqtai nazarini ifoda etish imkoniyatini berish uchun kirish mashqlari sifatida foydalanish uchun samaralidir. Oldindan virtual doskada plitalar paydo bo'ladi:

100 foiz to'g'ri	Umuman noto'g'ri
To'g'riga yaqin	Noto'g'riga yaqin

Barcha ishtirokchilar, savol haqida o'ylab, to'rtta plitalardan biriga ishora qiladilar. Keyin fikr almashish, bahs-munozaralar olib boriladi. Har qanday ishtirokchi ishonchli dalillar ta'siri ostida pozitsiyani erkin o'zgartirishi mumkin. Natijalar sarhisob qilinadi.

3) Blits-so'rov. Ushbu usul har qanday ta'lim formatida samarali. Siz ekran

namoyishli Yandeks darslik saytini o'rganib chiqib, masofadan nazorat qila turib foydalanishingiz mumkin.

Masofaviy ta'lim shakllaridan foydalanish talabning shaxsiyatini rivojlantirishga yordam beradi, u o'zi-o'zida rivojlanishni ko'radi, o'qituvchi ham buni ko'radi. Talabning rivojlanishi uchun qo'shimcha imkoniyatlar yaratadi.

Xulosa. Masofaviy ta'limda tahsil olayotgan talabalarning bilim darajasi albatta DTS talablariga javob beradigan bo'lishi, an'anaviy ta'limda qatnab o'qiyotgan talabalardan kam bo'lmasligi kerak. Shuning uchun masofaviy ta'limni zamonaviy innovatsion texnologiyalardan, dasturiy ta'lim vositalardan, mobil ilovalardan, turli platformalardan unumli foydalangan holda tashkil qilish, shu bilan birga nafaqat ta'lim balki tarbiyalab borish har bir o'qituvchining oldiga qo'yilgan asosiy vazifalardan biri hisoblanadi. Masofaviy ta'lim jarayonida ham talabalarning kasbiy kompetentligini rivojlantirish metodikasi muhim ahamiyatga ega bo'lib, masofaviy ta'limda tahsil olgan talabning keyinchalik o'z ishiga bo'lgan munosabati va kasbiy kompetentligiga qarab, oliy ta'lim muassasasiga baho beriladi. Shuning uchun ushbu mavzu dolzarb deya e'tirof etishimiz mumkin.

#### ADABIYOTLAR RO'YXATI

Э.Ф. Зеер Психология профессионального образования. – М.: «Академия», 2013.

А.К.Маркова Психология профессионализма.- М.: Международный гуманитарный фонд «Знание» 1996г. 312стр.

Е.И.Кудрявцева Компетенции и менеджмент: компетенции в менеджменте, компетенции менеджеров, менеджмент компетенций. // Сев.-Зап. инс-т упр.- филиал РАНХиГС Монография. Санк-Петербург 2012. 340стр.

М.А.Инназаров. Малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш технологияларини такомиллаштириш (Олий таълим муассасалари мисолида). Автореферат. пед.фан.фал.док. – Т. 2020. 11-б.

Г.А. Гареева Формирование информационной компетентности студентов в условиях дистанционного обучения // Автореферат. Кандидат пед.наук. – ИЖЕВСК. 2010. 23стр.

## FIZIKA TA'LIM YO'NALISHI TALABALARINING AXBOROT KOMMUNIKACIYA TEXNOLOGIYA KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.060>

*Kadirimbetova Gulmira Rambergenovna,  
doktorant, Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*

*Annotatsiya. Berilgan maqolada fizika fanini o'qitishda talabalarning AKT kompetentligini rivojlantirish uchun elektron darslik, elektron doska va virtual laboratoriya dasturlaridan foydalanishning samoradorligi ko'rsatilgan. Lektsiya, amaliy va laboratoriya mashg'ulotlarida zamonaviy elektron resurslarini qo'llash orqali talabalarning AKT kompetentligini shakllantirishga erishildi.*

*Таянч сўзлар: axborot kommunikaciya texnologiyalari, kompetentlik, elektron dasturiy-metodik ta'minot, elektron doska.*

## РАЗВИТИЕ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ У СТУДЕНТОВ-ФИЗИКОВ

*Кадириббетова Гулмира Рамбергеновна,  
докторант, Нукусский государственный педагогический институт,*

*Аннотация: В данной статье показана эффективность использования электронных учебников, электронной доски и виртуальных лабораторных программ для развития ИКТ-компетентности студентов при обучении физики. На лекционных, практических и лабораторных занятиях используя современные электронные ресурсы были сформированы ИКТ компетентности студентов.*

*Ключевые слова: информационно-коммуникационные технологии, компетентность, электронное программное обеспечение, электронная доска.*

## DEVELOPMENT OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES AMONG PHYSICS STUDENTS

*Kadirimbetova Gulmira Rambergenovna,  
doctoral student, Nukus State Pedagogical Institute*

*Annotation: This article shows the effectiveness of using electronic textbooks, electronic whiteboards and virtual laboratory programs for the development of students' ICT competence in teaching physics. At lectures, practical and laboratory classes, using modern electronic resources, ICT competencies of students were formed.*

*Keywords: information and communication technologies, competence, electronic software, electronic board.*

Mamlakatimizda ta'limga qaratilgan islohotlarnatijasida ta'lim muassasalarining moddiy texnik bazasi va axborot almashinish tizimlarini rivojlantirish, o'quv jarayoniga axborot kommunikaciya texnologiyalari (AKT) hamda dasturiy - pedagogik vositalarini integratsiya qilish, o'quv-metodik ta'minotni yaxshilash bo'yicha imkoniyatlar yaratilmoqda. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida "Uzluksiz ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, sifatli ta'lim xizmatlari imkoniyatlarini oshirish, mehnat bozorining zamonaviy ehtiyojlariga mos yuqori malakali kadrlar tayyorlash, ta'lim va o'qitish sifatini baholashning xalqaro standartlarini joriy etish" kabi ustuvor vazifalar belgilangan. Bu esa talabalarning fizika faniga oid bilim, ko'nikma va malakalarini rivojlantirishda o'qitishning zamonaviy yo'nalishi bo'lgan AKT ni

fizika faniga integratsiya qilish, o'qitish modellarini ishlab chiqish, talabalarning AKT kompetentligini shakillantirish, elektron dasturiy-metodik ta'minotni kengaytirish bo'yicha metodik tizimini ilmiy asosda takomillashtirishni taqozo etadi.

Respublikamiz prezidentining 19 - mart 2021 - yilda PQ-5032 - sonli «Fizika sohasidagi ta'lim sifatini oshirish va ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida» gi qarori va O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish kontsepsiyasi qabul qilindi [1, 2]. Ushbu hujjatlarda intellektual taraqqiyotni jadallashtirish, raqobatbardosh kadrlar tayyorlash, ilmiy va innovatsion faoliyatni samarali tashkil etish hamda xalqaro hamkorlikni mustahkamlash maqsadida fan, ta'lim va ishlab chiqarish integratsiyasini rivojlantirish singari vazifalar asos qilib olindi. Bugungi kunda ta'lim muassasalarida fizika fanini o'qitish sifatini oshirish, ta'lim jarayoniga zamonaviy o'qitish uslublarini joriy qilish, iqtidorli o'quvchilarni saralash, mehnat bozoriga raqobatbardosh mutaxassislarni tayyorlash, ilmiy tadqiqot va innovatsiyalarni rivojlantirish hamda amaliy natijadorlikka yo'naltirishga katta etibor qaratilmoqda. Prezident qarorida 2021 — 2023 yillarda fizika fanlari bo'yicha ta'lim sifatini oshirish va fizika sohasidagi ilmiy tadqiqotlarning natijadorligini ta'minlash bo'yicha kompleks chora-tadbirlar dasturi tasdiqlandi.

Dasturning asosiy maqsad va vazifalari etib ta'lim muassasalarida fizika fanini o'qitish sifatini oshirish, darsliklar va o'quv qo'llanmalarini takomillashtirish va ta'lim jarayoniga zamonaviy o'qitish uslublarini, shu jumladan axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy qilish belgilangan [3,4].

Biz tadqiqot ishimizda talabalarning fizika darslarida AKT dan foydalanish darajasini aniqlash maqsadida savol-javoblar olib bordik.

Savol - javob jarayonida Ajinyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika institutining 2 B - Fizika va astronomiya mutaxassisligi talabalari ishtirok etishdi. Aniqlash bosqichi sorovnoma orqali amalga oshirildi.

So'rovnoma talabalarning axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining turlari, ulardan foydalanish darajasi (doimiy, tez-tez, kamdan-kam hollarda) haqida olib borildi.

1-jadval. Talabalar tomonidan axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish ko'rsatkichlari.

AKT nomi	Foydalanish ko'rsatkichlari			
	doimiy, %	tez-tez, %	kamdan-kam hollarda, %	tanish emas, %
Internet	70	18	12	0
Onlayn (darslar, konferentsiya)	3	12	65	20
Komp'yuter	55	39	6	0
Interaktiv doska	0	18	59	23
Elektron darslik	9	18	48	25
Virtual laboratoriya ishlari	0	20	60	20
Elektron malumotlar bazasi (masalan, zionet, edu.uz. ...)	19	24	25	32
Word dasturi	58	26	14	2
Power Point dasturi	32	18	48	2

Jadvaldan ko'rinib turibdiki internetdan foydalanish haqida so'ralganda barcha talabalar internetdan to'liq doimiy foydalanamiz deb javob berishdi.

Onlayn darslar va konferentsiyalarda barcha talabalar ingliz tilini o'rganish uchun ishlatishlarini yozdilar. Ulardan doimiy atigi 3%, 12% undan tez-tez foydalangan, 65% kamroq va 20 % talabalar onlayn darslar va konferentsiyalar tanish emasligini aytishdi.

Kompyuterdan dars tayorlash jarayonida foydalanishga kelsak, 55% muntazam ravishda, 39% tez-tez, 6% kamdan-kam hollarda foydalanadiganligini yozgan.

Tajriba natijalaridan ko'rinib turibdiki, interfaol doskadan muntazam foydalanadiganlar 0% ni, ko'proq – 18% ni, kamroq - 59% ni, umuman foydalanmaydiganlar - 23% ni ko'rsatdi.

Kamdan kam foydalanadigan talabalarning javoblari har xil: interfaol doskadan faqat universitet va institutdagi darslarda foydalanaman, guruh ishlarini bajarayotganda slaydlar tayyorlashda ba'zilar interfaol doskaning noto'g'ri ishlashi tufayli deb javob berishdi.

So'rovnomada ishtirok etgan talabalarning 75% darslar uchun elektron darslikdan foydalanishlarini aytdi; ulardan doimo - 9%, tez-tez - 18% va kamdan-kam hollarda - 48%.

68 % talabalar onlayn ma'lumotlar bazalari bilan tanish ekanligi va ulardan kerakli ma'lumotlarni olish uchun foydalanishi malum bo'ldi.

Malum bo'lishicha, doymiy ravishda talabalarning 58 % PowerPoint dasturi bilan ishlaydi va slaydlar yaratishga qodirligini bildirishdi. Hozirgi kunda barcha ta'lim muassasalarida slaydlardan foydalanilmoqda.

Shunday qilib, tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, hozirgi vaqtda bo'lajak o'qituvchilarning bilimlari va faoliyatini o'zlashtirish uchun pedagogik yo'nalishdagi talabalar uchun zarur bo'lgan axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini bilish va qo'llash darajasi qanoatlandirarsiz degan xulosa kelib chiqdi. Demak, talabalarning axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini bilish va qo'llash darajasini oshirish uchun dars jarayonida elektron darslik va qo'llanmalardan va virtual laboratoriyalardan foydalanish zarur.

Biz molekulyar fizika fanimizda lektsiya va laboratoriya mashg'ulotlarida zamonaviy elektron resurslarini dars jarayonida qo'llash orqali talabalarning axborot-kommunikatsiya texnologiyalari kompetentligini oshirishga erishdik. Biz lektsiya vaqtida molekulyar fizika fani bo'yicha yaratilgan elektron o'quv qo'llanmadan foydalandik. Bu elektron o'quv qo'llanma molekulyar fizika fani bo'yicha o'quv dasturda berilgan mavzularning barchasini o'z ichiga olgan holda, mavzuga tegishli ma'lumotlarni elektron formada taqdim etish imkoniyatini beradi. Darslarning multimedia imkoniyatlaridan foydalanib o'tilishi talabalarga bir qancha qulayliklar tug'diradi. Chunki, shu fanga mavzulashtirilgan ovozli dasturlar, rasmi ishlanmalar, harakatli yozuvlar (prezentatsiyalar), animatsiyalar bir tomondan o'qituvchi uchun yangillik bo'lsa, ikkinchi tomondan ta'lim oluvchilar uchun qiziqarli va diqqatini o'ziga jalb qiladi. Va mavzuni yaxshi o'zlashtirilishiga turtki bo'ladi.

Shuningdek, biz talabalarga laboratoriya darslarida ularning axborot-kommunikatsiya texnologiyalari kompetentligini oshirish maqsatida virtual laboratoriya ishlaridan foydalandik. Bunda obektiv borliqni tabiiy sezgi organlari yordamida idrok etish o'rnini maxsus interfeys, kompyuter grafikasi va ovoz vositasida suniy yaratilgan kompyuter axboroti egallaydi.

Bugungi kunda virtual borliq inson madaniy faoliyatining turli sohalarida qo'llanilmoqda. Virtual borliqdan eng avvalo u vujudga kelgan sohada, fanda, jumladan fizikada suyuqlik va gazlar dinamikasini modellashtirishda foydalanilmoqda.

Ta'limda shaxsiy kompyuterdan erkin foydalana oladigan, jamoalar va talabalar bilan muloqot qila oladigan o'qituvchilarning raqamli savodxonligi muhim rol o'ynaydi; ta'limda ular elektron texnologiyalardan foydalangan holda o'z resurslarini yangilaydilar, unda talabalar tomonidan elektron shaklda bajariladigan vazifalar tizimi amalga oshiriladi.

Biz, kurs oxirida talabalarning axborot-kommunikatsiya texnologiyalari kompetentligini tekshirish maqsadida so'rovnomani qayta o'tkazdik, tadqiqot

natijalari kuyidagi 2-jadvalda berilgan.

2-jadval. Molekulyar fizika kurs oxirida talabalar tomonidan axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish ko'rsatkichlari.

AKT nomi	Foydalanish ko'rsatkichlari			
	doimiy, %	tez-tez, %	kamdan-kam hollarda, %	tanish emas, %
Internet	70	18	12	0
Onlayn (darslar, konferentsiya)	3	12	65	20
Kompyuter	55	40	5	0
Interaktiv doska	25	60	15	0
Elektron darslik	25	50	25	0
Virtual laboratoriya ishlari	0	60	40	0
Elektron ma'lumotlar bazasi (masalan, zionet, edu.uz., ...)	20	54	26	0
Word dasturi	90	6	4	0
Power Point dasturi	45	45	8,5	1,5

Jadvaldan lektsiya vaqtida elektron doska, elektron darsliklarni qo'llanish va laboratoriya ishlarini bajarishda virtual laboratoriyalardan foydalanish talabalarning axborot-kommunikatsiya texnologiyalari kompetentligini oshirishga imkoniyat yaratganini ko'rishimizga bo'ladi (2-jadval). 2-jadvaldan talabalarning Onlayn ma'lumotlar bazasidan va Power Point dasturidan foydalanish ko'rsatkichlari ortganligini ko'rdik. Sababi kurs davomida talabalarga mustaqil ishlarni bajarishda elektron ma'lumotlar bazasidan va taqdimotlar tayorlashda Power Point dasturidan foydalanishdi.

Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, kurs boshida olingan so'rovnomaga bo'yicha talabalarning AKT dan foydalanish ko'rsatkichlari kurs oxiriga kelib 10-15 % ga oshganligini ko'rishimiz mumkin.

Demak, dars jarayonida elektron darslik, elektron doska va laboratoriya ishlarini bajarishda virtual laboratoriya dasturlaridan foydalanish talabalarning informatsion kommunikatsion kompetentligini oshirishda asosiy rol ni bajaradi.

Zamonaviy axborot texnologiyalari, o'quv-tarbiya jarayonlarining barcha bosqichlarini jadallashtiradi. Bunda axborot texnologiyalaridan foydalanish asosida, ta'lim jarayonining sifati va samaradorligi ortishi, talabalarning bilish faoliyati faollashuvini kuzatishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 19 - mart 2021 - yilda PQ-5032 - sonli «Fizika sohasidagi ta'lim sifati oshirish va ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida» gi qarori

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktyabrdagi

PF-5847-son «O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish kontsepsiyasi» farmoni.

3. Allayarova S.N. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari - oliy ta'lim sifati va samaradorligini oshirish omili. Zamonaviy ta'lim / Sovremennoe obrazovanie 2020, 4 (89). Str. 10-19.

4. Ishmuhamedov R., Abduqodirov A., Pardaev A. Ta'limda innovatsion texnologiyalar (ta'lim muassasalari pedagog-o'qituvchilari uchun amaliy tavsiyalar). – T.: "Istedod" jamg'armasi, 2008. – 180 b.

Eslatma: Jadvaldagi ma'lumotlar taqribiy hisoblashlar natijasida olingan.

## ЎҚУВЧИЛАРДА КРЕАТИВ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.061>

Азимов Юсуфжон,  
ЎЗМУ Жиззах филиали катта ўқитувчиси

*Аннотация. Мақола компетенциявий ёндошувнинг моҳияти ва унинг ўқитиш жараёнидаги турли жиҳатлари, уни амалга оширишдаги шарт-шароитлар кўриб чиқилган.*

*Калит сўзлар: компетентлик, компетенциявий ёндошув, креатив, таълим, таълим жараёни, ўқувчилар.*

## ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У УЧАЩИХСЯ

Азимов Юсуфжон,  
старший преподаватель Джиззакского филиала Национального  
университета имени Мирза Улугбека.

*Аннотация. В статье рассмотрена сущность компетентностного критерия и его различные аспекты в процессе обучения, условия его реализации.*

*Ключевые слова: компетентность, компетентностная лаконичность, креативность, образование, образовательный процесс, учащиеся.*

## FORMATION AND DEVELOPMENT OF CREATIVE THINKING IN STUDENTS

Azimov Yusuffon,  
senior teacher of Jizzakh branch of National university after named Mirza  
Ulugbek.

*Annotation. The article considered the essence of the competency criterion and its various aspects in the teaching process, the conditions in its implementation.*


*Keywords: competency, competency conciseness, creative, education, educational process, pupils.*

Кириш. Умумтаълим муассасаларида ўқувчиларнинг креатив тафаккурини шакллантириш замонавий таълим парадигмаларининг ўзгаришини ҳам талаб этади. Бу парадигмалар ўқувчиларга тайёр мавжуд билимларни ўзлаштиришни эмас, балки энг асосий, зарур билимга қаедай қилиб эга бўлиш қобилиятини шакллантиришга қаратилгандир. Ўқув фаолиятини самарали ташкил қилиш, дарс жараёнида маъруза ва амалий машғулотлардан тўғри фойдаланиш орқали амалга оширилади. машғулотлар жараёнида улардан ўз ўрнида тўғри фойдаланиш ва ўзаро узвий боғлиқ ҳолда қўллаш олиш таълим ва тажриба самарадорлигининг муҳим омилларидан биридир.

Адабиётлар шарҳи. О.Д.Никитин фикрига кўра “Тадқиқот жараёнида шахснинг учта ташкил этувчиси (ментал, эмоционал, жисмоний) ажратиб кўрсатилган. Амалиёт даражасида ментал, эмоционал ва жисмоний ташкил этувчилар орасидаги муносабатни учта кесишувчи соҳалар шаклида акс эттириш мумкин. Бундай ҳолатда таълим олиш жараёни барча уч соҳага ҳам таъсирини ўтказди, креативликнинг ўсиши эса, уларнинг тартибга солинган ўзаро таъсири ва бу компонентларнинг интеграциялашуви жараёнини ўзида намоён этади[1]. Педагогик ва психологик технология ишларини шахснинг у ёки бу қисмига таъсири даражаси бўйича уларни ажратиб кўрсатиш мумкин: ментал (маъруза, расм, таҳлил-жараёни, роль ўйнаш орқали ўзаро таъсир);

эмоционал (психодрама, роллик моделлаштириш, гештальттерапия, проектив расм); жисмоний (ҳаракатланиб ишлаш, психодрама, чуқур ботиниш) (6-расмга қаранг).

Педагогика олий ўқув юртлари талабаларини креатив ривожлантиришнинг педагогик модели.



Таклиф этилган модель компонентлари бир-бири билан мантиқий боғланишда ва ўқитиш ҳамда гуруҳда иш олиб бориш бошқичлари билан мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилиши керак. Бу шартларга амал қилинганда билим ва тажриба бир-бирини тўлдириб боради.

Шуни ҳисобга олиш керакки, амалиётни бир контекстдан иккинчисига кўчирилганда, амалиётнинг ҳамда контекстнинг ўзгариши юзага келади. Буни ҳисобга олиб айтиб мумкинки, эскисидан фарқ қилувчи қандайдир



натижалар билан янги композиция пайдо бўлади ва аксарият ҳолларда бундай натижанинг оқибатини олдиндан мўлжаллаб бўлмайди. Шу сабабли, қисмларга ажратиб таҳлил этишни ва эҳтиёткорона муносабатни талаб этувчи, ноаниқ муносабатли куч билан эксперимент сифатида бошқа контекстли амалиёт турини ҳар қандай силжитишни кўриб чиқиш зарур.

Тақлиф этилган педагогик моделнинг натижаси: шахснинг ментал, эмоционал ва жисмоний ташкил этувчиларини гармоник ривожлантириш, креативликни ривожлантириш, касбий кўникма ишларини ўзлаштиришни назарда тутати. Ушбу модел контекстида, фаолият маҳсулдорлиги мавжудлигини талаб қилувчи, шароитларда, ижодий, ностандарт қарор қабул қилувчи шахснинг қобилияти сифатида, креативлик тушунчаси аниқлаштирилган” – деб таъкидлайди[3].

Шунингдек, Ў.Н.Султонова анъанавий ва компетенциявий ёндошувлар қиёсий таҳлилин келтирган “Олий таълим муассасаларида таълим бераётган профессор-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқиладиган ва фойдаланиладиган ўқитиш технологиялари, бўлажак техник муҳандисларга касбий компетентликнинг қарор топиши, таълим тизимининг таркибий қисми бўлиб, ўз касбини эгаллашнинг аҳамиятли бўлган дастлабки базасини яратишга, келажакда касбий фаолиятни юқори даражада амалга ошириш учун назарий, амалий ва мотивацияли тайёргарликнинг босқичма-босқич шаклланишига ёрдам беради. Анъанавий ва компетенциявий дарсларнинг қиёсий таҳлили куйидагича”

1-жадвал

№	Таълим жараёни элементлари	Анъанавий ёндашув	Компетенциявий ёндашув
1	Мақсадлар	Билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган	Компетенцияларни Ривожлантиришга йўналтирилган
2	Таълим дастурлари (таълим мазмуни)	Давлат таълим стандартини амалга оширади	Касбий-таълимий дастурларни ўзлаштиришга қаратилган индивидуал йўналиш
3	Таълимни ташкил этиш шакллари	Уқув соатлари ҳажмининг аудиторияда 60%, аудиториядан ташқари 40 % микдорда ташкил этилиши	Индивидуал равишда ишлаш, жуфтликда, кичик гуруҳларда (7+2) ва катта гуруҳларда (25) ишлаш
4	Педагогик жараёни ташкил этиш ва амалга ошириш методлари	Ўқитишнинг - аудитория тизими доирасидаги анъанавий методлар	Индивидуал ва компетентли ёндашувга йўналтирилган ноанъанавий методлар
5	Педагогларнинг фаолият жараёнидаги урни	“Насихатгўй”, “ахборот берувчи”, “баҳоловчи”	“Х,амкор”, “маслаҳатчи”, “ёрдамчи”, “воситачи”
6	Таълим олувчиларнинг фаолият жараёнидаги урни	“Тингловчи”, “қабул қилувчи”, “хотирасида сакловчи”	“Х,амкор”, “тажриба утказувчи”, “тадқиқотчи”, “конструктор-яратувчи”, олган билимларини нотаниш вазиятларда кулловчи



Тадқиқот методологияси. Келтирилган тавсифларни таҳлил этиш натижасида билимлар изланиш ва фикрлаш фаолиятлари, ижод жараёни маҳсули сифатида турли хил шаклларда тизимли, фанлараро ҳамда умумлаштирилган ҳолда аниқлаб олиш мумкин: Компетентли ёндашув дарсларида талабаларни фаоллаштириш учун индивидуал ва табақалашган ёндашувдан фойдаланамиз. Дарс давомида талабаларга табақалаштирилган ёндашиш деганда, мустақил ўқув фаолиятини бошқаришнинг шундай тизими тушуниладики, бунда талабаларнинг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинади. Бу талабаларнинг билиш фаолиятини маълум тизимда бошқариш билан борадиган ўқув-тарбиявий жараёнدير. Шунга мос ҳолда ўқитишни ташкил этиш индивидуаллаштирилган ўқитиш дейилади”- деб таъкидлайди[2].

Э.Б.Хужанов таъкидлашча “Табиий фанларни ўқитиш методикасида статистик методни дидактика тамойилларига мос равишда қўллаш кутилган ижобий натижани беради. Умумий ўрта таълим мактабларида табиий фанларни ўқитишда статистик кузатув, ўрганилаётган объектларни гуруҳлаш, статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш, статистик катталикларни график, жадвал ёки матн кўринишида тасвирлаш каби усуллардан фойдаланиш таълим сарадорлигининг ошишига имкон беради”-деган хулосага келган[2].

Компетенциявий ёндошувни қўллаш шарт-шароитлари таҳлили натижалари қуйидаги хулосаларни чиқариш имкониятини берди: умумтаълим муассасаларида ўқувчиларнинг назарий ва амалий тайёргарлигига қаратилган креатив фикрлашни ривожлантириш муаммосидаги, ўқитишнинг ташкилий шакллари орасида назарий ёки амалий машғулотни ажратиб кўрсатиш мумкин. Дидактик талаблардан бири ўқитишдаги изчиллик (билим ва маҳорат, креатив фикрлашни ривожлантириш мақсадларида олдин ўтилган амалий машғулотлар ва маърузалар билан алоқаси) ни таъминлаш зарурияти пайдо бўлади.

Таҳлил ва натижалар. Таҳлил натижаларига таяниб, ўқувчиларда креатив фикрлашни ривожлантиришда, қуйидаги кетма-кетликка эътибор қаратиш зарур деган хулосага келдик:

1.Машғулотнинг чақириқ босқичи. Бу босқичда ўқувчиларни фаоллаштириш, мавзунинг мазмун-моҳиятига ўқувчиларнинг чуқур кириб боришлари, уни тўлиқ англаб етишлари жараёнига тайёрлашни амалга ошириш зарурияти;

2.Машғулот жараёнида креатив фикрлашни ривожлантириш методларини қўллаш босқичи. Бу усуллар ўқув машғулотининг бошланишида ёки исталган қисмида қўлланилиши мумкин. Бу босқичда муаммо ўқувчиларга исталган усулда берилади ва уларнинг фикрлари орқали натижа умумлаштирилиб олинади;

3.Мавзу мазмуни-моҳиятини англаш босқичи. Мавзуга оид хулосавий фикрлар жамланади ва ўқитувчи томонидан янги фикрлар билан тўлдириб борилади;

4.Фикрлаш босқичи. Муҳокама қилинган мавзу юзасидан ўзлаштирилган билим ва тушунчаларни қисқача ёзма баён қилиш тапширилади. Бу топшириқларни бажариш учун синф гуруҳларга ажратилади. Ҳар бир гуруҳ топшириқ бўйича ўз фикрларини ёзади ва ҳар бир гуруҳ вакили бажарилган топшириқни бошқаларга тушунтириб беради. Булардан ташқари гуруҳларга топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратиш, йўл-йўриқлар кўрсатиш, кучли гуруҳларни рағбатлантириб бориш, натижаларни баҳолашга ҳам аҳамият қаратади. Машғулот жараёнида кучли гуруҳ аъзоларини кучсиз гуруҳ аъзоларига алмаштириш ҳам мумкин.

Ўқув машғулотларини ушбу кетма-кетликда ташкил этилганида,

Ўқувчиларнинг креатив фикрлашлари ривожланиб боради, мустақил фикрлаш кўникмаси ҳосил бўлиб, ижодий тафаккурининг ривожланишига замин яради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Никитин О.Д Педагогическая модель креативного развития студентов педагогических вузов. Монография. Москва. Издательство «Музыка», 2017.- с.84.

2. Султанова Ў.Н. Техника олий таълим муассасаларида физика ўқитиш методикасини компетенциявий ёндошув асосида такомиллаштириш. Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси Автореферати. Тошкент, 2022.-17 б.

3. Хужанов Э.Б. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида физик тушунчаларни статистик метод асосида шакллантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати, Тошкент, 2019.-11 б.



## 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

### ОНГЛИ ФИЛЬТИРЛАШ - ОТА-ОНАЛАР ВИРТУАЛ-ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ СИФАТИДА

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.062>

Хайдарова Хилола Раҳимбердиевна,  
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
университети докторанти (DSc), психология фанлари номзоди

### СОЗНАТЕЛЬНАЯ ФИЛЬТРАЦИЯ - КАК НЕОБХОДИМОСТЬ РАЗВИТИЯ РОДИТЕЛЬСКОЙ ВИРТУАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ

Хайдарова Хилола Раҳимбердиевна,  
Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека  
Докторантура (DSc), кандидат психологических наук

### CONSCIOUS FILTERING - AS A NECESSARY TO DEVELOP PARENTS VIRTUAL-PEDAGOGICAL CULTURE

Khaydarova Khilola Rahimberdievna,  
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek  
University Doctorate (DSc), Candidate of Psychological Sciences

*Аннотация:* Мақолада оилада ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантиришининг заруриятига доир масалалар ўрганилган. Шунингдек, ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятни ривожлантириши орқали таълим-тарбиядаги маънавий-ахлоқий муаммолар кенг таҳлил қилинган.

*Калит сўзлар:* Ота-она, ёшлар, онгли филтирлаш, оила, мактаб, маҳалла, тарбия, маданият, виртуал, медиа, ахборот, компьютер, саводхонлик, виртуал назорат, фарзандлар.

*Аннотация:* В статье рассматривается необходимость развития виртуальной педагогической культуры родителей в семье. Также широко анализируются духовно-нравственные проблемы воспитания через развитие виртуальной педагогической культуры родителей.

*Ключевые слова:* родители, молодежь, сознательная фильтрация, семья, школа, микрорайон, воспитание, культура, виртуальный, медиа, информация, компьютер, грамотность, виртуальный контроль, дети.

*Annotation:* The article examines the need to develop a virtual pedagogical culture of parents in the family. The spiritual and moral problems of education through the development of virtual pedagogical culture of parents are also widely analyzed.

*Keywords:* Parents, youth, conscious filtering, family, school, neighborhood, upbringing, culture, virtual, media, information, computer, literacy, virtual control, children.

*Кириш.* Дунё ривожланишининг асосий тендециялари орасида ахборотлашган жамиятга ўтиш муҳим вазифа ҳисобланади, яъни жамиятнинг барча жабҳаларида виртуал воситаларининг таъсири долзарб саналади. Бунда ўзаро чексиз ахборот алмашишининг кенгайиши, ижтимоий-маданий интеграциялашувнинг чуқурлашиши ва интенсивлашиши ҳолатида ота-оналар вертуал-педагогик маданиятини ривожлантириш, унинг услубий

таъминотини янада кенгайтириш зарурати мавжуд эканлиги яққол кўзга ташланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори белгиланиб, узлуксиз маънавий тарбияни амалга оширишда ота-она, тарбиячи, ўқитувчи, узлуксиз таълим муассасалари ва маҳалла жамоатчилигининг ўзаро самарали ҳамкорлиги механизмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.[1] Ота-оналарни виртуал-педагогик маданиятини ривожлантиришга қаратилган фаолиятда оила, маҳалла, ва таълим муассасалари ҳамкорлиги билан боғлиқ муаммолар кўзга ташланади. Айниқса ахборотлашган жамият шароитида ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш механизмини халқаро тажрибалар, информацион ахборот ресурслари, миллий кадриятлар асосида такомиллаштириш, оила, узлуксиз таълим муассасалари ва маҳалла ўртасида ҳамкорликни такомиллаштириш, ота оналарнинг виртуал-педагогик маданиятининг баҳолаш имконини берувчи социометрик шкалалар ва интеграл диагностик параметрларни ишлаб чиқиш заруратини тақозо этади.

Мавзунинг долзарблиги. Олиб борилган тадқиқотимиздан маълумки, айнан виртуал-педагогик маданият ўзига хос регуляция тизими сифатида инсонлар ҳаётини тартибга солиши билан алоҳида ажралиб туради. Ушбу ёндашувга асосланиб айтиш мумкинки, виртуал-педагогик маданиятни ривожлантириш асосида жамиятда ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси билан боғлиқ маънавий-ахлоқий муаммоларни ҳал этиш ёки тартибга солиш объекти компьютер воситасида ҳамда ўзаро виртуал мулоқот жараёнида шахсларнинг рационал фаолияти ва ҳатти-ҳаракатидан иборат бўлади.

Мамлакатимизда ҳам ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш муаммоларни чуқур ўрганиш ва тадқиқ қилиш учун кенг имкониятлар очиб берилган. Бу ижтимоий фанлар, хусусан педагогика фани олдига виртуал реалликка хос бўлган маънавий-ахлоқий ва педагогик мезоний тушунчалар, таълим ва тарбия меъёрларининг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш ва ҳаётга уларни янада чуқурроқ жорий қилиш каби вазифаларни белгилаб беради. Айнан, виртуал реалликка хос бўлган маънавий-ахлоқий ва педагогик тамойилларнинг ривожланиши ёшларнинг нафақат ижтимоий, маънавий, ахлоқий балки таълим борасидаги эҳтиёжларининг қондиришга ҳам хизмат қилади.

Мавзу бўйича илмий изланишларнинг қисқача таҳлили. Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш масалалари ва улар билан боғлиқ муаммолар: ёшлар маънавий-ахлоқий дунёқарашининг хавфсизлигини таъминлаш, уларда атрофдаги жараён ва ҳодисаларга тўғри муносабатни шакллантиришга барча даврларда алоҳида эътибор қаратилган.

Узоқ тарихга назар соладиган бўлсак, “Virtual” сўзи латин сўзидан келиб чиқиб “Vir”, яъни эркак сўзини аниқлаган. Римликлар “Vir” сўзидан янги “virtus” ни келтириб чиқаради ва бу сўз эркакларга хос бўлган барча эркаклик фазилатларини намоён қила олган сўз, жасур, кучли, жасоратли, ахлоқий хулқ-атвор фазилатларига эга, виртус ушбу фазилатларнинг барчаси бир шахсда намоён бўлганда ишлатилган. Виртус маъбудаси ҳам айнан ушбу талқин асосида, қадимги Рим мифологиясида шу номга эга бўлганини айтиш мумкин. Кейинчалик латин тилидан француз тилига, XIII асрда француз тилидан инглиз тилига кириб боради. Компьютер технологиялари инсонлар ҳаётига кенг кириб бориши билан, инглиз тилида бу сўз, virtual сўзи “ҳақиқий ҳаётда мавжуд эмас, лекин дастурий таъминот туфайли пайдо бўлади[2]” деган маънога эга бўлди. Компьютер технологиялари ривожланган янги даврга келиб виртуаллик ҳақиқий ва ҳаёлий (ёки қурилган) дунё ўртасидаги фарқ чегарасини йўқотадиган маълум бир ҳолат сифатида тушунилади.

Виртуаллик ҳақидаги ушбу тушунча педагогика, психология, этика, эстетика ва умуман маданиятда ҳам қўлланилиб келади.

Виртуаллик – (лот. *Virtualis* бўлиши мумкин) ҳаёлий объект ёки ҳолат бу ҳақиқатан ҳам мавжуд эмас, лекин маълум шароитларда пайдо бўлиши мумкин [3], яъни ҳақиқий воқеликдаги каби фақат электрон ахборот технологиялари ёрдамида мулоқот қилиш, ахборот алмашиш, ахборотлашиш демакдир.

Асосий таҳлил ва натижалар. Тадқиқотимизда ахборот истеъмолчиси сифатида ота-она, ёшлар хулқ-атвор ва шу асосида шаклланган кўникмалар, виртуал олам иштирокчиси сифатида ота – она, ёшлар талқинида виртуаллик, маданият ва виртуал-педагогик маданият уйғунлашуви тушунчалари ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган бўлиб, медиа истеъмолчиси сифатида тобелик ҳолатлари, ота-она, ёшларнинг ахборот эҳтиёжларида виртуал – педагогик маданиятни ривожлантиришда онгли филтёрлаш асосий омил сифатида ўрганилди.

Тадқиқот натижасида ота-оналар ва ёшлар фикридан келиб чиқиб, Виртуал оламда ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан 3 тоифасини айтиш мумкин:

Биринчиси, ҳар қандай ҳолатда ҳам фарзандларига компьютердан, электрон ахборот воситаларидан фойдаланишни, иттиоотурли виртуал ўйинларни ўйнашни, умуман интернетга киришни қатъий чеклайди;

Иккинчиси, виртуал мулоқотлар, ўйинлар, ахборот алмашинувида маълум бир вақт чегараларни кўядаган ота-оналар;

Учинчиси, ҳеч қандай ҳолатда ҳам фарзандларини компьютер воситаларидан фойдаланишини чекламайди, қанча ҳохласа шунча вақт фойдаланиш имконига эга фарзанд. Интернет, виртуал олам орқали ушбу ота-онанинг фарзанди барча маълумотларни ўз ҳохлаганча, ҳохлаган вақт мобайнида ўтираверади.

Ушбу тоифадаги ота-оналарнинг фарзандларининг виртуаллашишида салбий ва ижобий томонларини кўриб чиқадиган бўлсак.

Биринчи тоифадаги ота-онанинг фарзанди, замонавий ахборот технологиялари воситаларини керак бўлганда ишлата олиш кўникмаларига эга бўла олмайди. Биринчи уринишдаёқ фейк маълумотларга, инфологема каби ҳолатларнинг қурбонига айланиш эҳтимоли жуда катта. Бу каби ҳолат ҳам ўз навбатида ёшларнинг ахборотлашишида муаммоларнинг келтириб чиқиш сабабига олиб келади.

Иккинчи ҳолатда, ота-она фарзандига маълум чегараларни кўйиши ҳам салбий ва ижобий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Ижобий ҳолати, ёшлар ўзига белгиланган вақт мобайнида керакли мавзуларни олишга, ўзини қизиқтирган масалаларда унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Ота-она назоратини ҳис қилиб туради ва виртуал оламда кераксиз мақсадларда фойдаланишга журъат этмаслиги мумкин.

Салбий ҳолати шундан иборатки, ёшлар назоратни бўлганлиги сабабли, назоратдан чиқишга ҳаракат қилади. Бошқалар сингари иш тутишга ҳаракат қилади, яъни белгиланган вақт чегарасида виртуал оламни бошқа қирраларини очишга ҳаракат қилади. Вақт чегарали бўлганлиги сабабли, у тезликда виртуал оламнинг сирларини ўрганишга ҳаракат қилади ва ўз навбатида турли фейк, инфологема қурбонига айланиши мумкин. Яъни ота-онанинг назоратини, ўзига нисбатан ишончсизлик, ота-она олдида фарзанднинг обрўсизлиги, бошқалар фарзандига ишонади, менинг ота-онам эса менга ишонмайди компьютер мосламасидан фойдаланишда чегара кўяди, дея ўзига ота-онасига нисбатан қарама-қарши муносабатлар, фикрлар ривожланиб боради. Бу ҳолатда ҳам ота-она ёшларга нисбатан эҳтиётсизлик қилиб кўйиши мумкин, ва бу ёшларни турли гуруҳларга, ҳоинлик ҳислатларини ривожлантирувчи, уларнинг ота-онасига қаршилиқ қилаётганини қўллайдиган гуруҳлар

исканжасига тушишига олиб келиши мумкин.

Учинчиҳолатэса, ёшларни эркин бўлишига ёрдам беради. Ушбу ота-онанинг фарзанди электрон ахборот технологияларининг барча имкониятларини билиши, интернет олами, виртуал ўйинлар, янги технологияларнинг янги имкониятлари ҳақида барча нарсаларни билиши мумкин. Лекин айнан гап ҳам мана шу барча имкониятлари, виртуал олам орқали бериб борилаётган ахборотларда. Ёшлар виртуал оламни, умуман электрон воситалардан фойдаланишни катталарга ҳам қараганда тезда ва яхши ўзлаштиради. Интернет тармоғи орқали йирик маълумотлар базаси секунд сайин ўзгаради. Жуда катта маълумотлар базаси шаклланади, виртуал оламда мулоқот қилинганда, виртуал ўйинларни ўйнаш орқали, ёки бирор бир ахборотни нусха кўчириш, ва яна бошқа хатти ҳаракатларни амалга оширганимизда, биз ҳақимизда маълумотлар базада тўпланиб боради. Бирор бир маълумот излаб виртуал оламга кирган ёшларнинг қизиқишлари асосида ўйинлар, ахборотлар экран четидан чиқиб келаверади, ёшлар айнан шу каби маълумотларга қизиқиб боради. Чунки бу маълумотлар, рекламалар, ахборотлар, ушбу инсоннинг қизиқишларини алгоритмлар орқали ўрганилиб, ҳар доим уни жалб қилиш учун экран ойналарида намоён бўлаверади. Бу ҳолатда, ёшлар ўз миясини керакли маълумотлардан кўра кераксиз маълумотлар билан тўлдириб қўяди, ўзи учун муҳим бўлган инсонийлик, ахлоқийлик, билимга интилувчанлик ҳолатлари секин аста йўқолиб боради. Чунки унинг учун ўзи топган олам қизиқарли бўлиб борверади, у ўзини ана шу оламда хотиржам сезади, ютуқларга эга бўлади, секин аста виртуаллик унинг ҳаёт маҳмунига айланиб боради.

Хулоса ва таклифлар. Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш соҳасини янада такомиллаштириш зарурати асосида тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ота-оналарда виртуал маданият ҳақидаги тасаввурлар етарли даражада ривожлантириш, айни вақтда уларда виртуал ахборот алмашинуви кўникмаларини самарали тарзда ривожлантириш зарур деб ўйлаймиз. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг турмуш тарзи ва ҳаётий мазмунига айланиб улгурган ижтимоий тармоқлардаги иштирокини эса онгли фильтрлаш орқали сингдириб бориш керак.

Бугунгикунда онгли фильтрлаш зарурияти ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларида, ахборот эҳтиёжларида ҳамда уларда виртуал – педагогик маданиятни ривожлантириш масалалари домий долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Бу эса биз тадқиқотчиларга онгли фильтрлаш усулларини ишлаб чиқиш, ахборот дастурий таъминоти - платформасини яратиш ҳамда жамоатчилик марказларида кенг тарғибот-таъвиқот қилиш имконини беради.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1059-сонли Қарори, 31 дкабрь, 2019.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.-Т.; Ўзбекистон: НМИУ, 2016. Б.14

3. Грицанов А. А., Галкин Д. В., Карпенко И. Д. Виртуальная реальность // Новейший философский словарь / Сост. и гл. науч. ред. А. А. Грицанов. 3-е изд., Мн.: Книжный Дом, 2003. 171—173. 1280 с. ISBN 985-428-636-

4. Хайдарова Х.Р. Критерии развития родительской педагогической культуры. Экономика и социум. Илмий-амалий ва электорон журнал. №72 (91)-2. 2021 йил. Б. 677-681

5. Леушкин Р. В. Виртуальный объект как проблема конструктивного реализма // Фундаментальные исследования. -2014. -№ 6. URL.: <http://www.etymonline.com/index.php?term=virtual>

5. Куронов М. ва бошқалар. Оилада маънавий - ахлоқий тарбия. Оммабоп рисола. “Маҳалла зиёси” республика ўқув услубий маркази.-Т.: 2015й. - Б.72

## **КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.063>

*Мирзаев Козимжон Камилджанович,*

*“Oriental private school” нодавлат таълим муассасаси бош директори*

*Аннотация: мақолада мактабгача ёшдаги болаларнинг тафаккурини креатив ёндашув асосида ривожлантириши масалалари ёритилган. Бунда мактабгача таълим тизими таълим жараёнини ислоҳ қилиш, педагоглар ва тарбиячиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириши, машгулотлар мазмундорлигини ошириши, болалар тафаккурини ривожлантириши бўйича маълумотлар берилган. Шунингдек ўрганилган адабиётлар ва кузатилган тажрибалар жараёнида бола тафаккурини ривожлантириши бўйича таклиф ва хулосалар келтирилган.*

*Калит сўзлар: креативлик, креатив ёндашув, тафаккур, касбий компетентлик, потенциал креативлик, педагогик креативлик, креатив қобилиятлар, креатив компетентлик.*

## **РАЗВИТИЕ МЫШЛЕНИЯ ДОШКОЛЬНИКОВ НА ОСНОВЕ ТВОРЧЕСКОГО ПОДХОДА**

*Мирзаев Козимжон Камилджанович,*

*Восточная частная школа негосударственного образования*

*Генеральный директор учреждения*

*Аннотация: В статье рассматривается развитие мышления у дошкольников на основе творческого подхода. Приведены сведения о реформировании воспитательного процесса в системе дошкольного образования, развитии профессиональной компетентности педагогов и воспитателей, повышении содержания уроков, развитии мышления детей. Имеются также предложения и выводы по развитию детского мышления в изученной литературе и наблюдаемых экспериментах.*

*Ключевые слова: творчество, творческий подход, мышление, профессиональная компетентность, творческий потенциал, педагогическое творчество, творческие способности, творческая компетентность.*

## **DEVELOPMENT OF THINKING OF PRESCHOOL CHILDREN ON THE BASIS OF A CREATIVE APPROACH**

*Mirzaev Kozimjon Kamildjanovich,*

*Oriental private school non-governmental education General Director of the institution*

*Annotation: V state rassmatrivaetsya razvitie myshleniya u doshkolnikov na osnove tvorcheskogo podkhoda. Privedeny svedeniya o reformirovanii vospitatelnogo protsessa v sisteme doshkolnogo obrazovaniya, razvitiy professionalnoy kompetentnosti pedagogov i vospitateley, povyshenii soderjaniya urokov, razvitiy myshleniya detey. Imeyutsya takje predlojeniya i vyvody po razvitiyu detskogo myshleniya v izuchennoy literature i nablyudaemykh eksperimentax.*

*Keywords: creativity, creative approach, thinking, professional competence, potential creativity, pedagogical creativity, creative abilities, creative competence.*

*Республикамизда глобаллашув шароитида юз бераётган таълим соҳасидаги ўзгаришлар асосида мактабгача таълим тизимида касбий ва методик фаолият*



самарадорлигини ошириш, тарбиячиларнинг креативлик потенциалини ривожлантириш юзасидан кенг миқёсда изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур жараён бугунги кунда креатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбия жараёнини модернизация қилишнинг устивор йўналишлари: ноформал (ўқитиш – асосий изланиш “Ҳамкорлик стратегияси” асосида ўқув жараёнига инновациялар, онлайн ўқитиш, тьюторли таълимга урғу берилиши) ва информал (ўқитиш – индивидуал ҳолатда ва шахсий) ўқитиш мазмунини такомиллаштириш, болаларнинг нутқ ва тафаккурини ривожлантиришнинг самарали шакл ва методларини ишлаб чиқиш, машғулотларнинг интеграциялашувини таъминлашнинг турли моделлари ва технологияларини яратиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сонли “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини тўғрисида”ги қарорлари, Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 30 августдаги 155-сон “Давлат мактабгача таълим ташкилотлари педагогларининг иш ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғида белгилаб берилган мактабгача таълим тизимини фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳалари билан интеграциялашувини таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммоси сифатида қаралиши мактабгача соҳа йўналишида фаолият юритаётган мутахассисларнинг педагогик маҳорати ва креатив қобилиятларига нисбатан талабларнинг ортиб бораётганлигини кўрсатади. Бундай талабларнинг юзага келиши илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда ўқув-услубий жараёнга инновацияларни жорий этиш, тарбиячиларнинг креатив потенциалини ривожлантириш ва педагогик компетентлик билан қуроллантириш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Республикада кейинги йилларда мактабгача таълим соҳасига қаратилаётган алоҳида эътибор ва мазкур йўналишда қабул қилинган бир қатор ҳужжатлар таълим сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш имконини берди.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда креатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш мазмунини такомиллаштириш педагоглар олдида қўйилган асосий вазифалардан биридир.

Мактабгача таълим муассасаларида “Илк қадам” ўқув дастурини татбиқ этишда шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларида юқори самарали замонавий таълим ва инновацион технологиялар, таълим - тарбия соҳасидаги ўзгаришларни узлуксиз таълим тизимининг энг қуйи бўғини мактабгача таълим тизимидан бошлаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлаш, соғлом генофондни, етук кадрларни тарбиялашда ғоят муҳим вазифалар сифатида кўрсатиб ўтилган.

Айтиш ўринлики глобаллашув, техноген цивилизация ёш авлод тарбиясига ҳам ўз таъсирини ўтказаятгани сир эмас, бугунги кун боласини “ўтмиш эртаклари, воқеалари” билан алдаб бўлмайдди, уларни реал воқеаларга асосланган маълумотлар қизиқтиради. Аксарият ҳолларда бир ёшли боламиз мобиль алоқа воситаларидан “фойдалана” олаётганлигини қувонч билан



гапирамиз. Демак, мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган замонавий тарбиячи мактабгача таълим соҳасида кечаётган янгиланишларни билиши, ўз устида тинмай ишлаши, доимий ўзгариб турувчи ностандарт шароитларда амалий фаолиятга инновацион тайёрлигини таъминлаш эҳтиёжини юзага келтирмоқда, бу эса кўшимча, ноанъанавий, параллел мустақил таълим тизимларини яратишга эҳтиёж туғдирмоқда.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги муаммолар орасида энг муҳимлари мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларини таълим жараёнига креатив ёндашув масалаларини модернизациялаш, инновация ва новация, инновацион таълим технологиялари билан қуроллантириш лозим. Креатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш жараёнини мазмунли ташкил қилиш таянч ўқув режасининг қанчалик мустаҳкам эгалланганлигига боғлиқ.

Креатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш жараёнининг ўзига хослиги дидактик имкониятига кўра янги таълим субъектлари: тарбиячи – тарбияланувчи – ота-она ҳамда методист-ўқитувчи-профессионал, фуқаро-шахс; тарбияланувчилар жамоаси; педагоглар жамоаси; жамоатчилик бирлашмаларини таркиб топтириш билан боғлиқдир.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш жараёнига янгича ёндашув учун зарурий шарт-шароитлар яратиш, уни мактабгача таълим ташкилотларининг таълимий имкониятлари ва тарбияланувчиларнинг қобилиятларини ўстириш билан боғлиқ мустақил фаолиятга ташаббус уйғотиш ва қўллаб-қувватлаш; тарбиячилар жамоасини ҳамкорликдаги ижтимоий аҳамиятга эга, инновацион ўқув лойиҳалари, дастурлар, таълим-тарбия технологияларини ишлаб чиқишдаги иштирокини таъминлаш, хорижий ҳамкорликни кенгайтириш тушунилади.

Айтиш ўринлики, мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларининг креатив қобилиятларини ривожлантириш таълим хизматларини диверсификациялаш, сифат менежментини жорий қилиш, педагогик технология ва таълим стратегияларини ўзаро интеграциялаш, таълим шакллари оптимизациялаш вазибаларини белгилайдиган техник ва инсон ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг “бутун” жараёнларини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методи ЮНЕСКО томонидан алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарорида мактабгача таълимда фанларни ривожлантирувчи муҳитнинг инновацион технологиялари ва модулларини ишлаб чиқиш, мактабгача ва умумий бошланғич таълим изчиллигининг мазмун ва процессуал компонентларини оптималлаштириш, мактабгача ёшдаги болаларнинг бадиий-эстетик ва мусикий тарбия ҳамда таълим даражасини ошириш, эрта ёшдан бошлаб STEAM ўқитиш асосларини жорий этиш муҳим вазифа сифатида кўрсатиб ўтилди.

Мазкур вазибалардан келиб чиққан ҳолда:

- болаларни сифатли мактабгача таълим билан қамраб олиш кўламини ошириш;
- болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш;
- мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларини илғор хорижий тажриба асосида замонавий менежмент ва педагогик технологиялар бўйича соҳага оид билимлар ва кўникмаларни ривожлантириш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Шу боис, мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантиришда таълим мазмуни креатив технологияларини ишлаб чиқиш, таълим сифатини ошириш, ўқув режа ва дастурларни модернизациялаш, педагог кадрларининг креатив тафаккурини шакллантириш, ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида “Эл-юрт умиди” жамғармаси фонди ҳисобидан тажриба алмашишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш заруриятини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Мавзу моҳиятидан келиб чиқиб айтиш жоизки, бугунги кунда педагогик атамалар луғатида “креатив”, “педагогик креативлик”, “креатив қобилиятлар”, “креатив компетентлик” терминларини жуда кўп учратамиз. Табиий савол туғилади, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантиришда креатив ёндашувнинг ўрни қандай? Бунинг зарурияти нимада? Мазкур саволларга жавоб беришдан олдин “креатив”, “педагогик креативлик”, “креатив қобилиятлар”, “креатив компетентлик” терминларига тўхталиб ўтсак. Илмий адабиётларда “креативлик” ҳамда “креатив компетентлик” тушунчалари қўлланилади.

Креативлик - (лот. «creativi»; ингл. «creativity») «яратиш», «бунёд қилиш») – бу ижодий қобилиятлик даражаси, шахснинг барқарор сифати ҳисобланадиган ижод қилишга бўлган қобилияти бўлиб, у креатив тафаккур билан боғлиқ. Креатив тафаккур – бу шахснинг ўз олдида турган вазифаларини ностандарт ҳал этиш ҳамда ўз мақсадларига эришишнинг янги, янада самаралироқ йўлларини топиш қобилиятидир. Яъни креативлик асосан бошқаларга ўхшамаган ғояларни ўйлаб топиш, анъана тусига кириб қолган фикрлашдан қочиш ҳамда муаммоли вазиятларни тез ҳамда самарали ҳал этиш йўлларини билиш ҳисобланади. Креативлик инсондаги ижодкорлик қобилиятини шакллантириш ва ривожлантиришга асос яратадиган индивидуал сифатларининг ҳамда фикрлаш қобилиятларининг бирлигидан иборат бўлади.

Креатив компетентлик (инг. «creative») яратувчанлик, ижодкорлик). Компетентликнинг бу тури педагогнинг янгилик яратиш, ижодкорлик ва ташкил этиш сингари кўникмаларга эга бўлиши билан боғлиқ. Креативлик фақатгина янги ғояларни яратиш учунгина эмас, балки шахснинг турмуш тарзи ва маънавиятини юксалтириш учун ҳам катта аҳамиятга эга. [97;]

Бир қатор педагогик адабиётлар таҳлили ва кейинги йилларда илмий изланишлар олиб борилган тадқиқот ишларида ҳам “креатив”, “педагогик креативлик”, “креатив қобилиятлар”, “креатив компетентлик” тушунчаларига атрофлича изоҳ бериб ўтилган. “Креатив ёндашув” тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларини келтириш мумкин.

Адабиётлар таҳлили асосида айтишимиз мумкинки, креативлик термини Англия-Америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлиб, бунда креативликнинг интеллект билан боғлиқлиги масалалари ҳамда креативликнинг психологик жиҳатлари ва унинг ҳар бир шахснинг индивидуал ўзига хос хусусиятларига боғлиқлиги ўрганилган. М.Н.Гнатъко креативликнинг механизмларини иккита турга ажратиб таҳлил қилган. Булар:

- потенциал креативлик - бу креативликнинг зарурий шarti бўлиб, қандай шароит бўлмасин педагогларнинг креативликга тайёр туриши, шунинг натижасида ўз ғояларини амалга оширишидир.

- фаолиятдаги креативлик – бу муайян бир соҳадаги креативлик ҳисобланади.

Креативлик педагогларда ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди [96;] Гносеологик, аксиологик ва креатив технологиялар (таълимнинг технологик воситалари)ни фаол равишда таълим жараёнида қўллаш креативлик

потенциалини ривожлантириб боришга замин яратади. Бу эса даврининг ижтимоий талаби бўлиб, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш жамият тараққиёти билан ҳамнафас тарзда педагоглардан ўз устида ишлашнинг, ўзини креатив бойитиб боришини, илм-фаннинг ютуқларидан бохабар бўлиб, уларни ўз фаолиятига сингдириб боришини талаб этади.

Бизнинг мавзумиз моҳиятидан келиб чиқиб айтишимиз лозимки, креатив ёндашув асосида мактабгача мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш тарбиячидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янги ёндашувни талаб этади.

Инсон ўз ҳаётида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, дуч келадиган муаммолар ечимини ҳал этиши, энг муҳими, ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган таянч компетенцияларга эга бўлиши лозим.

Педагогик фаолият ва кузатишларимиз асосида айтишимиз мумкинки, тарбиячилар ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган таянч креатив компетенцияларга эга бўлиши лозим. Фикримизча, ҳар бир тарбиячи касбига садоқат билан ёндашган ҳолда:

- интеллектуал-ижодий ташаббуслар кўрсатиши;
- касбий билимларининг кенглиги ва теранлиги;
- интеллектуал қобилиятларга эга бўлиши;
- турли зиддиятларга тайёр туриши;
- иждоий ғояларни илгари суриш ва уларга танқидий муносабатлар билдира олиш;

- янгиликларга интилиш;  
- ўзининг тажрибаларини бошқаларнинг тажрибалари билан таққослаган ҳолда ўзининг имкониятлари, камчиликлари ва муваффақиятларини англаб етиши;

- ўзидаги креатив жиҳатларни англай олиши;
- ўзини кўрсата олиши, янгиликларни амалиётга олиб киришга тайёр туриши;

- ҳар бир педагог тарбияланувчилар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш жараёнини лойиҳалашда таълим стратегиялардан ўзи учун мақбулини танлаши мумкин. (Стратегиялардан бирининг танланиши ўқитувчининг касбий тайёргарлиги, шахсий қизиқишлари, шунингдек, мавжуд ҳаётий вазиятларга боғлиқ).

Биламизки, ўйин мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий фаолияти ҳисобланади. Кун тартибининг тузишда кундузги уйқу, дам олиш вақти ва сайрга чиқиш вақти ҳисобга олинади. Айнан муассасада тўғри ташкил этилган кун тартиби болаларнинг нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Креатив ёндашув асосида тарбияланувчилар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантиришнинг тизимли таҳлили шуни кўрсатдики, таълим тизимига педагогик технологияларни самарали жорий этишда мавжуд муаммолар қаторига қуйидагилар киради:

–ўйинли таълим технологияси ғояларининг таълим жараёнига тўлақонли татбиқ этилиши учун минтақавий ички имкониятларни пухта ўрганиш;

–нутқ ўстириш, бадиий адабиёт ва бошқа машғулотларни ўқитилиши жараёнига илғор технологияларни жорий этиш интеграцион таълимни татбиқ этиш чораларини белгилаш, зарур шарт - шароитларни яратиш;

–боланинг индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда машғулотларни оммавий, гуруҳли ҳамда индивидуал турларини ташкил этишда уларни мустақил фикрлашларига имконият яратиш;

Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, инсон тафаккурига хос бўлган педагог фаолиятининг инвариант ва вариатив қисмларни ёритувчи лойиҳаларни яратиш ҳам тарбиячи-ўқитувчилардан билимдонликни,

аклий зўриқишни, бугунги тил билан айтиладиган бўлса, педагогик компетентлиликни талаб қилади. Бола шахсини унинг ҳуқуқлари, ўзига хос ривожланиш хусусият ва салоҳиятларини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш учун, аввало, тарбиячи ёки муаллимнинг ўзи “зукко” бўлмоғи шартдир. Бунинг учун педагогларнинг ўзаро дарсларига кириши, очик дарслар, ижодий фаолият олиб боришга қаратилган лойиҳалар устида ишлаши, семинарлар, касб билан боғлиқ турли конкурслар, илмий-амалий конференциялар, ижодий лабораториялар ҳам педагогларнинг креатив потенциалини ривожлантиришга муҳим педагогик аҳамият касб этади. Фанда улар мухтасарликда креатив компетентлик деб аталади.

Ўзбек тилининг изохли луғатида “нутқ ўстириш”, “тафаккур” тушунчаларига қуйидагича изох берилган. [130;]

Нутқ инсон томонидан ижтимоий - тарихий тажрибани ўзлаштириш, авлодларга узатиш ёки алоқа ўрнатиш, ўз шахсий ҳаракатларини режалаштириш ва амалга ошириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёни.

Педагог адабиётларни ва бир қатор педагог, психолог олимларимизнинг илмий изланишларини мушоҳада қилиб, мазкур тадқиқот ишида ўз ишчи таърифимиз қабул қилинди: “Креатив ёндашув асосида мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш – маҳсулдорлик, яъни ишлаб чиқилган янгилекларнинг креативлиги машғулотларда аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаган ҳолда ўз билими, ҳаётий тажрибаси, имконияти доирасида турли йўл ва усуллардан фойдаланиб креатив ва ижодий фикрлаш, мушоҳада юритишга йўналтирилган педагогик фаолиятдир”.

Тадқиқот ишларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш натижасида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш тушунчаларининг мазмун моҳиятини аниқ ва чуқур ўрганишга ҳам муваффақ бўлдик. Бу эса, тарбияланувчилари нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш тушунчасининг педагогик мазмуни типологиясини яратишга асос бўлди.

Мазкур типология асосида (типология - билиш методи бўлиб, унинг асосида объектлар тизимини тақсимлаш ва идеал моделлар ёки типлар ёрдамида уларни кейингилар учун гуруҳларга ажратиш, шунингдек типологик тасвирлаш натижасидир) креатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш модели диссертациянинг тажриба-синов ишлари босқичида илмий-назарий гипотеза тарзида амалиётга татбиқ этилди ва синовдан ўтказилди. “Мактабгача таълим ташкилотлари – умумий ўрта таълим муассасалари - оила” ҳамкорлик стратегияси мазмуни асосида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантиришда узвийликни таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди.

Муаллифлик ёндашуви асосида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш тушунчасининг педагогик мазмунини қуйидагича тасниф этдик: креатив ёндашув → тарбиячи → тарбияланувчилар → катта ва мактабга тайёрлов гуруҳи → ўз-ўзини англаш → нутқ ва тафаккурини ривожлантириш → креатив ва ижодий фикрлаш, мушоҳада юритишга алоҳида урғу бериш → креатив ҳаракат кўникмаларини ривожлантириш → креатив фикрлаш → креатив фаолият → креатив потенциалини ривожлантириш → креатив компетентлиликни ривожлантиришдаги узвийлиги таъминлашни, улар давомийлиги ва устуворлигини талаб этади.

Бизнинг фикримизча, мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш самарадорлигини оширишга йўналтирилган концепцияда қуйидаги тўртта асосий негиз устувор ўрин эгаллайди:



- мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантиришда халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, маънавий меросига таяниш;

- болалар нутқида тўғри талаффуз, қулай грамматик шакллар ва хилма-хил гап конструкцияларидан фойдаланишга эътибор қаратиш;

- иккинчи тилни ўрганишга қизиқиш уйғотиш, иккинчи тилни эгаллаш бўйича дастлабки билимларини бериш;

- катта ва мактабга тайёрлов гуруҳи болаларининг луғат ва сўз бойлигини ошириш; (Масалан, эртагимни давом эттир ҳар бир бола бир сўз ёки бир жумла орқали эртакани давом эттиради, шу орқали болада нутқ ва тафаккур жараёни ривожланишига эришилади)

-бадий адабиёт асарларига қизиқиш уйғотиш;

Креатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантиришда илмий-назарий ва амалий жиҳатдан қуйидаги вазифаларни амалга оширишга эришиш мақсадга мувофиқдир:

-замонавий педагогик технологиялар ва услубларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим муассасаларига педагог кадрларни таълим жараёнига креатив ёндашувларига эришиш, ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш;

- катта ва мактабга тайёрлов гуруҳи болаларининг нутқ ва тафаккурини Шарқ мутафаккирларининг илмий меросига асосланган видео тасвирлар воситасида шакллантириш;

- мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш;

- мактабгача таълим муассасасининг кўргазмали-ривожлантирувчи муҳити мазмуни маданий-тарихий қадриятлар: миллий ва минтақавий анъаналар; табиат, иқлимдан келиб чиқувчи миллий хусусиятларини англаб олишга бўлган эҳтиёжни таркиб топтириш;

- болаларни ўз билими, ўз кучи, ўз садоқатини аямасдан Ватани равнақи учун ҳисса қўша олишга тайёрлаш;

- мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини Ватанига фидойий, жасур, соғлом, билимли ва ҳар томонлама етук, юқори ахлоқли пок инсон бўлишга йўллаш;

- глобаллашув ва техноген цивилизация шароитида болаларни ахборот хавфсизлиги талабларини англаб етишга йўллаш, ижодкорлик фазилатларини таркиб топтириш;

- ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик каби ҳислатларни таркиб топтириш;

- болаларнинг нутқ ва тафаккурини шакллантиришда “Узлуксиз таълим-оила ва маҳалла”нинг роли муҳимлигини ҳисобга олиш.

Боланинг шаклланиши ва соғлом бўлиш даражаси “Узлуксиз таълим-оила ва маҳалла” билан бир қаторда мактабгача таълим ташкилотида фаолият юритаётган педагоглари тажрибаси ва касбий компетентлигига боғлиқдир.

Тадқиқотларимиз давомида биз, мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантиришнинг таркибий компонентларини таҳлил қилиб чиқдик. Бу мураккаб педагогик жараён бўлиб, уни амалга оширишда дидактика, тарбия назарияси, таълим менежментида олға сурилган илғор инновацион ғояларга таянган ҳолда иш кўриш талаб этилади. Ушбу жараёнда оила, таълим муассасалари ҳам фаол иштирок этишлари талаб этилади. Бу, албатта, биринчи навбатда, таълим жараёнидаги объектларнинг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда, тарбиявий иш мазмуни, шакл ва

методлари, воситаларини танлаб олинишини тақозо этади. Шу боис, “Илк кадам” ўқув дастури қайд этиб ўтилган “Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик” ҳамда “Бадиий адабиёт билан таништириш” бўлимлари мазмунан диссертацияда илгари сурилган муаммога бевосита боғлиқ бўлганлиги учун навбатдаги параграфларда таҳлил қилиб чиқдик.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, креатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш ўқув-методик ресурслар мазмунини инновацион таълим технологиялари асосида ташкил этиш, модулли технологиялардан фойдаланиб мактабгача таълим ташкилотлари ўқув дастурларини такомиллаштириб бориш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини

2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сонли “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

Поддьяков Н.Н. Мышление дошкольника. – М.: «Педагогика», 1977. –С. 222.

Гозиев Э. Тафаккур психологияси. – Т.: «Ўқитувчи», 1990.

Каримова В.М., Суннатова Р. Мустақил фикрлаш. – Т.: «Шарқ», 2000.

Нишонова З.Т. Мустақил ижодий фикрлаш. – Т.: «Фан», 2004.

**АУТИЗМ, АРТ-ТЕРАПИЯ ВА НАТИЖА**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.064>

Қосимова Сиёсатхон Тулашбоевна,

АДУ эркин тадқиқотчиси, Андижон шаҳар 31-ИМТТ дефектолог

**АУТИЗМ, АРТ-ТЕРАПИЯ И РЕЗУЛЬТАТЫ**

Косимова Сиёсатхон Тулашбаевна,

Независимый научный сотрудник АУЯ г. Андижан 31-ИМТТ дефектолог

**AUTISM, ART THERAPY AND RESULTS**

Kasimova Siyosatkhon Tulashbaevna,

Independent researcher of AUL, Andijan city 31-IMTT defectologist

*Аннотация:* Мақолада ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари педагоглари ўртасида мактабгача ёшдаги аутизмга чалинган болалар билан ишлашда арт-терапиядан фойдаланиш усуллари, улар билан ишлашнинг бир қатор махсус технологиялари ҳамда қайси усул билан ишланганда самарали натижага эришиш мумкинлиги бўйича ўтказилган сўровнома натижалари ва уларнинг таҳлили ёритилган.

*Калит сўзлар:* аутизмга чалинган болалар, арт-терапия, ҳулқ-атвор, педагогик -коррекцион таълим, педагогик-коррекцион тамойиллар.

*Аннотация:* В статье описаны результаты опроса, проведенного среди воспитателей профильных дошкольных учреждений по использованию арт-терапии в работе с детьми с дошкольным аутизмом, ряду специальных технологий работы с ними и способам эффективной работы.

*Ключевые слова:* дети с аутизмом, арт-терапия, поведение, педагогико-коррекционное воспитание, педагогико-коррекционные принципы.

*Annotation:* The article describes the results of a survey conducted among educators of specialized preschools on the use of art therapy in working with children with preschool autism, a number of special technologies for working with them and how to work effectively.

*Keywords:* children with autism, art therapy, behavior, pedagogical and correctional education, pedagogical and correctional principles.

Кириш. Ҳозирги кунда мамлакатда янги авлод Мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари тизимида ривожланишдан орқада қолаётган болалар учун қулай ва хавфсиз муҳитни яратиш бўйича барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бунга яққол мисол қилиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 сентябрдаги ПҚ-4440-сон “Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [1] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 августдаги 214-сон “Болалар церебрал фалажи ва Аутизм спектри бузилишларида тиббий-ижтимоий ёрдамни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги буйруқлари [2] дан ҳам кўриш мумкин.

Ҳар бир мамлакатда амалга ошириладиган таълим-тарбия тизими негизида муайян мақсадлар ётади. Давлат ва жамият тараққиёти, унинг истиқболи шу давлат, шу мамлакатда яшовчи фуқароларнинг жисмонан бақувват ва соғлом бўлиши билан белгиланади. Яхши орзу умидлар билан кутилаётган фарзандининг носоғлом ёки нуқсон билан туғилиши эса ҳар қандай оила учун фожeadир. Шунинг учун ҳам махсус педагогика умумий педагогиканинг таркибий қисми сифатида ривожланишида у ёки бу муаммолари бўлган



жамият аъзоларининг таълим-тарбияси билан шуғулланар экан, уларни соғлом жамият аъзолари қаторида ижтимоий мослашувини таъминлашни асосий вазифа қилиб олади.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги кунда мактабгача ёшдаги аутизмга чалинган болалар билан ишлашда уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳулқ-атворини коррекциялаш ва индивидуал ёндашган тарзда дастурлар ишлаб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Шундай экан, ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари дастурларига арт-терапия воситасида аутизмга чалинган болалар билан ишлаш технологияларини такомиллаштириш бўйича машғулотларни киритиш лозим.

-Ижтимоий ўзаро таъсир қилиш қобилиятини ва мулоқот қилиш қобилиятини шакллантириш, ҳиссий-аффеқтив соҳани уйғунлаштириш, ҳулқ-атворни тартибга солишни шакллантириш;

-бола билан мулоқот қилиш ва алоқа ўрнатиш орқали ҳулқ-атворнинг салбий шакллларини, тажовузкорликни бартараф этиш;

-аутизмга чалинган болаларга хос бўлган ҳиссий, эмоционал бузилишларни, ноқулайликни юмшатиш;

-ҳиссий, ижобий кайфиятни яратиш;

-арт-терапия воситасида аутизм ташхисли болалар билан ишлаш жараёнида боланинг фаоллигини ошириш;

-мақсадли ҳулқ-атворни ташкил этишдаги қийинчиликларни бартараф этиш;

-арт-терапия фаолияти жараёнида мақсадли ҳаракатларни ишлаб чиқиш;

-ижтимоий мослашиш функцияларини, мулоқот қобилиятларини ривожлантириш (болани бошқа одамлар билан саломлашишга, хайрлашишга, хатти-ҳаракатлар қоидаларига риоя қилишга, катталар талабларига риоя қилишга ўргатиш, ўзаро муносабатларнинг турли шакллари ўрганишга ёрдам бериш). Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда махсус педагогиканинг йўналишларидан бири бўлган олигофренопедагогика қаршида турган муҳим вазифалардан бири мактабгача таълим ташкилотларида аутизм ташхисли болалар билан ишлашнинг педагогик-коррекцион тизимини такомиллаштириш бўйича бир қанча янги усул ва методик йўлларни излаб топиш, шунингдек бу йўлда илмий-амалий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Тадқиқот объекти. Ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларидаги педагогик-коррекцион ишлар.

Қўлланилган усуллар: педагогик-коррекцион таҳлил, қиёсий таҳлил, кузатиш, сўровнома, саволнома, суҳбат, коррекцион эксперимент, математик-статистика методлари.

Муҳокама ва натижа. Ҳозирги кунда ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари дастурларида арт-терапия воситасида аутизмга чалинган болалар билан ишлаш технологияларини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

Мақола муаллифи томонидан олиб борилган изланишлар натижасида мавзу бўйича қуйидаги муаммолар аниқланди.

Бугунги кунда ИМТТ педагог ҳодимларининг аутизмга чалинган болалар билан амалга ошириладиган педагогик-коррекцион ишларни ташкил этишдаги камчиликлари:

-бугунги кунда ИМТТларда аксарият педагог ходимлар аутизм ташхисли бола билан ишлашда қандай жиҳатларга таяниб коррекциялашни билмайдилар;

-мактабгача ёшдаги аутизмга чалинган болалар билан ишлашда боланинг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олувчи махсус дастурлар мавжуд эмас;

-боланинг ижтимоий мослашуви билан боғлиқ коррекцион ишлар тизимли

ёндашувга асосланмаган;

- педогог ходимлар арт-терапия технологиясидан тўлиқ хабардор эмас.

Аутизм ташхисли бола билан ишлаш аслида қандай бўлиши керак?

-аутизмга чалинган болаларга хос бўлган ҳиссий ноқулайликни юмшатиш керак;

-ҳиссий ижобий кайфиятни яратиш зарур;

-арт-терапия воситасида аутизм ташхисли болалар билан ишлаш жараёнида боланинг фаоллигини ошириш керак;

-хулқ-атворнинг салбий шакллари (тажовузкорлик, негативизм) арт-терапия воситасида бартараф этишга йўналтириш лозим;

-мактабгача ёшдаги аутизмга чалинган болалар билан ишлаш учун боланинг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олувчи махсус дастурлар ишлаб чиқиш зарур;

-болани ижтимоий мослашуви билан боғлиқ коррекцион ишлар тизимли ёндашувга асосланган бўлиши шарт.

Ҳозирги кунда мактабгача ёшдаги аутизмга чалинган болалар билан ишлашга мўлжалланган бир қанча махсус услублар ва технологиялар мавжуд. Бироқ улардан фойдаланишда қайси технология аутизмга чалинган болаларда кўпроқ самара бериши кишини ўйлантиради. Шундан келиб чиқиб, ИМТТ педагог ходимларига қуйидаги мазмундаги сўровномалар тарқатилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.

Мактабгача ёшдаги аутизмга чалинган болалар билан ишлашда юзага келадиган мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари аниқлаш мақсадида ИМТТ педагог ходимлари учун сўровнома ишлаб чиқилди ва амалда қўлланилди.

Сўровнома Мактабгача таълим вазирлигига қарашли Республикадаги мавжуд ИМТТлар ходимларидан онлайн тарзда ва бевосита тўлдириб бериш йўли орқали олинди. Сўровномада жами 207та педагог ходимлар иштирок этдилар.

Жадвалга эътибор берилса, энг юқори фоизни 7-чи саволнинг А жавоби эгаллаган. Яъни, “Аутизм ташхисли бола билан таълим-тарбия ишларини олиб бориш ва коррекциялаш бўйича услубий қўлланмалар яратилиши зарур”, деган саволнинг “Тўлиқ қўшиламан” деган жавоби. Демак, ИМТТ педагог ходимлари учун бундай қўлланманинг яратилишига эҳтиёж катта. Шунингдек, яна жавобларга эътибор берилса 2-саволнинг А жавоби яъни, “Аутизмли бола мавжуд бўлган оилаларнинг тиббий-психологик-педагогик маданиятини ошириш, уларга малакали ижтимоий хизматлар кўрсатилишини йўлга қўйиш зарурлиги”, 3-саволнинг В жавоби “ИМТТ педагог ходимлари барчаси арт-терапия технологиясидан қисман хабардор эканлиги”, 4-саволнинг А жавоби “Мактабгача таълим ташкилотларида аутизмга чалинган болалар билан ишлашда арт-терапия технологиясидан фойдаланиш жуда самарали эканлиги”, 5- саволнинг А жавоби “Арт-терапия билан коррекция қилишга тизимли ёндашув аутизм ташхисли боланинг хулқ-атворини ижобий шакллантиришга асос бўлиши”, 6-саволнинг А жавоби “Олий таълим тизимида дефектолог мутахассислар тайёрлашда ДТС ва ўқув дастурларида болалар аутизми билан боғлиқ билим, кўникма ва малакаларга бўлган талабларни замонавий хусусиятларга мос ҳолда белгилаш зарурлиги” ҳақидаги фикрларнинг ҳам фоиз ҳисоби юқори эканлигини кўриш мумкин.

Мана шу фикрлардан келиб чиқиб, тадқиқотчи ИМТТ педагог ходимлари ҳамда аутизмга чалинган фарзанди бор ота-оналар учун “Мактабгача ёшдаги аутизмга чалинган болалар билан ишлашда арт-терапиянинг турли усулларида фойдаланиш” номли услубий қўлланма яратди. Қўлланмада тадқиқотчи арт-терапия воситасида мактабгача ёшдаги аутизмга чалинган болалар билан ишлаш усуллари ёритиб беришга ҳаракат қилган. Шунингдек, услубий

кўлланмадан арт-терапия тарихи, турлари, арт-терапия ёрдамида эмоционал бузилишларни бартараф этиш йўллари ва аутизмга чалинган болаларда кўллашнинг афзалликлари ҳақидаги маълумотлар ҳам жой олган.

Хулоса ва тавсиялар. Юқоридаги илмий-назарий далиллардан кўриниб турибдики, мактабгача ёшдаги аутизмга чалинган болалар билан ишлашда педагогик-коррекцион тизимни такомиллаштириш бўйича бир қанча янги усул ва йўллари излаб топиш, шунингдек бу йўлда илмий-амалий изланишлар олиб бориш муҳим ҳисобланиб, уларни амалга оширишда куйидаги педагогик-коррекцион тамойилларни рўёбга чиқариш лозим:

- аутизмга чалинган болаларнинг умумий ривожланишини шакллантириш;
- мавжуд камчиликларини педагогик-коррекцион ва тиббий соғломлаштириш усуллари орқали бартараф этишга эришиш;
- ижтимоий ҳаётга мослаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 сентябрдаги ПҚ-4440-сон қарори "Кам учрайдиган (Орфан)" ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида". Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.09.2019й., 07/19/4440/3711-сон; 11.02.2020й., 07/20/4592/0150-сон.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 августдаги 214-сон "Болалар церебрал фалажи ва Аутизм спектри бузилишларида тиббий-ижтимоий ёрдамни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги буйруқ. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.08.2020й., 17/20/214/сон; 11.02.2020й., 17/20/3282/0580-сон.

Autizm Brasil Sayt. [uzanalytics.com](http://uzanalytics.com)

**O'RTA MAXSUS HARBIY TA'LIM MUASSASALARIDA YOSHLARNI  
HARBIY SOHAGA QIZIQTIRISHNING VATANPARVARLIK OMILLARI**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.065>

*O'rinbaeva Dilfuza Abdumannobovna,  
O'zbekiston Respublikasi Milliy Gvardiyasi Toshkent "Temurbeklar maktabi"  
harbiy akademik litseyi tarix fani katta o'qituvchisi*

**ПАТРИОТИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ МОЛОДЕЖИ  
В ВОЕННУЮ СФЕРУ В СРЕДНИХ СПЕЦИАЛЬНЫХ ВОЕННО-  
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ**

*Уринбаева Дильфуза Абдуманнобовна,  
Ташкентский военно-академический лицей «Школа Темурбеклар»  
Национальной гвардии Республики Узбекистан  
старший учитель истории*

**PATRIOTIC FACTORS OF INVOLVING YOUNG PEOPLE IN  
THE MILITARY SPHERE IN SECONDARY SPECIAL MILITARY  
EDUCATIONAL INSTITUTIONS**

*Urinbaeva Dिल्фуза Abdumannobovna,  
Tashkent «Temurbeks School» military academic lyceum of the National  
Guard of the Republic of Uzbekistan  
senior history teacher*

*Annotatsiya: Mazkur maqolada o'rta maxsus harbiy ta'lim muassasalarida yoshlarni harbiy sohaga qiziqtirishning vatanparvarlik omillari haqida ma'lumotlar berilgan. Bugungi kunda yoshlarni O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safida xizmat qilish uchun tayyorlash Davlat miqyosidagi eng muhim vazifa sanaladi. Shuningdek, Yoshlarda vatanparvarlik g'oyalarini shakllantirish, ongi va tafakkuriga vatan ximoyasi sharafli va muqaddas burch ekanligini singdirish hamda ularni harbiy kasbga qiziqtirish va milliy armiyamiz bilan faxrlanish tuyg'usini uyg'otishdan iborat.*

*Kalit so'zlar: Ma'naviy jasorat, meros, ma'naviy tahdid, ma'rifat, ahloq, kasbiy tarbiya.*

*Аннотация: В данной статье представлена информация о патриотических факторах, привлекающих молодежь на военную службу в средних специальных военно-учебных заведениях. Сегодня важнейшей задачей государства является подготовка молодежи к службе в Вооруженных Силах Республики Узбекистан. Она также направлена на привитие молодым людям патриотических идей, внушение в их сознание и мышление того, что защита Родины является почетным и священным долгом, а также воспитание у них чувства интереса к военной профессии и гордости за нашу национальную армию.*

*Ключевые слова: Духовное мужество, наследие, духовная угроза, просвещение, нравственность, профессиональное образование.*

**Annotation:** This article provides information on the patriotic factors that attract young people to the military in secondary special military educational institutions. Today, the most important task of the state is to prepare young people for service in the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan. It also aims to instill in young people patriotic ideas, to instill in their minds and thinking that the defense of the homeland is an honorable and sacred duty, and to arouse their interest in the military profession and a sense of pride in our national army.

Key words: Spiritual courage, heritage, spiritual threat, enlightenment, morality, professional education.

Kirish. O'zbekiston Respublikasi tinchlik siyosatini olib borish bilan birga o'z zimmasiga fuqarolar havfsizligi, tinchlik va barqarorligini ta'minlash vazifalarini oladi. buyuk tarixiy jarayonda xalqimizning harbiy sohadagi boy merosiga tayanib, Jaloliddin Manguberdi, Sohibqiron Amir Temur, Zahiriddin Muhammad Bobur kabi buyuk sarkarda bobolarimizning jangovar an'analarini munosib davom ettirib kelayotgan, jismoniy va ma'naviy yetuk, zamonaviy bilim, qurol-yarog' va texnikalarni puxta egallagan, davlat va xalq manfaatlarini uchun har qanday sinov va mashaqqatlarni yengib o'tishga tayyor bo'lgan harbiylarimiz doimo faol ishtirok etib kelayotganlari har qanday yuksak e'tirofga munosibdir. Shu ma'noda, muqaddas qasamyodiga hamisha sodiq, el-yurt himoyasi yo'lida metin qalqon bo'lgan mard va jasur harbiylarimiz O'zbekistonning chinakam vatanparvar bahodirlari, desak, ayni haqiqatni aytgan bo'lamiz. Xalqimiz o'zining sizlar kabi botir va dovyurak farzandlari – Vatanimizning haqiqiy posbonlari bilan haqli ravishda faxrlanadi. [1]. Harbiy xavf potensial manbalari mavjud ekan O'zbekiston zaruriy etarlik darajasida davlat mudofaa qudratini mustahkamlashi zarur.

Xavf-xatar tug'ilishi mumkin bo'lgan sabablar:

1. Dunyoning turli mintaqalarida qurollangan guruhlarining bir joyga to'planishining yuqori darajasi;

2. Dunyo bo'yicha siyosiy vaziyatning kuchayishi;

3. Alohida davlatlar va davlat bloklarining o'z siyosatlarini kuch bilan hal qilishi;

4. Ba'zi davlatlarning boshqa mamlakatlar chegarasi yaqinida o'z qurolli kuchlari guruhlarini kuchaytirishga intilishi;

5. Chegaradosh mamlakatlarda yuzaga kelgan siyosiy ahvolning o'zgaruvchanligi va ularning kuchayishi imkoniyati mavjudligi;

Shu bilan birga millatlar orasida buzg'unchilik siyosatning olib borilish faoliyati.

Xalqning tinch hayoti va mamlakat havfsizligi kafolati, mustaqil rivojlanish va ijtimoiy munosabatlarni yangilash yo'liga qadam qo'ygan yosh mamlakat mustaqilgini kurlaydigan Qurolli Kuchlarimizning tarixiy vazifasi.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 52-moddasida yozilgan: O'zbekiston Respublikasini himoya qilish har bir O'zbekiston fuqarosning burchidir. Bu majburiyatimiz asosiy qomusimizda ham mustahkamlab o'tilgan.

Adabiyotlar tahlili va metodologiyasi. Bu borada qabul qilingan 2022-2026 yil davlat dasturining 100 ta maqsadining [2] 90-maqsadi: Davlatning mudofaa qobiliyatini yanada mustahkamlash, Qurolli Kuchlarning jangovar shayligini, uning imkoniyatlari va qobiliyatini kuchaytirish. Barcha bo'g'indagi hokimiyat organlari rahbarlarining qo'shinlar kundalik hayotida, harbiy shaharchalar barpo etish, ularning infratuzilmasini yaxshilash, yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda faol ishtirok etishini ta'minlash. Harbiy xizmatni o'tab qaytgan yoshlarning ijtimoiy muammolarini hal etish, ularni ish bilan ta'minlashga alohida e'tibor qaratish, Qurolli Kuchlarning barcha davlat idoralari, muassasa va korxonalar uchun yetuk kadrlar tayyorlaydigan maktabiga aylanishiga erishish. Mamlakat harbiy xavfsizligini ta'minlash va mudofaa salohiyatini mustahkamlash borasidagi qonunchilik hujjatlarini takomillashtirish. Qurolli Kuchlar yagona avtomatlashtirilgan boshqaruv tizimini yaratish va raqamlashtirishni yanada takomillashtirish. Qurolli Kuchlarda yagona axborot kommunikatsiya tizimini yaratish va axborot xavfsizligini ta'minlash. Mudofaa vazirligi qo'shinlarining jangovar shayligi va tayyorgarligi hamda o'quv moddiy-texnika bazasini yanada takomillashtirish. Fuqarolarning harbiy xizmatni o'tash tartibini yanada

takomillashtirish. Oliy harbiy ta'lim muassasalariga nomzodlarni saralash va tanlab olish tizimini yanada takomillashtirish kabi Mard o'g'lon haqida Mahmud Zamaxshariy yozadi: "Mard kishi mag'lub bo'lgani bilan uning martabasi past bo'lmas, mashaqqatu tashvishga giriftor bo'lsa-da, xor bo'lmas". Demak, o'sib kelayotgan yosh avlodni barkamol inson jumladan Vatanni sevadigan, vatanparvar jonkuyar sifatida tarbiyalash muhim vazifalardan sanaladi. Mana shunday dolzarb vazifaning muvaffaqiyatli amalga oshirishda asrlar sinovidan omon o'tgan, necha-necha davr kishilarini ezgu xislat va fazilatlar egasi qilib tarbiyalashga yaqindan yordam bergan buyuk allomalarimiz hayoti, ularning dunyo tamadduniga munosib ulush bo'lib qo'shilgan ma'naviy merosi, asarlaridan to'laqonli foydalanish lozim. Bunday imkoniyat faqat mustaqillik sababligina yaratildi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoyev O'zbekiston Prezidenti huzuridagi Xavfsizlik kengashining majlisida nutq so'zlab: "Biz ayni shu asosda mamlakatimiz mudofaa salohiyatini mustahkamlashni O'zbekistonni rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasining ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida belgilab oldik. Strategiyaga binoan 2017-yilda boshqa sohalar qatorida harbiy qurilish borasida ham keng ko'lamli o'zgarishlar amalga oshirildi. Qisqa muddatda dastlabki aniq natijalarga erishdik va yangilanayotgan Qurolli Kuchlarimiz bo'yicha strategik yondashuvni ishlab chiqdik".

Shu yildan 14-yanvar vatan himoyachilar kuni munasabati bilan "Xalq va armiya – bir tanu, bir jon" shiori ostida barcha ta'lim muassasalarida o'quvchilar bilan davra suhbatlari tashkil etildi. Davra suhbatining asosiy maqsad, xalq va armiya yakdilligini yanada mustahkamlash, yoshlarni vatanparvarlik va millatparvarlik g'oyalari shakllantirish, ongi va tafakkuriga vatan ximoyasi sharafli va muqaddas burch ekanligini singdirish hamda ularni harbiy kasbga qiziqtirish va milliy armiyamiz bilan faxrlanish tuyg'usini uyg'otishdan iborat bo'ldi. Hozirgi vaqtda butun jamiyatimizda, jumladan, Qurolli Kuchlarimiz tizimida ham amalga oshirilayotgan islohotlarimiz asosida "Inson qadri uchun" degan muhim tamoyil asosiy hisoblanadi.

Yoshlarni O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safida xizmat qilish uchun tayyorlash Davlat miqyosidagi vazifa sanaladi. Shu vazifani hal qilishda "Chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik, shu jumladan fuqaro muhofazasi va tibbiy bilim asoslari bo'yicha tayyorgarlik o'quv dasturidagi majburiy fan bo'lib, umumiy o'rta, o'rta maxsus va boshlang'ich professional ta'lim muassasalarida chaqiruvga qadar tayyorgarlik o'qituvchilari tomonidan bitirish yili arafasidagi kurslardan yoki sinflardan boshlab o'tiladi"[3]. Bu borada Yoshlarga harbiy ta'lim berishda ularga qo'shinlarning o'quv-jangovar faoliyatida bajariladigan mashqlar, harakatlar va amallarni harbiy qismlardagidek o'rgatish muhim ahamiyatga ega. Bu mashqlarni ko'p marotaba takrorlash natijasida yoshlarda zaruriy harbiy bilimlar va kasbiy ko'nikmalar asoslari yuzaga keladi.

Muhokama. Yoshlar – Vatanimizning, millatimizning kelajagidir. Vatanimiz taqdirini ularga ishonib topshirar ekanmiz, avvalo ular zimmalariga yuklatilayotgan murakkab va mas'uliyatli vazifani butun mohiyati ila chuqur anglashlari, unga o'zlarini hissalarini qo'shishlari lozim. Zero, Vatanni sevish, unga mehr-muhabbat qo'yish bevosita har kimning shu yurt ravnaqi yo'lida amalga oshirayotgan bunyodkorona ishlari bilan belgilanadi.

Milliy o'zlikni anglashning rivojlanishida milliy vatanparvarlik g'oyalari bilan sug'orilgan, teran fikrlovchi yoshlarni tarbiyalash katta ahamiyatga egadir. Shuning uchun Vatan himoyasiga tayyorlanayotgan yoshlarimizning har biri yuksak vatanparvarlik ruhida tarbiyalanishi shart. Vatanparvarlik – yuksak insoniy fazilat hisoblanadi. Vatanparvarlik komillikning eng yorqin jihatlaridan biridir. SHuning uchun ham Hadisi Sharifda "Vatanni sevmoq – iymondandur" deb da'vat qilinadi. Vaholanki, o'tmishda jahon sivilizatsiyasiga ulkan hissa qo'shgan xalqning

bugungi avlodlari, o'z meroslarining jahon xalqlari tomonidan e'tirof etilishini ta'kidlab o'tish joizdir, zero ularda bu kabi his – tuyg'ular milliy g'urur hamda ruhiy barkamollikka etaklaydi, milliy o'zligini anglashga intilishini kuchaytiradi.

Harbiy vatanparvarlik tarbiyasi jismoniy tarbiya bilan uzviy bog'liq suratda olib borilganidagina yaxshi natija beradi. Shuning uchun harbiy vatanparvarlik tarbiyasini jismoniy tarbiyasiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Sovuqqa va issiqqa bardoshli bo'lish, kasalliklarga tezda berilmaslik, qiyinchiliklarni engish, irodalilik. sabot – matonatlik, tez va chaqqon harakat qila bilish kabi Vatan mudofaachisiga xos fazilatlarini talaba – yoshlar va o'qituvchilarda rivojlantirishda jismoniy tarbiya va sport o'inarining roli benihoyat kattadir. Shundan kelib chiqib, 2022-2026 yil davlat dasturida esa “Barcha bo'g'indagi hokimiyat organlari rahbarlarining qo'shinlar kundalik hayotida, harbiy shaharchalar barpo etish, ularning infratuzilmasini yaxshilash, yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda faol ishtirok etishini ta'minlash. Harbiy xizmatni o'tab qaytgan yoshlarning ijtimoiy muammolarini hal etish, ularni ish bilan ta'minlashga alohida e'tibor qaratish, Qurolli Kuchlarning barcha davlat idoralari, muassasa va korxonalar uchun yetuk kadrlar tayyorlaydigan maktabiga aylanishiga erishish.[4] kabi rejalar ilgari surilgan. Bugun yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularni Vatan mudofaasiga jismonan va ma'naviy jihatdan tayyorlash zarurligi hozirgi kunning dolzarb vazifalaridan biridir.

Natija. Umumta'lim o'quv muassasalarida, o'rta maxsus va o'rta kasb-hunar ta'limi muassasalarida o'quvchilarni, shu jumladan oliy ta'lim dargohlarida ta'lim olayotgan talaba – yoshlarni harbiy vatanparvarlik ruhida tayyorlash endilikda ta'lim – tarbiya ishlarining barcha tizimlari orqali amalga oshirilmoqda.

Darhaqiqat, Vatanga nisbatan chinakam sadoqat uni himoya qilishga ham qodir bo'lishni talab etadi. O'quvchilarni harbiy vatanparvarlik ruhida tarbiyalash barcha turdagi faoliyat ko'rsatayotgan ta'lim muassasalarining asosiy o'rin egallashi darkordir. Albatta buning uchun talaba – yoshlar harbiy vatanparvarlik tarbiyasining nazariy va amaliy bilimlariga ega bo'lishi, o'quv yurtlardagi pedagogik jamoalarining muhim vazifalaridan biri hisoblanadi. Uni muvaffaqiyatli hal etishda “Harbiy vatanparvarlik tarbiyasi” fanini yanada takomillashtirish bu jarayonlarga yordam beradi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 16 avgustdagi PQ-3216-son [5] qarori bilan har bir viloyatda bittadan Ichki ishlar vazirligining akademik litseylari tashkil etilgan. Prezidentimizning ushbu qaroriga asosan: 2020/2021 o'quv yilidan boshlab Akademiya kunduzgi ta'lim shakliga qabul faqat IIV akademik litseylari, harbiy akademik litseylar bitiruvchilari tarkibidan amalga oshiriladi; Favqulodda vaziyatlar vazirligining Yong'in xavfsizligi akademiyasi va Milliy gvardiya Harbiy-texnika institutiga o'qishga kirishda IIV akademik litseylarining bitiruvchilari uchun ularning test sinovlari davomida to'plash mumkin bo'lgan eng yuqori ballning 10 foizi miqdorida qo'shimcha ballar tarzida imtiyozli shartlar nazarda tutiladi; Ichki ishlar vazirligi Akademiyasi, FVV Yong'in xavfsizligi akademiyasi yoki MG Harbiy-texnika institutiga o'qishga kira olmagan IIV akademik litseylari bitiruvchilari O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vaziri tomonidan belgilanadigan tartibda ustunlik asosida ichki ishlar organlari xizmatiga qabul qilinadi.

Harbiy vatanparvarlik tarbiyasi bo'yicha masalalar boshlang'ich harbiy tayyorgarlik fanni maktabning quyi bosqichidan o'rganish asosida harbiy sohaga yanada qiziqishlari ortib boradi. Amir Temur “Temur tuzuklari” asarida “Amr qildimki, qaysi bir amir biron mamlakatni fath etsa, yo g'anim lashkarini yengsa, unga uch narsa bilan imtiyoz bersinlar: faxrli xitob, tug' va nog'ora topshirib, uni «bahodir» deb atasinlar; uni davlat va saltanat sherigi (deb) bilib, kengash majlisiga kirgizsinlar; unga chegara viloyati topshirilsin va o'sha yerlik amirlar unga bo'ysunsinlar. Agar amirlardan qaysi birovi to'rani (xon o'g'lini) yengsa yoki biron amirzodaga shikast yetkazsa, yo biror o'lka xonini mag'lub etsa, uni

yuqoridagi tartibda mukofotlasinlar.[6] Bundan kelib chiqadiki, har yili 14-yanvar “Vatan himoyachilar kuni” bayrami bilan harbiy hizmatchilar va huquqni muhofaza qilish organlari hodimlaridan bir guruhini mukofotlash bo’lib o’tadi. Bu sharafli va muqaddas kasb egalariga bo’lgan ibratli faoliyatni na’munasidir.

Xulosa. Xulosa qilib, Vatanparvarlik yurtimiz tinchlik-osoyishtaligini ta’minlashning garovidir. Mavlono Fuzuliyning: “Mening bitta hayotim bor, bordiyu ming- ta hayotga ega bo’lganimda ham hammasini Vatan uchun sarflagan bo’lur edim” degan so’zlari yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda bebaho o’g’itdir. “Kimki o’z yurtini sevmasa, u hych nimani seva olmaydi”, “Kimki o’z Vataniga daxldor bo’lmasa, u insoniyatga ham daxldor emas” kabi fikrlar esa vatanparvarlik jamiyat hayotining ma’naviy asosi ekanligi yana bir bor eslatadi. U jamiyatni rivojlantiruvchi, shaxsni faol fuqaro maqomida o’z Vataniga fidoyi bo’lib xizmat qilishga safarbar etuvchi ichki kuch sifatida xizmat qiladi va ijtimoiy hodisa sifatida har qanday millat va davlatning yashashi va rivojlanishini mustahkamlovchi asosiy omil hisoblanadi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev O’zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganining 30 yilligi munosabati bilan harbiylarni tabrikladi. Xalq so’zi gazetasi 2022 yil 14 yanvar №9 (8071).

O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son Farmoni, “Inson qadrini ulug’lash va faol mahalla yili” davlat dasturi. Xalq so’zi gazetasi 2022 yil 1 fevral №23 (8085).

O’zbekiston Respublikasining 2021-yil 30-sentabrdagi O’RQ-718-sonli Qonuni 13-moddaning birinchi qismi, 30.09.2021-y., 03/21/718/0920-son

O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son Farmoni, “Inson qadrini ulug’lash va faol mahalla yili” davlat dasturi. Xalq so’zi gazetasi 2022 yil 1 fevral №23 (8085).

Temur tuzuklari. -T.: G’afur G’ulom nomidagi nashriyot-matbaa birlashmasi, 1991. -64-b

Marsel Brian. Menkim, Sohibqiron-Jahongir Temur. “Yangi asr avlodi”. T.: 2016



## ТАЛАБАЛАРДАГИ АҚЛИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ ЕТАКЧИ СИГНАЛЛАР ТИЗИМИГА БОҒЛИҚЛИгини ЎРГАНИЛИШИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.066>

Усмонов Шерзод Ахмаджонович,

Фаргона давлат университети, Психология кафедраси ўқитувчиси

*Аннотация. Ушбу мақолада етакчи сигналлар тизими ва унинг ақлий қобилиятларга боғлиқлиги ҳам назарий ҳам амалий ўрганишлар натижалари ҳамда илмий хулосалари келтирилган*

*Калит сўзлар: қобилият, иқтидор, аналитик тафаккур, ирода, эмоционаллик, сигнал тизими, хотира, ҳаёл, идрок, наverbал интеллект, verbал интеллект.*

## STUDIES OF THE DEPENDENCE OF STUDENTS' MENTAL ABILITIES ON THE SYSTEM OF LEADING SIGNALS

*Annotation. This article presents scientific conclusions based on the results of both theoretical and practical studies of the leading system of signals and its dependence on intelligent capabilities*

*Keywords: ability, ability, analytical thinking, will, emotionality, alarm system, memory, fantasy, perception, naverbal intelligence, verbal intelligence.*

## ИССЛЕДОВАНИЯ ЗАВИСИМОСТИ УМСТВЕННЫХ СПОСОБНОСТЕЙ У СТУДЕНТОВ К СИСТЕМЕ ВЕДУЩИХ СИГНАЛОВ

Усмонов Шерзод Ахмаджонович,

Преподаватель кафедры Психологии Ферганский государственный университет

*Аннотация: В этой статье ведущая сигнальная система и зависимость от умственных способностей, как теоретической так и практической даны научные выводы.*

*Ключевые слова: способность, талант, аналитическое мышление, воля, эмоциональность, сигнальная система, память, воображение, восприятие, вербальный интеллект, невербальный интеллект.*

Бугунги кунда келажак авлодларимиз бўлган ёшларга алоҳида эътибор берилиб, уларни ҳар томонлама ривожланган комил шахс ҳамда рақобатбардош кадрлар сифатида шаклланиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Интеллектуал салоҳиятга эга иқтидорли ёшлар эса жамиятнинг ривожланишига ўзининг билими ва ютуққа эришишга интилувчанлиги билан катта хисса қўша олади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Муҳаммад ал Хоразмий” номидаги мактабда ёшлар билан бўлган учрашувдаги сўзлаган нутқида “Бугун барча соҳаларда билимли, ижтимоий фаол, халқ манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўядиган, ҳалол ва жонкуяр ёш раҳбарларга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Биз дунёқараши кенг, креатив фикрлайдиган, муаммоли вазиятларда тўғри қарор қабул қила оладиган ёшларни масъулиятли вазифаларга тайёрлаёмиз. Аммо мамлакатимизда ёш раҳбарларни саралайдиган уларнинг лаёқатига мос лавозимлар таклиф этадиган самарали механизм мавжуд эмас” лиги ҳақида фикр юритган эди. Шу нуқтаи назардан жамиятимиздаги ёшлар орасидан қобилиятлиларини саралаш уларнинг самарали ва ишончли ҳамда миллий минталитетга мос ташхис методларини

ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда қобилият ва иқтидор масалаларида Ф.Галтон, Ж.Локк, Л.С.Выготский, Б.Г.Ананьев, С.Л.Рубинштейн, Б.М.Теплов, Н.С. Лейтес, А.Н.Леонтьев, П.Я.Гальперин, В.А.Крутецкий, А.М.Матюшкинларнинг олиб борилган илмий тадқиқотлар алоҳида эътиборга молик.

Ўзбекистонда М.Воҳидов, М.Давлетшин, Э.Ғозиев ва бошқа олимларнинг илмий ишларида интеллект ёш даврларининг ўзига хос жиҳатларини ёритганлигини, Б.Р.Қодиров, А.Ф. Азимовалар ўқувчиларнинг ақлий қобилиятини аниқлаш методикалар ишлаб чиққан[1], аммо талаба ёшларнинг ақлий қобилиятини ўрганиш ва уларнинг кейинги таълимини ташкил этиш жуда кам ўрганилган.

И.Павлов мия ярим шарларининг шартли рефлекс фаоллигини бош миянинг сигнализация фаолияти деб номлади. Сигнал тизими маълумотни идрок этиш, таҳлил қилиш ва тананинг реакциясини амалга оширадиган асаб тизимидаги жараёнлар тўплами сифати намоён бўлади. Унинг таъкидлашича танага ташқи муҳитнинг қўзғатувчилари уни ўраб турган дунёда нималар рой бераётганлиги ҳақида сигнал бериб туради. И.Павлов сезги аъзоларига таъсир қилувчи нарса ва ҳодисалар туфайли мияга кирадиган сигналларни биринчи сигнал тизими деб номлади. Биринчи сигнал тизими у ташқи муҳитнинг бевосита қўзғатувчиларини (сигналларини) сезги ретсепторлари орқали идрок этиш билан боғлиқ бўлган (масалан, ёруғлик, иссиқлик, оғрик ва ҳоказолар) мия пўстлоғининг фаолиятидир. У шартли рефлексларнинг ривожланиши учун асос бўлиб, ҳайвонлар ва одамлар учун хосдир. Лекин, И.Павлов таъкидлаганидек, одамларда меҳнат ва ижтимоий муносабатлар жараёнида асабий фаолият механизмларининг фавқулудда ўсиши содир бўлди. Бу ўсиш И.Павловнинг назариясига кўра иккинчи сигнал тизими яъни инсон нутқининг вужудга келишига олиб келди.

Инсонлар ҳайвонларнинг шартли рефлексларидан фарқли ўларок, атрофдаги воқеликни аниқ эшитиш, кўриш ва бошқа ҳиссий сигналлар ёрдамида акс эттиради ҳамда иккинчи сигнал тизимининг стимуллари сўзлар билан ифодаланган умумлаштирувчи, мавҳум тушунчалар ёрдамида атрофдаги ҳақиқатни акс эттиради. Ҳайвонлар фақат тўғридан-тўғри идрок этилган сигнал стимуллари асосида ҳосил бўлган тасвирлар билан ҳаракат қилса, одам ўзининг ривожланган иккинчи сигнал тизими билан нафақат тасвирлар, балки боғланган фикрлар, семантик (семантик) маълумотларни ўз ичига олган мазмунли тасвирлар билан ҳам ишлайди. Иккинчи сигнал тизимининг стимуллари асосан инсоннинг ақлий фаолияти билан боғлиқ.

Инсондаги мавжуд иккинчи сигнал тизими биринчиси сигнал тизими асосида шаклланади. Яъни нутқ матори, эшитиш ва кўриш анализаторлари ёрдамида вужудга келади.

И.П. Павлов муайян шахсда биринчи ва иккинчи сигнализация тизимларининг нисбатларини ҳисобга олган ҳолда воқеликни идрок этишда биринчи ёки иккинчи сигнализация тизимининг устунлигига қараб ўзига хос инсоний турларини аниқлади. Уни таъкидлашича, бирламчи сигнал стимуллари учун жавоб берадиган кортикал проэкциялар функциялари устун бўлган одамларни бадий турга боғлади (бу турдаги вакиллар орасида мажозий фикрлаш тури устунлик қилади). Бу атрофдаги воқеаларни визуал ва эшитиш сезгиларининг ёрқинлиги билан ажралиб турадиган одамлар (рассомлар ва мусиқачилар). Агар иккинчи сигнал тизими кучлироқ бўлиб чиқса, унда бундай одамлар фикрлаш турига киради. Бу турдаги одамларда мантиқий фикрлаш тури, мавҳум тушунчаларни тузиш қобилияти (олимлар, файласуфлар) устунлик қилади. Яна бир тур инсонлар борки, уларнинг биринчи ва иккинчи сигналлар тизими бир хил кучга эга бўлиб, бундай

инсонлар жамиятда кўпчиликни ташкил қилади.

Биз тадқиқотимизнинг синалувчиларнинг «Етакчи сигнал тизимини аниқлаш» мақсадида Б.Р.Қодировнинг ушбу номдаги сўровномасидан фойдаландик. Ушбу сўровнома орқали синалувчилар “Мулоқандмандлик”, “Фаоллик”, “Эмоционаллик”, “Хотира”, “Хаёл”, “Ўзини ўзи бошқариш”, “Аналитик тафаккур”, “Ирода”, “Хавотирланиш”, “Ўзини ўзи баҳолаш” каби 10 та шкала бўйича боҳоланадилар. Биринчи ва иккинчи сигналлар тизимининг умумий кўрсаткичи ва уларнинг нисбати «сигнал коэффициенти» шаклида ҳисоблаб чиқилди.

Ушбу тадқиқотда Фарғона давлат университетида таҳсил олаётган 326 нафар талаба ёшларидан олинган сўровнома натижаларининг бирламчи статистик таҳлили натижалари 1-жадвалда ўз аксини топди. Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, сўровномадаги 10 та шкала бўйича олинган натижалар асосида биринчи ва иккинчи сигналларининг умумий кўрсаткичлари олинди. Ушбу натижаларнинг ўзаро нисбатидан «сигнал коэффициенти» аниқланди.


1-жадвал

Етакчи сигнал устунликлари кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Мин	Макс	Ўртача	Ст.оғиш	Асим-метрия	Экс-цесс
Биринчи сигнал кўрсаткичи	76,56	261	190,09	27,19	-0,47	1,37
Иккинчи сигнал кўрсаткичи	77	247	174,28	26,53	0,03	0,45
Сигнал коэффициенти	-18,37	12,67	-4,36	5,89	0,09	-0,31

Биринчи сигнал кўрсаткичи 76,56 баллдан 256 балгача ораликда тақсимланган бўлиб, уларнинг ўртача ва стандарт оғиш қийматлари  $190,09 \pm 27,19$  чегарасида ўзгариб туради. Ушбу рақамлар биринчи сигнал натижаларини ўртачаси тахминан 162 баллдан 218 балл оралиғида жойлашган бўлиб, бу умумий синалувчиларнинг 69,63 фоизини камраб олмоқда(1-диаграмма).

1-диаграмма



Иккинчи сигнал кўрсаткичи бўйича синалувчиларнинг умумий баллари 77 баллдан 247 балгача ораликда тақсимланган бўлиб, уларнинг ўртача ва стандарт оғиш қийматлари  $174,28 \pm 26,53$  чегарасида ўзгариб туради. Ушбу рақамлар иккинчи сигнал натижаларини ўртачаси тахминан 147 баллдан 201 балл оралиғида жойлашган бўлиб, бу умумий синалувчиларнинг 72,7 фоизга яқинини камраб олмоқда(2-диаграмма).

2-диаграмма



